

Э.Н. Ходжаев, Н.Х. Рузибаева

МОЛИЯ БОЗОРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МОЛИЯ БОЗОРИ

(Ўқув кўлланма)

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Кенгаши
томонидан 5230600 – Молия ва бошқа таълим
йўналийларида таҳсил олаётган талабалар учун ўқув
кўлланма сифатида тавсия этилган*

САМАРҚАНД

УЎК: 330.322.01

КБК 65.263

М 18

М 18

Молия бозори. – Самарқанд: “Зарафшон”, 2018. – 220 б.

ISBN 978-9943-13-720-2

Унбу ўкув кўлланмада молия бозориниг иқтисодиётдан ўрин, аҳамияти, зарурлиги, функциялари, молия бозори индикаторлари, молия бозори инструментлари, кимматли когозларнинг турлари, кимматли когозлар рейтингни ва индекслар биржашар ва уларнинг фаолияти, давлат молия ташкилотларини молия бозоридаги ўрин, молия бозори рисклари ва инвестиция портфелини бошкарни каби масалалар ўз аксини топган.

Ўкув кўлланмада молия бозорини назарий асослари ёритиштан бўлиб, у 5230600 – “Молия” ва бонка бакалаврият таълим йўналишилари талабаларни “Молия бозори” фанидан ўкув кўлланма сифатида тавсия этилади.

Муаллифлар:

Э.Н. Холжаев, Н.Х. Рузибаева

Тяқризчилар: *Мухаммедов М.М.* – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Касбхунар таълими” кафедраси профессори, и.ф.д.

Муртизаев О. – Самарқанд ветеринария медицинаси институти “Агрономиқтисодиёт ва бухгалтерия хисоби” кафедраси мудири, профессор, и.ф.д.

Ўкув кўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўкув-услубий Кенгашининг 2018 йил 27 август 1-сон баён йигинчишида муҳокама қилинидан ва тасдиқланади.

Институт Кенгашининг 2018 йил 30 августдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

ISBN 978-9943-13-720-2

© Зарафшон, 2018

КИРИШ

Замонавий ва илгор технологияларга асосланган инновацион ривожланиш, фаровон турмуш тарзни турили муносабатлар билан бонлик молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта, Шу билан бирга, анъанавий молиявий марказ шаҳарларда ҳам янги ўзгаришиярни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори модели замойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодистига ўтиш республика иқтисодий ривожланиш стратегиясининг яхлит эканлиги хозирги кундаги ийкор этилмайдиган ҳакикатdir. Дунёнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар ташласак, қимматли қоғозлар бозори узоқ йиллар давомида стихияли равинида юзага келган. Шундан кейин қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиб турувчи концуплар кабул қилинган. Мамлакатимизда эса, миллий қимматли қоғозлар бозори билан биргаликда унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи конуний меъёрий-хужжатлар параллел равинида такомиллаштириб борилмоқла.

Ўзбекистонда молия бозорларини ривожлантириш бўйича жадал ислохотлар олиб борилаётган бир пайтда, унинг иштирокчилари ўргасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари мухим йўналини сифатида юзага чиқмоқда. Шу сабабли ҳам, ушбу ўрганилган тарихий маълумотлар молия бозорларини тартибга солининг миллий тизимиши шакллантиришда ва уни ривожланишини таъминлантида мақсадларни аниклаб олиш учун мухим саналади. Яққол кўринадиги, бугунги кунда амал қиладиган замонавий тартибга солиш назариялари, асосан, ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотлар томонидан асос солинган ва ҳалқаро даражада эмитентлар ҳамда инвесторларни жалб этиш учун ракобат натижасида шаклланган. Молия бозорларининг шаклланишини дастлабки даврларидан бошлаб, ушбу мақсадлар деярли ўзгармаган ва ҳалқаро ташкилотларнинг хужжатлари (энг аввало «молия бозорларни тартибга солининг мақсад ва замойиллари» Ҳалқаро қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ташкилот – IOSCO)да расмий тарзда ўз ифодасини топган.

Умуман оласса, мамлакатимизда миллий молия бозорининг ҳалқаро ракобатбардошлигини таъминлаш ва тараққиётини тезлаштириш ҳамда замонавий ҳалқаро стандартларни жорий этиш асосида ички имкониятлар билан илгор хориж тажрибаларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаши борасида катор ижобий ишлар олиб борилмоқда. Бунда миллий молия бозори инфраструктурасини модернизациялари мақсалида миллий валюта курси ўзгаришининг баркарорлигини таъминлаш, ракамли бошқарув ва ахборотлар билан ишлаши имкониятини, шунингдек, иккиласми қимматли қоғозлар бозори ва облигация битимлари ҳажмини озириши, фонд бозорини янада эркинлаштириш ва байнапмитлаштириш лозим.

Ўқув кўлланмада молия-кредит ва инвестиция бозори, банк тизимини ривожлантиришини индикаторларини ўзгариши, бацкларни молия бозоридаги фаолияти истиқболлари, молия бозори транспарентларини ривожлаштириш, валюта биржаси ва жаҳон молия бозорининг ривожланиши тенденциялари, қимматли қоғозлар бозорида биржа ва биржадан ташкари савдо тизимлари, уни фаолиятин мувоғиқлаштириш ва фонд биржасига куйиладиган талаблар масалалари кеч миқёсда ёритилган.

I БОБ. “МОЛИЯ БОЗОРИ” ФАННИНГ МАЗМУНИ, ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

1.1. Фаннинг мазмунин, объекти ва предмети.

“Молия бозори” фаннинг асосий мақсади талабаларда молия бозори инфратузилмаси хисобланган шулкредит институтлари, қимматли көгөзлар бозори, валюта бозори, сугурга компаниялари халкаро молия ташкилотлари, шунингдек, бошқа инвестиция институтлари фаолияти бүйича назарий ва амалий билимларни ўргатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси унн ўрганувчи талабаларга:

- молия бозорининг назарий асосларини;
- молия бозори индикаторлари ва моделларини;
- молия бозори әмпіентлари ва инвесторлари, уларнинг сиёсатлари ва ролини;
- молия бозори инструментлари ва қимматли көгөзлар турларининг хусусиятларини;
- молиявий инструментлар таҳлилини;
- қимматли көгөзлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг фаолиятини;
- қимматли көгөзлар рейтинги ва индексларини;
- молия бозори институтлари ва уларнинг фаолияти ва ўрнини;
- фонд биржаси ва унион фаялиятининг ташкилий асосларини;
- биржадаги битим ва операцияларни;
- молия бозори рискалари ва инвестиция портфелини бошқариши;
- акциядорлик жамияттаниң кайта ташкил этиш ва тугатиш асосларини;
- қимматли көгөзлар бозорини назорат күлгүші ва тартибга солышни
- жаҳон молия бозорининг замонавий тенденциялари ва муаммоларини ўргатади.

1.2. Молия бозорининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Молия бозорлари ҳақида гап борар экан, бу соҳанинг яраша хусусиятларини тасаввур килиш керак. Албатта ҳар қандай бозор каби бу срда ҳам сотиб олувчилар ва сотувчилар мавжуд. Лекин олинадиган ва сотиладиган нарсалар молия бўлғанлиги, яъни олинадиган ва тўланадиган восита ҳам молия бўлғанлиги учун бу бозор бошқа бозорлардан ажralиб туради. Бу бозорда сотиладиган молия эвазига маълум муддатдан сўнг каттарок микдорда бўлган молия кайтарилади. Ва бу ҳол ҳар хил кўриннишда намоён бўлиши мумкин: банк берган карзлар, қарз көгөзлари эвазига ёки бошқа қимматли қрғозлар эвазига бериб турилган дастмаклар ва хоказо. Лекин, маълум муддатдан кейин олинган молия унга қўшилган фоизлар билан кайтарилиши бу савдонинг асосини ташкил этади.

Молия бозори кенг маънода кўлланиб, олди-сотди муносабатларига киришадиган мулк эталарининг ўзаро алоқаларини тавсифлайди. Кредитлар,

хорижий валюта ва сугурта полислари, кимматли қозлар, савдо ҳамла харакат объекти саналмиш бу бозор амалдаги иқтисодий ва ижтимоий қонуниятлар асосида фаолият юртади. Умуман, молия бозори моҳиятини очишида унинг бошка бозорлардан фарқини ёритиш лозим. Ҳар қандай бозор сингари молия бозори тушунчасини ҳам икки кутбга бўлиш мумкин. Улардан бирида маҳсус товар ҳсобланадиган қалитал етказиб берувчилар – вактинча бўш мабляғга эга бўлган ва уларни тўлик сақлаш билан бирга кўпайтиришни истовчи турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари, жисмоний шахслар, шунингдек, давлат туради. Ушбу кутб иштирокчиларининг бош максади моддий манфаатдорликдир. Кутбнинг иккинчи томонида эса ишлаб чиқаришни янги бошлиш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ёки ишлаб турган кувватларни модернизация қилиш, кепгайтириш, кайта таъмирлаш учун зарур бўлган бошлангич ёки кўшимча сармояга эҳтиёжи бор турли мулкчилик шаклидаги субъектлар, жисмоний шахслар, шунингдек, давлат туради. Ушбу тоифа вакиллари жалб этиладиган сармоя учун маълум фойзни тўлашга мойиллик билдирадилар.

Замонавий молия бозорлари ўта мураккаб бўлиб, уларнинг фаолиятини мавжуд молиявий асбобларсиз тасаввур килиб бўлмайди. Асбоблар ҳар турдаги карз қоғозлари, карз олувчиларнинг ва берувчиларнинг мажбуриятларини тасдиқловчи хужжатлар сугурта ва хатарларнинг олдини олувчи услублар ва бошка кимматли қоғоз ва бошқарувчи қонун-қондалардан иборат. Шу билан бир қаторда, молия бозорларнинг фаолияти таракқий этган давлатларнинг сиёсалари, расмий ҳалқаро молия ташкилотларининг фаолиятлари ва норасмий “оффишор минтақалар” деб аталмиш молия бозорларининг таъсирида шаклланади.

Ушбу мураккаб жараёнларнинг, ҳозирга кунга келиб, инсоният таракқистига салбий таъсири кучайиб бормоқда. Аниқки, тараккий топган давлатларнинг ички иқтисодий сиёсаларига ва ҳалқаро иқтисодий алоқаларнинг шаклланишига молия тизимишининг таъсири жуда катта. Яъни, иккала эслатиб ўтилган соҳаларда молия тизимишининг манфаатлари устунлиги эътироф этилган.

Ҳозирги куннинг асосий муаммоси шундаки, молия савдоси иқтисодий ўсишдан бир канча юкори тезликда давом этиб келмоқда. Бу молия бозорларининг харакатларининг ўсиши етарлича ишлаб чиқарилган маҳсулот, товарлар савдо-сотиги ва кўрсатилаётган хизматлар билан таъминланниш учун хом ашёларнинг янги конларини ўзлаштириш ва кайта ишлашга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Молия бозорининг аҳамияти жуда катта бўлиб, у бир неча шаклларни ўз ичига олади. Молия институтларинига эътибор берсак, булар тижорий банклар, ссуда – омонат бирлашмалари, фонд биржалари, сугурта компаниялари кабиладир. Молия бозорининг субъект (иштирокчи)лари истеъмолчилар (“уй хўжалиги”), корхоналар ва давлатдир.

Молия ресурсларининг бозор орқали ўтадиган қисми молия бозорининг объектини ташкил этади. Бундаги муносабатлар мулкдорлар билан пулга эҳтиёжмандлар ўртасида юз беради. Пул бозорга чиқарилар экан, у

истеъмолчилинг талабини қондириш учун ишлатилади. Лекин шу билан бирга нуудан фойда кўрини максади, нуани кўнайтириб ундан кўшимча пул топиш молия бозорида ишлатиладиган пул, яни сотиш ва сотиб олиш жарабйлари молия бозорининг икки томошни кўрсатади, жъни бир томонда истеъмолни қондирувчи пул бозори бўлса, иккичи томонидаканитал бозори бўлади. Бу вазифалар бир неча молия бозор ишқонварини такозо этади.

Ўзбекистон иқтисодийтига чег эл капиталининг оқиб келиш имкониятларини белгияни учун, дикою, "қискарған" ички молия бозори мавжуд бўлган шартнамонига яхони таомон жаҳон капитал бозори асосий йўналишларини аниқ-равишан тушуниб олиш лозим. Умуман олганда, бу йўналиш ривожланашган мамлакатлардин капиталининг катта ҳажмда экспорт қилишини, сўнти ўн йил ичидаги қашшат экспорти қилувчи мамлакатлар таркибида жиший тушинмайи ӯшарини зарур ва экспорт кизинаститан капиталда хусусий мабланларини қўшиши (нахминан 95 фонг) билан ифодаланаади.

Мамлакат рапоратбардошлик қобилиятини ошириш динамик молия бозорини шакиллантириш ва ривожлантиришини кўзла тугади, бу эса, ўз иавбатида, миллий жамгарманирини юбори уарожада бўлишини талаб килади. Ушбу икки кўрсаткин сирбириса щунчалик боғлиқки, уларнинг кайси бири бирламчи ва кайсанаси пайдаланиши жадидини аниқлаб олиш амча қийин.

Марказлаштирилган резжанингириш таърибаси шунни аниқ кўрсатадики, йирик капитал қўйнималар тенкор иқтисодий ўсишини хали кафолатлай олмас экан. Инвестициялар тузимаси ва сифати, инсон капитали, шунингдек, уларнинг қайта куриш мувакқат оранинига мувофиқлиги мухим ахамият касб этади.

Молия бозорларининг тараққиёти молия воситалари бажараётган вазифаларнинг ўзгариб боришин билан боғлиқ. Молия воситалари авваламбор савдо-сотикни таъминловчи вазифаларни бажариб, бошланғич даврида олтин-кумуш захиралари ва ҳар хил бошка мол бойликлари билан таъминланган даврдан тараққий топган. У даврда давлат ва бошқарув тизими тарафидан молия айланишини жуда назоратни талаб қилимаган. У даврдаги назорат туршундаги стандартларини, яъни чоп этилган пуллар ва айланишта чиқарилган молия, мол ва бошка бойликлар билан таъминланганлиги назоратидан иборат эди. Иқтисоднинг ўсиб бориши, чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат, савдо-сотикларнинг молиявий таъминотнинг ўзгариши билан узвий боғлиқлиги билан тўғри корреляцион боғлиқлик сезиларли эмас эди. Молия бозорининг ва тизимининг тараққиёти аста – секин мол ва бойликлар билан таъминланган молияни ўриини фармойиш молия ёки карз билан таъминланган молия билан алмаштирилиш жарабйини вужудга келтиради.

Молия бозорларишининг самарали фоалияти кўрсатиши учун маълум мухит мавжуд бўлиши шарт. Авваламбор мазкур шарт иқтисодий тизим барқарорлиги ва молия тизимининг эркин ва ишончли харакат қилишига мўлжалланган қонунчиликка асосланиши талаб қилинади. Бу қонунчилик ҳар бири алоҳида миллий давлатларда шу миллатнинг урф-одатлари ва удумларидан истисно, умумий ҳалкаро стандартларга мувофиқлаштирилишини талаб этади. Шу жумладан, миллий давлатлар хукуматларидан молия тизимини бошқарувчиси

Марказий Банкларнинг эркинлигини, инфляцион жараёшарга йўл кўймасликни, милий валютанинг қундалик савдо бўйича конвертациясини таъминлашни, гарбий услубдаги демократия қондадарини ўрнатишни ва бошка молия эркинлигини таъминловчи стандартларни бажарилишини талаб килинади. Бунга эришишнинг қатор кўрсаткичлари ва турлича услублари мавжуд. Ана шу стандартларга алоҳида давлатларнинг ички иқтисодий мухитлари мувофиқлашганида, халкаро молия эркинлиги учун тўла шароит яратилиб, молия оқимлари тўсикларсиз ҳар қандай давлат чегараларини кесиб кирадилар ва яна бемалол бу давлатнинг молия бозорларини тарк ўтадилар.

1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

“Молия бозори” ихтисослик фани хисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўкув режасида режалаштирилган “Молия”, “Корпоратив молия”, “Молиявий менежмент”, “Пул, кредит ва банклар”, “Иқтисодий таҳлил”, “Соликлар ва солиқка тортиш”, “Бошқа тармокларда бухгалтерия хисобининг хусусиятлари”, фанларидан билим ва кўнимкаларга эга бўлиши талаб этилади. Молия бозорининг мақсади, молиявий инструментлар олди сотдиси, шунингдек, бозор иштирокчиларининг самарали фаолиятини ташкиллаштиришдан иборат.

Шу боисдан “Молия бозори” фани республикамиздаги йирик инвестиция институтлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий хужжатлар, кимматли қоғозлар бозори фаолиятида милий стандартларнинг қўлланилишини ва уларни молия бозорида амалга оширилиши мухим рол ўйнайди.

1.4. Молия бозори институтларининг ўрни ва аҳамияти.

Молия бозори инфратузилмасининг институционал таркибига эмитентлар ва инвесторлар билан бирга савдо тизимлари, профессионал катнашчилари ва регуляторлар киришини кўриш мумкин. Бу институтларнинг институтларнинг барчасини (яъни олти унсуруни) ўзаро боғлиқликдаги фаолияти молия бозорининг самарали функциясини таъминлайди ва индустрясини ифодалайди. Бунда молия бозорининг профессионал (малакали) ва ваколатли қатнашчилари бўлмиш молия институтларини алоҳида ўзаро боғлиқликда кўриб чиқиш максадга мувофиқ. Чунки молия бозорида профессионал ва ваколатли (давлат молия органлари) катнашчилари молия бозорининг нормал фаолиятини ва функциясини таъминлайдилар. Яъни молия институтлари ва савдо тизимлари эмитентлар ва инвесторларнинг молия бозорида мос равища бир-бирлари ўртасида молиявий инструментлар ва молиявий ресурслар бўйича ўзаро алмашиниш жараёнини амалга оширишида малакали тарзда фаол катнашувчи институтлар ролини бажаради. Бунда улар инвестор ва эмитентларни ўзаро боғлайди, манбаатлар мослиги ва мутанюсиблигини молия бозори конъюнктурасига боғлик холда таъминлайдилар. Молия бозорида айнан самарали эмиссион ва инвестицион сиёсатлар молия институтлари ва савдо тизимлари фаолиятларига кўпдан (сезиларли) боғлик.

Айтиш жоизки, молия бозори катнашчилари фаолияти сифати ва мулки баҳосини мос равишда маҳсус инфурмацион рейтинг агентликлари, аудиторлар ва баҳоловчи компаниялар холисона баҳолаб белгилайдиган институтлар бўлғанилиги учун уларни молия бозорининг алоҳида ҳолис профессионал институтлари сифатида караш лозим. Чунки бундай институтлар молия бозори томонидан тан олинган, лекин унга расман бўйсунмайдиган инфурмацион ташкilotлар хисобланиб, уни объектив ва фойдали инфурмация (ахборот ва маълумотлар, реклама, тақдимот, аналитик тадқиқотлар, маслаҳатлар ва ҳуносалар) ва хизматлар билан таъминлайдилар. Мисол тарикасида фонд индикаторларини (индексларини) белгиловчи институтларни (S&P, Рейтер, Moody's, GST, Financial Times, AK&M, RTS агентликлари, Dow Jones & Co, Frank Russel Company (Tacoma, WA), Value Line, Росбизнесконсалтинг компаниялари, ва ҳ.к.) кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бирি ўзининг услубиятига эга бўлиб, таҳлил натижалари бир-бирлари билан маълум даражада корреляцияланади.

Аудиторлар молиявий хисоб ва хисоботларни конунчилик асосида текшириб, маслаҳатлар бериб, ҳуносалар берадилар. Баҳоловчи компаниялар эса мулкни баҳолайдилар. Умуман олганда уларнинг фаолият маҳсуллари молия бозори томонидан хозиргача тан олинили ва унинг учун зарурый хисобланади.

Умуман олганда, сугурта - бу молиянинг алоҳида шакли бўлиб, хаётда ва бозор иккисодиётида маълум бўлган рискларни келишишган ҳак эвазига қабул килиб компенсациясандан иборат молиявий фаолият тури хисобланади. Молия бозорида бундай фаолиятни ихтисослашган юридик шахс мақомига эга бўлган турли мулкчилик шаклида тузилган сугурта ташкilotлари (компаниялари) амалга оширади. Бунда сугурта компаниялари тижорат ташкilotлари сифатида маълум рискларга мойил бўлганликларн сабабли, улар ўзларига қабул қилган рискларни бошқа ўҳшаш, лекин йирик ва нуфузли, сугурта компаниялари ёрдамида кайта сугурталайдилар.

Сугурта компаниялари фаолиятининг хосса ва хусусиятлари эвазига молия бозори таркибида алоҳида сегмент – интеграллашган сугурта хизматлари бозори фаолият юритади ва ривожланади. Бунда улар на факат рисксизликни таъминловчи институтлар, балки молиявий ресурслар аккумулятори ва мос равишда йирик инвестициялар манбан ва инвестор ҳам сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, сугурта компаниялари молия бозорининг сугурта сегментидаги сугурта операцияларини, бошқа сегментларида эса молиявий инвестицион операцияларни амалга оширади.

Агар сугурта компаниялари акциядорлик капитали асосида тузилган бўлса, унда улар акциялар эмитенти сифатида ҳам намоён бўлади. Фонд бозоридаги эмиссион фаолияти доирасида улар бошқа турдаги кимматли қоғозларни ҳам белгилайнган тартибда чиқаришга ҳакли. Кўриниб турибдики, сугурта компаниялари банклар ва инвестиция институтлари билан бир қаторда молия бозорининг профессионал, ўта зарур, фойдали ва энг салмоқли катнашчиларидан хисобланади.

1.5. Молия бозорида биржаларнинг аҳамияти.

Молия бозори – тарихан пулнинг пайдо бўлиши ва молиявий муносабатларни амалга оширилиши билан пайдо бўлган. Молия бозори – бу жамиятдаги молия хизматлари бозоридир, яъни бу молия маблағларни вактинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлардир. Молия бозори миллий ва ҳалкаро хўжалик доирасида нул маблаглари эркин ҳаракатининг маҳсус шаклидир. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иктисадий ислоҳотларнинг тамойилларидан бири бозор муносабатларига ўтишда “фалаж йўли билан даволаниш” усулидан воз кечиб, тадрижий равишда босқичма-босқич бозор иктисадиётига кириб боришидир. Бундан ташкири ривожланишининг ҳар бир босқичи ўзига хос ҳусусиятга эга. Республикаизда бозор муносабатларига ўтишнинг бугунги босқичи иктисадиётизмнинг очиклиги, чет эл инвестицияларини жалб қилишининг ортиб бориши, ҳусусийлаштириш ҳамда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жарабаининг кучайиб бориши билан белгиланади. Шу жумладан, молиявий тизимнинг ривожланиши учун ҳам шарт-шароитлар яратилмоқда, чуники факат ривожланган молиявий тизим иктисадий тизимнинг муваффакиятли ривожланишига замин яратади.

Молия бозори (МБ), КҚБ ва фонд биржалари маҳаллий даражада оддий бошлангандан сўнг асрлар давомида ривожланиш жарабаинлари кузатилади. Бу босқичларни кутилгандек якунланиши – дунёнинг исталган нуктасидан суткада 24 соат давомида фойдаланиш имконини берувчи биржалар тўлик ривожланган бўлмаса-да, унинг тасвири аник чизиб берилган эди. Келажакда эса барча эмитентларнинг кимматли қоғозлари курси ягона умумжахон биржасида аникланишини тасаввур қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам биржани макрониктиодий даражадагина эмас, балки жоҳон миқёсидаги аҳамияти ҳақида гапириш мумкин.

Тарихий МБ шул ва молиявий муносабатларнинг, КҚБ эса қимматли қоғозлар (авваламбор акция ва облигациялар)ни пайдо бўлиши билан юзага келди ва бу ўз навбатида биржаларни вужулга келишига сабаб бўлди. Дастребки биржалардан бири 1409 йилда Шимолий Альянда вужудга келди. XVI-XVII асрлардан Европада, шу жумладан, Англияда акционерлик жамияти ташкил қилинди. “Шаркий-Хиндистон” компанияси 1611 йилда Амстердамда ташкил қилинган жаҳонда биринчи биржада ўзининг юкори капиталлашган акцияларини эмиссия қилган компаниялардан дастребкиси бўлиб, акцияларга харид курси бўйича талаб юкори бўлган. Саноат корхоналари савдоши ривожланиши билан акциялар кенг ёйилиб кетди. Акциялар ва облигациялар билан савдо қилувчи Лондон фонд биржаси ташкил қилинди. XVIII асрда облигациялар савдоши бўйича асосий ўринни Франкфуртдаги биржа эгаллади. XIX асрдаги индустрялашув (саноатлашув) туфайли биржалар гуллаб яшнаши ва уларнинг акциялар савdosига караб иш тутиши бошланди. Шунинг учун ҳам биржалар Европа ва Шимолий Америка саноатлашувидан асосий ўринни эгаллайди. Деярли ҳар бир йирик шаҳарларда ўз иктисадиёти ривожини таъминлаш максалида ҳусусий биржалар ташкил этиш тезлаштирилди.

Масалан, Германия ва Англия хар бири 20 дан ортиқ биржаларга, Токио эса ягона биржага эга бўлган. Токио биржаси умумжахон ахамиятига иккинчи жаҳон урушидан сўнг зришди. 1960 йилларнинг ўрталарида АҚШ, Англия Молия бозори (МБ), кимматли когозлар бозори ва фонд биржалари маҳаллий даражада оддий бошлангандан сўнг асрлар давомида ривожланиш жараёнлари кузатилади. Бу босқичларни куттилгандек якувланиши - дунёнинг исталган нуктасидан суткада 24 соат давомида фойдаланиш имконини берувчи биржалар тўлиқ ривожланган бўлмаса-ла, унинг тасвири аниқ чизиб берилган эди. Келажакда эса барча эмитентларнинг кимматли когозлари курси ягона умумжахон биржасида аниқланишини тасаввур килиш мумкин. Шунинг учун ҳам биржани макроинтисидий даражадагина эмас, балки жоҳон миқёсидаги ахамияти хақида галириш мумкин.

Тарихий молия бозори пул ва молиявий муносабатларнинг, кимматли когозлар бозори эса кимматли когозлар (авваламбор акция ва облигациялар)ни лайдо бўлиши билан юзага келди ва бу ўз навбатида биржаларни вужудга келишига сабаб бўлди. Дастребки биржалардан бири 1409 йилда Шимолий Альпда вужудга келди. XVI-XVII асрлардан Европада, шу жумладан Англияда акционерлик жамияти ташкил килинди. "Шарқий-Хиндистон" компанияси 1611 йилда Амстердамда ташкил килинган жаҳонда биринчи биржада ўзининг юкори капиталлашган акцияларини эмиссия килган компаниялардан дастребкиси бўлиб, акцияларга харид курси бўйича талаб юкори бўлган. Саноат корхоналари савдоси ривожланни билан акциялар кенг ёйлиб кетди. Акциялар ва облигациялар билан савдо килувчи Лондон фонд биржаси ташкил килинди. XVIII асрда облигациялар савдоси бўйича асосий ўринни Франкфуртдаги биржа эгаллади. XIX асрдаги индустрялашув (саноатлашув) туфайли биржалар гуллаб яшниши ва уларнинг акциялар савдосига караб иш тутиши бошланди. Шунинг учун ҳам биржалар Европа ва Шимолий Америка саноатлашувида асосий ўринни эгаллайди. Деярли хар бир йирик шаҳарларда ўз иктиносидиёти ривожини тъминлаш максадида хусусий биржалар ташкил этиш тезлантирилди. Масалан, Германия ва Англия хар бири 20 дан ортиқ биржаларга, Токио эса ягона биржага эга бўлган. Токио биржаси умумжахон ахамиятига иккинчи жаҳон урушидан сўнг зришди. 1960 йилларнинг Франция ва бошка давлатлар молия бозорида ўзига кос операциялар-кимматли когозларни жамоатчилликка (жисмоний шахсларга) таклиф қила бошладилар. Операциялар максадлари турлича бўлган: спекулятив (олди-сотди) фойдани оширишидаи акциялар пакетиги назоратига эга бўлишгача.

Жаҳон МБи облигация зайmlари бозори сифатида урушидан кейинги даврдан бошланди, 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон ссуда бозорида иккиси параллел бозорлар: анъанавий чет эл заёмлари ва еврозаёмлар бозорлари хизмат кўрсата бошлади. 70-йилларда ўрта ва узок муддатли чет эл ва еврокредитлар бозорида операциялар сони кескин ошиб кетди ва 80-йилларга келиб заём операциялари бу умумий суммасининг таҳминан 80 фоизини ташкил қилди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб ссуда капиталлари жаҳон бозорида кимматли когозлар (хусусан, облигациялар) билан операциялар солиштирма миқдори тубдан кўтарилилди. Бунга сабаб тўғридан-тўғри халқаро

молиявий кредитлашнинг техник меъёри фаолияти кенгайиши ва банк кредитлаш маблагларини пасайиши эди. Халқаро капитал бозорининг институционал таркиби институционал инвесторлар улуши ортиши томон ўзгарди.

80-йилларнинг охиридан 90-йилларгача миллий валюта ва молия бозори каби халқаро валюта ва молия бозорида ҳам жаҳон капитал бозори кескин ўзгарувчанлиги, бир хил турмаслиги ва кучли харакатчанлиги билан характерланади. Бунга сабаб иқтисодий таркибни глобал кайта қуриш ва корхоналар кизижиши таъсири эди. Ҳудудий бозор катнашчилари таркиби ва ўзгариши: 80-йиллар охирида Европа эмиссияси устунлик қилди, 90-йиллар бошида Осиё эмиссиясида сакрашлар кузатилди, 90-йиллар бошида эса асосий ўринни яна Европа қимматли қоғозлари эгаллади.

Шундай килиб, охириги 35 йил ичида жаҳонла жиддий сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар бўлиб ўтди. Юкори даражадаги ўзгаришлар МБ глобаллашуви ва халқаро зайдимларда информацион технологияларнинг таъсири этиши билан бөглиқ. Бу тенденция глобал молия бозорида операцияларда иштирокчилар ортишига имкон тугдирди ва бозор сегментлари ўртасидаги фаркни йўқка чиқарди, карздорлар ва кредиторларга қимматли қоғозлар портфели бошкаруви ва молиялаштириш билан бөглиқ имкониятлар доирасини янада кенгайтирди. Бу тенденция ривожланастган давлатлар сингари Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон мустакилликка эришиши билан республикада бозор муносабатлари ташкил топниши ва шаклланишига олиб борувчи мухим ислохотларни амалга оширди. Бу ислохотлар ижтимоий-химоя иқтисодиёти билан демократик жамиятни ташкил қилишга йўналтирилган Ўзбекистон ва унинг халқининг барча ҳаётй сферасида намоён бўлади.

Мухим иқтисодий ислохотларни, токи иқтисодиётда инвестицион ресурсларни жалб қилишдасамарали фаолият олиб борувчи молия бозори ташкил топмасдан туриб туталланди деб ҳисоблаб бўлмайди. Республикада таркибий кайта қуриш жараёнида кузатилаётган иқтисодий ислохотлар ўз масштаби доирасида бюджет тизими иhtiёрида бўлмаган корхоналар ва ахолида мавжуд ички молиялаштириш манбаларидан бўлмаган йириқ молиявий воситаларин жалб қилишни талаб қиласи.

Бу ашокадорликда республика иқтисодиёти ривожидаги молия бозорини ўрни ва кийматини кайта баҳолаш мураккабдир.

Агар давлатда жамгарма ва инвестицион товарлари мавжуд бўлса, унинг молия бозори самарали ишлаши мумкин. Макроиктисодий даражада жамгарма ўзида олинган даромадлар ва истеъмол учун зарур ҳаражатлар ўртасидаги фаркни ифодалайди. Инвестицияга истеъмолга ишлаб чиқарилган нарсалар ҳажмидан умумий ишлаб чиқариш ҳажми ошиб кетиши кўрининишида қараш мумкин. Агар иқтисодиётда ишлаб чиқариш максадлари учун фойдаланишга қўшимча хом-ашёлар ишлаб чиқаришни йўлга кўйган бўлса, бу хўжаликлар активлари ошишидан далолат беради.

Асосий воситалар ва бошқа инвестицион товарларни сотиб олишда ресурслар таъмоноти иқтисодий субъектларни ривожлантиришни

молиялаштиришнинг ички маңбалари (амортизация ва фойда) хисобланади. Улар етишмаган тақдирда субъектлар ташкаридан аҳоли жамғармаларни ўзлаштиришга мажбур бўладилар.

Молия бозорида молиявий воситалар ҳаракати жамгарувчи ва фойдаланувчи ўртасида боради. Шу сабабли иктисодиёт тармоқлариаро молиявий воситалар (ресурслар)ни молия бозори орқали тақсимлаш ва кайта тақсимлаш самарали жараён эканини кузатиш мумкин. Молиявий ресурслар ҳаракатини молия муассасалари ёрдамида қандай амалга оширса, молиявий воситалар ҳам инвестордан истеъмолчига шундай тўгридан-тўғри ҳаракатланади. Шунинг учун молия муассасалари капитал (молиявий ресурслар)нинг инебаган самарали ҳаракатига имкон тутдирувчи хисобланади.

Воситашир ҳаракати бир канча омилларга боғлиқ ҳолда кечади, улардан асосийлари кўйидагилар:

- бозор даромадлилик даражаси;
- бозор соликка тортилганлик даражаси;
- капиталини йўқотиш ёки кутилган даромадни олиш риски;
- бозорни таркибий ва функционал ташкил этиш самарадорлиги ва унинг уни тартибга солиш даражаси;
- инвестор хукуклари химояси ва манфаатлар (қизиқишлиар)и таъминланганлик даражаси;
- бозор қатнашчиларида бозордаги каби маълумотлар очик-ойдинлик даражаси ва бошталар;

Юкоридагилардан хуоса қилиб айтиш мумкини, молиявий активлар иктисодиётда аҳоли, фирма ва хукumatлар жамғармалари ва уларнинг реал активлари (асосий воситалар, товар-моддий захира ва фойдаланиш давомидаги товарлар) учун инвестициялари бир-биридан фарқ килганлиги сабабли аҳамиятлиdir. Ташки молиялаштириш, молиявий активлар, пул ва молиявий бозорлар йўқ бўлади, агар жамғарма ҳажми доимо бозорнинг барча субъектлари асосий воситалар (фондлар) инвестицияларига тенг бўлса ёки бозорнинг ихтиёрий субъектлари учун маблаги етарли даражада: жорий ва капитал қурилишга ҳаражатлар жорий даромадлар хисобидан тўланадиган бўлса. Қачонки бозор субъективнинг реал активлардаги инвестициялари унинг сусусий жамғармаларидан ошиб кетса, молиявий активлар вужудга келади. У солда мавжул ортиқча ҳаражатлар заёмлар ёки акциялар чиқариш орқали молиялаштирилади. Албатта, бозорнинг керагидан ортиқ жамғармага эса жамғарма инвестициядан ошиб кетганда) субъектлари жамғарма ётишмовчилигига учраган (уларни реал активларга инвестициялари камғармадан ошиб кетган) бозор субъектларига капитал тақдим этади. Мана шу воситалар айирбошланишида қимматли қоғозлар воситачилик қилиб, улар тақдим этувчига молиявий актив сифатида, эмитентга эса молиявий мажбурият сифатида намоён бўлади. Молия бозорисиз иктисодиёт гуллаб яшиashi мумкин, шар хўжалик юритувчи субъект битта бўлиб, унинг ўзи барча маблагларни камгарса ва капиталга сафарбар этса. Аммо, бозор иктисодиётда асосан сапиталга сафарбар қилиш билан шугулланувчи субъектлар-номолиявий субъектлар (товар ишлаб чиқарувчилар)и жамғаришдан кўра реал активларини

инвестиция учун ишлатади. Бошка томондан, уй хўжаликлари эса уни сарф килгандан кўра жамгаришни афзал кўради. Мўлжалланган инвестициялар ва жамгармалар хажмлари ўртасида фарқ қанчалик катта бўлса, белгиланган жамгармаларни истеъмолчилар ўртасида таксимлаш учун самарали молия бозори амал килишида шунчалик чукур намоён бўлади. Сўнгги инвестор ва сўнгги маблаглар эгаси учрашуви энг макбул тарзда ва энг кам ҳаражатлар билан амалга оширилиши керак.

Самарали молия бозори эркин капитал ҳажми адекватлигини тиаъминлаши ва давлат иқтисодий ўсишини кўллаб-кувватлаш учун зарурдир. Бозор субъектлари жамгарилганга нисбатан кўп инвестиция қилиш учун пулдан бошқа молиявий активга эга эмас. Шунинг учун уларнинг инвестицион фаоллиги чегараси мавжуд. Бозор субъектлари молиялаштириш бўлмагани, етарлича капиталга эга эмаслиги сабабли кўплаб қимматли инвестициеларни кечиктиради ёки рад киладилар.

Ривож топадиган иккиласмичи бозор давомийлиги молиявий воситалар (инструментлар) ликвидлигини оширади. Иккиласмичи бозорнинг амалга оширилниши бирламчи бозорни мустахкамлайди. Чунки маблаглар сотувчидан сўнгти фойдаланувчига томон ҳаракатланади. Шу орқали маблаглар оқимиининг молия бозорида профессионал инвестиция фаолиятини амалга оширувчи муассасаларига оптимал (энг маъқул) варианти танланади.

Замонавий жаҳон иқтисодиёти фани шуни ҳақиқатлигини исботладики, ўзининг объектив қарорлари, принциплари, моделлари, ишлаш ва ривожланиш механизми, ҳар хил бир-бираидан фарқ қилувчи ҳаракат шакллари (савдо, пуллик, қарздорлик, ҳисоб-китоб, тўлов шакллари)да капиталнинг эркин ва самарали (ликвид муомила ва тўла унум) ишланиши таъминлаш билан очик бозор иқтисодиёти-фан-техника жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқаришни рақобат асосида ривожланиши ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун жуда аҳамиятли мухит яратувчи, инсон цивилизациясининг жуда мухим ютуғи эди. Худди мана шу мухит капиталга ишлаб чиқарни унумдорлигини ўсишила ва миллий бойликни яратишда юкори даражадаги узлуксиз ўсуви кучни тақдим этади.

Секьюритизация - бу молиявий бозорда қимматли қоғозлар ролини кўтарилиши ва кучайинши жараёнидир, у молия хизматлари истеъмолчилари дуч келаётган молия институтлари воситачилиги даражаси нархлар камайтирилниши ёки камчиликлар асосида эришини назарда тутади. Секьюритизация дарабинда паст ликвидлди активлар қимматли қоғозларга айлантирилали ҳамда инвестицияларга молиявий ресурсларни тез ва арзов жаёб қилиш воситаси сифатида тақлиф этилади. Активлар секьюритизацияси турар жой бўйича қўйилмаларга; автомобил гарови асосидаги ссудаларга; тижорат қўйилмалари ва лизинг контрактларига; тижорат кредитлари ва ссудаларига таркалган. Секьюритизациянинг тарқалишига сабаб депозитлар жамғариш карз олувчи ва берувчи ўртасида воситачи бўлганда секьюритизацияни ишлатиш орқали кредитнинг трансакцион ҳаражатлар одатда камрок.

Үтган аср иктиносидий таржибаси бир хақиқатни тұла исботлади, яғни бозор иктиносидістіннің ривожланишынан зарур бўлган мухит бу молиявий бозорнинг сектюритизациялашган шаклндағы кимматли қоғозлардир. Бу мухитда эса кимматли қоғозлар энг орнинада воситалар сифатида:

- ўзининг капитализациялашиш хамда ахолининг ва бошқа субъектлар реал капиталарига вав айниқса нолегал хусусий қўчмас мулклар ва бошқа яшириш муомаладаги капиталларга харакатсиз туриш беъмалилигини кўрсатади;

- уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини молиялаштириш инвестицион ресурсларни жаъл килишнинг энг кулай воситаси сифатида ишлатилишига;

- иктиносидий фаол субъектларни, айниқса, инвесторлар томонидан кимматли қоғозларга айланишидан фойда олишига хамда ўзининг капиталини оширишига;

- фонд қоғозлари савдосини тўлиқ ва атрофлича кўрилган тизимининг шакуланишига хамда тез ўсишига;

- бозор муносабатлари иштирокчиларининг қимматли қоғозлар бозорида ўзининг ривожланишидан, умуман, бозор ривожланишидан манфаатдорлигини тальминлашни кўллаб-кувватлашга ва доимий кўтариб боришга олиб келди. Бонкана килиб айтганда, ККБнинг иштирокчиларининг ўзаро болғликлигига ва мослинишига эришиш.

Иктиносидий тарих кўрсатганидек, ҳар қандай бозор, шунингдек, ФБ ва унинг таркибида бўлган ККБ ФБнинг сектюритизациялашган шакллари хам бозор иктиносидістіннің қайсиидир қондоарива меъёрларинга у ёки бу даражада амал қўлган бозор муносабатлари иштирокчиларининг табиий хоҳини натижасида шаклланган. Айнан шу қондла ва меъёрлар, шунингдек, амалига омирини ФБ фаолиятининг механизми ва тамойилини, структурасини ташкил этилиши асосиадир. Бунда механизмнинг характерлантирувчи кучи бу – ўзининг талаблари билан мос келадиган битимилирига асосланган ФБ иштирокчилариидир.

Таяин сўз ва иборалар: молия, корпоратив молия, молиявий менежмент, инвестиция, молия бозори, молия бозори институти, биржа, банк, сугурта компаниялари.

II БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ АСОСЛАРИ

2.1. Молия бозорининг таснифи ва тавсифи.

Иқтисодиётнинг кенг мазмуни – шахсларнинг мақсадли нафсий хоҳишистаклари ривожи таъсири остида иқтисодий-хуқуқий механизм асосида режали шаклланапувчи ва амалга оширилувчи хўжалик юритиш жараёни бўлиб, унда Аллоҳ томонидан аввалдан вақт ва микдор ўлчамлари билан меъёрланиб щахслар ихтиёрига берилган моддий ва номоддий бойликлар бозор конунлари асосида объектив таксимланади ва кайта тақсимланади. Бозор эса иқтисодиётда шахсларнинг мақсадли нафсий хоҳишистаклари ила манфаатлари сари етакловчи (чорловчи) имкониятлари доирасида тартиблаштирилган рефлексив харакатлари звазига турли (ижобий ёки салбий) самара даражасида объектив содир бўлувчи бозор товарлари бўйича иқтисодий-хуқуқий муносабатлари мухити бўлиб, унда тарафларнинг манфаатлари талаб ва таклиф асосида шаклланадиган объектив нархларда кондирилади.

Иқтисодиётнинг ривожланиши тарихига назар ташланса, молия бозорини аввалимбор инсоният жамиятида пулнинг пайдо бўлиши ва у билан боғлиқ бозор муносабатларини амалга оширила бошлашидан шаклланишини кўриш мумкин. Асрлар давомида молия бозори, унинг мазмуни ва унга оид тушунчалар шаклланиб ва узлуксиз ривожланиб келмоқда. Бунга сабаб, инсон цивилизациясининг молия соҳасидаги тажрибасини бойиши, унда шахсларнинг (юридик ва жисмоний) молиявий муносабатлари ва кизиқишилари кенгайиб, мақсадлари ва фаолият турлари ортиб, манфаатлари тобора ўсиб, уларнинг хак-хукуклари борган сари мустаҳкамланиб ва таъминланиб боришидадир.

Хозирда молия бозори юкори даражада ташкиллашган ва узлуксиз ривожланаётган, борган сари жаҳон миқёсида глобаллашиб бораётган алохида бир бутун ва ўз мухитига эта муносабатлар ва институтлар (катнашчилар) мажмуаси сифатида намоён бўлувчи мураккаб тизим эканлиги аниқ бўлмоқда. Бунда молия бозорлари на факат миллий иқтисодиёт, балки глобал иқтисодиёт ривожини белгиламоқда. Унинг мазмун-моҳияти қўйидаги концептуал тушунча ва конуниятлар асосида белгиланади.

Молия бозорини қўйидагигача таърифлаш мумкин; **молия бозори** – бу монетизациялашган реал инвестицион базисга эквивалент молиявий инструментлар билан боғлиқ ташкиллашган иқтисодий-хуқуқий механизм билан таъминланган муносабатларни мақсадли амалга оширувчи, иқтисодиёт субъектлари учун зарурий бозор шароитларини яратиб берувчи мажмуа сифатида намоён бўлувчи тизим. Ушбу тизим механизми иқтисодиётнинг барча субъектлари томонидан уларни ҳар бирининг алохида манфаатли мақсадлари доирасида харакатга келтирилади. Бошқа соҳалардан фарқли молия бозори ушбу имкониятни берувчи, унинг учун зарурий шарт-шароитларни яратувчи мухит, алохида иқтисодий-хуқуқий механизм билан таъминланган, институтлари (катнашчилари) ва уларнинг молиявий инструментлар билан боғлиқ муносабатлари мажмуаси сифатида намоён бўлувчи тизимдир.

Лайнаң шу ва юкорида айтилғашылар билан молия бозори башка турдаги бозорлардан кескин фарқ қиласы.

Молия бозори иктисодиётта күйидагилар мавжуд бўлгандағина самарали фаолият кўрсатиши мумкин:

- эффектив (самарали) мулкчилик тизими¹;
- инвестиция учун мўлжалашган старли жамғармалар (молиявий ресурслар, мабланлар) ва иктисолий-хукукий механизм билан тъминланган молиявий инструментлар.
- талаб ва тақлифни объектив мутаносиблиги;
- молия бозори инфратузилмасини самарали фаолияти;
- бозор конунлари, тамойнилари ва қонунчилигини ҳукм сурини;
- молиявий баркарорлик, рақобатбардошлилик ва хавфсизлик, рискларни башоратлилиги.

Молия бозорида молиявий ресурслар жарғармачилардан истемоючиларга томон ва аксинча йўналишда ҳаракат қиласы. Бунда жамғармалар инвестицияларга трансформацияланади (айланади).

Молия бозорида ресурслар ҳаракати кўйидаги омилларга боғлиқ:

- бозорният ларомадиялийк даражаси;
- бозорни соликқа тортиш шарт-шароитлари;
- капитални йўқотиш ёки назарда тутилган фойдани ололмаслик риски;
- бозорни самаралин институционал ва функционал ташкиллашгани;
- бозорни самарали мувофиқлантирилганлиги ва назорат килиниши;
- макро ва микроиктисолий баркарорлик;
- ташки күчлар ва ходисаларнинг бозорга таъсири ва бошқалар.

Ушбу омиллар (ташки ва ички фундаментал омиллар) молия бозоридаги воқеликлар (жараёнлар, ходисалар) ривожини шакллантиради.

Молия бозорининг юкори даражада ташкиллашганлиги унинг алоҳида фаолият механизми билан белгиланади. Бу механизм иктисолиётнинг қонун ва категорияларини тўлиқ амал килиши негизида ва давлатнинг регулятив (административ ва индикатив тарзда) сиёсати асосида молия бозорининг барча қатнишчиларини бевосита иштироки натижалари билан белгиланади, давлат ва иктисолиёт субъектлари томонидан биргаликда ҳаракатга келтирилади.

Молия бозорининг хоссалари кўйидагилардан келтиб чиқади:

- молиявий инструментлар ва улар бўйича иктисолий-хукукий муносабатларни тъминловчи ташкиллашган мураккаб инфратузилмага (институционал ва функционал тузилмага) ва фаолият механизмига эга динамик тизим;
- очиклик, тенг имконият, эркин рақобат, объектив бозор баҳоси, рисклилийк, омиллар ва воқеликларни (жараёнларни) ўлчамлилиги (тахлил килиниши, баҳоланиши ва прогнозланиши мумкинлиги);
- молиявий инструментларнинг монетизациялашган реал базис ва сифат билан тъминланганлиги, стандартлашганлиги ва унификацияланганлиги;

¹ Эрикто де Сото. Секрет капитала. Почему капиталам торжествует на Западе и терпит поражение во всем остальном мире. Пер. с англ.-М.: Олимп-Бизнес, 2001.-272 с.

- бозор ва унинг катнашчиларини транспарентлилиги (информацион шаффофтлиги);
- молиявий инструментларнинг оптимал ҳажми ва баҳоларини объектив талаб ва таклифдан келиб чиккан ҳолда шаклланиши;
- молиявий инструментларнинг эркин муомаласи индустрияси учун бозор инфратузилмаси билан таъминланганлиги;
- бозор қатнашчиларининг бизнес куввати потенциали (сифат параметрлари даражаси миқдори бўйича);
- бозорни тартиблаштирилганлиги (мувофиқлаштирилиши ва назорат килишиши даражаси бўйича).

Молия бозорининг муҳим хоссаларига куйидагилар киради: бозор географияси кенглиги ва чегаралари, бозорнинг ташкилий модели параметрлари, бозорни рақобатбарлошлилиги ва хавфсизлиги даражаси, бозорнинг рисқлилик даражаси, бозорнинг жалбдорлилиги, бозорнинг эзилувчан мослашувчанлиги даражаси, бозорни иқтисодиётга эквивалентлилик даражаси, бозорнинг функцияларини бажариши даражаси, бозорни омилларга таъсирчанлиги даражаси. Санаб ўтилган хоссалар молия бозори муҳитининг кувват потенциалини белгилайди ва ривожини шакллантиради. Яъни, молия бозори муҳитининг кувват потенциали даражаси бош (интеграл) хосса сифатида молия бозорининг санаб ўтилган хоссалари даражаси миқдори билан бенгиланади ва баҳоланади.

Молия бозори таркибига қуйидагилар киради:

- пул бозори;
- қимматли қағозлар бозори;
- валюта бозори;
- инвестиция бозори;
- ссуда капитали;
- сугурта бозори ва х.к.

Молия бозорини таркибан қимматли қоғозлар бозори ва карзга бериладиган пул бозоридан иборат бўладиган десак ҳам хато бўлмайди. Қарз пули табиатдан бир хил эмас.

У биринчидан, пулни ишлатиб, даромад толишини кўзлайди, бунда пул капитал шаклинини олади.

Иккинчидан эса, пул шахсий эҳтиёжларни кондириш учун ишлатилади ва оддий тўлов ёки харид воситасини ўтайди. Банкларда, фонд биржасида ва аукционларда ўтказиладиган молия бозори асосан қарз пуллар бозори кўринишида бўлади. Қарз пуллар истеммол товарларни сотиб олиш, ўз хусусий ишини ташкил этиш ёки кенгайтириш (ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучини сотиб олиш) учун олиниши мумкин.

Молия бозорида икки гурухдан иборат бўлган субъектлар пул билан муносабат киладилар. Кискача бўлсада молия бозорининг таркибини кўриб чиқайлик, чунки булар хақидаги тўла маълумотларни амалий машгулотлар вактида олинади.

Биринчидан: Пул бозори – пул эгалари ёки уни сақлаб турувчилар ва пулга муҳтоҷ бўлган субъектлар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади.

Пул бозори давлат хазинасига бевосита накд пул тушишини таъминлайди ва фирма ёки жисмоний шахсларга ўзларининг вактингчалик бўш маблагларидан даромад олишга имкон беради.

Иккинчидан: **Кимматли қоғозлар бозори** - у даромад келтирувчи дивиденд ва фоиз келтирувчи кимматли қоғозлар муомаласи орасидаги муносабатларни;

Учинчидан: **Валюта бозори** – бунда турли мамлакатлар валютаси олди-сотди қилинади. Бу бозорда корхона, фирма, давлат идоралари ва фукаролар катнашадилар. Валюта бозори амалиётда валюта билан савдо килувчи банклар ва валюта аукцион кўришинида бўлади. Хозирги вақтда валюта муомалалари асосан АҚШ долларида ва еврома олиб борилади.

Тўртинчидан: **Инвестиция бозори** – фойда, дивиденд ёки даромалларнинг бошқа шаклларини олиш мақсадида саклаб, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга, шунингдек, кимматли қоғозларга сармоя қўйиш борасидаги муносабатларни;

Бешинчидан: **Сеуда капитални бозори** – банк томонидан маълум муддатга бериладиган карз пуллар борасидаги муносабатларни;

Олтинчидан: **Суғурта бозори** - ўз мол-мулкини суғурта қилиш борасида юридик ва жисмоний шахслар билан суғурта ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади.

Молия бозорида икки гурухдан иборат субъектлар пул билан муносабат қиладилар. Биринчиси – пул эгалари ёки уни саклаб турувчилар. Бунга ахоли, фирма, компания ва давлат муассалари киради, Иккинчиси – пулга мухтоҷ бўлган субъектлардир. Бунга ҳам таркибан ахоли, фирма, компания ва давлат муассалари киради.

Ҳар иккала субъектлар орасида эркин пул муомаласи, яъни унинг олди-сотди қилинishi молиявий бозорни билдиради. Бу бозордаги субъектлар ўриасидаги муносабатлар ҳар иккала томон учун манфаатли бўлгандагина юзага келади. Мана шу муносабатларнинг обьекти пул маблаглари. Улар ўз шалари кўлида вақтича бўш турган ҳолда бошқалар учун зарур бўлади. Бу табиий ҳол, чунки жамиятдаги пул окимлари, яъни пулнинг келиб тушиши ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Масалан, фукаролар келажакда қарилек чогида ишлатиш учун маълум бир миқдорда пул тўплаб уни банкуда кўядилар. Айни шу вақтда фермер хўжалиги учун пул зарур бўлиб қолади. Вактингча бўш турган пул фермер хўжалиги учун молия ресурсини ташкил этади, унга эга бўлиш учун у молия бозорида катнашиши зарур.

Молия бозори иштирокчилари мулк эгаси сифатида ўз бойлигини билганича тасарруф эта оладилар, шу сабабли улар пул юзасидан эркин битимга келадилар. Молия бозорида пулга кимматли қоғозлар – облигация ва акциялар сотиб олинади. Вексел ва сертификат каби хужжатлар ҳам пул сингари муомалада бўлади. Улар ҳам молия бозорида олди-сотди қилинади. Молия бозори амалиётида тижорат банклари, сугурта, инвестиция, молия компаниялари, фонд биржалари, аукционлар орқали фаолият кўрсатади.

Молия бозоридаги операциялар маҳсус воситачилар, ўзига хос даллоллар, дилерлар ва брокерлар фирмалари орқали амалга оширилиб,

хужжатлаштирилади. Молия бозори муассасалари орасида фонд биржалари асосий ўринда туради, чунки қимматли котозлар асосан фонд биржалари оркали сотилади. Булар ҳакида кейинги маърузаларда тўлиқ маълумот берилади. Молия бозори бўш пул маблагларини сафарбар этиб, уларни молиявий ресурсларига айлантиради. У капиталга айланастган пулни хўжаликнинг турли соҳалари ўртасида эркин кўчиб юриш, молия ресурсларидан эркин ва оқилона фойдаланишини таъминлайди. Айникса, бу новацияда, ишлаб чиқаришнинг таркибини кайта куришда қўл келади. Мухими шуки, у ахолини қўлидаги ўлик, ҳаракатсиз пулни жонли, даромад келтирувчи пулга айлантиради. Молия бозори оркали молиявий муносабатлар демократиялашади, хўжаликни молиялаштиришда халқнинг пули катишади, халқ ўз пулидан даромад кўради.

Пулнинг капитал сифатида ишлаб чиқаришга сафарбар этилиши иқтисодий потенциални кучайтиради, фан-техника тараккиётини жадаллаштиради ва шу асосда халқ фаровоилигини оширишга хизмат килади. Молия бозори молия ресурсларини ишлаб чиқаришнинг талабига қараб, турли корхоналар, соҳалар ва тармоқлар ўртасида таксим килади, улар керакли жойга оқиб бориб, иқтисодий ўсишини таъминлайди. Масалан, электроника маҳсулотларига талаб ошса, улар яхши сотилиб фойда кўп олинади, электроника корхоналари акциялари эгалари бошқаларга караганда кўпроқ дивидент олади. Натижада улар қўлидаги акцияларнинг бозори чақон бўлади, акциялар кўплаб сотилади, тушган пул капитал сифатида шу соҳага қўйилади.

Пировардида электроника соҳаси жадал ўсиб, иқтисодиётга силжиш юз беради. Бунда корхона, фирма ёки компания молияси ҳам мустаҳкамланади. Ҳозирги кунда бу хот Ўзбекистонда автомобилсозликнинг ривожланиши мисолида якъол кўришимиз мумкин. Давлат ўз қўлидаги молия ресурсларидан фойдаланиб, бюджетни молиялаштириш, датация бериш, солиқлардан озод этиш ёки имтиёзлар бериш оркали иқтисодий тараккиётга таъсир кўрсатади. Молиянинг иқтисодиётга таъсири бир катор молия воситалари ёрдамида борадики, улар биргаликда молия механизмини ташкия этади. Молия механизми молиявий муносабатларнинг амалда умумлаштиришнинг шакли, усулидир. Молия бозорини шакллантириш вақт жихатидан бир неча йўлни ўз ичига олган гоят мураккаб жараён.

Молия бозорини ихтиёрий йўл билан, ўзининг конунлари асосида астасекин яратса бўлади. Бунда мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, каттиқ пул-кредит сиёсати, эркин нархлар ва мукаммал бозор иқтисодиётининг бошқа компонентлари молия бозорининг реал ишлиши учун зарурий шарт-шароит яратиш керак. Бу жараён Ўзбекистонда сиёсий мустакиллик қўлга киритилгандан сўнг бошланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда молия бозорининг ташкилий структураларининг мавжудлиги мамлакатнинг иқтисодий-иёлтимоий ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб келмоқда.

2.2. Замонавий иктисодиётда молия бозорининг ўрин ва вазифалари.

Молия бозори – жуда кенг түшунчадир. У кенг маъноли ва мураккаб иктисодий тоифани ташкил қилади, ҳамда муайян молия муассалари оркали ўзаро таъсирида бўладиган мулк ҳгалари билан сармоя, қарз олувчилар ўртасидаги муносабатларни тасвирлайди.

Хозирги замон иктисодиёти учун молия бозори ўзига хос “Асаб маркази” ҳисобланади, унинг ривожланиши даражасига караб мамлакат иктисодиётининг “аҳволи” ҳақида фикр юритиш мумкин, чунки молия бозорига таъсир кўрсатиб жамиятнинг иктисодий фаолиягини бошкариш мумкин.

Ҳар қандай иктисодий фаолият маблаг, пул талаб қилади. Ишлаб чиқариш қаерда бўлмасин, борибир молияни юзага келтиради. Чунки макроиктиносидиётнинг учта асосий масаласини, яъни нима ишлаб чиқариш керак, канча ишлаб чиқариш керак, ишлаб чиқариш фаолиятида олинган натижаларни қандай таксимлаш кераклигини фақат молия ёрдамида ҳал қилинини мумкин. Бу масалани ҳал этишда сиёсий ёки маъмурий тадбирлар ёрдамида амалга оширилса, гап буйруқбозликка асосланган ёки режали иктисодиёт ҳақида боради. Биз эса эркин иктисодиётта асосланган, рокобатли нарх ресурсларидан фойдаланиб бошқарилаётган бозор иктисодиёти шароитидаги молия бозорини ўрганамиз.

Кимматли қоғозлар бозори ва унда фаолият кўрсатаётган воситачилар молиявий тизимнинг таркибий ҳамда ниҳоятда мухим звеноси бўлиб ортиқча маблагларни инвесторлардан истеъмолчиларга қайта таксимлаш жараёнида мухим аҳамият касб этади.

Инсоният кимматли қоғозларни муомалага чиқариш оркали пулнинг қадрсизланиши муаммосини ҳал этиш йўлини топди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, пул бутун тараққиёт давомида инсон томонидан килинган ихтиrolар орасида энг оддийси ва энг мураккаби, энг тушунарлиси ва шак-шубҳасиз энг чалкаши бўлсада, инсониятнинг энг аянчли фожиалари ва энг оламшумул ютуклари пул билан бөглиқ бўлиб келмоқда. Пул одамлар хатти-харакати ва фаолиятида асосий туртки берувчи омил бўлган ва ана шундай бўлиб қолади ҳам.

Буюклардан бири: “Инсоният пулни яхши кўради. Унинг ҷармади, қоғоздан, бронза ёки тилладан тайёрланганинг фарқи йўқ”, - деган экан. Бирок факат пулларни саклаш қулай бўлган ҳолда у зиён ҳам келтиради. Пул йигиб пулдор бўлиб юришининг афзалликлари тўғрисида ҳамма яхши билади. Лекин унинг зиёни ҳақида ҳеч ким ўйлаб ўтирмайди. Зоро, ҳамёнда ёки пайпоқда сакланыётган пулга фоиз кўшилмайди. Агар пулга қимматли қоғозлар сотиб олинса ёки у банкка кўйилса, у ҳолда пулинг эгаси фоиз шаклида даромад олади, аммо бундай даромал аввало ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички ресурслардан самарали фойдаланиш, муомаладаги пул микдорини кисқартириш, пул оборотини ошириш ва шу кабилар оркали кўлга киритилади.

Кимматли қоғозлар бозори кўлчилик гарб мамлакатларида хўжалик механизмининг энг баркарор ва йўлга кўйилган кисмларининг бирини намоён қилади. Кимматли қоғозлар бозори аллақачон биржа ва нобиржа савдо

тизимиға уюштирилган бўлиб, ўзининг конун-коидаларига ва анъаналарига, баъзида эса асрлар тарихига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида кимматли қоғозлар бозори тўғрисида сўз бошлишдан аввал шуни ёдга солиб ўтмоқчимизки, бир неча ўн йилликлар давомида амал қилган маъмурӣ-буйруқбозликка асосланган унитар давлат шароитида республикамиз аҳолиси кимматли қоғозлар тўғрисида жуда кам маълумотга эга эди. Сиёсий иктисад фани эса кимматли қоғозларни капиталистик ишлаб чиқариш усулининг салбий ҳолатлари билан боғлик тоифа сифатида баён қиласади. Ҳатто “акция”, “вексел”, “биржа”, “маклер” каби сўзларга шубҳа билан караларди. Мустакиллик кунларида вазият тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Президенти ва хукумати томонидан олиб борилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий бизнесни қўлтаб-куватлаш, чет эл сармоясини жалб этишга йўналтирилган бозор ислохотлари туфайли, энг асосийси, республикадаги мавжуд сиёсий барқарорлик сабабли тарақкий этган кимматли қоғозлар бозорини барпо этиш учун жiddий қадамлар ташланмокда.

Молия бозорининг бозор муносабатлари тизимидағи аҳамияти уни томонидан қўйидаги қулай шароитларни таъминланиши билан боғлик асосий вазифалари асосида белгиланади:

- иктисадиётнинг реал секторига инвестицион молия ресурсларни самарали жалб қилиниши;
- капитални самарасиз тармоқдан самаралисига кайта тақсимланиши;
- давлат бюджетига хизмат кўрсатиши, унинг камомадини (дефицитини) коплаш учун пул маблагларини самарали жалб қилиниши;
- иктисадиётнинг ҳолатини аник бозор индикаторлари ёрдамида баҳоланиши;
- инфляция суръатлари (темплари) ва валюта курслари ўзгаришига онератив таъсир кўрсатилиши;
- давлатнинг кредит-пул ва бюджет-солиқ сиёсатини объектив ва мутаносиблиқда олиб борилиши;
- мулкка зғалик хукуқини ишлаб чиқариш воситаларига кайта тақсимланиши;
- жаҳон глобаллашувни жараёнларига миллий иктисадиётни интеграллашуви.

Молия бозорининг асосий функцияларидан бири – молиявий инструментларнинг объектив бозор курсини (нархини) шакллантиришадир. Бундай курс канчалик тез шаклланса, бозорда капитал шунчалик самара билан жойлаштирилади.

Молия бозори вазифаларини асосий ва қўшимчаларга ажратиш мумкин. Асосий вазифалари унинг бозор муносабатлари тизимидағи аҳамияти ва қулай шароитларни таъминлаши билан ифодаланади (улар юкорида санаб ўтилган).

Молия бозорининг қўшимча вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- эмитентнинг молия оқимларини оптималлаштириш;

- бозор катнашчиларининг ижобий имиджини шакллантириш;
- эмитентнинг иқтисодий манфаатларни ҳимоялаш;
- бизнесни ривожлантириш ва кўшимча иш жойларини яратиш;
- жаҳон молия тизнинг интеграциялантириш;
- сиёсий хуруж, молиявий ва иқтисодий кийинчилик, молиявий репрессия ва валютавий интервенция воситаси сифатида таъсири кўрсатиш;
- инвесторларининг хукукларини ҳимоялаш ва максад-манфаатларини таъминлаш.

Халкаро мавкега эга бўлган замонавий молия бозори ўзининг асосий роли доирасида (яъни иқтисодиётнинг ҳолати “барометри”) жаҳон глобаллашуви шароитида иқтисодиётда бир-бири билан боғлиқ куйидаги ролларни ўйнайди:

1. “Иқтисодиётнинг муаммолари даражасини метрик ўлчагичи”, яъни иқтисодиётда омиллар таъсири остида пайдо бўлувчи муаммоларни махсус индикаторлар ёрдамида миқдорини ўлчашга ва шу асосда масъул давлат органи ҳамда иқтисодиёт субъектлари томонидан сиёсат юритишда тегишли карорлар қабул қилишга кўмаклашади;
2. “Молиявий ресурсларни бозор конъюктураси асосида иқтисодиёт субъектлари ўртасида тартиблашган тарзда самарали тақсимланиши ва кайта тақсимланишининг коммутатори”. Бунда бозор конъюктураси фискал ва монстар сиёсатлар ёрдамида тартиблаштирилади;
3. “Иқтисодиётда ракобат мухитини ривожлантириш катализатори” сифатида илмий-техникавий прогресс ва инновацияларни рағбатлантиради;
4. “Бозор катнашчилари таркибини интернационализатори” сифатида иқтисодий глобаллашуви ривожлантиради;
5. “Молиявий инструментлар ва улар билан боғлиқ операцияларни стандартизатори” сифатида молиявий глобаллашув жараёнини ривожлантиради;
6. “Иқтисодиёт субъектларишинг инвестицион фаолигини стимулятори” сифатида иқтисодиётни ривожлантириш ва иқтисодий ўсими таъминлаш. Инвестицион фаоллик молия бозорида инвесторларнинг ҳак-хукукларини ҳимояланганлик даражаси ва рисклар шароитида молияни самарали бошқарилишига боғлиқ;
7. “Бозор иқтисодиётни шароитидаги стихияли жараёниларни регулятори”. Бундай жараёнилар маълум индикаторлар (кўрсаткичлар) ёрдамида баҳоланиб, уларнинг критик (чегаравий) кийматларини билган холда маълум регулятив воситалар ёрдамида тартиблаштирилади;
8. “Бозор нархлари стабилизатори” сифатида бозор савдоси тенденцияларини (динамикасини) баркарорлаштиради, талаб ва тақлифни мувозанатлаштиради;
9. “Иқтисодиётни тартиблашган фаолиятини таъминловчи алгоритмик процессор” сифатида барча молиявий муносабатларни бозор катнашчилари томонидан мақсадли стратегик тарзда амалга оширилишига кўмаклашади;
10. “Активлар секьюризатори” сифатида самарасиз реал активларни кимматли қоғозларга трансформациялаб, уларга янги ҳаёт багишлайди ва фаол инвестицион жараёнга кайта киритади;

11. “Иктисодиёт субъектлари информатори” сифатида уларнинг рискларини пасайтиришга (ёки бошқаришга) кўмаклашади;
12. “Инновацион молиявий воситалар (маҳсулотлар ва операциялар) синтезатори” сифатида ракобатбардошлилик ва молиявий ҳавфсизликини тъминлайди;
13. “Молиявий воситаларнинг маҳсус индустрияси” сифатида бозор катнашчилари учун молиявий инструментлар билан бөглиқ фаолият бўйича ишлаб чиқариш жарабанини ташкиллаштиради;
14. “Иктисодиётнинг инвестицион мухити сифати ва муаммолари даражасини анализатори”;
15. “Бозор катнашчиларига ўз муаммоларини англашга, баҳолашга ва ҳал килишга кўмаклашадиган механизм”;
16. “Эквивалент кўзгу” сифатида барча бозор катнашчиларининг фаолият натижалари сифатини бевосита ва билвосита акс эттирали ҳамда кслажакдаги стратегияларини маҳсадли қуришга кўмаклашади;
17. “Спекулятив операциялар тотализатори” сифатида бозор катнашчиларини кутилажак, аммо рискли, манфаалар томон чорлайди. Бунда эмитентлар қимматли қоғозлари сифатини спекулятив инвесторларнинг орзули маҳсад-манфаатларини кераюли (спекулятив) даражада тъминлашга мажбурлар, акс холда инвесторлардан маҳрум бўладилар. Сабаби, эмитентлар иктисодий ривожланиш учун янги ва кўшимча инвестицион ресурсларга мухтоҷ, инвесторлар эса - молия инструментлари бўйича кам (ёки кўп) рискли бозор даромадига интиладилар, чунки, айнан спекулятив инвесторлар иктисодиётда инвестицион мухитни белгилайдилар. Шундай қилиб, молия бозори спекулятив инвесторларнинг азартта кириши мухитини қиздиради, молиявий инструментларни муомалага чиқарувчиларни эса доимий тарзда молиявий барқарорликка мажбур қиласи, инвестицияларга бўлган ракобатли курашини қиздиради, натижада бозор ракобатини мухитини тъминлайди;
18. “Молия бозори катнашчиларини бир бутун инфратузилмавий тизимга бирлаштирувчи” сифатида ҳар бир катнашчини ўз ўрнини, маҳсад ва вазифаларини, функцияларини, бир-бири билан бөглиқликдаги тартибли фаолиятини тъминлайди; Молия бозорининг бир бутун тизимилиги деганда уни бир-бири билан узвий бөгланган унсурлардан (катнашчилардан) иборат мураккаб катта тизим (структуравий-функционал модел) сифатида ташкиллашгани тушунилади. Ҳар бир унсур бозорда ўзига хос маҳсадга ва тегишли фаолият турига эга;
19. “Молиявий маҳсулотлар (инструментлар), ресурслар ва хизматлар гипермаркети” сифатида барча бозор катнашчиларини уларнинг товарларини объектив нархларда алмашинуви борасида учраштиради ва манфаатларини кондириш учун керакли шароитларни яратади;
20. “Бозор мухити” сифатида бозорда очик (эркин) иктисодиёт конунларининг амал қилинишини, иктисодиётни монетизациялашувини, капитал айланмаси ва трансформациясини, активлар секьюритизацияси тамойилларини тъминлайди. Бунда ҳар бир мамлакат бозори мухити ўзининг кувват потенциали миқдори доирасида айтилган ролини бажаради;

21. “Молиявий глобаллаштирувчи” сифатида юкорида келтирилган роллар асосида миллий иктисодиётлар бирлашувини таъминлайди, бозор катнашчиларининг халқаро даражада фаолият чегаралини ва таъсирини кенгайтиради, давлатнинг регулятив ролини камайтиради (халқаро регулятив ташкилотлар эвазига), ресурслар оқимини географик кегайтириб тезлаштиради ва самарадорлигини оширади;

22. “Молиявий инструментларнинг объектив курсларда конвертори” сифатида валюталарни ва қимматли қоғозларни эркин бозор баҳоларида ва ҳажмларида рақобатли алмашинувини таъминлайди.

23. Инвесторларнинг маблаглари учун кучли рақобатли кураш шаронтида “Инвестицион лойиҳалар селекциясини ва структуравий (тузилмавий) ислоҳатларни амалга оширувчи механизм”. Ушбу ролни самарали бажарилиши юкорида келтирилган ролларга ҳамоҳанг бўлиб давлатнинг монетар (асосан фоиз ставкасини ўзгартилиши) ва фискал сиёсалари билан боғлиқ иктисолий ўсии модслида катта аҳамиятга эга.

2.3. Бирламчи ва иккиласми бозорлар тушунчаси, аҳамияти ва тавсифи.

Қимматли қоғозлар бозори деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлик муносабатлари тизими тушунилади.

Қимматли қоғозлар -- бу уларни чиқарган шахс билан ўзаро эгаси ўртасидаги мулкий хуқукларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, ливидент ёки фоизлар кўринишида ларомад тўлашини ҳамда ушбу хужжатлардан келиб чиқадиган хуқукларни бошқа шахсларга бериш нмкониятини назарла тутивчи пул хужжатидир.

Қимматли қоғозлар бозори мураккаб ва кўп кирралидир. Фонд бозори ҳақида янада чукурроқ билимга эга бўлиш учун уни таснифловчи белгилар орқали ҳар томонлама кўриб чиқиши мақсадга мувофиқидир. Кўйида бозор иккисодиёти ривожланган мамлакатларда, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам ўз ўрнига эга бўлган қимматли қоғозлар бозорининг асосий турларини кўриб чиқами:

Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори - бу қимматли қоғозлар эмиссиясини ва бирламчи жойлантирилишини амалга ошириш, яъни қимматли қоғозларни эмитент ёки унинг вакили томонидан дастлабки сармоядорга сотиш бозоридир.

Эмитент томонидан қимматли қоғозларни такрор чиқарилиши (масалан, устав фондини ошириш мақсадида) ёки иккиласми эмиссияси ҳам бирламчи бозор доирасига киради.

Бирламчи бозорининг энг муҳим тавсифи, эмитентлар томонидан ахборотни ошкор этилишидир. Бунда эмитент ҳақида тўлиқ маълумот бериладиган эмиссия проспектини ёки қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишдан тортиб, то фонд бозори соҳасида назорат вазифаларини амалга оширувчи маҳсус давлат идораларига тақдим этиладиган қимматли қоғозларни жойлаштириш ҳақидаги ҳисоботгача

ошкор этилади. Кимматли қоғозларниң бирламчи сотилиши оммавий ахборот воситаларида эмитент түғрисида маълумотни зълон қилган ҳолда қимматли қоғозларни харид қилишни очик таклиф этиш шаклида (исталган имкониятли сармоядор учун) ҳамда ёник, обуна шаклида факат тегишли давлат бошкарув идорасига маълум қилган қоида қимматли қоғозларни шахсларнинг чеклаиган доираси ўртасида жойлаштириш йули билан амалга оширилиши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг иккиласи - бу илгари чиқарилган ва хеч бўлмаганда бир марта харид қилинган қимматли қоғозлар олди-сотдиси (муомаласи) амалга ошириладиган бозоридир. Унинг функцияси қимматли қоғозларнинг олди-сотдисини тезкорлик билан таъминлашdir. Бунда сотувчи ва харидорни учраштириши, бўш капитални иқтисодиётни энг унумли соҳасига зуллик билан сафарбар килиш, томонларнинг ўзаро манфаатларини таъминлаш иккиласи бозорнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Иккиласи бозорнинг асосий кўрсаткичларидан бири **ликвидлик** ҳисобланади. Юкори ликвидликка эга, яъни киска вакт ичидаги жуда катта микдордаги қимматли қоғозларни уларнинг курсини сезиларсиз ўзгариши шароитида кам харажат билан олди-сотдига жаъб кила олишдир, ёки бошқача қилиб айтганда, бозорнинг ликвидлиги-бу маълум вакт оралигига бозор нархларининг кам микдорда ўзгариб тургани ҳолда қимматли қоғозларнинг катта қисмини юкори суратда айланишни таъминлаш имкониятидир.

Бирламчи ва иккиласи бозорлар ўртасидаги ўзаро муносабат иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига, фонд бозорининг шаклланишига, унинг «ёшига», шунингдек, муомалада бўлган қимматли қоғозлар ҳар хил турларининг таркибига боғлик.


Масалан, иқтисодиёт нисбатан баркарор бўлган, қимматли қоғозлар бозорининг тарихи эса, бир неча юз йилларни камраб олган ривожланган капиталистик мамлакатларда қимматли қоғозларнинг деярли барча турлари бўйича иккиласи савдо устун туради. Бирламчи бозордаги қимматли қоғозлар айланмаси ушбу мамлакатда иккиласи бозор айланмасининг 5-10 фоизини ташкил этади ҳолос. Одатда кўпчилик ривожланган мамлакатлар фонд биржаларида қимматли қоғозларнинг бирламчи жойлаштирилиши амалга оширилмайди, шунинг учун у ерларда узок муомала муддатига эга бўлган қимматли қоғозлар баҳоланади.

Қимматли қоғозлар бозорининг тарақкий этиш даражаси мамлакат молия бозори ривожланишини белгилаб берувчи мухим бўғинлардан бири ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида унинг таркибидаги савдо тизимларининг капиталлашув даражаси, айланма ҳажмининг юкорилиги, қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ҳамда муомаладаги инструментларнинг ликвидлиги мухим ўрин тутади. Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва халкаро интеграциялашуви мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишга кўмақлашади.

Шунинг учун ҳам, тарақкий этган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига алоҳида зътибор қаратилади. Сўнти йилларда мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун бир қанча

ислоҳотлар амалга оширилиб, ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида бир неча меъёрий-хуқукий хужжатлар кабул қилинмоқда. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича изчил равишда ишлар амалга оширилаётган бўлсада, соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигини тъкидлаш лозим. Куйида мазкур соҳага оид асосий кўрсаткичларни тахлил қилиш орқали мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори ривожланиши даражаси ва муаммоларига тўхталиб ўғамиз.

2.1 – диаграмма
Кимматли қоғозлар бозори айланмасининг ўзгариши²



Юкоридаги 2.1-диаграммада мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори айланмасининг 2009-2016 йилларда ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Қайд этилган 2009 йилда қимматли қоғозлар бозори айланмаси 749,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2012 келиб мазкур кўрсаткич 2093,5 млрд. сўмга ошган. Қимматли қоғозлар бозори айланмаси 2013 йилга келиб 977,4 млрд. сўмга пасайган. 2014 йил ушбу кўрсаткич 1327 млрд. сўмни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич 2015 йилга келиб кескин ўзгарган, 264,4 %га ўсиб, 3508 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда максимал натижга 14460 млрд. сўмни ташкил этган.

Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ёки фонд биржаси капитализациясининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши (ККБ/ЯИМ кўрсаткичи) жуда юкори бўлиб, бу кўрсаткич Нью-Йорк ва Токио фонд биржаларида 70-90 фоизни, Корея ва Лондон фонд биржасида 100-120 фоизни, Гонконг фонд биржасида 1000-1200 фоизни ташкил этди³.


Сўнгти йилларда мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1 фоизга ҳам етмай келялти, факатгина ўтган 2015 йилда ушбу кўрсаткич 2,04 фоизни ташкил этди. Ушбу рақамлар қимматли қоғозлар бозори мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда етарлича ўринга эга эмаслигини кўрсатади.

² Қимматли қоғозлар бозорини муноғиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари.

³ Жаҳон фонд биржалари федерациясининг йиллик хисоботлари ва www.world-exchanges.org сайти маълумотлари.


Кимматли қоғозлар бозорининг тараккӣ этишида иккиламчи бозорнинг ривожланганлик даражаси ва баркарор амал килиши муҳим ўрин тутади.

2.2 – диаграмма Бирламчи ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозори айланмаси



Юкоридаги 4.2-диаграммадан кўриниб турибдикি, таҳлил қилинган 2009-2016 йилларда умумий қимматли қоғозлар бозорининг жуда катта қисми бирламчи бозор хиссасига тўғри келган. Факатгина 2011 йилда умумий қимматли қоғозлар бозорида иккиламчи бозорнинг устунлиги кузатилган. Сўнгги йилларда иккиламчи бозорнинг хиссаси кескин пасайиб, умумий қимматли қоғозлар бозоридаги улуши 2013 йилда 16,9 фоиз, 2014 йилда 9,1 фоиз, 2015 йилда 7,5 фоиз, ўтган 2016 йилда 8,8 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат фонд бозорида муомалада мавжуд бўлган қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ва ликвидлилиги пастлигини кўрсатади. Қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ва ликвидлилигининг пастлиги инвесторларнинг фонд бозорига бўлган қизиқишини камайтиради натижада бозорнинг жозибадорлигини пасаяди.

2.3 – диаграмма Уюшган ва уюшмаган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тенденцияси




Юкоридаги 2.3 - диаграммадан кўриниб турибдики, тахлил қилинган 2009-2016 йилларда қимматли қоғозлар бозорининг умумий айланмасида уюшмаган бозор мутлок устунликка эга бўлган. Уюшмаган бозорда уюшган бозор (“Гошкент” Республика фонд биржаси ва “Эльсис-савдо” биржадан ташқари уюшган бозори) га нисбатан савдо ҳажми юкорилигининг асосий сабаби давлат тегишли бўлган корхоналарнинг акцияларини хусусийлаштириш йўли билан бозорга чикарилганди жараёни билан боғлик. Уюшмаган бозорнинг умумий бозор ҳажмидан уюшган бозорга нисбатан гипертрофирлашган даражада устунлигининг яна бир сабаби уюшмаган бозорда трансакцион (комиссион) харажатларнинг минимал даражада эканлиги ва расмийлаштиришнинг осонлиги билан боғлик.

Кўйидаги 2.4-диаграммадан кўриниб турибдики, тахлил қилинган 2009-2016 йилларда қимматли қоғозлар бозори умумий айланмаси ҳажмидан акциялар бозори облигациялар бозорига нисбатан жуда 28ата фарқ билан устунлик килган. Сўнгги йилларда облигациялар бозори айланмасида кескин пасайиш кузатилиб, бу холат унинг умумий бозор ҳажмидаги улуни тушиб кетишига олиб келган.

2.4 – диаграмма

Акциялар ва облигациялар бозорининг ривожланиш тенденцияси



Умумий қимматли қоғозлар бозорида акциялар бозорининг ҳажми тахлил қилинган сўнгги икки йилда 99 фойзни ташкил этган. Акциялар бозорининг облигациялар бозорига нисбатан устунлиги умумий қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражаси юкори эканлигини англаштайди.

2.1 – жадвал

**2016 йилда ҳудудлар кесимида акциялар иккиламчи бозорининг
холати (млн. сўм)**

| № | Ҳудуд номи | 2016 йилда бирламчи бозорда сотилган акциялар хажми | 2016 йилда иккиламчи бозорга сотилган акциялар хажми ш.ж: жисмоний шахслар иштироки билан | |
|----|---------------------------------|--|---|--|
| | | | Жами | ш.ж: жисмоний шахслар иштироки билан |
| 1 | Андижон вилояти | 2 212,3 | 2 603,4 | 708,4 |
| 2 | Бухоро вилояти | 1 583,3 | 26 712,8 | 1 769,9 |
| 3 | Тошкент шаҳри | 13 106 662,7 | 243 270,1 | 149 568,0 |
| 4 | Жиззах вилояти | 1 774,5 | 283,9 | 283,9 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 14 328,0 | 27 253,6 | 3 500,8 |
| 6 | Навоий вилояти | 495,7 | 5 329,6 | 3 092,7 |
| 7 | Наманган вилояти | 13 295,9 | 3 905,9 | 507,5 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 6 592,5 | 2 301,3 | 2 065,6 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 2 473,1 | 2 575,1 | 964,5 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 1 831,6 | 496,5 | 496,5 |
| 11 | Тошкент вилояти | 11 621,5 | 937 270,4 | 3 328,2 |
| 12 | Фарғона вилояти | 16 341,9 | 11 466,8 | 5 793,6 |
| 13 | Хоразм вилояти | 2 710,4 | 1 306,9 | 1 219,9 |
| 14 | Қорақалпоғистон Республикаси | 1 898,5 | 863,4 | 863,4 |
| | Жами: | 13 183 822,0 | 1 265 639,6 | 174 629,9 |

Юқоридаги 2.1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2016 йилда ҳудудларда сотилган акцияларнинг аксарият кисми бирламчи бозор хиссасига тўғри келган. Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари бундан мустасно бўлиб, ушбу ҳудудларда иккиламчи бозор бирламчи акциялар бозорига нисбатан юқорироқ кўрсаткичга эга бўлган. 2.1-жадвал маълумотларидан Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятларида 2016 йилда акцияларнинг бирламчи савдоси бошқа вилоятларга нисбатан анча салмоқли бўлгандигини кўришимиз мумкин.

Республикамиз ҳудудларида амалига оширилган умумий акциялар савдосининг таҳлили бирламчи акциялар бозорининг улуши 93,1 фоизни ташкил этганлигини кўрсатиб турибди. Ҳудудлардаги акциялар бирламчи савдосида Тошкент шаҳрининг улуши 99,4 фоизни ташкил этган бўлса, колган 0,6 фоизи бошқа вилоятлар хиссасига тўғри келган. Ҳудудлар кесимида акциялар иккиламчи савдосининг таҳлили Тошкент вилоятининг улуши 74

фоизин ташкил этганлиги ва бу эса акциялар бирламчи ва иккиламчи савдоларининг асосан Тошкент шаҳрнива Тошкент вилоятида амалга оширилаётганлиги ва ҳудудлар билан таққослагандаги жуда катта номувофиқлик (дисбаланс) мавжудлигини кўрсатади. Ҳудудлардаги қимматли қоғозларнинг асосий савдо айланмаси ҳам акциялар ҳиссасига тўғри келиб, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозлар савдоси деярли мавжуд эмас.

Умуман олганда, муомалада факатгина акциялар ва облигацияларнинг мавжудлиги мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори молиявий инструмент турлари ва хилма-хиллиги нуқтаи назаридан бой эмаслигини кўрсатади. Бу эса инвесторга инструментлар жихатидан диверсификация килиш имконини бермайди. Юкоридаги муаммоларни ҳал қилишининг энг асосий йўли бу - мамлакатимиз иктисадиётида юқори улушга эга бўлган йирик корхоналарнинг давлат улуши сифатида турган қимматли қоғозларини муомалага чиқариш (хеч бўлмаганда бир қисмини) ва инвесторларга эркин сотиш хисобланади ва ҳозирда бу жараён бошланган.

Юкоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши муомалада ликвидли инструментларни тақлиф этишинига, қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ўсишига, ахолининг фонд бозорига ишончини ортишига, бозорни жозибадорлик даражасини юқори бўлишига ва натижада қимматли қоғозлар бозорини ривожланишига олиб келади.

Оммавий хусусийлаштириш билан кузатиладиган бозор муносабатларини вужудга келтириш жараёнини кечираётган ва эндиғина ўзини фонд бозорларини барпо этаётган мамлакатлар учун ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори устун туради.

Ўзбекистонда ҳам 90-йилларнинг ўрталарида бирламчи бозорнинг устуворлиги сезиларди, лекин кейинча бу нисбат ўзгара борди. 1995 йилда Республикада банк ва тијорат векселларнинг иккиламчи бозори 1996 йилдан бошлиб эса, Давлат қиска муддатли облигацияларнинг (ДҚМО) иккиламчи бозори, кучин тараққий эта бошлади ва уларнинг салмоги бирмунча ўсиши кузатилди.

2.4. Уюшган ва уюшмаган бозорлар тушунчаси ва аҳамияти.

Қимматли қоғозларнинг уюшган бозори - қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши соҳаси бўлиб, унда қимматли қоғозлар операциялари ушбу битимлар иштирокчилари учун қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси томонидан белгиланган тадбирлар ва шартлар билан тартибга солинади.

Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори - бу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши соҳаси бўлиб, унда қимматли қоғозлар билан операциялар савдо ташкилотчиларининг ушбу битим предмети ва унинг иштирокчиларига нисбатан кўйган талабларга риоя этилмаган ҳолда амалга оширилади. Бу шундай бозорки, унда битимлар тузиш, қимматли қоғозлар иштирокчиларга куйиладиган талабларнинг коидалари белгиланмаган, савдолар сотувчи ва харидорларнинг шахсий алоқаси орқали ихтиёрий равишда амалга оширилади. Мазкур бозорда тузишган битимлар хакидаги ахборот тизими мавжуд эмас.

Бундан ташкири, битимлар иштирокчилари қандайдир муҳофаза ва сұғурта механизмларидан фойдаланилмаган ҳолда амалға оширилади. Битимлар махсус рүйхатта олувчилар томонидан конун билан белгиланған умумий тартибда расмийлаштирилади. Ушбу бозор «күча», ёки «тартибсиз» бозор деб номланишта карамай, у мутлақо чалкаш тартибсиз бозор әмас, агар товламачилик холлари аникланса, тартибга солувчи давлат идораси тергов ишинни олиб боради. Бундай бозорда сифатлы қимматли қоғозлар кам, улар бүйіча ё дивидендер олиш, ёки барча күйилған маблагларни йүкотиш мүмкін бўлған даромадли қимматли қоғозлар ҳам, шунингдек, эмитентлари мураккаб молиявий ахволда колган, ёки банкротлик ёқасида бўлған, яроксиз деб номланувчи акциялар ҳам сотилиши мүмкін. Ўзбекистон Республикасида уюшмаган бозорда янги барпо этилган, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарнинг бирламчи ва иккиламчи эмиссиялари акциялари, банк ҳамда тижорат векселлари сотилади ва харид килинади.

ХИФлар акцияларининг бевосита ХИФларнинг ўзлари томонидан амалға оширилган ёки Халқ банки бўлимлари орқали бирламчи сотилиши бундай бозорларга мисол бўла олади.

Ким ошиди савдоси асосида ташкил эталадиган қимматли қоғозлар бозори. Қимматли қоғозлар билан савдо килиш технологияларининг барча турларини иккита катта гурухга бирлаштириш мүмкін.

Биринчи, ким ошиди савдоси бўйича савдо-сотик, бунга оддий ким ошиди савдоси киради.

Иккинчи, голландча ким ошиди савдоси ва кўшалок ким ошиди савдоси.

Оддий ким ошиди савдоси бунда факат харидорлар мусобақалашади. Сотувчилар тўғридан-тўғри ракобатлашмайди. Савдолар бошлиқнишдан олдин харид қилиш учун ва сотиш учун буюртмалар йингилади ва буюртмалар рўйхати (копировка вараги) тўлдирилади. Савдолар таклифлар рўйхатининг очиқча кетма-кетлик билан эълон қилиниши орқали амалға оширилади. Ҳар бир аниқ таклиф бўйича янги нархларнинг белгиланиши йўли билан харидорларнинг баҳслашуви очик кечади.

Бошлангич нархни одатда сотувчи белгилайди. Сўнгги нарх бу харидорлар томонидан даъвогарлар ракобатлаша олмайдиган даражадаги очиқча таклиф этилган баҳодир. Оддий ким ошиди савдоси собик СССРнинг барча биржаларида энг кўп тарқалган усули эди.

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам бу оммабоп усул кенг тарқалди. «Тошкент» РФБда компьютердан фойдаланилган ҳолда бу усул қўлланилади. Бу усул савдо ўтказувчиларнинг барча иштирокчилари учун аниқ ва тушунарлидир.

Голландча ким ошиди савдоси. Савдоларни ўтказишини бу усулида харидорларни буюртмалари олдиндан жамланади, ундан кейин буюртмалар эмитент томонидан ёки унинг маңбаатлари учун хизмат килувчи воситачи томонидан сиртдан кўриб чиқилади. Ягона расмий нарх белгиланади. Ўзбекистонда бундай усул ДҚМОнинг бирламчи жойлаштирилиши бўйича ким ошиди савдоларни ўтказиша қўлланилади.

Бу усулда ким ошиди савдоларини ўтказиш механизми кўйидагича:

- Республика фонд биржаси томонидан харидорлар буюртмаларининг йигилиши;
- буюртмалар рўйхатини тузиш ва уни Молия вазирлигига тақдим этиш;
- Молия вазирлиги томонидан амалга ошириладиган харидорларнинг сиртки баҳслашуви ва нархнинг пастки чегарасини белгилаш;
- буюртмаларни қондириш.

Кимматли қоғозларнинг биржаси ва биржадан ташқари бозорлари. Кимматли қоғозларнинг биржа бозори бу кимматли қоғозлар билан фонд биржаси доирасида уюшган тарзда савдо қилиш соҳасидир.

Фонд биржаси (бу ҳакла биз кейинги маърузаларимизда тўлиқ маълумот берамиз) кимматли қоғозлар билан фонд биржаси доирасида савдо қилиш учун шарт-шаронтларни таъминловчи алоҳида муассаса бўлиб, унда савдо факат кимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари брокер-воситачилар, маклерлар-даллоллар, дилерлар-савдогарлар томонидан маҳсус коидалар бўйича олиб борилади.

Фонд биржасида энг яхши кимматли қоғозлар билан савдо қилинади. Булар «Тошкент» Республика фонд биржаси ва унинг вилоятлардаги 13 та бўлинмаси орқали амалга оширилади. Уларда, корпоратив кимматли қоғозлар, давлат қиска муддатли облигациялари савдоси ташкил этилган. Ўзбекистондаги акциялар бозорининг ўзига хос ҳусусияти шундаки, унинг катта қисмини давлат корхоналарининг ҳусусийлаштириш натижасида барни этилган акциядорлик жамиятларининг кимматли қоғозларини бирламчи сотиш бўйича тузилган битимлар ташкил этади.

Кимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозори – бу фонд биржасидан ташкарида кимматли қоғозлар билан савдо қилиш соҳасидир. Унда фонд биржасида сотувга кўйилмаган кимматли қоғозларнинг Эркин савдоси дилерлар томонидан маҳсус телекоммуникация тармоқлари (телефон, телефон, компьютер воситалари) ёрдамида амалга оширилади. Бу савдо воситачиларга фонд биржаси томонидан ўрнатилган юкори ставкали комиссион йиғимлардан кочишинга шароит яратади.

Биржадан ташқари уюшган бозорлар АҚШ ва Европа мамлакатларида яхши ривожланган, Ўзбекистонда бундай савдо 1998 йил 1 июндан бошлаб «Элсане-Савдо» биржадан ташқари электрон тизими орқали амалга оширилиб келинмоқда 2005 йилдан бошлаб Банклараро савдо тизими (МТС)ҳам биржалан ташқари бозорда фаолият юритмоқда.

Кимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларни тўла камраб олувчи биржадан ташқари бозорни икки турга бўлиш мумкин.

1. Стихияли бозорлар;
2. Дилерлар бозори.

Стихияли бозорда олди-сотди харидор билан сотувчиларнинг шахсий алоқаси орқали шала-партиш тарзда юзага келади. Унда олди-сотдининг тартиб-коидаларига, кимматли қоғозлар ва иштирокчиларига нисбатан ҳеч қандай талаб кўйилмайди. Савдо-сотик ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Дилерлар бозорида сотувчилар сотувга тушадиган қимматли қоғозларнинг нархини очиқдан-очик эълон киладилар. Шу сабабли харидор билан сотувчи ўртасида тўғридан – тўғри очик ракобат юз бермайди.

Ўз навбатида дилерлар бозорида қимматли қоғозларни таклиф қилишнинг куйидаги хиллари асосида ҳам ташкил қилиш мумкин:

- чекланган (масалан, нақд пулга сотиш учун бир нечта муайян жойни белгилаш);

- таксимланган (инвесторлар, қимматли қоғозлар, тўлов турлари бўйича бозор жойларидан тарқалган тармоқлар ташкил этиш);

- узайтирилган (масалан, тижорат ёки жамғарма банкларнинг филияя тармогида қимматли қоғозларнинг турли хилларини ҳар доим таклиф қилиш ташкил этилади).

Қимматли қоғозларнинг минтақавий, миллий ва ҳалқаро бозорлари.

Катта ҳудудларга эга бўлган мамлакатларда одатда, қимматли қоғозларнинг минтақавий ёки локал бозорлари шаклланади. Масалан, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар билан савдо килиниши Қоракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 вилоятдан иборат бўлган маъмурий – ҳудудий тизимлардан иборат.

Қимматли қоғозларнинг миллий бозори деганда, фонд бойликлари билан давлат доирасида савдо қилиш соҳаси тушуннилади. Бунда ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари хисобга олинади.

Қимматли қоғозларнинг ҳалқаро бозори бу жаҳон миқиёсида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш соҳасидир. Бунда қимматли қоғозлар билан савдо қилиш натижасида капитал бир мамлакатдан иккинчисига оқиб ўтади. Қимматли қоғозлар билан савдо килалиган ҳалқаро йирик марказлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2015 йил 3 июнда қабул килинган “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги конунида қимматли қоғозлар брзорига куйидагича таъриф берилган: - “Қимматли қоғозлар – хужожатлар бўлиб, улар мазкур хужожатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий хукукларни ёки карз муносабатларини тасдиқлайди, дивиденqlар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу хужожатлардан келиб чиқадиган хукукларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутади”. Қимматли қоғозлар бозорида даромад келтирувчи қимматли қоғозлар олди-сотди қилинади. Бу бозорда ҳам сотувчилар, ҳам харидорлар муносабатда бўлишадилар. Қимматли қоғозларнинг асосий (фундаментал) хусусияти уларнинг айланувчанилиги ва ликвидлигидир (тез пулга айланана олиши).

Айланувчанилик – бу қимматли қоғозларнинг бозорда харид қилинишига ва сотилишга, шунингдек, кўлчилик ҳолларда бошқа товарнинг айланнишини осонлаштирувчи мустақил тўлов воситаси сифатида кўлланишга қодирлигидир.

Иктисолий назария фанидан маълум бўлган П-Т (пул-товар), Т-П (товар-пул) формуласига асоссан, қимматли қоғозлар ҳам капиталнинг доимий айланнишида ҳам товар сифатида ҳам пул сифатида қатнашиши мумкин. Қимматли қоғозлар маълум маънода товар хисобланади, у ўз қийматига ва

истеъмол қийматига эга. Уларнинг қиймати биркенча омилларга боғлиқ, масалан, улар томонидан келтирилган даромаднинг хажми, ссуда фоизининг месъери, нисбатан юкори курс бўйича сотилиши мумкиниги, корхонани бошқаришда иштирок этиш имкониятлари ва бошқалар.

Кимматли қоғозларнинг истеъмол қиймати шундан иборатки, улар оркали кимматли қоғоз эгаси ўз капиталини ошириш, саклаш, корхонани бошқаришда иштирок этишдан аниқ талабларини кондиради. Шу билан бирга, баъзи ҳолатларда кимматли қоғозларнинг алоҳида турлари (давлат облигациялари, векселлар) маълум бир кулай вазиятларда пул вазифасини ҳам бажариши мумкин. Маълумки, айрим мамлакатларда кучмас мулк, автомобил ва бошқалар билан хисоб-китоб килиш чогида юкори ликвидли давлат облигацияларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланилади.

Ликвидлик – бу кимматли қоғозларнинг бозор нархи камроқ ўзгариб туриши ҳамда сотиш учун унчалик кўп бўлмаган харажатлар билан, шунингдек, ўз эгаси учун деярли зарарсиз ҳолда тезда сотилиши ва пул маблағларига (накд ва накдсиз шаклда) айланиш қудратидир.

Ликвидликка жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Уларни асосан уч гурухга ажратиш мумкин:

Биринчидац, умумиқтисодий омиллар (пул муомаласи, иқтисодист даврнинг у ёки бу боскичида бўлиши, сармоядорлар томонидан тўловга қодир талабнинг мавжудлиги, банк хисоб-китобини амалга ошириш тезлиги даражаси ва х.к.).

Иккинчидац, мазкур мамлакатда кимматли қоғозлар бозорини ташкил килиш даражаси билан боғлиқ омиллар (фонд бозорини ташкил этиш, сармоядорнинг ахборотга эга бўлиш даражаси, маркет-майкерлар муассаларининг мавжудлиги ва х.к.).

Учинчидац, эмитентнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган омиллар (улинг молиявий аҳволи, тўланадиган даромаднинг миқдори ва бошқалар).

Кимматли қоғозларнинг яна бир асосий хусусияти борки, бу хатар (risk), йўқотишлар билан боғлиқдир.

Кимматли қоғоз – ўзи билан боғлиқ мулкий хуқукларни акс эттирадиган хужжатдир. У кимматли қоғоз эгаларининг даромад манбаси бўлиб хизмат килади. Муомалада юритилиши ва озли-сотди воситаси бўлиши унинг ўзига хос мөхиятини шакллантиради. Кимматли қоғозларни чиқаришдан асосий максад, хўжалик оборотига кўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва шу оркали мулкдор синфи шакллантиришдир. Кимматли қоғозларнинг савдо-сотиги натижасида кимматли қоғозлар бозори вужудга келади.

Таянч сўз ва иборалар: молия бозори, пул бозори, валюта бозори, инвестиция бозори, ссуда капитали бозори, инвестиция бозори, бирламчи бозор, иккиламчи бозор, кимматли қоғозлар, ликвидлик, қимматли қоғозлар бозори, уюшган бозор, мулкий хукук.

III БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ ИНДИКАТОРЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ

3.1. Молия бозори индикаторлари, уларнинг турлари.

Глобаллашув шароитларида индустрисал ва ривожлангаётган мамлакатлар иқтисодиётларининг ривожланиши босқичлари молия бозорлари ролини кескин ошиши билан белгиланади. Чунки молия бозорлари бу шароитларда жаҳон иқтисодиёти микёсида на факат молиявий оқимларнинг самарали тақсимланиши ва кайта тақсимланишини таъминламоқда, балки мамлакатлар иқтисодиётлари ва бозорларининг ракобатбардошлигини, шароитларга эгулиувчан мослашиши, хавфсизлик даражасини, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш суръатларини белгиламоқда.

Маълумки, рисклилилк даражаси тизимли, тармоқлар, инвестициялар жалб қилувчи эмитентлар ва инвесторларнинг рисклари йигиндисидан ташкил топади. Молия бозорида намоён бўлувчи тизимли рисклар инвестиция қилиш тўғрисида карор қабул қилишининг муҳим компонентаси ҳисобланади. Ушбу рискларни ва юкорида айтилган кўрсаткичларни ҳамда уларнинг хавфсизлик чегаравий (критик) қийматларини баҳолаш эконометрик усуллар ва финансометрика⁴ ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бунда кўп жихатдан иқтисодий ва молиявий хавфсизлик индикаторлари тизими ва уларнинг критик қийматлари (микдорлари) назарда тутилади. Уларнинг бундай қийматларини ўз вактида, олдиндан ва тўғри микдорий баҳолай олмаслик ишлаб чиқариш ва такроран ишлаб чиқариш жарабёнларига молия бозори орқали салбий таъсири кўрсатувчи ходисаларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун молия тизими ва бозорининг хавфсизлик, баркарорлик, ракобатбардошлилик, рисклилилк ва жалборлилик индикаторларини билиш ва уларни баҳолаш хар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга.

Макроинтисодий ва макромоливий (жумладан, финансометрик) индикаторлар ёрдамида юкорида санаб ўтилган сифат кўрсаткичларини микдорий баҳолаш, улар ёрдамида ифодаланувчи молия бозорига хос жараёнларни тадқиқ қилиш, ундаги тенденциялар динамикасини таҳлил қилиш, бозор мониторингини ўтказиш ва ундаги ижобий ва салбий ходисаларни прогноз қилиш, буларнинг натижаларни асосида пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфлар ва диспропорциялар манбаларини (сабабларини) аниқлаш ва ўз вактида уларнинг иқтисодиётга ва молия тизимига салбий таъсирини олдинни олиш ёки даражасини олдиндан пасайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин. Молия тизими ва бозорининг хавфсизлик, ракобатбардошлилик, барқа-рорлилик ва жалборлилик даражаларини бевосита ва билвосита микдорий ифодаловчи индикаторларни қўйидаги беш гурӯхларга ажратиш мумкин⁵:

I. Макромоливий индикаторлар;

⁴ Шоҳазамий П.И.И. Секьюриметрика.-Т.: Узбекистон миллий энциклопедияси, 2005.-473 с.

⁵ Малыцса И.Г. Система индикаторов финансовой безопасности как основа для определения уровня системных рисков национальной финансовой системы //Вопросы статистики, №5, 2006.-сс. 14-24.

2. Иктисолиётда жамгармалар ва инвестициялар нисбатини ифодаловчи индикаторлар;
3. Банк тизими фаолиятининг индикаторлари;
4. Нарх-наво индикаторлари;
5. Молия бозорини (ундаги ҳолат ва динамик жараёйларни) ифодаловчи индикаторлар.

Айниска молия тизими ва ундан молия бозорининг ракобатбардошлилиги хар қандай мамлакат иктисолий ривожланишининг асосий омилларидан ҳисобланади. Айнан глобаллашув шароитида молия бозорининг юқори даражадаги рақобатбардошлилиги иктисолиётда модернизациялаш ва индустриал ўсишли таъминлаш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича кенг имкониятларни беради. Шу билан бирга хар қандай мамлакатнинг молия тизими ва бозори рақобатбардошлилиги уларнинг қавфсизлик, баркарорлик, жалборлилик ва ризк даражасига бевосита боғлик. Чунки кўп жиҳатдан ушбу кўрсаткичларнинг юқори даражаси ички ва ташки инвесторлариниң мамлакат бозорига нисбатан ишончини оширали, улар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларнинг рисклилик даражасини пастлилигидан далолат беради.

3.2. Молия бозори индикаторларини ҳисоблаш механизми ва тақомиллаштириш йўллари.

Макромолиявий индикаторлар. Ушбу гурӯхга молия соҳасининг рақобатбошлигини ифодаловчи индикаторлар киради. Яъни уларнинг ёрдамида давлат молияси ва иктисолиётни реал секторининг молия бозоридаги ҳолати ифодаланаади. Чунки уларнинг иккаласи ҳам молия бозорининг капиталичилари ҳисобланади. Бу гурӯх индикаторларини тўртга кичик гурӯхга ажратиш мумкин:

A. Давлат бюджетини барқарорлигини ифодаловчи индикаторлар.

1. Бюджет дефицитини ЯИМга нисбати 3 фоиздан ошмаслиги лозим.
2. Давлат қарзини ЯИМга нисбати 60 фоиздан ошмаслики керак. Ички ва ташки қарзлар даражалари ЯИМнинг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.
3. Давлат қарзини бошқариш ҳаражатларининг улушини ва давлат бюджети ҳаражатларининг умумий хажмига нисбати 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

B. Корхона ва ташкилотларининг қарз юки даражасини ифодаловчи индикаторлар.

4. Номолиявий корхоналар қарзини тушумга нисбати 30 фоиздан ошмаслиги лозим, аks ҳолда уларнинг молиявий барқарорлиги учун ҳавф тугилади. Ушбу индикатор ва унинг критик қийматлари компания молиявий фаолиятини IAS (GAAP) стандартлари асосида таҳлил қилинадиган кўрсаткичларни синтез қилиш негизида шакланади: компания қарзини хусусий капиталiga нисбати (агар бу нисбати 1 дан катта бўлса, унда компаниянинг ҳолати рискли деб баҳоланади), хусусий капитал айланмаси коэффициенти (бу кўрсаткич хусусий капитални тушумга нисбати билан

ўлчанади, агар унинг нисбати 0,2 дан кам бўлса (бунда компания қарзларининг бир кисмини, одатда учдан бир кисмини, реструктуризация қилиш, конвертациялаш ва қайта кредитлаш мумкинлигини инобатга олсак), компания молиясини бошкариш сифати коникарез деб баҳоланади).

5. Номолиявий корхоналарнинг қиска ва узок муддатли қарзлари нисбати таҳминан 70:30 бўлиши керак. Ушбу индикатор номолиявий секторда риск даражасини карз юкига боғлиқликда ифодалайди.

6. Банк сектори ташки қарзини унинг жами активлари суммасига нисбати 30 фоиздан ошмаслиги лозим. Ушбу индикатор мазмунан 4-чи индикаторга ўхшаш, капиталининг етарлилигини (12 фоиздан кам бўлмаган микдорда) ифодаловчи 20-чи индикатор хамда Н11.1 норматив (мeyer) билан боелиқ (бу норматив хусусий капитал бўйича (400 фоиздан кўп бўлмаган даражада) хорижий банклар ва молиявий ташкилотлар олдидағи мажбуриятларнинг максимал микдорини чегаралайди). Ушбу индикаторнинг критик қиймати банк сектори риски микдорини ҳисобга олган ҳолда иккала кўрсаткични синтез килиш асосида шаклланади.

7. Банкларнинг қиска ва узок муддатли қарзлари нисбати таҳминан 70:30 бўлиши керак. Ушбу индикатор 5-чи индикаторга ўхшаш.

C. Олтин-валюта заҳираларининг етарлилиги даражаси.

8. Пул базасини олтин-валюта заҳира билан таъминланганилиги даражаси пул базасининг (тор маънода белгиланишида) 70 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Амалиёт шуни кўрсатадики, стерилизация сиёсати методлари эмиссион молиялаштиришнинг инфляцион эффектини нейтраллаштириш имконини (20-30 фоиздан кам бўлмаган даражада) беради.

9. Олтин-валюта заҳираларининг етарлилигини кўрсатувчи индикатор. Олтин-валюта заҳираларини абсолют ўсиши пул базасини ўсишидан ката бўлиши керак, аks ҳолда инфляцион жараёнларнинг жадаллашуви вужудга келади (мамлакат бюджети ва иктисолиётини кўшимча пул эмиссияси эвазига молиялаштириш ҳисобига).

10. Олгин-валюта заҳираларининг минимал (критик) даражаси индикатори. Бу даражадагилар суммасидан кам бўлмаслиги лозим: бир чоракдаги импортнинг қиймат ҳажми суммаси хамда давлат, банк ва корпоратив секторларнинг қиска муддатли қарзларини қоплаш учун зарур бўлган маблағ ва улар бўйича фоиз тўловлар.

D. Иктисолиёт фаолиятининг макромолиявий шароитлари индикаторлари.

11. Иктисолиётнинг монетизациялашуви даражаси (яни M_2 пул агрегатининг ЯИМга нисбати) 20-30 фоиздан кам бўлмаслиги зарур. Агар унинг даражаси 15 фоиздан кам бўлса, иктисолиётнинг бартерлашуви, солик тушумларини камайиши, инфляцияни кескин ўсиши ва шу каби бошқа салбий ҳолатлар келиб чикиши мумкин.

12. Иктисолиётда пул бўйича талаб ва тақлифнинг ҳажми ва структурасини ўзгарниши индикатори. Пул массасининг (M_2) ўсиши инфляция даражаси ва плюс ЯИМни фоизда ўсишининг юқори даражасидан ортмаслиги

лозим. Пул массасининг чегаравий (критик) кийматидан ортиши кредит экспансиясини белгиси ҳисобланади.

13. Кредит ресурслари ва депозитлар бўйича реал фоиз ставкасининг ўзгаришини критик даражаси. Реал фоиз ставкасининг у ёки бу томонга караб ўзариши 50 фоиздан ошмаслиги лозим, чунки бу кўрсаткич мамлакатнинг молиявий ва иктисолий тизими учун ўта муҳим ва таъсир этувчи инструмент ҳисобланади. Яъни уни кўрсатилган микдоридан сезигарли оғиши инвестицион жараёнга, банк тизими фаолиятига, молия бозорларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки иктисолиёт субъектларининг ҳатти-харакатларида кескин ўзгаришлар вујудга келади, натижада иктисолиётда пулга бўлган талаб ва таклиф кардннал тарзда ўзгаради.

14. Рентабеллик кўрсаткичи асосида қуйидаги индикаторлар ҳисобланиши мумкин:

- иктисолиёт рентабеллиси. Пул бозоридаги холат коникарли бўлиши мумкин, агарда рентабеллик микдори инфляция даражасидан ортиқ бўлса;

- иктисолиётнинг асосий тармоқлари рентабеллиги инфляция даражасидан юкори бўлса (3-5 фонзга баланд бўлса, яхши холат деб баҳоланади);

- рентабеллик ва фоиз ставкаси даражаси нисбати. Иктисолиётнинг рентабеллиги кредитлар бўйича ставкалардан даражасидан юкори бўлиши керак. Бунда кредитлар ставкаси депозитлар бўйича ставкалардан ортиқ бўлиши лозим. Пул қўйимлари ва депозитлар бўйича реал даромадни таъминлаш учун депозит ставкалари инфляция даражасидан баланд бўлиши талаб қилинади.

Иктисолиётда жамғармалар ва инвестициялар нисбатини ифодаловчи индикаторлар. Ушбу гурӯҳ индикаторлари молия тизимининг (бозорининг) муҳим функцияси (инвестицияларни жамғармаларга тарисформациялаш) билан боғлик бўлиб, иктисолиётнинг ривожланиши имкониятларини, унинг инвестицион потенциалини, иктисолиёт субъектларининг (жумладан уй хўжаликларини) тўлов кобилиятини ифодалайдилар.

1. Асосий капиталга инвестицияларни ЯИМга нисбати 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

2. Иктисолиётда инвестициялар ва жамғармалар нисбати. Иктисолий мувозанат холатида жамғармалар инвестицияларга тенг бўлади, иктисолиётни ривожланишининг актив фазасида эса инвестициялар жамғармалардан ошади. Иктисолиётдаги жамғармалар, кам деганда, икки усул ёрдамид ҳисобланади:

1) Миллий ҳисблар тизими методологиясига мос равишда ва тўлов балансининг асосий тенгламаларини кўллаган ҳолда;

2) асосий субъектларнинг (ахоли, фирмалар, банклар ва молиявий ташкилотлар) иктисолий фаолияти жамғармалари сифатида. Иктисолиётда жамғармалар жадвал кўринишида тизимлаштирилиши ва динамикада тадқик қилиниши керак.

3. Миллий ва хорижий валюталардаги жамғармалар тузилмаси (структураси). Ҳозирги шароитларда миллий валютадаги ва хорижий

валюталардаги жамғармаларнинг бир бирига нисбати 70:30 бўлиши лозим. Агар бу нисбат бузилса, унда иқтисодиётни “долларлашиши” ҳолатини тушуниш мумкин. Жамғарманинг бундай структураси ўзида кредит тизими учун сезиларли валюта рисклари мужассамлаштиради, чунки иқтисодиётнинг миллий валютадаги кредит ва инвестицияларга бўлган талаби кўп жихатдан хорижий фондлаштириш ҳисобига қондирилади.

4. Капитал кўйилмалар учун жамғармаларни тўлиқ ишлатилмаганлигининг критик даражаси жамғармалар ҳажми инвестициялардан 30 фоизга ортиқ бўлса вужулга келади. Ушбу индикатор Парето нисбатидан келтириб чиқарилади. Бунда, одатда, 10 фоизга якін жамғармалар ўзига молиябозорларини жалб қилиши ҳисобга олинади. Ушбу индикаторга риоя қиласлик иқтисодиётда нормал инвестицион жарабённинг кечиши бузилганлигидан далолат беради.

5. Мамлакатдан капиталини “нолегал” чиқиб кетиши даражаси. Унинг бу даражаси “Жорий операциялар” счетининг (ҳисобининг) ярмисидан ошмаслиги лозим

Банк тизими фаолияти индикаторлари. Ушбу индикаторлар банк тизимишнинг иқтисодиётда ва молия тизимида фаолияти кўрсаткичларини ифодалайди.

1. Банклар капиталининг етарлилиги меъёри (нормативи). Ушбу индикатор банкларнинг хусусий капиталини уларнинг активларига (оғирлиги тенглаштирилган рискларни ҳисобга олинган холда) бўлган нисбати билан ҳисобланади. Индикаторнинг микдори Базел келишувларига мувофиқ (*Base I II*) 12 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

2. Банк тизимишнинг умумий (жами) активларини ЯИМга нисбати. Идеал ҳолатда ушбу индикатор позитив иқтисодий динамикани ривожланаётган мамлакатлар учун 80-100 фоизни ташкил этиши лозим.

3. Маблағлар (кредит ва депозитлар) жалб қилинилиши ва жойлаштирилишининг ўртача муддатлари. Нормал ривожланаётга иқтисодиётларда бу муддатлар бир бирига мос бўлади. Акс ҳолда кўйидаги икки ҳолатдан бирини кузатиш мумкин:

1) 20-30 фоиз капиталдан ортиқ маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш унинг рухсат этилган йўқотилиши даражасидан ошиб кетнishi мумкин;

2) банк секторининг соғ хорижий мажбуриятлари даражасини шундай даражага етадики, қачонки миллий валюта курсини кутилмагандаги ўзгариши банк секторининг капитализация даражасига ҳавф туғдира бошлайди. Банкларнинг ўз мажбуриятларини 20 фоизи даражасида тўлов қобилиятига эга бўла олмаслиги, уларни ўз капиталини йўқотишини англаради.

4. Кредит ва депозитларнинг вакт муддати структураси қўйидагича бўлиши лозим: муддати бир йилгача бўлган кредит ва депозитлар улуши 30 фоиздан кам; муддати бир йилдан ортиқ кредит ва депозитлар улуши эса 70 фоиздан юқори. Кисқа муддатли пулларга эга бўлган мамлакат банк тизими ўзининг асосий функциясини (яъни жамғармаларни консолидация қилиш ва

уларни инвестицияларга трансформацияланы, инвестицион ва иқтисодий ўшишга кўмаклашиш) нормал бажара олмайди.

5. Банкларнинг ҳорижий активлар билан бөглиқ позициясини банк тизимининг умумий хусусий капиталига (абсолют миқдори бўйича) нисбати 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, валюта курсини кескин ўзгаришида банк тизми учун кайтмас оқибатларга олиб келини мумкин, айниқса агар ҳорижий пассивлар (мамлакат иқтисодиётига кредит ва инвестициялар, миллий банклар томонидан чикарилган кимматли қоғозлар ва бошқа молиявий инструментлар) ҳорижий активлардан (чет элга чикарилган инвестициялар, ҳорижий шерикларга берилган ссуда ва карзлар, чет эл корхоналарининг кимматли қоғозлари) анча кўп бўлса.

6. ЯИМдаги банк активлари улуши динамикасини иқтисодиётнинг монетизация даражасига нисбати. Бу нисбат таҳминан 100 фоизни ташкил этиши лозим. Ушбу шартни бузилиши куйидагилардан далолат бериши мумкин: банк секторининг капитализация даражаси ва барқарорлиги пасаяди, унинг иқтисодиётдаги пул ресурсларини ўстириши ва жамлаши имкониятлари камаяди, яъни банк тизимининг кредит имкониятлари камаяди ёки банк тизимини ҳорижий инвестицияларга бөглиқлиги ортади.

7. Банклар активларида кредит портфелининг учуши 45 фоиздан ортиқ бўлиши лозим, чунки бундан кам бўлса, банкларнинг фаолияти чет эл операцияларига ёки фонд инструментлари билан бөглиқ спекулятив операцияларга томон оғади.

8. Банкларнинг хусусий капитали рентабеллиги – ROE коэффициенти (яъни, банкларнинг соф фойдасини хусусий капиталига нисбати). Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 15 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Бу индикатор банк сектори капиталининг BIS (Basel Institute of Settlements) бўйича етарлилиги кўрсаткичи билан бирга кўрилди. Ушбу кўреаткичлар асосида банк тизимининг даромадлилик тенденцияси ва барқарорлилиги ҳамда ТОР-25 вакиллари бўлган алоҳида банклар таҳлил килинади.

9. Банклар активлари рентабеллиги – ROA коэффициенти (банкларнинг соф фойдасини активларига нисбати). Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 1-2 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. ROA коэффициентининг паст даражаси “The Banker” рэнкингидаги банкларнинг ТОР-1000 ўртача кўрсаткичига мос келади ва банк сектори учун капиталнинг оптималь ричагини белгилайди.

10. Банкларнинг кредит портфелидаги “ёмон” кредитлар улуши. Ушбу мезонининг 10 фоизли миқдори ривожланаётган мамлакатлар учун куйидагиларни англатади: иқтисодиётнинг негатив ривожланиши сценарийсида банклар капиталининг таҳминан учдан бири заарга ёзилиши мумкин, бу ҳолда тизимли банк инқирозининг ривожланиши эҳтимоли жуда юкори бўлади.

11. Банк тизимининг концентрацияси даражаси. Ушбу индикаторнинг нормал даражасини аниқлашда 80:20 нисбатда Парето принципи (тамойили) кўлланилади, яъни 20 фоиз банкларга 80 фоиз банк тизими активлари (ёки капитали) тўғри келади. Агар шу нисбатга ёки унга яқин миқдорга риоя

килинса, банк секторининг концентрация даражаси умуман олгаңда нормал ҳисобланади. Бу нисбатдан оғиш мамлакатда капитални ва/ёки активларни тақсимланиши тизими нооптимал шаклланганидан далолат беради.

12. Банкларнинг банкларо кредитлашга бөгликлиги, банклараро кредитларни банклар пассивларига нисбати 20-25 фоиздан ошмаслиги лозим. Ушбу индикаторга риоя килмаслик, банкларнинг кўп қисми ўз функциясини бажармаслигини англаатади. Бундан ташқари, қиска муддатли банклараро бозор ҳисобига кредитлашни молиялаштириш қўшимча рискларни ўзида мужассамлаштиради, яъни банклараро кредитлар бозорининг локал инкирози (кризиси) банк тизимининг умумий кризисини “домино” принципи бўйичакелтириб чиқариши мумкин.

Нарх-наво индикаторлари. Нархлар даражасини аниклаш молия тизимининг (бозорининг) алоҳида синтетик функцияси бўлганлиги сабаби уларни алоҳида гурӯҳ сифатида ажратилиб чиқарилган. Нархлар динамикасини таҳлил қилиш энг мураккаб муаммолардан ҳисобланади, чунки уларни шаклланиши асосида кўпдан кўп турли омиллар ва жараёнлар ётади. Ушбу гурӯхга куйидаги индикаторлар киради:

1. Йиллик инфляция даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим. Ривожланган мамлакатларда инфляция даражаси 2-5 фоизни ташкил килади.

2. Турли товарлар ва хизматлар гурухларининг нархи динамикаси. Ривожланастган мамлакатларда асосий товарларнинг нархлари (энергия нархи, транспорт тарифлари ва ҳ.к.) ривожланган мамлакатлардаги шу каби товарлар нархидан 30-40 фоиз пастрок бўлиши максаддага мувофик (*Eurostat* томонидан мунтазам ҳисобланадиган паритет курси бўйича).

Молия бозорини ифодаловчи индикаторлар. Молия бозорининг финансометрик (секьюриметрик) параметрлари (индикаторлари) ва уларнинг чегаравий микдорлари⁶, молия тизими ва иқтисодиётнинг индикаторлари билан узвий бөглиқ бўлиб, улар шартли равишда куйидаги погоналарда кўриш мумкин:

- жаҳон (глобал) молия бозорлари мухитини метадаражада ифодаловчи финансометрик индикаторлар. Бу индикаторлар ёрдамида жаҳон молия бозорлари ва миллий иқтисодиётларнинг бир-бирлари билан ўзаро глобал бөглиқтаги тенденциялари ва муаммолари ифодаланади;

- миллий молия бозори мухитини макродарражада ифодаловчи финансометрик индикаторлар. Бу индикаторлар ёрдамида молия бозори ва

⁶ Параметрларнинг чегаравий микдорлари жаҳон молия бозори тенденциялари ва муаллифининг таъдикотлари асосида аникланган хамда куйидаги ишларда келтирилган: Шоҳаъзамий Ш.Ш. Секьюриметрика.-Т.:Ўзбекистон жиҳзий энциклопедияси, 2005.-476 с.; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Проблемы и перспективы стратегического развития рынка ценных бумаг Узбекистана в условиях ЕврАзЭС.-М.: МГУ, Тезисы и доклады Международной научно-практической конференции «Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов». 16-17 ноября 2006.-сс.146-147; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Фондовый рынок в условиях либерализации внешнеэкономической деятельности//Т.: Рынок, деньги и кредит, №7 (110), 2006.-сс.25-28; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Об одном подходе к концептуально-системному исследованию и развитию рынка ценных бумаг в Узбекистане//С.Иб.: Современные аспекты экономики, №8(101), 2006.-сс.207-211; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Финансовый рынок и ценные бумаги. Книга I-Т : Иқтисод-молия, 2005.-сс.121-131; Шоҳаъзамий Ш.Ш. Анализ рынка ценных бумаг Узбекистана// Т.: Рынок, деньги и кредит, №3, 2007.-сс.25-29 Мальцева И.Г. Система индикаторов финансовой безопасности и конкурентоспособность финансовой сферы экономики России//М.: Вопросы 1083 } статистики, №5, 2006.-сс.14-18.

иктисодиётнинг ўзаро адекватлилик, эквивалентлилик даражаси (квазианалогиялар принципи асосида молия бозорининг иктиносидиётни “эгиз-аналоги” сифатида) ифодаланади;

- молия бозори катнашчиларини микродаражада ифодаловчи финансометрик индикаторлар. Бу индикаторлар ёрдамида молиявий инструментлар ва уларни муомалага чиқарувчисининг ўзаро адекватлилик, эквивалентлилик даражаси (квазианалогиялар принципи асосида молиявий инструментларнинг ўз базиси билан “эгиз-аналог” сифатида) ифодаланади.

Юқорида келтирилган индикаторлар ва уларни баҳолаш натижаларини тизимли кайта ишлаб таҳлил килиши асосида молия бозорини ҳавфсизлик, ракобатборлонилимлик, баркарорлик ва жалбдорлилик даражаларини, холати, тенденциялари ва муаммоларини, иктиносидиётдаги роли ва функциялари сифатини аниклаш мумкин. Буларнинг барчаси молия бозорини ривожлантириш ёки такомиллаштириш бўйича истикболлар ва устувор йўналишларни белгилашга хамда зарур ҳолларда оператив тарзда регулятив чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бозор фаолиятини мувоффиклаштиришда ёрдам беради.

3.3. Жаҳон молия бозори моделлари уларнинг тасвиғи ва таснифи.

Жаҳон амалиётида молия бозорининг *англо-саксон, континентал* (“Рейн капитализми”), уларни гибриди, ислом моделларини ажратиш мумкин. Бу моделларнинг барчаси молия бозорининг назарий-концептуал моделларига асосланади. Мальумки, улар қайси мамлакатга оид эканлиги, уни ривожланганилиги даражаси, ундаги жамият томонидан ташланган ижтимоий-иктисодий модел ва мавжуд менталитетга (традицияларга) хамда улардаги омилларнинг (ички ва ташқи) таъсири конуниятлари ва даражаси хамда бошка белгиларга қараб фарқланади.

Лекин моделларнинг барчаси қайси мамлакатда бўлишидан катьйи назар ўзларининг иктиносидиётдаги ва глобаллашув шароитларидаги роли ва функцияларини маълум даражада бажаради. Масалан, индустрнал мамлакатларда молия бозорининг асосан англо-саксон ва (ёки) континентал моделлари бўйича тузилганини, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда эса гибрид ёки англо-саксон ёки континентал (германча) моделни, мусулмон давлатларида-ислом моделини кўриш мумкин. Жумладан ўтиш иктиносидиётига мансуб давлатлarda кўпроқ гибрид моделни кузатиш мумкин, аммо уларнинг инфратузилмаси самарадорлиги бўйича индустрнал мамлакатлар моделларига хозирча тенглаша олмайди. Бунда айтиш жоизки, бу мамлакатларда молия бозорларининг шаклланиши ҳусусиятлари кўп жиҳатдан улардаги таъсир этувчи омилларга⁷ ва мавжуд ривожланиш шароитларига боғлиқдигини кузатиш мумкин.

⁷ Миркин Я.М. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития.-М.: Альянис Паблишер, 2002.-с.144-168.

Умуман олганда ҳар кандай мамлакатнинг молия бозори модели унда ташкил топган мулкчилик тизими тузилмаси ва таъсир этувчи фундаментал омиллар асосида шаклланган ва ривожланаборади.

Хозирда мавжуд моделларнинг ичидаги энг ривожланаган, ҳажмли ва мукаммали англо-саксон модели ҳисобланади.

Молия бозори моделларини икки гурухга ажратиш мумкин:

1) молиялаштиришнинг карз усулини (карз муносабатларини ўзида мужассамлаштирувчи молиявий инструментлар ёрдамида) улуш киритиш усулидан (акциядорлик капиталини ифодаловчи қимматли қоғозлар) устунлиги билан тавсифланувчи модел (бунда йирик институционал инвесторлар устун);

2) молиялаштиришнинг улуш киритиш усулини карз усулидан устун-лиги билан тавсифланувчи модел (бунда акциялар бозори тармоқий тузилмага эга, чакана майда инвесторлар устун).

Молия бозори моделларини назариян қуйидаги белгилар негизида ажратиш мумкин:

- мамлакат иқтисодиёти моделини тузилиши;
- мамлакат аҳолисининг традицион маънавий бойликлари уқлади.

Ҳар иккала белгি асосида моделлар тавсифини алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Мамлакат иқтисодиёти моделини тузилишига асосланган молия бозори модели. Марказлашган (директив) иқтисодиётга ҳос молия бозори модели. Директив иқтисодиёт пул оқимлари ва ҳалкаро капиталлар бозорларига интеграциялашуви нуқтаи назаридан ёпик ҳисобланади. Мисол тариқасида собик Совет Иттифокини келтириш мумкин. Бундай иқтисодиётнинг асосий шинорлари марказлаштиришга қаратилган бўлиб қуйидагиларни англаради: “молиявий баркарорлаштириш”, “пул ресурсларини конвертациялаш”, “спекуляцияни йўқ килиш”, “инқирозга юз тутган тармоқларни давлат томонидан кўплаб-куватлаш”, “пул оқимларини оптималлаштириш”, “ягона партиянинг хукмронлиги ва йўлбошчилни”. Булардан асосий мақсад – давлатга тегишли “бўйруқбозлик директив чўққиларни” кучайтиришдан иборат. Натижада, марказлашган иқтисодиётла давлат мулки, марказлашган тарзда хўжалик қарорларини қабул қилиш, монобанк тизими хукмрон бўлади.

Фудаменталистик (диний) иқтисодиётга ҳос молия бозори модели. Бундай иқтисодиётнинг ёркин намоёндаси Эрон Ислом Давлати ҳисобланади (шу туфайли у ҳакда гап юритамиз). Бу давлат Ислом дини идеоло-гиясига асосланган ривожланишининг алоҳида миллий йўлига қаратилган бўлиб, жаҳон бозори ва индустрiali мамлакатлардан ажралган ҳолда молия бозори моделини шакллантирган ва ривожлантириб келмокда. Унинг иқтисодиёти ёпик ҳисобланади.

Бундай иқтисодиётнинг молия соҳасида бюджет ва Марказий банкнинг роли гипертрофилашган, устувор тармоқларни дотацион кредитлаш ва бюджет томонидан молиялаштириш хукмронлик қиласи, фоиз ставкларини субсидиялаш, кредит ресурсларини марказлашган тарзда тақсимлаш, муаммоли активлар ва инфляцияни ўсиши каби ҳолатлар хукмронлик қиласи.

Натижада молия бозори банк кредитлари томонидан эзилиб сикиб чиқарилган, унда майда чакана инвесторлар йўқ. Умуман олганда молия бозори

иифратузилмаси ривожланмаган, худудий секторларга бўлинган, капитализация даражаси паст, рисклар даражаси баланд, молия-банк тизими паст даражала ривожланган. Диний эътиод ва ёник иқтисод бўлганилиги сабабли облигация, валюта ва деривативлар бозорлари йўқ. Акциялар бозорида асосан хукумат агенлари хисобланган институционал инвесторлар ёки давлат банклари фаолият юритади.

Либерал иқтисодиётга ҳос молия бозори модели. Маълумки, либерал иқтисодиёт ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга давлатнинг чекланган аралашуви, бозор муносабатлари соҳасини кенглиги, давлат мулкини қискариши, бозорларни ракобат учун очиқлиги, бозор фаолиятига турли чеклашларни камлиги, нарх-наво ва фонз ставкалари устидан административ назоратни кучсизлиги, божхона божларини частлиги, марказлашган дотациялаш соҳаси ва субсидияланадиган кредитларни қисқариши ва ҳ.к. билан характерланади.

Либерал иқтисодиёт молия бозорининг турли моделларида мавжуд (англо-саксонск, германо-француз, япон, швед, фин, испан ва ҳ.к.) бўлиб, уларда давлатнинг роли, мулкчилик тизими тузилмаси, реал секторни молиялаштириш ва ҳаказолар фарқланади. Бундай шароитларда индустрнал мамлакатларнинг молия бозорлари очиқлиги, юқори даражада ривожланганлиги, глобаллиги билан характерланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг молия бозорлари эса ривожланишининг тез суръатларига эришган бўлсаларда, ривожланган мамлакатларнинг бозорларига очиқлиги ва глобаллиги бўйича нисбатан пастрок поғонада турадилар. Бунга сабаб, ривожланаётган мамлакатларнинг юқорида кўрсатилган ривожланиши хусусиятлари ва шароитларидир.

Кўп укладли иқтисодиётга ҳос молия бозори модели. Ҳар кандай мамлакат иқтисодиётидаги юқорида келтирилган моделларнинг элементлари (унсурлари) мавжуд бўлиб, улар молия бозорининг роли ва функцияларини мавжуд бўлиши ёки кенгайтириши мумкин. Масала шундаки, кандай модел қайси мамлакатда устуворлик қиласди.

Иқтисодиётнинг кўп укладлилиги айниқса ўтиш иқтисодиётнинг мансуб мамлакатларда (масалан, Марказий ва Шарқий Европа ва МДХ, мамлакатларида, Монголия, Хитой ва жумладан Ўзбекистонда) намоён бўлган. Бу мамлакатларнинг иқтисодиётлари ва молия бозорлари моделларини ўғиш даври шароитларida бир хил бўлиши мумкин эмаслиги аниқ. Иқтисодий моделлари эклектиkdir. Бунга сабаб, уларда ўтиш даври билан боғлик кўп муаммолар ханузгача мавжудлиги. Масалан, мулкчилик тузилмасини шакллапиши, сиёсий ва идеологик ўзгаришларни ниҳоясига етмаганлиги, ички бозорни очилишида ташки ракобатнинг кучлилиги, бозорни юқори волатиллиги ва ҳ.к. Унда доминантлар кам намоён бўлган, протекционизм ва давлатнинг роли кучли, директивиликдан очиқ бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни циклик (даврий) характерга эга. Бу жараёнда фундаменталистик ва шовинистик гояларга оғишлар, алоҳидалик каби рисклар ва ҳолатлар мавжуд бўлади. Иқтисодиётнинг кўпукладлилиги молия бозорига кескиш таъсир кўрсатади.

Ривожланётган ва ўтиш иқтисодиётiga мансуб мамлакатларга ҳос молия бозорининг гибрид (арагаш тузнумали) моделлари. Бундай моделларда асосан кўпуклади иқтисодиётга ҳос муаммолар мавжуд бўлади. Иқтисодчилар бу муаммоларни пайдо бўлишини ушбу мамлакатларда турлича олиб борилаётган иқтисодий испоҳатлар натижалари ва уларга таъсир этувчи кўпгина омиллар билан боғлайдилар. Муаммоларнинг ичидаги сезиларлиси – акциядорлик капиталида мулкчилик тузнумасини шаклланиши жараёни хисобланади. Бу жараёнда акцияларнинг катта пакети асосан давлат, ҳорижий стратегик инвесторлар, компания меснагат жамоаси, аффилиор шахслари ва администрациясида мужассамлашиб қолади. Натижада компаниянинг корпоратив бошкарув механизми, инвестицион ва эмиссион сиёсалари самарасизлашади, молия бозорида эса кўпроқ молиялаштиришнинг қарз усулини улуш киритиш усулидан устунилиги устувор характерга эга, бўлади, акциялар бозори суст ривожланади.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларнинг кўпчилигига молия бозори континентал моделга мослашган бўлиб, уларда асосан банклар катта роль ўйнайди. Бошқаларида эса англосаксон ва континентал моделларнинг элементлари аралаш мавжуд.

Молия бозорининг аралаш моделини 55дан ортиқ мамлакатда кузатиш мумкин: Иран, Иордания, Хитой, Корея, Ливан, Оман, Тайвань, Намибия, Болгария, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Словакия, Словения, Туркия, Хорватия, Чехия, Эстония, собиқ Югославия давлатлари, Боливия, Кайман Ороллари, Уругвай, Чили, Озарбайжон, Арманистан, Беларусия, Украина, Козогистон, Узбекистон кабилар.

Ҳорижий банкларнинг шўъба компаниялари иштирок этувчи аралаш брокерлик бозорларга 12 мамлакатни киритиш мумкин: Ҳиндистон, Пакистон, Таиланд, Филиппин, ЖАР, Гречия, Руминия, Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Мексика, Перу.

Ҳорижий банкларнинг шўъба компаниялари иштирок этмайдиган аралаш брокерлик бозорларга 15 мамлакатни киритиш мумкин: Кувайт, Бахрайн, Малайзия, Монголия, Шри-Ланка, Ботсвана, Гана, Кипр, Македония, Бермуд Ороллари, Колумбия, Сальвадор, Эквадор, Ямайка.

2. Мамлакат аҳолисининг традициялари ва матнавий бойликларига асосланган молия бозори моделлари. Англо-саксон традицияларига асосланган молия бозори моделлари. Англо-саксон традицияларида (ёки “протестан капитализми” традицияларида) тарбияланган молия бозори қатнашчилари рисклар ва хатти-харакатларга нисбатан прагматик, иқтисодий индивидуализм, давлатга ва йирик компанияларга нисбатан камроқ назоратли бўладилар.

АҚШ ва Буюк британия молия бозорлар қатнашчилари эса Германия ва Япониядагилардан фарқли консервативлик даражаси камроқ ва рискларга кўпроқ мойил. Буларнинг барчаси англо-саксон модели асосидаги молия бозорларини либераллигини, очиқлигини, фаоллигини, аммо кризисларга таъсирчанлигини белгилайди.

Ислом традициясига асосланган молия бозори модели. Бу традиция ислом молияси шаклида намоён бўлади. Унда молия бозори қатнашчилари томонидан

Ислом дини кўрсатмаларига ва “харом” тушунчасига риоя қилинади. Исломий молия инситутлари олдиндан белгиланган фоиз даромад олишлари ва спекулятив операциялар бажаришлари мумкин эмас, улар фақат улушлар ва ижара асосида иштирок этишилари, мулкни насияга сотиб олиш ва сотиши мумкин. Пул ресурсларини жалб қилиш учун депозитлар ўрнига акциялар, инвестиция фондлари, фоиз тўловлари олдиндан белгиланмаган жамгарма ва инвестиция счтлари (банклар билан шериклик асосида), фоизли облигациялар ўрнига дискошли облигациялар қўлланилади (дисконтани устами ҳак сифатида белгилаб). Натижада Покистон, Бахрейн, Кувайт, Индонезия, Эрон, Малайзия молия бозорларида облигациялар (фоизлиси “рибо”, яъни “харом” ҳисобланади) ва деривативлар (киморга ўхшаганлиги учун) сегментлари мавжуд эмас. Покистонда устамали (мухроб) давлат облигациялари маҳсус инвестиция фондлари улушларига конвертациялантирилади ва ушбу фондлар оркали лойиҳавий молиялаштиришга асосланниб хукumat молиялаштирилади. Ҳалкаро статистикада карз муносабатларини мужассамлаштирувчи когозлар бўйича ислом мамлакатлари келтирилмайди.

Кўпинча бозор инструменти бўлмаган “улушли иштирок коғозлари” (*participation paper*), “шериклик коғозлари” (*partnership paper*) чиқарилиб, улар бўйича инвесторлар маблағларини конкрет лойихаларга (уй-жой, йўллар, касалхоналар ва шу кабиларга асосланган) марказий ва маҳаллий хокимиятлар билан биргаликда “Биргалиқда молиялаштириш” (“Биргалиқда иштирок этиш”) асосида йўқалтирадилар. Бу эса Ислом дини томонидан маъкулланади ва молиялаштиришнинг “Ислом” шакли дейилади.

Молия бозорини исломийлаштириш уни соддалашувига, банкларнинг ролини ошишига, йирик оиласи инвесторларни кўпайишига, депрессив холатга тушишига, кўп сонли чакана ва йирик хорижий инвесторларнинг, деривативлар ва фоизли облигациялар сегментларини йўклигига олиб келди.

Япон традицияларига асосланган молия бозори модели. Ушбу традиция кўйидагиларда намоён бўлади:

- иисонларни погоналийкка иштилини, ўзидан юкори погонада турган шахсга содиқлик (давлат тузилмаси ёки бизнесда);
- бир компанияда ўтироклик (бутун хаёт мобайнига ёлланиш тизими);
- васийликка муҳтожлик;
- персонал манфаатларини акциядорларнидан юкори кўйиш («корпорация-онла», сезиларли ошиб борувчи меҳнат ҳаки ва ижтимоий тўловлар тамоили асосида);
- якколи коллективизм, жамиятга ўта тобелик, ўзини моддий чеклаш («хадол камбагаллию», ишга фидоийлик этикаси), Японияни дунёдаги алоҳида миссиясини ошириши;
- англо-саксон традициясидан фарқли, ахолининг юкори даражадаги жамгарма нормаси.

Молия бозорининг Япон моделинин АҚШ моделидан кейинги ўринга кўйиш мумкин. Уларнинг иккаласи исломий молия бозорларидан устун.

Германия традицияларига асосланган молия бозори модели. Диний эътиқодларнинг фарқлилигига қарамасдан, Германия ва Япония моделларининг

ўхшаш тарафлари мавжуд. Сабаб, бу мамлакатларда аҳолининг иккисодий қаравлари кўп жиҳатдан мос келишидир. Германия ҳалқи бошқалардан фарқли бир мунча хусусиятларга эга бўлиб, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- практизм, иерархиклик, ўта меҳнаткашлик, ижтимоий ҳимояга, ризклизиликка ва жамғармага мойиллик. Англо-саксон моделида эса мобилликка, ихтирочиликка, ризклиликка, оппортунизмга, агрессивликка, ўзгаришларга мойиллик кўпроқ сезилади;

- компания раҳбарияти томонидан персонал манфаатларини акциядорларнидан юкори қўйилиши, компания менежментини акциялар курсини ва улар бўйича юкори дивидендлар тўловларини оширишга йўналганилиги. Бунда корпоратив бошқарувнинг германча моделида кўпроқ компаниянинг манфаатлари акциядорларга хизмат кўрсатишдан устун қўйилган. Корпоратив бошқарувнинг англо-саксон моделида эса корпорация ва акциядор тушунчалари, уларнинг манфаатлари ва хукуқлари бир бирига тенглаштирилган.

Германия моделида акциялар бозори устун эмас, кўпроқ қарз муносабатларини мужассамлаштирувчи белгиланган фоизли қоғозлар ва сугурта полислари аҳолини қизиқтиради. Германия молия бозорида банкларнинг ўрни традицион хисобланади.

3.4. Ўзбекистонда молия бозорининг модели.

Ўзбекистоннинг молия бозори мамлакатда жадал суръатларда кең кўламли ва боскичма-боскич амалга ошираётган ислоҳатларнинг маҳсулни сифатида намоён бўйган реалик хисобланиб, ўзининг такомиллашини ва ривожланиш йўлига эга. Уни ривожланиши конуниятлари ва хусусиятлари ўтиш даврига мансуб бўлган Ўзбекистоннинг танлаган ривожланиш моделига асосланган. Ҳозирда ҳар қандай ўтиш иқтисодиётига мансуб мамлакатлар сингари Ўзбекистон учун асосий муаммолар ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, инвестицияларни жалаб қилиш ва индустрисл үсишини таъминлаштир⁸. Бу муаммоларни ечишда миллий молия бозорининг роли ва функциялари катта аҳамиятга эга. Чунки, жаҳон амалиётидан маълумки, айнан молия бозори миллий иқтисодиётнинг ҳалқаро миқёсда ракобатбардошлиги, ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун инвестицияларни жалоб қилиш, реал секторни модернизациялаш, ишлаб чиқаришда ва умуман иқтисодиётда үсишини разбатлантириш максадида молиявий ресурсларни жалб қилишнинг самарали механизмидир.

Айтиш жоизки, молия бозорининг очиқлиги, жалбдорлигиги, барқарорлиги, умуман юкори даражада ташкиллашганилиги ва ривожланганлиги миллий иқтисодиётнинг ҳалқаро миқёсда ракобатбардошилиги ва самарадорлилигини ифодалайди. Барча мамлакатларнинг шундай ҳоссаларга эга бўлган молия бозорлари инвестициялар максадида молиявий ресурсларни

⁸ “Ишлаб чиқаркини модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлантиришини разбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2007 йил 14 марта, №УП-114; “Қиёматли қоғозлар бозориги янада ривожлантириш чора-тадбирларк тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Каори, 2006 йил 27 сентябр, №ПП-475.

кайта тақсимлаш ва савдо фаоллигини таъминлаш имкониятига эга бўлиш учун ўзаро ракобатлашадилар.

Бундай ракобатда Ўзбекистон молия бозорининг ҳозирча кичик бўлсада ҳам ўзига хос ўрни бор бўлиб, босқичма-босқич жаҳон молия бозорларини эришган ҳоссалари даражаси томон таомиллашиб ва ривожланиб бормоқда. Табиийки, кўпчилик ривожланаётган (ўтиш иқтисодиётига мансуб) мамлакатларнинг молия бозорлари ҳам Ўзбекистон сингари инвестициялар максадида молия ресурслари учун кучли ракобат шароитларини бошидан кечирмокда.

Ўзбекистонда молия бозори модели аралаш (гибрид, қўшма) моделга мансуб бўлиб, ўзида англо-саксон, континентал ва Япон моделлари элементларини маълум даражала мужассамлаштирган. Унинг ҳусусияти шундаки, унда ҳозирча на банкяларнинг, на молия институтларининг (инвестиция институтлари, сугурта ташкилотлари, фондлар), на институционал инвесторларнинг, на майда чакана инвесторларнинг алоҳида устунлиги кузатилмайди. Алоҳида сегментларга (пул, валюталар, корпоратив ва давлат қимматли қоғозлари, сугурта инструментлари, кредит ва банкларнинг бошқа инструментлари бозорларига) эга бўлиб, улар ҳозирда бир-бири билан тўлиқ боғлик эмас ва ҳар бири турли ваколатли давлат органлар томонидан алоҳида тартиблаштирилади (мувофикалаштирилади ва назорат қилинади).

Бундай органларга Маказий банк, Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш Кўмитаси хузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофикалаштириш ва назорат қилиш Маркази киради. Молия бозорида антимонопол сиёсатни кўрсатиб ўтишган органлар билан биргаликда монополиядан чиқари, ракобатни ривожлантириш ва талбиркорликни кўллаб-куватлаш Давлат Кўмитаси амалга оширади.

Ҳозирда Ўзбекистон молия бозорининг инфратузилмаси маълум даражада шакланганлиги ва унда турли молиявий инструментлар мавжудлиги, иқтисодиётда муҳим, лекин муаммоли аъамиятга эга эканлиги билан ажратиб туради. Унинг муаммоси шундан иборатки, ҳозирча Ўзбекистон учун юкорида келтирилган муаммоларни ҳал килишда фаоллиги кам сезилмоқда. Чунки молия бозори катнашчиларининг фаоллиги суст, муоммадаги молиявий инструментларининг тури кам, рисқлилиги ва волатилик даражаси баланд, капитализацияси ва ликвидилиги паст, ҳажми кам, обороти сескин, тартиблаштириш механизми таомил эмас ва х.к. Буларнинг барчаси вақғинчалик ҳолат бўлиб, келажакда бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг молия бозорлари сингари ракобатбардошлиқ даражасига эришиши мукаррар.

Ҳозирда (2007 йилнинг боши ҳолатига кўра) молия бозорининг операцион тузилмасида уч юздан зиёд инвестиция институтлари, бешта биржа (Республика Валюта Биржаси, "Тошкент" Республика Фонд Биржаси, Республика товар-хом ашёй Биржаси, Республика кўчмас мулк Биржаси, Агросаноат Биржаси), иккита биржадан ташқари электрон савдо тизими (Банклараро савдо тизими, "Элсис-савдо" электрон савдо тизими), икки мингдан ортиқ акциядорлик жамияти, 28 тижорат банки (улардан 12таси аралаш мулкчилик шаклигага асосланган банклар, 10таси ҳусусий банк, 5таси

хорижий капитал иштирокидаги банк, Зтаси давлат банки), 25дан зиёд кредит иттифоклари, 25дан зиёд сугурта ташкилотлари, бюджетдан ташкари фондлар (бандлик, пенсия, йўл, фермерлар фондари ва х.к.), 1,1 миллиондан зиёд акциядор бўлган ички ва хорижий инвесторлар (улардан 1,0 жисмоний шахслар), бюджетдан ташкари фондлар, банклар, кредит иттифоклари ва сугурта ташкилотларининг кўп миллионли мижозлари фаолият кўрсатмоқда. Бунда акциядорлик жамиятларининг жами устав фонди таҳминан 3,0 трлн. сўмни ташкил этиб, унга мос равишда таҳминан 3,0 млрд. донага яқин акциялар чиқарилғац.

Акциядорлик жамиятларида, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда сингари, акцияларнинг катта пакетлари эгалари ташкил этган, натижада англо-саксон моделидан, яъни "*shareholder capitalism*" (акциядорлар капитализми), фаркли "*stakeholder capitalism*" ("контрол пакет эгалари" капитализми) холати юзата келган. Уларда корпоратив бошқарув механизми германча (икки ногонали, инсайдерлар) моделга асосланган. Компаниялар ва банкларда эмиссион, фоизли даромадлар ва инвестицион сиёсаларида номутсанасибликларни кузатиш мумкин. Банклар, компаниялар ва сугурта ташкилотларининг моявий холати коникарли ва барқарор эмас, рисқлилик даражаси юқори.

Кимматли қоғозлар бозорида хозирча муддатли инструментлар (деривативлар), муниципал, ипотека ва бошқа турдаги тижорат қоғозлари (жумладан векселлар) сегментлари тўлиқ шаклланмаган. Давлат кимматли қоғозлари муюмаласи Республика Валюта биржасида амалга оширилади. Пул, валюта ва банклараро кредитлар бозорлари банклар секторида фаолият кўрсатади.

Кимматли қоғозлар бозори ҳажмининг ЯИМга нисбати (капитализация суръати) кичик бўлиб (1-3 фоиз оралигига), унинг даражаси ялпи ички инвестициялар ҳажмидан анча кам (таҳминан 15-17 баробарга). Реал секторнинг нул ресурсларига бўлган талаби асосий капиталга қилинган ички инвестициялар (масалан, 2005 йилда 3012,9 млрд. сўмни ташкил этили) хисобига кондирилмоқда. Акциялар бўйича дивидендлар фоизи ва облигациялар бўйича фоиз ставкаси йилдан йилга на сайниш тенденциясига эга. Акцияларнинг бирламчи ва иккиласи бозорларининг нисбати таҳминан бир-биринга яқин. Акциялар ва облигацияларнинг иккиласи бозорлари спекулятив характерга эга эмас. Спекулятив портфел инвесторлар шаклланмаган бўлиб, асосан стратегик портфел инвесторлар мавжуд.

Асосий индикаторлар бўйича Ўзбекистон молия бозори Россия молия бозори бир-бири билан сезиларли фаркланади. Масалан, Россиянинг кимматли қоғозлар бозори ҳажми ва ликвидлилги 2000-2005 йиллар давомида таҳминан 5 баробарга ошган. Бунда акциялар бозорининг ҳажми 510 млрд. доллардан, капитализация суръати (ЯИМга нисбатан) даражаси таҳминан 50 фоиздан ошган. Ўзбекистонда акциялар бозори ҳажми 2006 йилнинг натижаси бўйича 330 млрд. сўмдан (яъни 264 млн.долл.) ошди. Айтиш мумкинки, ўрга ва узок муддатда Ўзбекистон молия бозорининг кескин ривожланишини башорат қиласа бўлади. Бунинг учун унда барча имкониятлар мавжуд.

IV БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ ЭМИТЕНТЛАРИ ВА ИНВЕСТОРЛАРИ, УЛАРНИНГ СИЁСАТЛАРИ ВА РОЛИ

4.1. Эмитентлар, уларнинг сиёсатлари ва молия бозоридаги роли.

Эмитентлар – бу конунчиликда белгиланган тартибда молиявий инструментларни инвестициялар (молиявий ресурслар) жалб қилиш максадида молия бозорига чикарувчи ташкилотлар. Кенг маънода эмитент бўлиши мумкин ташкилотларга кўйидагилар киради: давлатнинг бошқарув ва хокимият органлари, халкаро молиявий ташкилотлар, юридик шахслар. Бу ташкилотларнинг барча молиявий инструментларни чикаришга ваколатли ёки маҳсус хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши лозим.

Молиявий ресурсларни молия бозори имкониятларидан фойдаланган холда жалб қилиш эмитентларнинг энг асосий мақсадий вазифаси хисобланади. Унинг бошка вазифаси – ўз фаолияти жараёнида молиявий оқимларни оптималлаштириш ва самарали бошқариш асосида жалб қилинган инвестициялар даромадлилиги ва қийматини ошириб боришидир. Бунда молия бозори эмитентнинг вазифаларини ва эмиссион сиёсатини самарали амалга оширишида, керакли имиджга (обрў-эътиборга) эга бўлишида катта рол ўйнайди ва муҳим функция бажаради.

Эмитентларни кўйидаги белгиларга асосан таснифлаш мумкин:

1. Ташкилий-хукукий шакли бўйича: давлат органи, турли мулкчилик асосидаги юридик шахс.
2. Фаолият йўналиши бўйича: давлат, халкаро ва нодавлат молиявий институтлар ва помолиявий ташкилотлар.
3. Молиявий инструментлари бўйича: давлат, муниципал, халкаро ва подавлат (корпоратив) инструментлар чикарувчи ташкилотлар.
4. Эмиссион сиёсати бўйича: давлатнинг иқтисодий сиёсатини (монс-тар, бюджет-солик) юритувчи ваколатли ташкилотлар, халкаро иқтисодий сиёсатни юритувчи ташкилотлар, инвостицион сиёсат (стратегик, портфел, хорижий инвесторларга қаратилган) юритувчи ташкилотлар.
5. Милийнинг бўйича: резидентлар ва норезидентлар.
6. Эмиссион потенциали бўйича: катта, ўрта ва кичик ҳажмда молиявий инструментларни чикарувчи ташкилотлар.
7. Имиджи ва риски бўйича: юкори, ўрта ва кам нуфузли ва рискли ташкилотлар.
8. Молиявий инструментларининг жалборлилиги бўйича: юкори, ўртача ва кам жалбор эмитентлар. Масалан, фонд бозорида эмитентлар ўзларининг қимматли қоғозлари жалборлилиги бўйича кўйидагича таснифланиши ва тавсифланиши мумкин:

“Зангори фишкалар” сарасига кирувчи қимматли қоғозлар – бозорда барқарор ва юкори кредитлик имкониятига эга йирик компаниялар чикаради.

“Иккинчи эшелон акциялари” сарасига кирувчи акциялар – ёш лекин старлича йирик компаниялар чикаради.

“Марказий” сарасига кирувчи қимматли қоғозлар – тармоқда стакчи ўринга эга ва тармоқдаги бошқа компаниялар акциялари баҳосига таъсир кўрсатувчи эмитентлар чиқаради.

“Химояланувчи акциялар” сарасига кирувчи қимматли қоғозлар – юкори дивиденdlар тўловчи ва салбий котировка миқдорига йўл қўймайдиган йирик компаниялар.

“Дастур асоси” (“Гвоздь программы”) сарасига кирувчи қимматли қоғозлар – қимматли қоғозларининг юкори ликвидилик даражасини тъминловчи эмитентлар.

“Рагбатли акциялар” сарасига кирувчи акциялар – курс нархи (котировкаси) бўйича юкори ўринни эгаллаган компаниялар.

“Ёкимдор акциялар” сарасига кирувчи акциялар – даромадлилиги бўйича “рагбатли акциялар” тоифасига яқин ва курс тафовутини тез ошиб боришини тъминловчи ёш компаниялар.

“Даврий акциялар” – акцияларнинг даромадлилигини ўзининг фаоллиги билан бўглиқ тарзда синхрон ўзгариши асосида тъминловчи компаниялар.

“Ухлаб ётган акциялар” – бозорни хали эгалламаган, лекин ўсишнинг катта потенциалига эга акцияларни чиқарувчи компаниялар.

“Иширилган акциялар” – акциялари хаддан ташкари юкори баҳолангандан компаниялар.

“Спекулятив акциялар” – бозорда яқинда пайдо бўлган акцияларни чиқарувчи компаниялар (уларни имиджи ва тарихи йўқ).

“Фаол бўлмаган акциялар” – инвесторлар нуктани назаридан иоликвид ва кизиқарти бўлмаган акциялар эмитентлари.

Юридик шахс бўлан эмитентлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибла тузилади, фаолият юритади, реорганизация қилинади ва тугатилади.

Маълум бир мамлакатга нисбатан резидент ва норезидентлар хисобланган эмитентлар ўша мамлакатда ўрнатилган қонунлар доирасида эмиссион фаолият юритадилар. Бу фаолият доирасида бундай эмитент молиявий ресурсларни (инвестицияларни) жалб килиш сиёсатини амалга оширади. Ушбу сиёсат эмитентнинг ахволига ва турига караб агрессив ва консерватив, стратегик ва портфел бўлиши мумкин.

Давлат бошқаруви ва ҳокимияти органдари мамлакат қонунлари билан ўрнатилган ваколатлар, мақсад, вазифа ва функциялар доирасида эмиссион фаолият юритадилар. Бу фаолият доирасида бундай эмитент молиявий ресурсларни (инвестицияларни) жалб килиш сиёсатини амалга оширади. Ушбу сиёсат эмитентнинг ахволига, турига ва ваколатига караб макромолиявий, териториал ва тармоқий бўлиши мумкин.

Эмитентларга кўйиладиган асосий талаблар: транспарентлилик (информацион шаффоффлик), ишончлилик, баркарорлик, ракобатбардошлилик, молиявий хавфсизлик асосида ўз молиявий инструментларининг ликвидли-лик, даромадлилик, рисксизлилик ва базисига нисбатан эквивалентлилик даражасини тъминлашдан иборат.

Эмитентнинг транспарентлилик даражаси (яъни адекват информацион транспарентлилик) унинг барча операциялари ва уларга онд информациялар

сонининг бир-бираға тенглиги, ўзаро адекватлилги (түрилиги, аниклиги, ўз вактидалилги, ишончлилиги) билан белгиланади.

Бу индикаторни (яъни адекват информацион транспарентлиликни – $A(T)$) баҳолаш учун қуидаги мезонин (критерийни) кўллаш мумкин:

$\min A(T) = A''$ (конун билан ва молия бозори томонидан ўрнатилган тартибга талаб қилинадиган информациялар сони ва сифати микдори кўпайтмаси) – A''' (эмитент томонидан реал таъминлаб берилган информацийнинг сони ва сифати микдори кўпайтмаси).

Бунда информациянинг сифат микдори эмитентнинг молия бозоридаги имиджини ташкил этувчи ва холати сифатини белгиловчи иктиносидий (молиявий), корпоратив бошқаруви, молиявий инструментлари ва бошка кўрсаткичлари асосида баҳоланиши мумкин бўлган рентинги ва/ёки рейтинги ёрдамида ифодаланади. Информациялар сони эса эмитент томонидан берилниши лозим бўлган ҳисботлар ва маълумотлар микдоридан келиб чиқади.

Дунёнинг барча мамлакатлари молия бозорларида энг асосий, салмохли ва сифатли эмитент сифатида ваколатли давлат органлари (Молия вазирлиги, Марказий банк) ҳисобланади. Кейинги ўринда эса маҳаллий хокимиётлар (мэриялар, муниципалитетлар, хокимиётлар) туради.

Давлат органларининг профессионал эмитент сифатидаги фаолиятлари давлат молиявий инструментларини (миллий валютаси ва қимматли қоғозларини) давлатнинг иктиносидий сиёсатини юритиш максадида чиқариш оркали амалга оширилади. Худди шу максадда давлат органлари профессионал инвестигцион фаолиятни ва профессионал молия институти операцияларини ҳам амалга оширади. Бу фаолиятлар билан бирга ваколатли давлат органларн молия бозорини тартибланитириши (мувофикаштириши ва назорат қилишини) амалга оширади.

Эмитентлар молия бозорида молиявий инструментларини чиқарувчи ва уларни реал базенга бўлган эквивалентлилек даражасини таъминловчи институтлар ролини бажаради. Бошқача қиёнб айтганда, эмитентлар ўзларининг молиявий инструментлари сифат кўрсаткичларини акс эттирувчи бизнес капитали ролини бажаради.

Кимматли қоғозлар эмиссиясидаги мажбуриятлар бўйича жавобгарлик эмитентларнинг зиммасидадир.

Эмитентлар конунчиликка мувофиқ инвесторлар олдида уларга етказилган зарар учун қуидаги ҳолатлар бўйича мулкий жавбогар:

- инвесторлар талабига асоссан қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисидаги конунчиликда белгиланган маълумотларни тақдим қиласлик ёки нотўғри маълумотлар тақдим қилиш;
- қимматли қоғозлар эмиссиясининг белгиланган тартибини бузиш;
- қимматли қоғозларнинг инсофсиз рекламасини амалга оширганлик, қимматли қоғозларнинг конун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган чиқарилишининг рекламаси, шуннингдек муомалада бўлиши конун билан тақиқланган қимматли қоғозларнинг рекламаси учун;

- инвесторлар билан уларнинг қимматли көғозлар бозорида инвесторлар хукуқларини химоя қилиш тұғрисидаги конун хужжатларыда назарда тутилған хукуқларини чеклайдиган, әмитентларнинг жағобгарлыгини чеклайдиган шартномаларни түзиш;

- аникланған ҳйла-найранг ишлатиш фактлари ва қимматли қоғозлар бозоридаги бошқа коидабузарлуклар, шунингдек қимматли қоғозлар, қимматли қоғозларнинг әмитентлари, қимматли қоғозларга доир нархлар тұғрисида, шу жумладан рекламада қасдан бузыб күрсатилған ахборотни тақдим этиш йўли билан инвесторларни қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотишга даъват килганлик учун;

- инвесторлар билан тузилған шартномалар шартларини бажармаган-лик ёки лозим даражада бажармаганлик, шунингдек инвестор билан тузилған шартномада қайд этилганидан фарқ қиладиган шартларда битим тузганлик учун.

4.2. Инвесторлар, уларнинг сиёсатлари ва молия бозоридаги роли.

Инвесторлар – бу конунчиликда белгилалған тартибда молиявий ресурсларни инвестициялар тарзыда әмитентларнинг молиявий инструментларига йўналтириш мақсадида молия бозорнга чиқарувчи шахс ва органларлар. Кенг маънода инвестор бўлиші мумкин шахс ва ташкилотларга қуйидагилар киради: давлатники бошқарув ва ҳокимият органлари, ҳалқаро молиявий ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар.

Инвестицион ресурсларни молия бозори имкониятларидан фойдаланган ҳолда йўналтириш инвесторларнинг энг асосий мақсадий вазифаси хисобланади. Унинг бошқа вазифаси – ўзининг инвестицион фаолияти жараённида инвестицияларини даромадлилиги ошириб бориш ва рисклилик даражасини пасайтиришdir. Бунда молия бозори инвесторнинг вазифаларини ва инвестицион сиёсатини самарали амалга оширишида, етарли даражада ривожланған бўлишида катта рол ўйнайди ва муҳим функция бажаради.

Инвесторларни қуйидаги белгиларга асосан таснифлаш мумкин:

1. Ташкилий-хукукий шакли бўйича: давлат ташкилоти (давлат бошқарувини ва ҳокимияти органи), турли мулкчилик асосидаги юридик шахслар, жисмоний шахслар (фуқаролар ва вактинчалик фуқаролик хукуқнiga эга эмаслар).

2. Фаолият йўналиши бўйича: индивидуал ва институционал бўлган давлат, ҳалқаро ва нодавлат молиявий институтлар ва номолиявий ташкилотлар, жисмоний шахслар.

3. Инвестицион воситалари бўйича: пул, валюта, кредит, мулк, товар-хом ашё, қимматли көғозлар ва х.к. ресурсларига эга бўлган инвесторлар.

4. Инвестицион сиёсати бўйича: давлатнинг иктисодий сиёсатини (монетар, бюджет-солик) юритувчи ваколатли ташкилотлар, ҳалқаро иктисодий сиёсатни юритувчи ташкилотлар, инвестицион сиёсат юритувчи шахслар.

5. Миллийлиги бўйича: резидентлар (ички) ва норезидентлар (ташки).

6. Инвестицион потенциали бўйича: катта (институционал, стратегик), ўрта ва кичик (миноритар) хажмда инвестицияларни йўналтирувчилар.

7. Риски бўйича: юкори, ўрта ва кам рискли инвесторлар.

8. Стратегияси бўйича: агресив, консерватив ва уларнинг гибридига асосланган инвесторлар.

9. Инвестициялар турлари бўйича: портфел, тўғри инвестициялар қилувчи инвесторлар. Портфелли инвесторлар спекулятив-портфел ва стратегик-портфел турида бўлиши мумкин.

10. Инвестиция муддати бўйича: киска, ўрта ва узок муддатли инвесторлар.

11. Секторга йўналганилиги бўйича:

- давлат секторига инвестиция қилувчилар;
- банк ва молия секторига инвестиция қилувчилар;
- ишлаб чиқарин секторига инвестиция қилувчилар;
- юкимоний секторга инвестиция қилувчилар ва х.к.

Жисмоний шахс бўлган инвесторлар конун хужжатларида белгиланган тартибда инвестицион фаолият юритади.

Юридик шахс бўлан инвесторлар конун хужжатларида белгиланган тартибда тузилади, фаолият юритади, реорганизация килинади ва тугатилади.

Маълум бир мамлакатга нисбатан резидент ва норезидентлар ҳисобланган инвесторлар ўша мамлакатда ўрнатилган конунлар донрасида инвестицион фаолият юритадилар. Бу фаолият доирасида бундай инвестор инвестицияларни ортириш (камидা саклаб колиш) сиёсатини амалга оширади. Ушбу сиёсат инвесторнинг аҳволига ва турига караб агресив ва консерватив, стратегик ва портфел бўлиши мумкин.

Инвесторларга кўйиладиган асосий талаблар: транспарентлилик, маҳфийлилик, ишончлилик, баркарорлик, рақобатбардошлилик, молиявий хавфсизлик, фаоллионик асосида ўз инвестицияларнинг ликвидлилик, даромадлилик, рисксизлилик ва базисига нисбатан эквивалентлилик даражасини таъмилашдан иборат. Одатда, инвесторлар рискларга мойил бўладилар, уларнинг ҳатти-харакатлари рефлексив бўлиб, бозордаги инвестицион мухитга ва бозор конъюнктурасига боғлиқ бўлади.

Мамлакатдаги инвесторларнинг фаоллилик даражаси молия бозорида ва умуман иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу индикаторни (Φ) баҳолави учун куйидаги мезонни (критерийни) кўллаш мумкин:

$$\min \Phi = SV \text{ (инвестиция сифатидаги жамгарма ҳажми ва инвестициялар ликвидлилиги кўпайтмаси)} - PI \text{ (инвестицияларнинг бозор нархи ва иқтисодиёт учун зарур бўлган инвестициялар ҳажми кўпайтмаси).}$$

Дунёнинг турли мамлакатлари молия бозорларида инвесторларнинг саломоги ва фаоллиилиги ҳар хил даражага эга бўлиб, бу кўрсаткичлар асосан инвестицион мухитга таъсир этувчи ички ва ташки омилларга боғлиқ.

Давлат органларининг инвестицион фаолияти уларнинг мамлакатда иқтисодий сиёсатини юритиш максадида монетар ва фискал сиёсатлари асосида

амалга оширилади. Худди шу мақсадда давлат органлари професионал инвестицион фаолиятни ва професионал молия институти операцияларини ҳам амалга оширади. Бу фаолиятлар билан бирга ваколатли давлат органлари молия бозорини тартиблаштиришни (мувофиқлаштириш ва назорат килишни) амалга оширади.

Инвесторлар молия бозорида молиявий инструментларга инвестициялар күлгүчүнүү үзүүлүп чыккан реал базисига бўлган эквивалентлилик даражасини объектив белгилөвчи шахс ва институтлар ролини бажаради. Ўз навбатида бир вақтнинг ўзида инвестициялар уларни амалга оширувчи инвесторнинг бизнес сифатини акс эттирувчи бозор капитали ролини бажаради.

Инвестициялар объектини, шакли ва микдорини таңлаш масъулияти (таваккалчилеги) инвесторнинг ўз зиммасида бўлади, шунга мувофиқ молиявий инструментларга, шу жумладан акцияларга килинган ўз инвестицияларини химоялаш учун лировард масъулият (таваккал) ҳам инвесторнинг (акциядорнинг) зиммасида бўлади.

Жаҳон молия бозорининг энг фаол инвесторларидан портфелли инвесторлар ҳисобланиб, уларнинг асосий фоалияти инвестициялар портфелинни самарали шакллантириш ва бошкаришdir.

Инвестициялар портфели - маълум бир мақсадли инвестицион сиёсат талабига жавоб берисида шакллантирилган молиявий инструментлар түплами. Умуман олганда, инвестициялар портфели на факат молиявий инструментлардан, балки активларнинг бошқа турларидан ҳам иборат бўлиши мумкин, масалан, кўчмас мулклардан, кредитлардан, полислардан, заказлардан ва х.к. Портфеллар жамгарма ва капитални жамлаш воситаси сифатида намоён бўлади. Инвестициялар портфелининг асосий максади – инвесторлар маблагини инвестицион объектларга (жумладан молиявий инструментларга) йўналтириш асосида режалаштирилган даромадни паст (юкори) рискларда олиш.

Портфелли инвесторлар - инвестициялар портфелини шакллантириб бошкарувчи инвесторлар. Юкорида келтирилган таснифда кўрсатилганидек, портфелли инвесторлар стратегик-портфелли и спекулятив-портфелли бўлиши мумкин.

Стратегик-портфелли инвесторлар ўз маблагларини узок стратегик истиқболига қараб кўпроқ базавий қимматли қоғозларнинг йирик пакетларига йўналтирасалар, стратегик-портфелли инвесторлар стратегияси эса бозорда вужудга келувчи арбитраж имкониятлари асосида шакллантирилади (ъъни, бозор конъюнктураси бўйича курслар тафовутида спекулятив операциялар бажариш эвазига). Стратегик-портфелли инвесторлар асосан маълум бир тармоқдаги компаниялар акцияларининг назорат пакетига эга бўлиб, бу тармоқ доирасида ўзларининг стратегик инвестицион манфаатлари асосида стратегияларини юритадилар. Бундайларга, масалан, аралаш холдинглар, молия-саноат гурухлари, ТНК ва х.к. киради.

Ҳар иккала турлаги портфелли инвестор ҳам инвестицион маблаглар, капитал аккумулятори бўлиб, иқтисодиётнинг реал секторини инвестициялар учун самарали ракобат асосида ривожлантириш масаласи ечимини

таъмнилайди. Бунда хар иккаласизинг стратегиялари бозор индикаторларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Спекулятив-портфелли инвесторларга инвестиция, пенсия, сугурта фондлари, молиявий компаниялар, инвестицион банклар киради. Уларнинг максад ва манфаатлари молия бозорини ривожлантириш бўйича жамият манфаатлари билан объектив мос келади, бозор рисклари ва бунда жамият истакларини адекват акс этади. Бунда улар асосан портфеллари бўйича юқори даромадлилик ва ликвидлиликни таъминлайдилар. мос равища кўйидагилар билан намоён бўлувчи ролни бажаради:

- эмитентлар ҳолатининг объектив “барометри”, демак, иқтисодиётнинг реал секторини ҳам;
- молия бозори орқали реал сектор инвестицион лойихаларини молиялаштиришнинг арzon ва самарали манбай;
- молия бозори орқали иқтисодиётнинг тармоқлари бўйлаб инвестицион ресурсларни самарали таҳсиланиши ва кайта таҳсиланиши жараёни регулятори.

Умуман олганда, портфелли инвесторлар ўз капиталини молия бозорлари (фонд бозорлари) орқали йўналтириб, миллий иқтисодиётни объектив баҳолайди ва ракобатли кредитлайди. Шу билан улар маблагларини бир лойихага тўғридан тўғри инвестиция қашувчи инвесторлардан (қискача - тўғри инвесторлар) фарқланади. Тўғри инвестор учун инвестицион лойиҳа тарихи ва кредит олевчи компания билан шериклик ҳиссиёти катта ахамиятга эга бўлиб, портфелли инвестор (стратегик-портфелли инвесторлардан ташқари, чунки улар тармоқ компанияларига бозор конъюнктурасига караб кўпинча ўзларининг ривожланиши тартибларини мажбурлайдилар) учун эса бу масалалар уичалик ахамият касб этмайди.

Таънич сўз ва иборалар: эмитент, инвестор, зангори фишкалар, спекулятив акциялар.

V БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ ИНСТРУМЕНТЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР ТУРЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

5.1. Молия бозори инструментлари таснифи ва тавсифи.

Умуман олганда кимматли қоғозлар молия инструментларининг тасниф белгилари асосида таснифланади. Лекин кимматли қоғозларнинг маълум мазмун ва хусусиятлари уларни кўшимча тарзда алоҳида таснифлашни такозо этади. Кимматли қоғозларнинг хисоби маҳсус депозитарийларда ва (ёки) реестрларда юритилади. Ордерли кимматли қоғозларнинг қўлдан қўлга ўтиши индоссамент асосида индоссант томонидан амалга оширилади. Такдим этувчига бўлган қимматли қоғозлар бўйича хуқук индентификация килинмайди. Кимматли қоғозлар бозори ва унда фаолият кўрсатаётган воситачилар молиявий тизимнинг таркибий ҳамда ниҳоятда муҳим звеноси бўлиб ортиқча маблагларни инвесторлардан истеъмолчиларга кайта тақсимлаш жараённида муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният кимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали пулнинг қадрсизланиши муаммосини ҳал этиш йўлини топди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, пул бутун тараккиёт давомида инсон томонидан қилинган ихтиrolар орасида энг оддийин ва энг мураккаби, энг тушунарлиси ва шак-шубҳасиз энг чалкаши бўлсада, инсониятнинг энг янчли фожналари ва энг оламшумул ютуклари пул билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Пул одамлар ҳатти-харакати ва фаолиятида асосий туртки берувчи омил бўлган ва ана шундай бўлиб колади ҳам.

Кимматли қоғоз – ўзи билан боғлиқ мулкий хукукларни акс эттирадиган хужжатдир. У даромад манбаи бўлиб хизмат киласи. Бозорда муомалада юритилиши ёки олди-сотди воситаси бўлиши мумкин. Жаҳон амалиётида кимматли қоғозларнинг ҳар хил турлари ишлатилмоқда.

Кимматли қоғозлар бозори кредит муносабатлари билан биргаликда, ўз кийматига эга бўлган, сотиш, сотиб олиш ва тўловни амалга ошириш мумкин бўлган маҳсус хужжатлар (қимматли қоғозлар)га эгалик килиш билан ҳам бевосита боғлиқ. Кимматли қоғозлар ўзида мулкчилик хукукини мужассамлаштирган бозорда эркин айланадиган, сотиб олиш, сотиш ва бошқа битимларининг обьекти бўладиган, доимий ва бир марталик даромад олиш манбаи бўлиб хизмат киласидиган, пул капиталининг бир кўринишидаги хужжатдир. Кимматли қоғозлар турли субъектлар томонидан чиқарилиши мумкин. Умумий ҳолда бу эмитентлар З гурухга бўлинади:

- давлат;
- хусусий сектор;
- чет эл субъектлари.

Ҳамма қимматли қоғозларни давлат, хусусий ёки ҳалқаро қимматли қоғозларга ажратиш мумкин. Хусусий сектор томонидан чиқа-рилаётган қимматли қоғозлар таркибига турли ишлаб чиқариш кор-хоналари, тижорат банклари, инвестицион банклар, инвестицион фонdlар ва бошқаларнинг қимматли қоғозлари алоҳида ўрин тутади. Ҳалқаро қимматли қоғозлар

уларният хисобланадиган валюта ва эмитентлари бўйича бўлинади. Қимматли қоғозлар муомалада бўлиш худудига кўра минтакавий (маҳаллий), миллий ва ҳалқаро қимматли қоғозларга бўлинади.

Қимматли қоғозлар бозори эса, молия бозорининг таркибий кисми сифатида, бозор иқтисодиётининг негизи ва юргизувчи ючи бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини кўрсатиш ва унинг асосий индикатори хисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори ҳукумат ва корхоналарга ўз-ўзини молиялаштириш ва банк кредитлари билан чекланиб қолмаган ҳолда молиялаштириш манбалари доирасини кенгайтиришга имконият беради. Салоҳиятли сармоядорлар ўз навбатида қимматли қоғозлар бозори ёрдамида ўз маблағлари ва жамғармаларини кенг кўламдаги молиявий воситаларга жойлаштирилиб, шу оркали ўзларининг ҳам танлов имкониятларини кенгайтиришга, ҳам активларни мутаносиб равишда белгиланган таваккалчилик донрасида қўйилишига зришишади.

Шуни айтиш жоизки, қимматли қоғозлар бозорининг муваффакиятли фаолият кўрсатишининг ягона моделини ўзи бўлмайди. Тажрибада эса, бошқа мамлакатларда ушбу бозор яхши фаолият кўрсатадиганларни сабабли, уни кўчиришининг нафакат иложи йўқ, балки мақсадга ҳам мувофиқ эмасдир. Шу билан биргаликда, шуни ҳам инобатга олиш лозимдирки, ҳар бир бозор ички ва ташки ўзгаришлардан келиб чиқсан, доимий ривожланиш ва ўзгаришда бўлади. Булардан келиб чиқиб, шуни такозо этиши мумкинки, бозорлар ўзларида ҳали тўлача тақиқил этилган, котиб қолган тизимларни кўрсатмай, балки доимий ривожланишдаги органларни тасаввур этишади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор тамоилилари асосида ислоҳот этилиши, сўнгги йилларда катта сезиларли муваффакиятларга зришишга йўл кўйди. Буларният натижасида инфляция даражаси кескин тушенишига ва миллий валютанинг стабиллашиш жараёнлари амалга оширилишига зришилмоқда. Давлат таеарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш натижасида самарасиз ишловчи корхоналар фаолияти қайта йўнантирилди, банкротлик ва санация жараёнлари ишлашни бошлади, давлат бюджетининг тушум кисмидаги хусусийлаштиришдан тушаётган маблағларининг салмоги тобора ошиб бормоқда. Бу борада шуни айтиш керакки, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, қимматли қоғозлар бозори ривожланиши учун қулай сиёсий шароитлар вужудига келди. Давлат қимматли қоғозлар бозори тижорат банклари ва йирик инвестиция портфелининг шакланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Корпоратив қимматли қоғозлар бозори имкониятлари кенгайди ва уларният бозор капитализацияси ўси. Қимматли қоғозлар бозори ликвидлиги сезиларли даражада ошиди ва ахборот нуқтai назаридан ушбу бозорининг кўрнмлилиги кучайди. Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси ривожланди ва кенгайди. Бир қатор қонун ва ҳукуқий-меъсрий ҳужжатлар қабул қилиниши эвазига қимматли қоғозлар бозорининг конунийлик базаси кучайди ва мукаммаллаштирилди. Ақциядорлар ва сармоядорларнинг ҳукуқларини химоя қилишининг янгича механизмлари ишлаб чиқилди. Хорижий сармоядорлар учун

хукукларни ҳимоя килиш, қилинган сармоялардан олинадиган фойдани конвертация ва репатриация қилиш масалалари очила бошланди.

Яна бир сифат жихатидан ўзгаришга шуни мисол килиб келтириш мумкинки, миллий қимматли қоғозлар бозори ривожланиш йўлида, халқаро жамият томонидан тан олиниб, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувоғиқлаштириш ва назорат қилиш Марказий Халқаро қимматли қоғозлар комиссиясининг (UNESCO) аъзолигига кабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банклари ва корхоналари томонидан халқаро молия бозорларига ўзларининг қимматли қоғозлари билан чиқиш ишлари, улар томонидан ҳар хил турдаги депозитлар, тилхатлар чиқарилишига ва ривожланган мамлакатларнинг фонд биржаларининг листингига киритилиш тарафудудлари амалга оширилмоқда.

Кўлчилик миллӣ корхоналар акциялар чиқариш йўли билан кўшимча капитал жалб қилиш борасида маҳаллий сармоядорлар орасида жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келаётганиларни, ҳамда хорижий сармоядорлар асосан қиска муддатли молиявий операцияларга ўз танловларини тўхтатишилари эвазига Ўзбекистон корхоналарида инвестиция фаолияти сифат жихатидан янгича тус олмоқда. Бугунги кунда ушбу хўжалик субъектлари, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган чет эл банк ва компанияларини айланиб ўтган ҳолда, тўғридан-тўғри ўзлари халқаро молия бозорига чиқиш борасида биринчи қадамларни ташламоқда.

5.2. Улуш муносабатини ифодаловчи қимматли қоғозлар.

Қимматли қоғозлар номи (эгаси) ёзилган ва тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар башарти мулкий хукукларни уларга эгалик қилиш билан боғлик ҳолда рўёбга чиқариш учун эмитент (қимматли қоғозларни чиқарувчи) томонидан ёки унинг топширингига биноан қимматли қоғозлар қасб фаолиятини амалга ошираётган ташкилот томониндан эгасининг номини кайл этиш зарур бўлсагина эгаси ёзилган бўлади. Эгаси ёзилган қимматли қоғозни бир мулкдордан иккинчисига бериш хисоб-китобдаги тегишли ёзувларни ўзgartиришда акс этади.

Қимматли қоғозлар башарти мулкий хукукларни уларга эгалик қилиш билан боғлик ҳолда рўёбга чиқариш учун қимматли қоғозларни тақдим этишининг ўзи етарли бўлса, тақдим этувчига тегишли хужжатлар деб хисобланади. Тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар эркин муомалада бўлади.

Қимматли қоғозларнинг энг кенг таркалган тури акциялар хисобланади.

Акция - бу акциядорлик жамиятининг Устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян хисса қўштанидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи камида унга дивиденд олиш ва одатда, ушбу жамиятни бошқаришда катнашиш хукукини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир.

Бошқача килиб айтганда, акция акциядорлик жамият чиқарган қимматбаҳо (даромад келтирувчи) қоғоз. Акция ўз эгаларига, яъни

акциядорларга хиссадорлик жамияти ихтиёридаги умумий мулкан ўзига тегниши улушига хукуки борлиги түгрисида гувохлик беради. Амалдати мөйөрий хужжатларга асосан акция бланкаларининг мажбурий реквизитлари куйидагиларни ўз ичига олади.

1. Акционер жамиятининг номи ва жойлашган маизиди.
2. Кимматли қозознинг номи «Акция».
3. Навбатдаги номер.
4. Чикарилган вакти.
5. Акция тури (оддий ва имтиёзли).
6. Номинал қиймати ва тоифаси.
7. Эгасининг номи.
8. Акция чикарилган акционер жамиятининг Устав фондининг миқдори.
9. Муомалага чикарилган акциялар сони.
10. Имтиёзли акциялар учун тўлачадиган дивиденд миқдори ва тўлаш муддати.
11. Акционер жамияти ижроия органи раҳбарининг имзоси (бошқарув, дирекция).
12. Кимматли қозолар чикарилган корхонанинг муҳри.

Акциялар давлат тилида тўлиқ ёзилади. Жамият аъзоларининг хоҳинига кўра бошка тилларда ҳам ёзилиши мумкин.

Акциялар эгасининг исми ёзилган ва ёзилмаган, имтиёзли ва оддий бўлиши мумкин. Акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларини рўйхатга олиш дафтарига киритилган жисмоний ёки юридик шахсгина эгаси ёзилган акциянинг соҳиби бўлиши акциядор деб эътироф этилади. Эгаси ёзилмаган акциялар жамият акцияларининг рўйхатга олиш дафтарига киритилмаган холда бошка шахсларга мулк қилиб берилади.

Оддий (одатдаги) акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгаларига дивидендер олиш, жамиятнинг умумий йигилишларида ва жамиятни бошқариша иштирок этиш хукукини беради.

Имтиёзли акция эгалари дивидендерни, шунингдек, акциядорлик жамияти тутатилганда акцияларга кўйилган маблагларни биринчи навбатда олиш хукукига эгадир. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига, корхона фойда кўриш-кўрмаслигидан қаътий назар, муайян дивидендер олиш хукукини беради.

Ёник турдаги акциядорлик жамиятининг акциялари факат эгаси ёзиладиган акциялар бўлиши мумкин, уларни бошка шахсга ўтказиш тартиби уставда белгиланиб кўйилади. Ёник турдаги акциядорлик жамиятлари акциядорларига акциялар ўрнига уларнинг номинал қийматига тенг сўммада сертификатлар бериши мумкин.

Чикариладиган акцияларнинг хиллари, уларни таркатиш ва жойлаштириш, улар бўйича дивидендерларни тўлаш тартибини ҳар бир акциядорлик жамияти ўзининг Уставига асосан амалга оширади. Акция бўлинмасдири. Бу дегани акцияга бир неча киши эгалик қилиши мумкин (масалан, эр ва хотин). Лекинда акционер жамиятининг йигилишида улар бир овозга эга бўлади. Акция мулкка эгалик қилиш хукукини шартли равишда

беради. У заём эмас. Акцияда қоплаш муддати кўрсатилмайди. Акция эгасининг жавобгарлиги факат унинг ихтиёридаги акция микдори билан чегаралангандир. Шунинг учун ҳам у жамият учун жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конунида акциядорнинг хукуклари батафсил ёритилган. Конунга кўра акциядорлар:

- жамият маблагига кўшган хиссасини ва шунга мувофик топилган фойданинг бир кисмини дивиденд тарикасида олиши;
- акциядорларнинг умумий йигилишида қарорларни ишлаб чиқаришда овоз бериш, мазкур хиссадорлик жамиятининг сотиб олишида устуңлик қилиш;
- ишкирозга учраган чоғда ҳиссадорлик жамиятинияг бир бўлагига эгалик қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошка жамоат ташкилотларига бирлашиш ва ҳ.к.

Бу хукуклар акцияларнинг хилларига қараб ўзгариб туриши мумкин. Масалан, оддий акциялар эгалари жамият Уставига мувофик акциядорлар умумий йигилишида барча масалалар бўйича овоз бериш хукуки билан иштирок этса, имтиёзли акцияларнинг эгаси бундай хукукга эга эмас ва ҳ.к. Акцияларни бошка шахсга мулик қилиб ўтказиш мумкин. Бу ҳолдаги эгаси ёзилган акциялар (сотиб олиниши, ҳадя қилиниши, мерос бўлиб ўтганди) эгасининг ўзгарганини қайд этувчи орган акция янги эгасининг исми ёки номини киритади.

Акциядорлик жамияти маълум бир вакт ўтгандан кейин акцияларни қайта сотиш, ўз ходимлари орасида тарқатиш ёки бекор қилиш мақсадида акциядорлардан уларни сотиб олиш ҳам мумкин. Чунки акциялар кўпин билан бир йил ичida жойлаштирилиши лозим. Ана шу давр ичida дивидендларни таксимлаш, шунингдек, акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият сотиб олган ўз акцияларини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилади. Жамият ўз акцияларини мустакил равишда ёки инвестиция институтлари оркали сотиб олиши мумкин. Акциялар чиқарилганда уларнинг номинал акцияда кўрсатилган, (масалан, 100 доллар, 500 доллар, 100 сўм ва ҳ.к.) киймати бўлади, лекин улар бозор нархида сотиладики, нарх номинал кийматидан юкори ёки паст бўлади. Бозордаги талаб ва таклифга қараб акциянинг бозор нархи шаклланади, бунга бозор курси деб аталади. Бозор курси ёки нархини белгиланиши кимматли қоғозлар катировкаси дейилади ва у фонд биржасида амалга олирилади. Кимматли қоғозларнинг бозорда яхши сотилиши корхона, фирма учун ўзгалар пулини молиявий ресурсга ва сўнгра капиталга айлантириб, ўзининг мавқенини мустаҳкамлаб яхши фойда олишга имкон беради.

Акция курсига таъсир этувчи омилар турлича бўлади (5.1.1 - чизма). Германия мутахассислари фикрига кўра унга иқтисодий, сиёсий ва руҳият омиллари таъсир этади.

Бозор муносабати шароитида хўжалик субъектлари молия жиҳатдан ҳам ўз аравасини ўзи тортиши керак, аммо улар фойда кўриб рентабелли ишлаши,

фойда хисобидан ўз молия ресурсларини орттириб боришлари ҳам шарт, бу сиз улар ракобатга бардош бера олмайдилар. Демак, молиявий бакувват бўлиш ракобатчи чидамли бўлиши демакдир.

Фонд биржасида муомалада бўлиш хусусиятига кўра, "рўйхатга олинган" ва "рўйхатга олинимаган" акциялар мавжуд. Рўйхатга олинган акциялар биржада муомалага чиқарилган, рўйхатга олинимаган акциялар факат қимматли когозларнинг биржадан ташкири бозорларида мавжуд бўлади. Эмитент томонидан чиқарилиш хусусиятига кўра, обуна акциялари мавжуд. Уларнинг жойлаштирилиши учун дистрибутер фирма томонидан кафолатлар берилган бўлади. Мазкур акцияларнинг тўлик тўланадиган ва кисмларга бўлиб тўланадиган турлари бор. Муомала хусусиятига кўра, "муомаладаги акциялар" ва "портфел акциялар"га ажратилади. Эмитентнинг қимматли когозлар бозорида доимий равишда муомалада бўлувчи акциялари муомаладаги, акцияларни чиқарган компаниялар ихтиёридаги акциялар портфел акциялар, деб аталади. "Фаол" деб номланувчи акцияларнинг алоҳида тоифаси мавжуд. Бу биржаларда доимий равишда катта микдорда муомалада бўладиган акциялардир.

Чакириб олиниш хукуқига эга бўлган имтиёзли акциялар эмитентга уларнинг эгасини олдиндан хабардор қилиган ҳолда сотиб олиш хукукини беради. "Олтин акция" унинг эгасига (устав фондига кўшган улушидан катъи назар) маълум бир вакт мобайнида компанияни бошқариш хукукини беради. Шу каби акциялар кўпинча хусусийлаштириш жарабёнлари кечётган мамлакатларда учрайди. Бунда "олтин" акциянинг эгаси сифатида, одатда, кандайлир бир иктисадиётни бошқарувчи идора орқали давлатнинг ўзи иштирок этади. "Кумулятив акциялар"ни чиқариш шартларида, одатда, ушибу акциялар бўйича тўланиси лозим бўлган, лекин тўланмаган дивидендернинг жамгарилиб борилиши ва эмитентнинг молиявий ахволи яхшиланиб, дивидендернинг тўлаш имконияти пайдо бўлган вактда тўланиши назарда тутилади.

Мазкур акциялар улар учун маҳсус индекслар бејтиланиш чогида бозордаги вазиятнинг индикатори хисобланади. "Қайта баҳоланиш хукуқига эга бўлган акциялар" эмитентга акциянинг эгасидан кўшимча бадални талаб килиш хукукини беради. Аксарият ҳолларда бундай акциялар инфляция шароитида чиқарилади. "Винкулирланган акциялар" нинг эгаси уларни акциядорлик жамнияти ижроия органининг рухсатисиз сотиши мумкин эмас.

"Плюрал акциялар" кўп овозли акциялар хисобланади. Мазкур қимматли когозлар фашистлар Германиясида кенг кўлланган. Улар миллатчи "хукмрон доира"га кенг хукуклар ва саноатнинг етакчи тармоқларини назоратда ушлаб туриш имкониятини берарди. "Ретректив акциялар" ўз эгасига уларни сўндириш учун компанияга тақдим этиш хукукини берувчи акциялардир.

5.1.1-чизма

АКЦИЯ КУРСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

| <i>Ишлаб чиқариш омиллари</i> | <i>Рұжыт омиллари</i> | <i>Капитал бозори омиллари</i> |
|--|--|---|
| Корхона баланси; Дивиденд сиёсати; Фирманинг истиқболи; Менежмент; Корхона қувватларидан фойдаланиш даражаси; маҳсулотни сотиш имкони. | Инвесторнинг кайфияти, чунки акция юкори ёки паст баҳода сотилиши мумкин | Инвесторнинг түлов қобиляти; Қаътий процент берадиган ККга тўланадиган процент микдори; Хорижда инвестиция берадиган даромад. |
| | ↓ Акция курси ↑ | |
| Бозор коньюктураси; Иқтисодий ўсиш; Нархнинг ўзгариши; Инвестиция қилиш; Ташки савдо; Хомашё нархи; Валюталар курси. | Экспорт импортга боғлиқ фирмаларнинг ташки иқтисодий информациясига эга бўлиши. Давлатнинг хўжалик, солик сиёсати, сиёсати. Экология | Акция курсини саклаш уни сотиб олиш; Корхонани кўлга олиш учун акцияни сотиб олиш. Акция курсини у тушгандан сўнг янгидан сотилиши. |
| Иқтисодий омиллар | Сиёсий омиллар | Бозор техника омиллари |

Сўндириш шартлари, муддатлари тўғрисида бундай кимматли қоғозларнинг бирламчи эмиссияси вактида келишиб олинади. "Айирбошланадиган акциялар" ни олдиндан келишилган пархлар бўйича муайян бир вакт оралигига бошқа акцияларга(одатда, оддий акцияларга) алмаштириш мумкин. "Курси ўзгариб турувчи акциялар" бўйича дивиденду тўловлари фоизнинг даражасига караб ўзгариб туради. Агар фоиз ошса, акциялар бўйича тўловлар ҳам ошади ва аксинча. "Ордерли акциялар" ўз эгасига акцияларнинг маълум микдорини сотиб олиш ва шу билан акция кадрини ошириш хукукини беради.

И.Бутиков Ўзбекистон қонунчилигига акцияларнинг оддий ва имтиёзли, эгасининг номи ёзилган ва кўрсатувчи эгалик қиласидаган ҳамда кумулятив акциялар тўғрисида нормалар мавжудлигини кайд этиб, бироқ бу бошқа

турдаги акцияларнинг бўлиши мумкин эмас, деган фикрни бермаслигини айтали. Унинг фикрича, юкорида санаб ўтилган акцияларнинг турлари акциядорлик жамиятининг таъсис хужжатларида кўрсатиб ўтилиши мумкин. Хукуқшунос олимлар О.Оқулов, И.Насриев ҳамда Ж.Йўлдошев ҳам илмий ишларида юкорида санаб ўтилган акцияларнинг турлари мавжудлигини қайд этишган. В.Долинская акцияларнинг юкоридаги каби турлари мавжудлигини зътироф этади ва ундан ташкири мазкур акциялар хиссани қўшиш усулига (пулли, мулкий, меҳнат жамоасиники ҳамда аралаш) ҳамда хиссанинг шаклланиш манбаига кўра (шахсий маблағлар ҳисобидан, кредитдан ва ҳоказо) таснифланишини таъкидлайдиб.

Аксарият илмий адабиётларда акцияларнинг турлари санаб ўтилган бўлса-да, уларга доктринал таъриф берилмасдан, факатгина мазкур акцияларнинг моҳияти ва улар акциядорга қандай хукук беришини тушунтириш билан чекланилган. Масалан, тақдим этувчига тегишли бўлган акцияни тақдим этган шахс унинг эгаси эканлигини ва ушбу акциялар эркин муомалада бўлишини тушунтириш билан кифояланилган. Миллий конуничиликда ҳам акцияларнинг бир неча турлари мажкудлиги ўз ифодасини топган. Бирок унда акциялар нимагадир ҳам турларга, ҳам хилларга ажратиб кўрсатилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукини ҳимоя килиш тўғрисида"ги Конунининг 24-моддаси "Акцияларнинг хиллари ва турлари", деб номланади. Ушбу моддага кўра, акцияларнинг хилларига эгаси ёзилган ва ёзилмаган акциялар, турларига эса имтиёзли ва оддий акциялар киради. Конун акцияларни хиллар ва турларга ажратган бўлса-да, факатгина имтиёзли акция тушунчасига таъриф бериб ўтган, холос. Эгаси ёзилган, эгаси ёзилмаган ҳамда оддий акциялар тушунчасига таъриф берилмаган. Конунда эгаси ёзилган акция тушунчасига таъриф берилishi ўрнига эгаси ёзилган акция эгасига таъриф берилган.

Унга кўра, акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларнинг реестрига киритишган жисмоний ёки юридик шахсгина эгаси ёзилган акциянинг сохиби бўлган акциядор, дейилади. Конунда ҳам эгаси ёзилмаган акция тушунчасига эмас, унинг эгасига таъриф берилган. Унга кўра, эгаси ёзилмаган акцияни сакловчи шу акциянинг эгасидир. Эгаси ёзилмаган акциялар жамият акциядорларнинг реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк қилиб берилади. Оддий акция тушунчасига таъриф берилishi ўрнига оддий акция акциядорга қандай хукуклар бериши санаб ўтилган.

5.3. Қарз муносабатини ифодаловчи кимматли қоғозлар.

Қарз мажбуриятини ифодаловчи кимматли қоғозларнинг кенгроқ тарқалган тури облигациялар ҳисобланади. Облигациялар уларнинг эгаси пул маблаглари берганлигини тасдиқ этувчи ва кимматли қоғозларнинг номинал қийматини уларда кўрсатилган муддатда, белгилантган фонз тўланган ҳолда қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи кимматли қоғоздир.

Облигация – лотинча сўздан олинган бўлиб, «мажбурият» деган маънони билдиради. Облигация чиқарган ташкилот (эмитент) қарздор ролида катнашади. Акция ва облигацияларни инвестиция кимматли қоғозлари деб аташади. Облигациялар акциялардан фарқ қиласди. Булар қуйидагилар: Акцияни сотиб олган акциядор, корхона мулкининг бир кисмига эгалик килиш хукуқига эга бўлса, облигация сотиб олган сармоядор будай хукуқга эга бўла олмайди, у факат кредит берувчи сифатида катнашади. Бундан ташкири, облигация факат унда кўрсатилган муддатда амал қиласди ва шу муддатда даромад (фоиз) келтиради.

Облигация одатда ўз эгасига олдиндан белгиланган фоиз келтиради. Акциядорлик жамияти облигацияси унинг эгасига мазкур жамиятининг умумий йиганишида овоз бериш хукукини бермайди, лекин облигацияларнинг нисбатан устунлиги ҳам бор. Облигацияларни сотиб олиш акцияларни сотиб олишга нисбатан камрок хатарли иш ҳисобланади. Чунки, компания (эмитент) қашшоқликка учраган ҳолда облигация эгаси кредитор сифатида нафакат оддий акциялар, балки имтиёзли акцияларнинг эгаларидан ҳам олдин қарзларини олиш хукуқига эгадир.

Облигацияларни чиқаришдан мақсад ҳам давлат ички қарзини пул эмиссияси ҳисобига эмас, балки бозор муносабаларига таянган воситалар ёрдамида, яъни қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан қоплашни кўзда тутади. Бу эса пул қадрсизланиши даражасини пасайтиришга имкон беради. Бундан ташкири, корхоналар вақтингчалик бўш маблагларини муомалага киритиш эвазига кўшимча даромад олади. Марказий банк облигациялар ёрдамида пул-кредит сиёсатини ўтказишда ҳам фойдаланилади. Марказий банк иккиласми бозорда облигацияларни харид килиш ёки сотиш бўйича операцияларни амалга ошира туриб, муомалада бўлган пул муассасаси хажмини тартибга солиб туради.

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунига кўра облигацияларнинг қуйидаги турлари чиқарилиши мумкин эди:

- республика ички заёмларининг, маҳаллий заёмларнинг облигациялари;
- корхоналарнинг облигациялари.

Облигациялар оддий ва ютукли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган килиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг реквизити облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу молларни (хизматларни) акс эттириши шарт.

Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялар тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Бу заёмлар облигацияларини чиқариш хақидаги карор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ва давлат хокимияти маҳаллий органлари томонидан кабул килинади. Қарорда эмитент, облигацияни чиқариш шартлари ва уларни тарқатиш тартиби белгилаб қўйилиши лозим.

Корхоналарнинг облигациялари мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар томонидан чиқарилishi мумкин. Облигациялар ўз эгаларига

корхона бошқарувида катнашиц ҳуқуқини бермайди. Корхона ва акциядорлик жамиятларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги карори тегишли маъмурият ва ижроия органи (бошқаруви) томонидан қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг облигациялари эмитентларнинг Устав фондини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек, уларинг хўжалик фаолияти билан бўглиқ зарарларини коплаш учун чиқариш йўл қўйилмайди. Акциядорлик жамиятлари чиқарилган барча акциялар хаки тўлиқ тўлангандан кейингина Устав фонди миқдорининг 20 фоизидан кўп бўлмаган сўммада облигациялар чиқаришларига рухсат берилади.

Мулкчиликнинг бошқа шаклларига мансуб корхоналарда облигациялар чиқариш сўммаси, миқдори амалдаги конунлар асосида белгиланиши мумкин. Халқаро миқёсида, облигациялар муайян бир муддатта чиқарилиши мумкин яъни:

қисқа муддатли;
ўрта муддатли;
узоқ муддатли облигациялар.

Ҳар бир мамлакат амалдаги конунларига караб бу муддатларни белгилаши мумкин. Масалан: АҚШда қисқа муддатли облигациялар 1 йилдан 3 йилгача, ўрта муддатли облигациялар 3 йилдан 7 йилгача ва узоқ муддатли облигациялар эса 7 йилдан кўп вақтгача чиқарилади. Ўзбекистон Республикасида эса ҳозирги кунда давлат облигацияларининг икки тури муомалага чиқарилган.

Биринчиси - Ўзбекистон Республикаси 12 фоизли ички ютуқли заём облигациялари бўлиб, Молия Вазирлиги томонидан 1992 йилда 20 йилдан кейин коплаш муддати билан 25 млрд сўмлик чиқарилди. Шундан 1 январ 1997 йилгача ахоли ўртасида 19,4 млрд сўмлик тарқатилди. Лекин ҳозирги кунда уибу облигация ютуқ тиражлари вактинча тўхтатилган.

Иккинчидан - Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 марта қабул килинган 119-сонли қарорига асосан Молия Вазирлиги томонидан илк бор 1996 йил 28 марта чиқарилган давлат қисқа муддатли облигациялари ва 1997 йил 30 январда Вазирлар Маҳкамасининг 57-сонли қарорига асосан 1997 йилда қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мақсадида Молия Вазирлиги томонидан 1997 йилда муомалага чиқарилган 3 ва 6 ойлик қисқа муддатли облигациялари дир. Бу эса республикамизда облигациялар бозорини шакллантиришга олиб келди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорининг яратилиши Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори тарихида муҳим аҳамият қасб этади. ДКМО бозори асосан Молия Вазирлиги ва Марказий банк томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси қисқа муддатли облигацияларини муомалага киритишнинг асосий шартлари» ва Марказий банк ишлаб чиқкан «Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқаришларининг муомаласини ташкил этиш ва тартибга солиш бухгалтерия «Низом» асосидаги фаолият» кўрсатади.

Бундан ташкири, тижорат банклари ўзларининг «Давлат киска муддатли облигациялар билан операциялар хисобининг мувакқат тартиби»га таянади. ДКМО эмитенти Молия вазирлигидир. Эмиссия килиш вақтида Молия вазирлиги Марказий банк билан келишилган ҳолда облигацияларнинг энг юкори хажмини, муомалада бўлиш муддатини ва потенциал эгаларига доир чекланишларни белгилайди. Марказий банк облигацияларни жойлаштириш ва хизмат кўрсатиш бўйича бош агент вазифасини бажаради. Бу облигациялар бўйича тўловлар ўз вақтида амалга ошириш юзасидан сармоядорлар олдида кафолатни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси ДКМО бозори фаолиятининг техник ташкилотчиси сифатида хизмат қиласи. Унинг зиммасига ўз таркибида савдо тизими, хисоб-китоб тузиш ва депозитарий тизимлари яратиш ва улар хизматини йўлга кўйиш юкландган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Республика биржаси Европа ва бошқа ривожланган жаҳон мамлакатлари фонид бозори андозаларига жавоб берувчи замонавий ва технологик воситаларга эга.

Молия вазирлиги Марказий банкга ДКМО жойлаштиришни топширади ва уни сотишдан тушган маблагларни жамлайди. Марказий банк ДКМО жойлаштиришни Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси орқали амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси дилерлар операцияларни амалга ошириш учун аукционлар ташкил қиласи. Дилерлар облигацияларни ўз хисобидан ва сармоядорлар, юридик шахслар хисобидан сотиб оладилар.

Сармоядорлар облигацияларни сотиб олиш учун етарли маблагларни дилерлар хисоб рақамига туширади. Дилерлар ўз комиссиян ҳакини чегирган ҳолда маблагларни Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси хисоб рақамига йўналтирилади. Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси ўз комиссиян ҳакини чегирган ҳолда маблагларни Марказий банк хисоб рақамига йўналтирилади. Марказий банк хисоб рақамига тушган маблагларни Молия вазирлиги бюджет хисоб рақамига йўналтирилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, облигациялар бизнинг давлатимизда 3, 6 ва 12 ойлик муддатга чиқарилади мумкин. Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан чиқарилган 3 ойлик облигацияларнинг номинал киймати 1000 сўмга тенг. Улар номиналдан паст бахода дисконт (номинал баҳоси билан сотилган киймати орасидаги фарқ) йўли билан сотали ва муддати тугатач номинал нарх бўйича тўланади. Масалан: 1 октябргача ДКМО 10 марта чиқарилади. ДКМОнинг умумий жойлашини хажми иккиламчи савдоларда 12,93 млн, сўмлик 14,14 донани ташкил этади.

ДКМО 7 марта сўндирилади. Сўндириш хажми – 8,77 млрд. сўм (яъни 8,77 млн. дона)ни ташкил этди. Давлат бюджети 4,14 млрд. сўм фойда олди. ДКМО номинал баҳоси 1000 сўмни ташкил қилган бўлса, Марказий банк тижорат банкларига уни 889 сўмга сотган, яъни 111 сўм камига ($14,14 - 12,93$) = 121. Тижорат банклари эса сўндириш муддати келганда облигацияларни номинал баҳода сотганлар, итижада тижорат банклари ҳар бир облигациялардан 111 сўм фойда кўрганлар, хозирча Республикада факат 14 та тижорат банки билан Марказий банк дилерлик вазифасини бажариш тўғрисида шартномалар тузган холос, бу эса ўз навбатида ДКМО бозорида рақобат

етишмаслигига сабаб бўлмоқда. ДКМО хар бир эмиссия умумий сертификат билан расмийлаштирилади. Умумий сертификатлар икки асл нусхада бўлиб, улар Молия вазирлиги ва Марказий банқда сакланади.

Хар бир чиқаринга давлат рухсат рақами берилади. Бу ракам тўккиз разрядли бўлиб, куйидаги тарзда белгиланади:

X1X2X3X4X5X6X7X8X9

Бунда:

X1 - кимматли қоғознинг турини кўрсатувчи ракам, айни вақтда

«2» - карз мажбуряти;

X2 - кимматли қоғознинг хилини кўрсатувчи ракам,

«1» - уч ойлик облигациялар учун;

«2» - олти ойлик облигациялар учун;

«3» - ўн икки ойлик облигациялар учун;

X3X4X5 – эмиссиянинг рўйхат раками;

X6X7X8 – эмитентнинг кўрсатувчи (Ўзбекистон Молия вазирлиги)

X9 - кимматли қоғознинг давлатга тегишиллигини кўрсатувчи «S» харфи.

Масалан: 1996 йил 28 марта чиқарилган уч ойлик облигациялар эмиссиясига 21001UMF раками берилган эди.

Облигацияларининг чиқарилишининг асосий шартлари эмиссия кунидан 7 кун аввал Марказий банк томонидан эълон қилинади. Ўзбекистон Республикасида барча юридик шахслар ДКМО облигацияларининг эгаси бўлини мумкин. Гозирча ДКМО Республикасида жисмоний шахслар шахслар ўртасида сотилмайди. Якни келажакда ДКМО бозорига жисмоний шахсларни ҳам иштирокига йўл кўйилса, бу кимматли қоғозлар бозорида ракобатнинг кучайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг хазина мажбуриятлари – уларнинг эгалари томонидан бюджетта пул маблаглари берилганликларини тасдикловчи, камла бу кимматли қоғозларга эгалик қилишининг бутун муддати давомида белгиланган даромадни олишига хукуқ берувчи, тақдим этувчига тегишили кимматли қоғозлар тиридир. Хазина мажбуриятлари давлатнинг қарздорлитини тасдикловчи маҳсус қоғодидир.

Хазина мажбуриятлари:

- узок муддатли – беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжаллаб;
- ўрта муддатли – бир йилдан юеш йилгача муддатга мўлжаллаб;
- киска муддатли – уч, олти ва ўн икки ойгача муддатларга мўлжалланиб чиқарилади.

Узок муддатли ва ўрта муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўгрисида қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан, киска муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўгрисидаги қарор эса Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Бу қарорларда даромадларни ҳамда мажбурият қарзларни тўлаш шартлари белгилаб кўйилади.

Хазина мажбуриятлари облигациялардан ихчамлиги ва даромад олишнинг турлича шартлари билан фарқ қиласи. Узок муддатли хазина

мажбуриятлари бўйича даромадларни номиналга нисбатан фоиз йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Ўрта муддатли хазина мажбуриятларини эгаларига эса даромадлар хар йиллик тўловларсиз уларни сотиб олиш чорига мажбуриятларнинг чиқарилган то уни узишгача ўтган муддатга қараб номинал нисбатан фоиз хисоблаш йўли билан тўланади.

Қиска муддатли хазина мажбуриятлари купонларга эга эмас ва бу мажбуриятлар улар бўйича хисобланадиган фоизларни тўлашни ўз ичига олган ҳолда уларни сотиш йўли билан тўланади. Қиска муддатли хазина мажбуриятлари хазина билетлари ўзларининг ишончлилиги, тез сарф килиниши ва даромадлиги билан жуда жозибадор восита хисобланали. Янги чиқарилган билетлар дастлаб аукционда сотилади ва бу ерда сотувчи сифатида хазиначи, харидор сифатида маҳсус дилерлар банк ва коorporациялар чикади. Чиқарилган хазина билетлари тўлаш муддатига эга бўлади (3 ой, 6 ой ёки 1 йилдан кейин) ва дисконт билан сотилади. Бу шуни билдирадики, номинал киймати 10000 сўм бўлган 6 ой муддатга чиқарилган билетлар тахминан 9600 сўмдан сотилади. Билет эгаси уни тўлагандага номинал кийматини олади. Сотилган хазина билетлари иккиласми бозорда фаол муомалада бўлади.

Давлат қимматли қоғозлар бозори кенг иккиласми бозор хисобланиб унинг катнашчилари марказий банк, уй хўжаликлари, бизнес ва молиявий муассасалар хисобланади. Бундай бозорда давлатнинг ўрта муддатли мажбуриятлари ва облигациялари муомалада бўлади. Савдо маҳсус дилерлар оркали олиб борилади. Дилерлар молиявий воситачилар хисобланмасада, мухим воситачилик вазифасини бажарди. Улар зарур миқдордаги хазина қоғозларига эга бўлади ва ҳар доим бу қоғозларни стиш ва сотиб олишга тайёр бўлади. Дилерлар хазина билетларига талаб ва таклифга мос равишда, ўзларидаги қоғозлар захирасининг зарурий даражасини хисобга олиб, бозор баҳоларини ўрнатади. Хазина билетлари бозорнинг ҳолати талаб ва таклиф бозорларнда эмас, дисконт ва даромадлилик даражасида зълон килинади. Бу билетларнинг потенциал харидорига улранинг сотиб олишдан кўрадиган фойдани бевосита аниқлаш ва пул қўйишнинг бошқа имкониятлари билан таққослаш имкониятини беради.

Хазина билетлари дисконт бўйича, яъни номиналдан кам баҳода сотилади ва сотиб олинади. Номинал билет киймати қайтарилган даврда тўланади, шу сабабли қайтариш муддати яқинлашиши билан билетнинг бозор соҳаси ўсади (даромадлилик тушади). Хазина билетлари бозор билан бирга бир вактда хазина облигациялари бозори ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг биринчи чиқарилиши аукцион биржаларида ва ёзилиш бўйича амалга оширлади. Бунда харидорлар облигациянинг номинал киймати бўйича тўлайди ва мажбурият қайтарилгунча ҳар йили қайд қилнган фоиз олади. Мажбурият қайтарилганда облигациянинг номинал киймати тўланади. Ҳар йили қайтарилган фоиз купонли фоиз деб аталади.

Бир марта сотилган карз мажбуриятлари иккиласми бозорда актив ҳаракатда бўлади. Агар бирламчи бозорда харидор мажбурият учун қимматли қоғознинг номинал кийматини тўласа, пул эгаси томонидан қимматли қоғозга

талаб, мохияти билан, купон фоизи учун пул таклифи сифатида чикаради. Шу сабабли мажбурнятга талаб қанчалик катта бўлса, яъни пул таклифи қанча катта бўлса, бошка шароитлар бир хил колганда, улар кароқ купонга сотиб олинади. Бу ерда пул баҳоси фонз. Иккиламчи бозорда пул эгаси томонидан хазина мажбуриятларига талаб, маълум бир когозларга, баҳоси эса бевосита нузида ифодаланади. Бу бозорда қогозга талаб қанча юкори бўлса, баҳоси шунча юкори бўлади. Хазина мажбуриятлари қайд қилинган купонли фоиз келтириши сабабли, баҳолар ўсиши билан улранинг даромадлилиги тузилади.

Бирламчи чикарилган облигацияларни сотиш жараёнида, купон фоизи облигациянинг даромадлилигига якин бўлсада, унга тўлик тенг келмайди. Шу сабабли купонга облигация баҳоси номиналдан юкори ва купонга паст бўлади. Яъни ҳар доим қўйилган пул (облигация)га баҳоси уларнинг даромадлилиги ҳисобланади.

Иккиламчи бозорда номинал кийматидан арzon сотилган хазина мажбуриятлари, купон фоизига караганда кўпроқ даромад келтиради. Шунга мос равишда номинал кийматидан юкори сотилган мажбуриятлар купон фоизига қараганда кам даромад келтиради.

Марказий банк хазина мажбуриятлари бозорининг ана шу хусусиятларидан фоиз микдорида ва у оркали бизнес иктисодий фаолиятини тартибга солиш учун фойдаланадилар. Агар, Марказий банк хазина мажбуриятларини актив сотиб ола бошласа, унга талаб ортади ва уларнинг баҳоси ўсади. Шунга мос равишда қайд қилинган купон фоизидан мажбуриятининг даромадлилиги пасаяди. Буларнинг ҳаммаси банк тизими ва хазина кимматли қогозлар бозори иктисодиётини тартибга солишда фавқулотда муҳим роль ўйнашини тасдиклиди.

Вексель – бу муайян микдорлаги ўарзни белгиланган муддатда муддатда қаътий тўлами мажбурияти юкланган, коунун билан талсиқаланган холатда тўлдириб расмийлаштирилган карздорлик тилхатидир. Вексель, энг аввало, бир шахс томонидан иккинчисига ёзib берилган карз мажбуриятини ифодаловчи кимматли қогознинг бир шаклинир. Векселни ҳар қандай тўловга қобил корхона ва ташкилот ёзив бериш хукукига эга.

Вексель сотилиши, кредит сифатида берилиши, бирон бир олди-сотди битимида ҳисоб-китоб сифатида ишлатилиши, тўлов воситаси вазифасини бажариши мумкин.

Векселлар асосан қиска муддатта (1 йилгача) берилиб, кўпроқ корхоналарнинг айланма воситаларини кўпайтиришга имкон беради, унинг ишлаб чиқарнишдаги самарасини оширади. Шунинг билан бирга, тўловнинг кафолатланганлиги туфайлик олдиндан тўлаш зарурати қолмайди ва айланма маблағининг харакатини анча тезлаштиради.

Вексель вақтинча бўш турган маблагларини ҳар қандай микдорда ва ҳар қандай муддат мобайнида самараали ишлатишга ёрдам беради. Векселларни кредит олишда ишончли гаров воситаси сифатида ишлатиш мумкин. Векселлардан ҳисоб-китоб, тўловда фойдаланилганда банк оркали пул ўтказишга ҳожат бўлмайди.

Айрим давлатлар тажрибасидан маълумки, халқ хўжалигига хисобкитобларни меъсрлаштириш, ўзаро қарзларни камайтиришнинг муқобил услубларидан бири хўжалик айланмасида векселлардан хисоб-китоб, тўлов воситаси сифатида фойдаланишилар.

Ўзаро қарзлар муаммосига карши курашда ишлатилаётган вексель кредити Олмония, Россия, Украина ва бошка давлатларда яхши самара бермокда. Бу мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда республикамизда вексель муомалси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 2 июнда қабул қилган «Ўзбекистон Республика халқ хўжалигига векселларни қўллаш тўғрисида»ги қарори республикада вексель муомаласини ташкил этилишининг барча ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган.

Биринчидан, бошка давлатлардан фарқли ўларок векселлардан халқ хўжалигига фойдаланишга ўтиш бир неча босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда кўпроқ тижорат банкларининг векселларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилади. Яъни бу босқичда тижорат банклари ва айрим тўлов қобилияти бўлган хўжалик субъектлари (корхоналар) томонидан чиқарилган векселлар жорий этилади. Корхона ва ташкилотларининг тўловга қобилиятини тижорат банклари таҳлил қиласи ва улар томонидан чиқарилган ҳар бир векселни ваколатли тижорат банклари бўлимлари рўйхатидан ўтказади. Шунинг учун вексель тўлов тижорат банклари томонидан назорат килинади.

Иккинчи босқичда банклар бир-бирининг векселларини хисобга олиш ва улар бўйича тўлаш ҳақида шартномалар тузиш йўли билан ягона вексель майдони (донраси)ни яратади. Бу векселларнинг айланиш худудини кенгайтиради ва ликвидигини оширади. Агар дехкончилик саноат банки векселита эга бўлган корхона саноат курилиш банкининг хоҳлаган бўлимида тўлов учун пулини оладиган бўлса, бу корхоналар ўртасида тўловларни янчагина осонлаштиради.

Учинчи босқичда хисоб-китоб ва тўлов воситаси сифатида корхона ва ташкилотларининг тижорат векселларидан фойдаланишга ўтилади.

Тўртинчи босқичда векселларни Марказий банк томонидан қайта хисобга олиш (тижорат банкларининг портфелинга мавжуд бўлган векселларни хисобга олиш) операцияларини амалга ошириш назарда тутилади. Республика мизда вексель муомаласини ташкил этишининг Яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, муомалага чиқарилган ҳар бир вексель олдиндан эмитентнинг тўлов қобилиятини аниқлаб, банклар томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Векселнинг турлари: Векселлар моҳиятига караб тижорат ва молия векселларига бўлинади.

Тижорат векселлари (корхона ва бошка субъектларнинг векселлари) аниқ бир савдо шартномаси учун ёзилади. Шунинг учун ҳам уни кўпроқ товар векселлари деб юритилади.

Молия векселларига тижорат банклари томонидан чиқариладиган векселлар мисол бўла олади.

Қўлланини нуткан назардан векселлар оддий ва ўтказма векселларга бўлинади.

Оддий вексель - карздор томонидан тўлдириладиган яъни бир ташкилотнинг (вексель берувчининг) бошка бир ташкилотга (дастлабки олувчига) ёки унинг буйруги билан сўзсиз равишда белгиланиган муддатда ёки талаб қилинган вақтда маълум пул маблағни тўлаш мажбуриятини ўзида акс эттирган ёзма хужжатdir.

Ўтказма вексель - карз берувчининг карзни качон ва кимга ҳайтариш хақида ёзма буйруги, яъни товар олди-сотдисига ёзилган вексель берувчининг товар пулини векселни кабул килиб олувчига (яъни товар эгасига) учинчи бир шахс томонидан тўланиши лозимлиги (вексель берувчининг буйруғини) инфодаловчи ёзма хужжатdir.

Вексель берувчи тўлаб берувчида (учинчи шахсда) мулки, пули бўлган ҳолатдагина ўтказма векселни ёзib бера олади. Оддий вексель ҳам, ўтказма вексель ҳам индоссамент (тошшириш ёзуви) ёрдамида дастлабки битимда иштирок этмаган шахсларга ўтказилиши мумкин. Вексель бўйича талаб қилиш хукукини кенг талабгор гурухига бера олиш имкониятини векселни нафакат кредит куроли, балки қулай тўлов воситасига айлантирали. Ўтказма вексель (тратта) айникса ҳалқаро ташки савода кенг таржалган. Ўтказма вексель эгаси трассант, вексель бўйича карздор трассант деб юритилади.

5.4. Ҳосилавий кимматли қоғозлар турлари.

Ҳосилавий кимматли қоғозлар бу бирламчи кимматли қоғоз(акция)ларнинг шу бозорда амал қилиши натижасида ҳосил бўлган иккиламчи кимматли қоғозларdir. Масалан, киймат конуни товар хўжалигининг ҳосиласидир. Ҳосилавий кимматли қоғозлар ўз эгасига бирламчи қоғозларни сотиб олиш ва сотиш хукукини берали. Уларнинг киймати бошка қоғозлар орқали гавдаланади.

Кимматли қоғозлар ҳосилаларини чиқариш ва муомаласи кондаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кошидаги кимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича Давлат комиссиялари белгилайди. Ҳосилавий кимматли қоғозларнинг куйидаги турлари мавжуд:

- опцион;
- фьючерс;
- депозит тилхатлари;
- варант;
- приватизация чеклари;
- приватизация купонлари ва ҳ.к.

Булар билан операциялар нафакат бирламчи бозорда, шу билан бирга иккиламчи бозор (биржалар)да ҳамда «кўча» (чайков) бозорида ҳам бажарилаверади. Аммо бу операцияларнинг асосий кисми фонд биржалари оракли ўтади.

Опцион бу муайян қимматли қоғозни келишилган баҳо ва муддатда сотиб олиш ёки сотиш хукукини берувчи икки томонлама шартнома. У эгасига контракт (битим)да келишилган баҳода белгиланган муддатда қимматли

қоғозларни ёки товарларни сотиб олиш хуқуқини беради. Опцион сотувчи учун сотиш, харидор учун сотиб олиш хуқуқини беради.

Масалан, акцияларни олди-сотисида опцион иккى инвестор иштирокида тузилади: бири опционни ёзади ва иккинчисига ўтказади (беради); иккинчиси бу опционни сотиб олади ва белгиланган муддат ичидаги нархда акцияларни сотиб олиш (сотиб олишга опцион) ёки унга сотиш хуқуқини олади (сотишга опцион). Янада тушунарлироқ бўлиши учун опцион можиятини қўйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Айтайлик, бир дона акциянинг номинал қиймати (баҳоси) 100 сўм бўлсин. Эмитент билан тузилган опцион шартномасига биноан сиз уч ой муддат билан 100 та акцияни сотиб олиш хуқуқига эга бўлдингиз. Бу хуқуқга сиз хар бир акция учун 100 сўм эмас, балки 103 сўм тўлаш шарти билан эга бўлдингиз. Шунда сиз хар бир акцияга қўшимча 3 сўм тўлаб 100 та акция учун опционни 300 сўмга сотиб оласиз.

Шуни билингки, акцияларни сотиб олиш хуқуқига эга бўлишингиз билан сиз бу акцияларни сотиб олишга мажбур эмассиз. Агар опционда кўрсатилган муддат ичидаги акцияларнинг нархи ошмаган бўлса ёки пасайиб кетган бўлса, опцион эгаси ўз хукувидан фойдаланмайди. Демак, бу мисолимиз шартига биноан 300 сўм йўкотади.

Фараз килайлик, акциянинг нархи кам микдорда, айтайлик 102 сўмга ошган бўлсин. Бундай вазиятда опцион эгаси қанлай иш тутиши лозим? Биринчи навбатда у акциянинг нархи қачон ошганлигига эътибор бермоги лозим. Агар акциянинг нархи уч ойлик, муддатнинг бошида (102 сўмга) ошган бўлса, унда опцион эгаси шошилмасдан пайт пойлаб туриши мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар уч ойлик муддатнинг охирида ошган бўлса, унда опциондаги акцияларни сотиб юборни лозим, яъни опционга мувофиқ акцияларни 100 сўмдан сотиб олиб, 102 сўмдан сотиб юбориш керак. Бу ҳолда опцион эгасининг кўрган зарари 100 сўмни ташкил этади (бу сўммага қўшимча яна воситачига тўланадиган хизмат ҳаки ҳам кирниши мумкин). Акциянинг нархи кутилганидек (103 сўмдан) баланд бўлган ҳолларда опцион ўз эгасига даромад келтиради. Масалан, акциянинг нархи 108 сўм бўлса, опцион эгасининг 100 дона акциядан олган даромади 500 сўм (800-300)ни ташкил қиласи.

Шундай қилиб, опцион эгаси акциянинг бозордаги курсига караб ютиши ютказилиши мумкин. Опцион одатда корпорация раҳбарларининг рағбатлантириш мақсадида кенг кўлланилади. Бунда корпорация раҳбарлари ихтиёрига олдиндан ўрнатилган курс бўйича акциялар ажратиб қўйилади. Ўрнатилган курс билан акцияни сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ корпорация раҳбарларининг опцион эвазига оладиган даромади жами даромадларининг учидан бир қисмини ташкил қиласи.

Опционнинг асосан қўйидаги уч тури мавжуд:

- **сотиб олиш учун опцион (опцион Call)** - келажакда активлар курсининг ошишидан химоя килиш мақсадида харидорнинг активларини (валюта, қимматли қоғозлар, товарлар ва х.к.ларни) сотиб олиш хуқуқини (аммо, мажбуриятини эмас) берувчи контрактдир

- **сотиш учун опцион** (опцион put) - активларнинг курсини пасайишидан химоя килиш учун сотувчига ўз активларни сотиш имконини (аммо мажбуриятини эмас) берувчи контрактир

- **кўши опцион** (опцион callage) – харидорга активларни базис нархда сотиб олиш ёки сотиш имконини беради. Аммо, бараварига сотиш ва харид килиш мумкин эмас. Кўш (столлаж) опцион сотишига опцион ва сотиб олишга опцион бараварига бир хил муддат ичидаги юир хил нархда сотиб олиниш холатида вужудга келади.

Ҳар бир опционда муддати кўрсатилган бўлади. Опционнинг амал килиш санаси ва даври белгиланган муддатдан чиқиб кетган бўлса, у ҳолда мазкур опцион кабул килинмайди.

Опционларнинг америкача ва европача стиллари мавжуд. Европача стилда опцион факат белгиланган муддатда (кунла) ишлатилиши мумкин. Америкача стилда эса опцион унда белгиланган муддат ичидаги, исталган вактда ишлатилиши мумкин. Опционнинг олди-сотди жараёни контракт (битим) тузиш орқали амалга оширилади. Якка контракт тўлиқ лотта тузилади. **ЛОТ** – бу сотувга кўйилган бир хил турдаги қимматли қоғозлар ёки бошка активлар партияси. Бир неча лотлар тўплами стринг дейилади.

Контракт эгаси (яъни, сотиб олуви, харидор) сотувчига (яъни, контрактни ёзиб берувчига) комиссиян ҳак тўлайди. Бу ҳак мукофот дейилади. Мукофот – контрактнинг опцион баҳоси. Опционни харид килувчининг хавф-хатари (таваккалчилиги) шу мукофот миқдори Билан чегараланган. Опцион сотувчининг хавф-хатари эса ўша мукофот миқдорига камаяди.

Фьючерс – бу қимматли қоғозларни ёки товарларни келишилган муддатда, шартнома тузилган кунда ўрнатилган нархда келгусида (маълум бир санада) сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлиги тўғрисида шартнома (қаътий мажбурият)дир. Опционда фарки шундаки, фьючерс қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш хуқукини ъерувчи шартнома эмас, балки қаътий мажбуриятдир.

Фьючерснинг ўзига хос хусусияти шундаки, контракт тузиш чогида сотувчи кўлида хеч қандай қимматли қоғоз ёки молиявий инструментлар бўлмайди. Бу ерда контракт шартлари қаътий белгиланган баҳо билан олди-сотди бажариладиган кун баҳоси ўртасидаги фаркга асосланган бўлади.

Фьючерс шартномаси тўғридан-тўғри сотиб олиш амали билан тугамасдан, балки қимматли қоғозга айланниб унда белгиланган ҳаракат муддати ичидаги би неча маротаба қайта сотилиши мумкин. Шартнома эгаси товарнинг ўзгарувчан баҳосини олдиндан топиши ёки тоаполмаслиги мумкин, фойдадан бой бериши ёки даромад олиши мумкин.

Фьючерс шартномалари товар биржаларида вужудга келган. Фьючерс амалларининг соддалиги ва ишончлилиги уларни 1972 йилда Чикаго товар биржасида кенг кўлланилишига асосий омил бўлиб хизмат килди. Шу йил молиявий активларнинг фьючерс вадолари бошланди. Бунда тадбиркорлар валютани, қарз мажбуриятларини ва бошка қимматли қоғозларнинг биржавий курсларини (нархларини) ҳаддан ташқари тез ўзгаришидан ўзларини химоя килиш имконига эга бўлди.

Депозит бу кредит муассасаларига саклаш учун толшириладиган кимматли қоғозлар (акция, облигациялар)дир. Депозит тилхатлари бу чет эл эмитентларининг кимматли қоғозларини миллий валютада деномиллаштирилган эквивалентини ўзида акс эттирувчи кимматли қоғозлардир. Улар мавжуд фонд бозорларига интеграция максадида чиқарилади, хозирги вақтда ҳар бир мамлакатда ўзининг депозит тилхатлари (ДТ) мавжуд. Масалан:

АҚШдаги ДТ;

Европа мамлакатларидағи ДТ;

Осиё мамлакатларидағи ДТ;

Бу депозитларни фонд бозорларида түгридан – түгри қўллаб бўлмайди.

Чунки:

1. Бу давлатдаги фонд бозорига тегишли мавжуд конунлар бошқа давлатларнинг шунга ўхшаш конунларила фарқ килади.

2. Бир мамлакатда кимматли қоғозларни чиқариш андозалари (стандартлари) бошқа мамлакатда кабул килинган андозаларга түгри келмайди.

3. Кимматли қоғозларни харид нархига қўшимча бўлиб кирадиган харажатлар турли мамлакатларда турлича бўлади:

* чет эл ва ички фонд бозоридаги брокерларга воситачилик ҳақи;

* банк депозитларининг хизмат ҳақи (бозор баҳосидан 1% миқдорида);

* сотиб олинган кимматли қоғозни етказиб берилиши учун инвестор томонидан тўланадиган ҳақ;

* 2 % миқдоридаги сугурта ҳақи;

* кимматли қоғозларни сотиб олишдаги ёки сотишдаги валюталар конвертацияси учун кеталинган харажатлар;

* конверсия учун инвестор томонидан тўланадиган фойзлар;

* инвестор учун валютани алмаштириш курсининг ўзгаришидаги хавфхатар даражаси.

Мавжуд хилма-хилликини бартараф этиш ва фонд бозорларида эркин муомалани таъминлаш максадида депозит тилхатлари қўлланилади.

Хозирги вақтда депозит тилхатлари ичida кең тарқалган АҚШ фонд бозоридаги дпозит тилхатлари бўлиб, улар чет эл эмитентларининг кимматли қоғозларини АҚШ долларида деномиллаштирилган эквиваленти сифатида АҚШнинг биржавий ва нобиржавий бозорларида муомалада юради. Бугунги кунда АҚШдаги депозит тилхатларини сотиб олган инвесторларнинг 80 фойзини институционал инвесторлар ташкил килади.

Депозит тилхатлари билан боғлик фаолият турларини маҳсус банк ва инвестиция муассасалари амалга оширадилар. Улар (дилер, брокер, трансфер-агент, депозитарий, маслаҳатчи, андеррайтер, траст ва бошқалар сифатида) инвестор ва эмитентларининг жаҳон фонд бозорларида иштирокини таъминлайди. Бу муассасалар ўз даромадлари ва мижозлари манфаатлари йўлида фонд ва валюта бозорларида актив фаолият юритадилар.

Варрант бу эгасига муайян вақт учун ёки муддатсиз шарт билан шартномада кўрсатилган нархда кимматли қоғозни сотиб олиш хукукини берувчи гувоҳнома (сертификат)дир. У амалдаги капитални иқтисодиётга

сафарбар килиш учун эмас, кўпроқ уларни қайта таксимлашда кенг кўлланилади. Айрим ҳолларда варрант кимматли көғозларни сотиб олишин, рагбатлантириш мақсадида улар билан биргаликда берилади. Варрант омборхоналар товарларни сақлаш учун кабул килинганинги тасдиқловчи гувоҳнома вазифасини хам бажаради. У муайян товарни сотишга ёки кафиликка олинганинги тасдиқловчи хужжат ролини ўйнаши мумкин.

Варрант номи ёзилган ва номи ёзилмаган (такдим этувчига тегишли) кўришишларида бўлади. У кимматли көғоз бозорларидаги худди акцияга ўхшаб муомалада бўлади.

Приватизация – бу давлат мулкини, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштиришни билдиради. Приватизация давлат мулки монополиясини тутатиш, эркин сохибкорлик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисолиётини рагбатлантириш мақсадида амалга оширлали. Приватизация чеки бу кимматли көғозларнинг маҳсус бир тури бўлиб, уни акционерлик жамиятлари эмас, балки фақат давлат муомалага чикаради. Улар ўз эгасига давлат тасарруфидан чикарилган (масалан, акционерлик жамиятни кўришишида хусусийлаштирилган) корхоналарнинг маҳсус аукцион (ким ошиди савдоси) оракли сотувга кўйилган акцияларига алмаштириб олиш ҳукукини беради. Шу асосда приватизация чеклари фуқароларни мулк эгасига айланнини таъминлайди.

Сўнгги йилларда кўчмас мулк бозори кенг ривожланиб бормокда. Бу эса ўз навбатида хилма-хил ҳосилавий кимматли көғозларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шулардан энг оддийси **мулкий варака** хисобланади. Бу варакани ҳохлаган фуқаро ёки хўжалик юритувчи субъект уй-жой сотиб олиш мақсадида битта ёки бир нечта варакани сотиб олиши мумкин. Мулкий вараканинг сони сотиб олиши лозим бўлган уй-жойдаги хоналар сонига ва унинг тўланимкониятига боғлик.

Мулкий варака фуқаролар кўлидаги пузининг қалрсизланиши сақлаб колади. Уй-жойнинг валютадаги баҳоси ҳар доим ошиб борган ва бундан кейин ҳам ошиб боради. Пропорционал равишда мулкий варака баҳоси ҳам ошиб боради. Бундан ташкири, мулкий варака 100 фоизлик ликвидитикка эга. Истаган пайтда унинг эгаси жорий курс билан сотиб олган ташкилотига қайтадан сотиши мумкин.

Коносамент - бу юкни ташишга кабул қилинганини ва ташувчининг юкни олувчига етказиш мақбуриятини тасдиқловчи хужжат, ҳосилавий кимматли көғоз. Бу ленгизда юк ташиш шартларини акс этирувчи транспорт хужжатидир. Коносамент юкни кай тартибда ташишидан қаътий назар, унинг барча хили учун берилаверади.

Кимматли көғоз бўлгналиги сабабли коносаментда юк тўғрисида барча роквизитлар бўлиши шарт. Акс холда у расмий хужжат, кимматли көғоз бўла олмайди. Коносамент бир неча нусхада ёзилади. Коносамент қўйидаги турларга бўлинади:

Номи ёзилган коносамент, яъни уни олувчининг исми-шарифи ёзилади. Ордерли коносамент. Юкни жўнатувчи ёки юкни кабул килувчи ёки банкнинг буйругига биноан юк шу хужжат асосида қайтариб берилади.

Номи ёзилмаган (тақдим этувчига тегишили) коносамент. Юк бориб туштан портдан юкни олиш хукуқини беради. Факат мазкур хужжат қўлида бўлса бас.

Хеджирлаш бу фьючерс, опцион, варрант келишувларида (асосий қимматли қозгизларнинг олди-сотиси билан бир вактнинг ўзида бўлганилиги сабабли) нарх ва фойда хавф-хатарини сугурта қилиш шаклларидан биридир. Хеджирлаш сотувчи (харидор) шартномани тузиш билан айнан бир вактда ўз савдосига тенг келадиган, айтайлик, фьючерс шартномаларини харид қиласди (ёки сотади). Хеджирлаш:

- томонлар кўрадиган эҳтимолдаги зиёнини камайтириш имконини беради;
- товар нархи ўзгариши билан кўриладиган зарар фьючерс бўйича олинадиган ютук билан белгиланади;

Банк, биржа, тижорат амалиётида валюта сугурта қилишнинг турли усуслари хам хеджирлаш деб юритилади.

Чет эл облигациялари - деганда эмитенти мамлакат ташкарисида жойлашган ва у томонидан чиқарилган қимматли қозгизларга айтилади. Унинг киймати мамлакатда муомалада бўлган пул бирлигига ифодаланади. Масалан, Мексика хукумати қайтарилиш муддати 1997- йилгача бўлган 8%ли фоиз ставкаси билан номинали АҚШ долларида бўлган облигация чиқарди. Wall Street журналининг котировкалар бўлими савдо хажмининг кам бўлишига карамасдан New York Exchange Bonds номи остида чет эл облигациялари баззиларининг рўйхати келтириб ўтиларди.

Американинг ички бозорида АҚШ доллари номиналида чиқарилган чет эл облигациялари Янке деб юриталади. Японияда норезидентлар ишлаб чиқарган облигациялар эса Самурай деб номланади. Эмиссия киладиган давлат ўрнатган қонун-коидаларга чет эл облигацияларини чиқарадиган эмитент риоя қилиши зарур. Бу вазифаларнинг мураккаб ёки осонлиги мамлакатнинг ўзига хам боғлиқ бўлиши мумкин. Чет эл облигацияларини ишлаб чиқаришнинг асосий афзаллиги бу валюта курсининг тебраниши хақида ташвиш қилимасдан облигациялар портфели бўйича халқаро диверсификация хафии олдини олган ҳолда облигациялар ишлаб чиқариш хисобланади.

Масалан, Америкалик инвестор номинали иенала бўлган Toyota компаниясининг облигацияларини сотиб олиши мумкин. Лекин уни хар доим иена курсининг долларга нисбати ташвишга солини хавотири хам йўқ эмас. Гап шундаки, асосий карз ва купон фоизи тўловлари Япония пул бирлиги испада чиқарилади. Кейинчалик бу жараёнлар жорий курс бўйича долларга конвертация қилиниши керак. Инвестор Toyota компаниясининг номинали АҚШ долларида кўрсатилган облигацияларни сотиб олиб, валюта курси хақида хавотир олмаса хам бўлади.

Еврооблигациялар. Қимматли қозгизлар олди – сотиси билан шуттулланувчи инвесторлар фонд активларини бошқа давлатта сотиш фойдалирок деган карорга келишган. Еврооблигация кенг маънода номинали бир мамлакат валютасида бўлган бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган облигациялар тушунилади. Шу сабабли номинали иенада (АҚШ долларида)

бўлган Америка корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган ва Германияда сотиладиган облигациялар еврооблигациялар сирасига киради.

Еврооблигациялардан солик олинмайди. Бу эса эмитентга хам, харидорга хам фойдалидир. Масалан, Америка корпорациясининг бошқа мамлакатдаги филиали облигация чиқаради. Бунинг учун корхонадан солик ушланмайди. Агар солик мавжуд бўлса, бу облигация харидоридан олинади. Бу хам кайси мамлакат резидентлигига боғлик. Норезидентлар томонидан ўша валютада кўрсатилган ва ишлаб чиқарилган еврооблигацияларга кўйилган солик ставкалари резидентлар томонидан ишлаб чиқарилган еврооблигацияларга кўра солик ставкаси нисбатан пастроқ бўлади.

Евродоллар. Халкаро молия тизимида Америка банклари томонидан чиқарилган СД асосан Британия банклари томонидан катта микдорда АҚШ долларини хисобида чиқарилиб Евродоллар депозит сертификати дейилади. Бошқа мамлакатдаги банкга инвестиция учун АҚШ доларидағи муддатли кўйилган евродоллар депозитлари яроқли дейилади.

Евро депозит сертификати ва евродоллар депозити ўртасида куйидаги фарқлар мавжуд бўлиб, улардан бири иккинчисига нисбатан олди – сотди учун муомалада эркин фойдаланилади. Бу иккита пул бирлигига бўлган талаб ва таклиф холати Америка қимматли когозлар ва пул бозоридаги холатдан фарқ килини мумкин. Чунки Америка ҳукумати ва бошқа башқарув органлари томонидан ўрнатилган чекловлар мавжудлиги бунга сабаб бўла олади.

Таянч сўз ва иборалар: облигация, газна мажбурияти, эмитент, эмиссия, вексел, ўтказма вексел, тижорат вексели, молия бозори инструментлари, оддий акция, имтиёзли акция, плюрал акциялар.

VI БОБ. МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР ТАХЛИЛИ

6.1. Молия бозорида инвестиция даромадлилигини баҳолаш.

Инвесторниң портфелини тайёрлаши икки даврдан иборат. Биринчиси кимматбаҳо көғозларнинг “Энг яхши” портфелини танлаш керак. Иккинчи даврда шу портфелнинг алоҳида инвесторларнинг талабларини қондирадиган ўйгунилигини танлаш керак. Биринчи даврда масала баҳоланаётган ёндашувларнинг исталгани билан (харажатга оид, таққослашга оид ёки даромадга оид) ҳал килиниши мумкин. У ёки бу ёндашувни танлаш инвестиция муддати ва портфел типига (олиб-сотарликка ёки инвестицияга оид) боғлик.

Таққослашга оид ёндашув олиб-сотарларга кўпроқ имкониятларни тақдим этади, чунки бир кунда, ҳар куни ўзгарадиган мезонлар бўйича таққослаш ишларини ўтказишга имкон беради. Мумкин бўлган даромадлар қаторидан кутилаётган даромаднинг масштаби сифатида амалиётда, тўғри таҳсилланган пайтда математик кутилган натижа билан тўғри келадиган, айниқса эҳтимолитикка эга қийматни ишлатишади. Тахлиқани ўлчашда пассивлашиш кўрсаткичлари хизмат қиласи, шунинг учун мумкин бўлган даромад катталиклари қанча кўп тарқок бўлса, кутилаётган даромаднинг бўлмаслик эҳтимоли шунча катта бўлади. Шундай килиб, тахлиқа кўпроқ эҳтимоллиги бор қийматлардан даромад қийматларини мустасно қилиш орқали ифодаланади.

Пассивлашиш меъёри ўртаквадратли мустаснолик бўлади ва бу қиймат қанча кўп бўлса, тахлиқа шунча кўп бўлади. Ўрта квадратли огиш даромадлар ўзларининг кутилаётган математик натижаларидан огиш қанчалик кучли эканлигини кўрсатади. Кичик бизнес учун даромаднинг юқори босқичини тамиnlайдиган мухим омил – жиҳозларнинг умумий холатини, товар ва хизматларнинг сифатини, бизнес томонидан яратилган умумий мухитни ўз ичига оладиган, музозлар учун яратилган қулайликларнинг сифатидир. Берилган мухит доимий мужозларни жалб қила олаётганлигининг, мулқдор томонидан яратилган қулайликларнинг ракобатлаша олиш маҳоратини тамиnlаетганининг баҳоланиши мухимdir. Шундай бўлсада, қарор қабул қилиш учун баҳоловчи ўтган йиллар молиявий ахборотини таҳлил қилиб чикиши керак. Бундай ишнинг асосий мақсади – йилдан – йилга вужудга келадиган даромад ва харажатларининг ҳаддан ташқари юқори ва паст погоналарини намоён қилиш. Келажакда кутилаётган натижаларни реал баҳолаш учун бундай фавқулотта кўрсаткичларни нормаллаштириш керак.

Регионал бозорда йирик мулқдорнинг пайдо бўлиш имкониятининг борлиги кичик бизнеснинг қийматини ва яшовчанлигини нолгача тушириши мумкин, айниқса кичик шахарларда. Товар захиралари битим тузилган санага алоҳида баҳоланади ва охириги босқичда бизнес нархига қўшилади. Агар товарнинг муддати ўтиб кетган бўлса, бузилган бўлса, секин реализация бўлаётган тури тақдим этилган бўлса, бу бизнеснинг бутунлигича холатида акс этади. Шундай килиб, товар захираларининг сифати мултипликатор катталигини танлашда катта аҳамиятга эга.

Сотувчи томонидан келажакда рақобатни яратиш мажбуриятининг йўклиги баҳоланаётган бизнесга бўлган сўровни ва нархини оширали. Берилган омилнинг таъсири берилган масалани регионал ва соҳавий хусусиятларга эга бўлиши мумкин бўлган юридик ишлаб чиқишига боғлик. Шунингдек, бизнеснинг тахмин қилинаётган нархига эришиш учун ёзма битимиға киритилаётган асосий шартларнинг таркибини аниқлаш мухимдир. Аналогик бизнес яратиш имконияти. Корхонага оид фаолиятнинг аниқ бир турида янги корхона яратиш мураккаблиги даражасини аниқлайдиган омиллар аниқ харидорлар томонидан эътиборга олинади ва кичик бизнес нархига таъсир кўрсатади.

Баъзи мисоллар ва вазиятларни кўриб чикамиз. Демак, баҳоланаётган бизнес қабул қилинган экологик ва зоналаш нормаларига тўғри келадиган аниқ бир афзалликга эга ёки биргина тўғри келаётган жойда кўлланилиши мумкин. Бошка тарафдан, соҳага киришнинг осонлиги кўп сонлаги корхона эгаларини жалб қила оладиган омил бўлиши мумкин, бу эса ташкил қилинган фирманинг номатериал фаолларига ва гудвил нархига таъсир киласди. Агар бизнес даромаднинг оқилона пулинин кўйилган капиталга таминлашга кодир бўлмаса, потенциал харидорлар бизнеснинг кўтарилган нархини тўлашмайди. Иқтисодиёт ривожланишининг регионал тамойиллари. Махаллий, регионал, миллӣ ва ҳалқаро иқтисодиётнинг ҳолати кичик бизнесга таъсир кўрсатади. АҚШда 1990-йилдаги иқтисодий никироз, - бунинг яккол тасдиғи; у жуда кўп сондаги кичик корхоналарга таъсирини ўтказди, ва таҳлилий жўздан кечириб чиқишилар шуни кўрсатди-ки, фаолиятнинг кўп турларида корхона нархи 25 – 30 %га, ҳатто ундан ҳам кўпроқга, камайди. Шундай қилиб, корхонанинг аввалда муайян ишлаб турниши берилган тамойилни саклаб қолишиниг ишончли асоси бўлолмайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, мултиплікатор кийматини танлашда иқтисодиёт ривожланишининг умумий тамойилларини эътиборга олиш зарур. Энди республикада КК баҳолаш амалиёти ёндашувларини кўриб чиқамиз. Даромад ёндашувида нул оқимларини дисконтлаш ва капитал активлари усулидан фойдаланилади.

Капитал активлари усулида куйидагича аниқланади:

$$Д = Р\phi + \beta (Р_М - Р\phi) + С_1 + С_2 + К+В+Р$$

бу ерда:

D – дисконтлаш ставкаси;

$R\phi$ – рисксиз ставка;

β - коэффициент бета, тизимли риск кўрсатгичи;

R_M – ўртача бозор мөъёри дароматлилиги;

C_1 – кичик корхонанинг рискига мукофот;

C_2 – корхонанинг инвестицион рискига мукофот (нотизимли риск);

C – мамлакат риски, бош?а мамлакатлар бозори риски маъмулоти бўйича;

B – валюта курси риски;

R – рақобат риски.

ККни киймати қиёсий ёндашувда баҳолаганда капитал бозори ва битимлар усулларидан фойдаланилади. Акцияни нархи қуйидагича аникланади:

$$Ts = M * P$$

Бунда:

M - мултипликатор,

P - молиявий күрсатгич.

Молия бозорида инвесторларнинг моддий фаровонлигини белгиланган даврда ўсиши мухим ахамиятга эга бўлиб, унинг асосий манбаларидан бири молиявий инструментларга йўналтирилган инвестициялар бўйича маълум давр ичидаги даромад фиоизи R (*rate of return*) хисобланади.

Агар инвесторнинг бундай даромадининг ўсиши даражасини I молия инструментига йил бошида йўналтирилган бошлангич инвестиция I_0 ва ундан маълум бир даврда (йил охирида) ҳосил бўлган орттирма Ъ суммаси деб кабул килинса, унда қуйидаги ифода маънного эга:

$$I = I_0 + \Re, \quad (1)$$

Натижада даромад ставкасини (даромадни) R қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$R = (I - I_0)/I_0 = \Re/I_0 \quad (2)$$

Ушбу (2) ифоданинг сурати инвесторнинг моддий фаровонлигини давр охирида ўзгаришини (унинг даражасини ижобий ёки салбий бўлганини) қўрсатади. Яъни Ъ ижобий бўлади, агар унинг микдори инфляция i даражасидан юкори бўлса (маълум P_t ички баҳода олинган молия инструментининг бозор нархи P_a барқарорлигига). Бунда инвестор учун P_t катта ахамиятга эга бўлганлиги учун у ҳар доим ўзининг моддий фаровонлигини (келажакдаги даромадини) ошириш максадида молия инструментининг (кимматли қоғознинг) нархини базисидан паст баҳоланганини сотиб олишга ҳаракат қиласди. Чунки инвестор вакт ўтиши билан сотиб олган кимматли қоғозининг бозор нархини кўтарилишини кузатиб, маълум даврга келиб, уни одатда сотиб юбориш эвазига даромад топади. Бутабний ҳолат бўлиб, кимматли қоғозлар бўйича даромад олишнинг бошка молиявий активларга қилинган инвестициялардан ҳосил бўладиган даромаддан фарқли хусусиятини билдиради.

Юкорида айтилганлардан келиб чишиб инвестор томонидан олинган даромадни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Re = I - I_0, \quad (3)$$

I-чи ифодада $I_0 = 1$ деб кабул қилиб, уни қуйидагича ифодалаймиз:

$$I = I + \Re \quad (4)$$

Ушбу ифодада инфляция хисобга олинмаганлиги учун инвестиция бүйича даромад реал ставка фоизига R тенг бўлади. Ирвинг Фишер қондасига биноан инфляция i сабали даромад $(1+i)$ марта ошиши лозим бўлганлиги учун (4) ифодани қуидагича ёзиш мумкин:

$$I = (1 + \bar{Y}) = (1 + R) \approx (1+R)(1+i) = 1 + R + i + iR \quad (5)$$

5-чи ифодада, агар R ва i микдорлари кичик бўлса, iR кўпайтма жуда кичик бўлади, у холда уни хисобга олмаса ҳам бўлади. Шунинг учун 5-чи ифодани қуидагича ёзиш мумкин:

$$\bar{Y} = R + i, \quad (6)$$

бунда i – инфляцион рағбат, \bar{Y} – номинал ставка, R – реал ставка.

7-чи ифодадан прогноз қилинаётган инфляция суръати i ва инфляцион рағбат бир-бирига мослиги кўриниб туриди. Бундай холат ўта ривожланган молия бозори шароитида бўлиши мумкин. Агар даромад ставкасининг микдори $R+i$ суммадан кичик бўлса, молия бозорида инвестиция қилиш маънога эга бўлмайди. Яна R ва i микдорларининг кичик даражасида шу ҳам кўриниб турибдики, инфляция суръатини бир фоизга ортиши даромад ставкасини мос равишда бир фоизга ортишига олиб келади.

Инфляция суръати даражаси юкори бўлган мамлакатларда iR кўпайтмани назардан чиқариш мумкин эмас ва мос равишда инфляцион рағбат инфляция суръати даражасидан iR микдорга кўпроқ бўлиши лозим. Айтиш мумкинки, iR кўпайтмани факат даромадни фавқулодда кичик вакт муддатларида таҳлил ва прогноз қилишда хисобга олмаслик мумкин.

Лича узок вакт муддати учун 6-чи ифодани 5-чи асосида қуидагича ёзиш мумкин:

$$\bar{Y} = R + i + iR \quad (7)$$

Юкорида айтнилганлар асосида инвесторларни ноанқ ва ҳато карорлар кабул қилинадан саклаш учун қуидагиларни таъжидлаш жони.

1. Кундалик амалиётда R ва i ифодаларнинг И.Фишер формуласининг тўлиқ кўриниш ёрдамида ифодалаш мисадга мувофик, яъни:

$$R = (\bar{Y} - i)/(1 + i) \quad (8)$$

$$i = (\bar{Y} - R)/(1 + R) \quad (9)$$

2. Мавжуд инфляция суръатини киска вакт муддатлари учун прогноз қилинаётган даражасидан оғиши шароитида даромад ставкасига соликини компенсация қилувчи орттирмани хисоблаб топиш фойдалан ҳоли эмас. Агар ўз ичига инфляцион рағбат ва соликини компенсацияловчи орттирмани олувчи даромад ставкасини \bar{Y}^* деб белгиласак, соликини компенсацияловчи орттирмали даромад ва бошлангич даромадни ўзаро боғликлигини қуидагича ифодалаш мумкин:

($\bar{Y}^* - \bar{Y}$)

(10)

Ушбу айирма мөндорини топишда ҳақиқий инфляция суръатини i^* (прогноз қилинаётганини эмас) деб олинади.

iR кўпайтманинг кичик мөндорида (уни ҳисобга олмаслик мумкин) инвестор даромади (\bar{Y}) учун солик ставка (T) ва инфляцион рағбатни (яъни инфляция суръатини i) ҳисобга олинган ҳолда соғ даромадни (R) қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$R = \bar{Y}(1-T) - i \quad (11)$$

Бу ифодадан

$$\bar{Y} = [R/(1-T)] + [i/(1-T)] \quad (12)$$

Мос равиша

$$\bar{Y}^* = [R/(1-T)] + [i^*/(1-T)] \quad (13)$$

(12) ва (13) ифодаларни ҳисобга олган ҳолда, ифода (10) қўйидагича ёзилади:

$$(\bar{Y}^* - \bar{Y}) = (i^* - i)/(1-T) \quad (14)$$

Масалан, (14) ифодада агар $(i^*-i) = 10\%$ ва $T=31\%$ бўлса, бошлангич даромад (\bar{Y}) мөндорига қўшилган соликни компенсацияловчи ортирма $14,5\%$ бўлади.

3. Йиллик инфляцияни ойлик инфляциялар мөндорларини мураккаб фоизлар формуласи асосида шулнинг келажакдаги баҳосини $i=(1+i_k)12-1$ ифода ёрдамида ҳисобланганидек (инфляциянинг ўсиши суръатларини банклар депозитлари бўйича ўртача фоиз билан солиштириш учун) аниқ ҳисоблаб топиш лозим. Бу йўл (8) ифода ёрдамида инвестицион карор қабул қилишда фойдали. 8-чи ифодада R параметрни эълон қилинган фоиз даромад (масалан, депозитлар, облигациялар ва х.к. бўйича) деб қабул қилинади.

4. Қимматли қоғозларнинг P_a ва P_r нархларини (8-11) ифодаларни кўллашада баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Амалиётдан маълумки, P_a техник таҳлил усули ёрдамида баҳоланади, P_r эса фундаментал таҳлил усулини кўллаш асосида. Инвесторлар даромадларини охирги юз йил давомида қимматли қоғозлар бозорида ўсиши тенденцияси инвестицияларнинг ортишини кўрсатади. Бунда қўйидаги қонуниятни кўриш мумкин:

- қимматли қоғозлар бозорида P_a ташки ва ички омилларга ҳамда рискларга ўта сезгир бўлиб, талаб ва таклиф (бозор конъюнктураси) асосида шаклланади. P_a икки омил билан белгиланади: қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклиф иисбати; қимматли қоғозлар бўйича капитализацияланган даромад мөндори;

- P_r эмитентнинг молиявий холатига ўта сезгир бўлиб, эмитент активларининг реал ва потенциал хажми бўйича белгиланади. 9-чи ифодага асосан $P_r = P_a - \mathcal{B}$;

- P_a ва P_r эмитентнинг холатини акс этади ва улар умумий холда ўзаро эквивалент бўлишига қарамасдан уларнинг микдорлари фарқланиши мумкин. Кимматли қоғозлар бозори ижобий даромад микдорини (\mathcal{B} нолга тенг эмаслигини) таъминлашда нархларнинг мувозанатига интилади (яъни $P_r = P_a$).

Юкорида келтирилган моделлар ёрдамида инвестицияларни баҳолашда кўллаш мумкин.

6.2. Кимматли қоғозларнинг кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш.

Фоиз ставкаларини хисоблаш молия бозорининг инвестиция жараёнидан муҳим ахамиятга эга⁹. Амалиётда фоиз ставкаларини баҳолаш турлича ёндаиувларда ифодалангани билан мазмунан ўҳшаш¹⁰. Маълумки, кредитор пулларини карзга берганида улардан карз муддати тугамагунича фойдаланишдан маҳрум бўлади. Карз олувчи кредит учун ҳак тўлаши лозим бўлади. Кредитдан фойдаланиш учун кредиторга пул кўришишида карз олувчи томонидан тўланалигани ҳак фоиз шаклида ифодаланади. Фоизлар қарзининг асосий суммасига маълум бир давларга хисобланади. Фоизни хисоблашнинг турли усуслари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийларини кўрамиз.

Оддий (солда) фоизлар. Фарз килайлик, инвестиция килиш учун кандайдир бошлангич Р пул маблаглари мавжуд. Инвестиция килиш натижасида маълум вакт муддати (п даврларда) ўтганидан кейин бошлангич сумма iРn (i – фоиз ставкаси бўлиб, у бўйича бошлангич R суммага фоизлар кўшилади) микдорга ўзгаради. Яъни бошлангич сумма R маълум даврлар (n) ўтиши билан iРn микдорга ошиб, натижада S (ортган сумма) микдор хосил бўлади:

$$S = R + iRn = R(1 + in). \quad (1)$$

(1 + in) ифода оддий фоизлар бўйича ортирима кўпайтирувчи дебноминиади. Ортирилган сумма S бошлангич сумма оркали топилган; фоиз ставкасини (i) декурсив ставка дейилади.

I-чи ифодадан бошлангич R суммани топиш мумкин. Бунда R микдорини S оркали уни d фоиз ставкаси (антисипатив ставка) бўйича диконлаш йўли билан топиш мумкин, яъни:

$$R = S - dS = S(1 - d). \quad (2)$$

(1 - d) ифода ортирима кўпайтирувчи дейилади.

⁹ Ценные бумаги: Учебник/Под ред. В.И.Колесникова, В.С.Торкановского.-2-е изд., перераб и доп.-М.: Финансы и статистика, 2000.-448 с.

¹⁰ Кильяков А.А., Чандасва Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб. пособие. 2-е изд., с изм.-М.: Экономистъ, 2005.-687 с.; Рынок ценных бумаг: Учебник/Под ред. В.А.Галанова, А.И.Басова.-М.: Финансы и статистика, 2005; Буренин А.Н. Рынки производных финансовых инструментов.-М.: Инфра-М, 1996.; Шарп У., Александр Г., Бойли Дж. Инвестиции.-М.: Инфра-М, 1999.

Оддий фоиз ставкалари күпроқ киска муддатлардаги хисобларда күлланилади. Шу муносабат билан п бир йилдан кам даврларда декурсив ва антисипатив ставкаларни амалнётда күллаш хусусиятларини күрамиз. Декурсив ставка ҳолатида і миқдори қуидагиңа қабул қилинади:

$$n = \frac{t}{365} \quad \text{ёки} \quad n = \frac{t}{366}$$

(t – фоизни хисоблаш күнлари сони). Агар антисипатив ставка (d) күлланилса, унда:

$$n = \frac{t}{360}$$

Реал, номинал ва эфектив фоиз ставкалари. Фоизларни күшиб хисоблаб бориш исталған вакт даврида амалға оширилиши мүмкін. Күпроқ фоизлар йилда, чоракда, ойда бир маротаба хисоблаб күшиб борилади. Фоизларни йилдига т (t > 1) маротаба хисобланыб борилемиши ҳолатини күрамиз. Вактнинг ҳар бир даврига (ярим йилга, чоракка, ойга) ј фоизлар хисобланыб борилади. Ихтиёрий даврга хисобланыб бориладиган фоиз ставкасими реал фоиз ставкаси деб номлаймиз. Бизнинг холда ј-реал фоиз ставкаси.

Турли инвестицион лойихаларни бир-бири билан солиширишда уларнинг даромадлиларини ўзаро солишириш лозим бўлади, лекин бундай солишириш учун аввалам бор даромадларни (фоиз ставкаларни) бир вакт даврига келтириш керак. Кўпинча фоиз ставкаларни бир йиллик даврга келтирилади. Бунда фоизларни хисоблаш боришининг турли схемалари кўлланилиши мүмкін. Одний фоиз ставкалари схемаси бўйича хисоблаб борилса, номинал фоиз ставкаси деб номлайди. Йиллик фоиз ставкаси мураккаб фоизлар схемаси бўйича хисобланыб борилса, эфектив фоиз ставкаси дейилади.

Пул оқими, даромадлиларнинг ички нормаси. Қимматли қоғоздан ҳосил бўладиган пул тўловлари турли вактларда вужудга келади. Масалан, купонли (фоизли) облигация ўзининг бутун хаёти даврида бир катор купон тўловларини ва сўндирилишида номинал суммасини тўлашни вужудга келиради. Акция бўйича унит инвестор кўлидаги бутун умри даврида дивидендер тўланади.

Маълум бир давр ичидаги турли вактларда тушувчи пул тўловлари пул оқими дейилади. Келажакдаги пул тушумларини вактнинг жорий моментига келтиришда уларни вакт даврининг узунлигини хисобга олган холда (бу даврда тўлов амалға оширилади) дисконалаш лозим. Агар вактнинг биринчи даври охирида S₁-га teng сумма тушса, иккинчи давр охирида - S₂, п-чи даврда - S_n тушса деб фараз қилсак, унда бундай пул оқимининг жорий баҳоси қуидагида бўлади:

$$P = \frac{S_1}{1+i} + \frac{S_2}{(1+i)^2} + \dots + \frac{S_n}{(1+i)^n}$$

бунда i – алтернатив қўйилманинг даромадлилари (банк депозит ставкаси).

Масалани бошкача кўриш мүмкін. Фараз қилайлик, қандайдир қимматли қоғоздан вужудга келадиган пул оқимининг жорий баҳоси P унинг

бозор нархи (С)га тенг, унла қуидаги тенламадан $P=C$ ҳолатдаги фоиз ставкаси (r) көттәлигини топиш мүмкін:

$$C = \frac{S_1}{1+r} + \frac{S_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{S_n}{(1+r)^n}$$

Ушбу ҳолатда (яғни $P=C$ бўлганда) ҳисоблаб топилган фоиз ставкаси r даромадлиликнинг ички нормаси дейилади.

Рента тушунчаси қимматли қоғозларнинг баҳоси ва даромадлиликнин аниқлашда мухим ва кенг кўлланади. Рента деганда вактнинг тенг даврларида амалга ошириладиган бир катор кетма-кет тўловлар тушунилади. Молиявий ҳисоблар амалиётида ренталарнинг турли хиллари кўлланилади. Бунда биз фақат қимматли қоғозларнинг баҳоси ва даромадлиликнин ҳисоблашда кўлланиладиган ренталарни кўриш билан чекланамиз, яъни:

- ўзгармас чекланган рента;
- ўзгармас домий рента;
- тўловларнинг ўзгармас ортиши билан ўзгарувчан рента.

Орттириш ва дискоитлаш. Инвестицион кўйилмаларнинг турли варианtlари тўловлар тушумини турли графикларига эга бўлганлиги бу графикларни ўзаро солишини бир мунча кийинлаштиради. Шунинг учун пул тушумларини вактнинг бир моментига келтириш лозим. Агар бу момент келажакда жойлашган бўлса, унда бундай процесуруни орттириш дейилади, агар бу момент ўтган вактда бўлса – дискоитлаш дейилади.

Пуларнинг келажакдаги баҳоси. Инвесторнинг ҳозирги вактда бўлган пуллари унга келажакда капиталини банк депозитига кўйиш йўли билан орттириш имконини беради. Натижада инвесторда келажакда бир мунча кўпроқ пул суммаси (аввалги пул кўйилмаси билан бирга) пайдо бўлиши пулларнинг келажакдаги баҳоси дейилади. Содда фоизлар схемаси билан ҳисобланниб борилганда келажакдаги баҳоси қуидагича бўлади:

$$P_F = P_C (1 + \beta)^n.$$

Мураккаб фонзлар схемасида эса:

$$P_F = P_C (1 + n\beta),$$

бунда P_F – пулнинг келажакдаги баҳоси; P_C – пулнинг бошлангич суммаси (пулнинг жорий баҳоси); β – банк депозити ставкаси; n – пул даромадларини кўшиб бориш даврлари сони.

$(1+\beta)^n$ мураккаб фоиз ставкаси учун ва $(1+n\beta)$ содда фоиз ставкаси учун коэффициентлар орттириш коэффициентлари дейилади.

Пуларнинг бошлангич баҳоси. Дискоитлашга тескари бўлган масала ҳисобланади. Яъни келажакда олиш мүмкін бўлган пул суммасини маълум деб, ҳозирда қанча пул суммасини инвестиция килиш керакки, келажакдаги режалаштирилган суммани олиш учун, деган масала деб каралади. Бошқача килиб айтганда, қуидагини ҳисоблаш лозим:

$$P_C = \frac{P_F}{(1+\beta)^n},$$

бууда $\frac{1}{(1+\beta)^n}$ күпайтувчи дисконтлаш коэффициенти дейилади.

Үз-үзидан мълумки, ушбу ифода депозитни мураккаб фонз схемаси бўйича ҳисоблаб бориш учун мънгого эга.

Даромадлиликнинг ички ставкаси. Масаланинг қўйилиши қўйидагича: қўйилманинг жорий ва келажакдаги баҳоси мълум; ҳозирдаги мълум инвестициялар келажакда белгиланган баҳони таъминловчи банк фонз даромадининг депозит ставкаси номаълум. Даромаднинг ички ставкаси қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\beta = \sqrt[n]{\frac{P_F}{P_C} - 1}.$$

Пул оқимларини дисконтилаш. Мълумки, пул оқимлари - бу инвесторларнинг пул шаклида килган инвестицияларидан ҳар ҳил вактда олган даромадлари. Дисконтлаш инвестицияларнинг келажакдаги баҳосини уларнинг жорий баҳосига келтирилишини ифодалаб, ҳар ҳил вакт ва турли шартларда килинган инвестицияларнинг ҳар ҳил турларини ўзаро солиштириш имконини беради. Шу муносабат билан қўйидаги ҳолни кўрамиз.

Қандайдир молиявий инструмент вактнинг бошлангич моментида C_0 даромадни келтирган, биринчи фонз тўловлари даврида – C_1 , кейингиларида – C_2 ..., фонз тўловларнинг п-чи даврларида эса – C_n . Бундай операциялардан ҳосил бўлган жами даромад:

$$D = C_0 + C_1 + C_2 + \dots + C_n.$$

Пул тушумларининг ушбу схемасини вактни бошлангич моментига дисконтлаш молиявий инструментнинг жорий бозор баҳоси кийматини ҳисоблаш учун қўйидаги ифодани беради:

$$C_0 + \frac{C_1}{(1+\beta)} + \frac{C_2}{(1+\beta)^2} + \dots + \frac{C_n}{(1+\beta)^n} = P_C.$$

Таянч сўз ва иборалар: инвестиция, фонз ставкаси, пул оқими, базавий кимматли қоғозлар, ҳосилавий кимматли қоғозлар.

VII БОБ. ҚИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

7.1. Профессионал иштироқчиларининг умумий ҳусусиялари. Инвестиция воситачилари (брокер ва диллерлар).

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштироқчилар бўлиб инвестиция институтларининг кўйидаги турлари фаолият кўрсатишлари мумкин:

- молия брокери ва дилери (инвестиция воситачиси);
- инвестиция маслаҳатчиси;
- инвестиция фонди;
- бошкарувчи компания;
- депозитарий;
- хисоб-китоб клиринг палатаси (ташкилоти);
- қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини сакловчи;
- қимматли қоғозларни номинни сакловчи ва бошқалар.

Инвестиция институтлари хар кандай ташкилий ҳукуқий шаклда тузилиши мумкин. Фақатгина очик турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши мумкин бўлган инвестиция фонди бундан мустасно. Инвестиция институтларини ташкил этиш, уларнинг фаолият кўрсатишлари ва уларни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгилаб кўйилади. Эмитентлар ва инвесторлар уз маъфаатларини кузлаб қимматли қоғозлар бозори професионалларига (инвестиция муассасаларига) мурожат киладилар. Яъни эмитентлар узлари чикарган қимматли қоғозларни киска муддат ичидаги кимматрояк сотини мақсадида бўладилар. Инвесторлар эса ишончли, сифатли, юқори даромадли ва таваккаллик хавф-хатари даражаси кам бўлган қимматли қоғозларни сотиб олиш истагида бўладилар. Инвестиция институтлари уз фаолиятларини факатгина Ўзбекистон Республика Молия вазирларининг махсус лицензиясини олган тақдирдагина бошлашлари мумкин. Лицензия кўйидаги фаолиятларининг биттасига ёки икки - учтасига берилиши мумкин.

- молиявий брокер (воситачи);
- инвестиция компанияси;

Инвестиция компанияси фонд биржаси орқали молиявий брокерлик фаолиятини бажаргандагина биринчи ва учинчи фаолиятини бирлаштиришга рухсат этилади. Йирик брокерлик идораларининг хизматлари учун ривожланган давлатларда ҳак тўлаш тизими жорий қилинган. Банклардан ташқари бирорта жисмоний ёки юридик шахс узининг маблаги хисобидан ёки учинчи шахс топшириги билан қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатишга ҳакли эмас. Бунинг учун улар Марказнинг яъни қимматли қоғозлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат килиш маркази лицензиясини олишлари шарт.

Инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатишлари учун кўйидаги шартлар талаб килинади:

- қимматли қоғозлар операцияларини бажариш бўйича Марказнинг лицензияси;
- тўла штатда ишлаётган, қимматли қоғозлар билан ишлаш ҳукукини берувчи малака аттестациясига эга бўлган мутахассиснинг мавжудлиги. факат малака аттестати бор шахстинан инвестиция институтлари номидан фаолият кўрсатишга хаклидир. Ҳозирги кун ҳолатига 322 та инвестицион институт фаолият юритиб келмоқда. Юкорида келтириб ўтилган инвестиция институтлари қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ташкил этади

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари тақиқлотининг ўзини-ӯзи бошқарниши конунда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг бирлашмалар (уюшмалар) тушиб орқали ўз ва мижозларнинг ҳукук ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун юритадиган фаолиятидир. Бу бирлашма (уюшма) ларнинг барча даромадлари улар томонидан факат устав вазифаларини бажариш учун сарфланади ҳамда қатнашчилар ўртасида таксимланмайди.

Инвестиция муассасалари — бу қимматли қоғозлар билан ўз фаолиятини асосий фаолият сифатида амалга оширувчи хим— матли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларидир. Инвестиция муассасаси бўлган юридик шахснинг уставида унинг асосий фаолият тури албатта кўрсатилиши керак (бу инвестиция муассасаларини оддий хўжалик юритувчи субъектларидан ажратиб турувчи биринчи хусусият). Бошқа мамлакатларда инвестиция му — ассасалари қимматли қоғозлар бозорида ўз фаолиятини маҳсус фаолият сифатида амалга оширувчи ташкилот, деб таърифланади.¹¹

"Асосий" ва "маҳсус" фаолият тури — бу нима? Афсуски, бу саволга Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида аниқ жавоб ҳозирча йўқ. Инвестиция муассасалари учун маҳсус ёки асосий фаолият тури ҳакидаги талаб тартибга солувчи органларнинг юкори ихтисослашувни таъминлашга ва шу орқали қимматли қоғозлар билан донмий равишда фаолият олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар касбий маҳоратининг юкори даражасига эришишга интилиши билан шартланган. Бундан асосий мақсад пировардида сармоядорлар манфаатларини энг юкори даражада ҳимоялашга эришишдан иборат.

Бироқ мамлакатимиз фонд бозори эндигина шаклланиш босқичида бўлиб, қимматли қоғозларнинг ликвидлиги юкори бўлмаган ҳозирги вактда инвестиция муассасаси мақомини олишга даъвогарлик қилувчи ташкилотлар учун бундай шароитда ўз фаолиятини амалга ошириш жуда кийин бўлади. Шунинг учун фонд бозорида ишлашга ихтисослашган ташкилотлар шаклланиш босқичида ўзларини улар фаолиятининг тақиқланмаган бошқа аниқ инвестиция муассасасининг фаолияти билан қўшиб олиб борилишидан олинган даромадлар ҳисобидан кўллаб — кувватлаши ҳеч қандай хавфли эмас. Шу билан бирга, конун ҳужжатларида қимматли қоғозлар бозоридаги айrim фаолият турларининг биргаликда олиб борилиши тақиқланади.

¹¹ Карант. Российское законодательство о рынке ценных бумаг

Чунончи, инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция фондлари ва бошқарувчи компаниялар ўзларига тегишили фаолият турини қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятнинг бошқа турлари билан биргаликда олиб бориш хукуқига эга эмас. Реестр сакловчилар ўзларининг қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш бўйича фаолиятни инсон бозоридаги депозитар фаолиятдан ташкири профессионал фаолиятнинг бошқа турлари билан биргаликда олиб бориши ман этилади. Ушбу чекловлар сармоядорлар хукукларини химоялаш, уларнинг қимматли қоғозларга инвестиция килишдаги хатарларини камайтириш учун, шунингдек, инвестиция муассасаси ҳамда мижозлар манфаатларининг кўшилиб кетиши ва шу муносабат билан визоли вазиятларнинг содир бўлиши холларига йўл кўймаслик учун зарур.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозоридаги ҳар хил фаолият турларининг бирлаштирилиши бир шахснинг ўзига инвестиция муассасасининг ҳар хил турлари сифатида фаолият юритиш учун бир неча лицензияларни бериш йўли билан амалга оширилади.

7.2. Инвестиция маслаҳатчиси.

Жисмоний шахслар қимматли қоғозлар бозорида инвестиция маслаҳатчиси ва инвестиция воситачиси сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Бунинг учун улар маҳаллий хокимият идораларида тадбиркор сифатида рўйхатга олиниши ҳамла инсон бозорини тартибга солувчи идора томонидан бериладиган малака шаходатномасига (лицензияга) эга бўлиши лозим. Малака шаходатномаси 3 йил муддатта берилади.

Қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат бериш фаолияти билан шугулланувчи инвестиция институти инвестиция маслаҳатчиси деб аталади. Юридик ва жисмоний шахс инвестиция маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Улар куйидаги фаолият турларини бажарадилар:

- қимматли қоғозлар бозорини ва унинг иштирокчиларини таҳлил килиш ва истикబолини аниқлаш;
- молиявий воситаларни (молиявий мажбуриятларни) экспертиза килиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, уларни жойлантириш ва муоамлага киритиш;
- мутахассисларни қайта тайёрлаш;
- юридик ва жисмоний шахслар инвестиция системасини амалга ошириш;
- хукуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;
- қимматли қоғозларнинг фонд биржаси савдоларига киритилишини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалларни бажариш бўйича услугубий ва меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш;
- қимматли қоғозларнинг сифат кўрсаткичларини (рейтингини) аниқлаш ва самарадорлигини ҳисоблаш;

- қимматли қоғозлар тўпламини (портфелини) аниклаш ва уни юртилишини умумий стратегиясини ишлаб чиқариш, тўпламини бошқариш бўйича маслаҳат бериш;
- ахборот хизматини кўрсатиш;
- хусусийлаштириш бўйича хужжатлар тайёрлаш;
- хусусийлаштирилган корхоналар мулкини баҳолаш;
- акционерлик жамиятларининг таъсис ва ички меъёрий хужжатларини тайёрлаш;
- олди-сади ва траст бўйича бошқариш шартномаларининг лойиҳаларини ишлаб бериш ва х.к.

Инвестиция маслаҳатчилари пудрат ишларини бажариш ёки илмий-техникавий маҳсулот яратиш учун тузилган шартномалар асосида хизмат кўрсатадилар.

Инвестиция маслаҳатчисининг капитали давлат меъёрий хужжатлари томонидан белгиланган микдорда кам бўлмаслиги лозим. Бу капиталнинг суммасини аниклашда юкорида кўлтирилган брокерлик идорасининг капиталини хисоблаш усули кўлланилади.

Инвестиция маслаҳатчиси ўз фаолиятини бошқа турдаги фаолиятлар билан бирга қўшиб олиб бора олмайди.

Инвестиция муассасаларининг асосий ходимлари мажбурий равиша шаҳодатлашдан (аттестация) ўтишлари лозим ва етарли даражадаги ўз маблагларига эга бўлиши лозим.

7.3. Инвестицион фондлар

Миллий иктисадиётнинг баркарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг зарурый шарт-шароитларидан бири ривожланган молиявий воситачилик тизимиning мавжудлиги хисобланади. Молиявий воситачилик тизимиning энг самарали интироқчиларидан бири бўлиб инвестиция фондлари хизмат килади. Инвестиция фондининг вазифаси шундаки, у аҳолининг вактинчалик бўш турган маблагларини жалб қилиб, бу маблагларни иктисадиётнинг ривожланган секторларига инвестиция килади. Инвестиция фондлари инвестиция стратегияси ва объектига, инвесторлар танловига кўра, шунингдек, турли мамлакатлар конуний-меъёрий хужжатларидаги фарқлар хисобига турлича ўзига хос хусусиятларга эга бўлади¹². Инвесторлар учун ўз кўйилмаларининг афзалликларини ва таваккалчиллик даражасини кўрсатиш мақсадида инвестиция фондларини турли хусусиятлар бўйича таснифлаш мухим хисобланади. Шунингдек, инвестиция фондларини таснифлаш инвесторлар ҳукуқлари ва хатарли кўйилмалар, даромадлилик, инвестиция фаолиятининг мақсади юзасидан тажрибасиз инвесторлар учун шаффофликни оширади.

¹² Инвестиция фондлари фаолиятини ташхид этик чора-тадбирлари тўғрисенда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасинининг 1996 йил 18 июн, 220-сон карори.

Инвестиция фондлариниң күйидаги хусусиятларга күра таснифлаш мәксалға мұвоғық: *Тапкырлы-хукуқтың шаклиға күра инвестиция фондлариниң акциядорлық, шартномали ва траст инвестиация фондларига бўлиш мумкин.* Акциядорлик инвестиация фондлари күйидаги ўзинга хос баъзи бир хусусиятларини инобатга олмагандаги одатдаги акциядорлик компанияларидан фарқ қилмайди:

- акциядорлик инвестиация фонди факат оддий номи ёзилган акцияларни бозорда жойлаштириши мумкин;
- акциядорларнинг умумий йигилишини қайта ўтказишда қворум мөндори ушбу йигилиш иштирокчилари бўлган акциядорлар сонига боғлик бўлмаган холда аниқланади;
- акциядорлик инвестиация фондининг инвестиция декларацияси ўзгарилилган холда инвестиация фонди акциядорлари бундай қарорни қабул қилишга карши овоз берган бўлсалар, ўзларига тегишли акцияларни сотиб олишларини талаб қилиш хукуқига эталар;
- акциядорлик инвестиация фондининг инвестиция захиралари маҳсус компания бошқарувига берилиши ва маҳсус депозитарийда сакланиши лозим.

Акциядорлик инвестиация фондининг очик шакли амалиётда кенг таркалган бўлсада, ёпиқ турдаги бундай фонdlар АҚШ ва Европада кўп учрайди. Шартномали инвестиация фондларига пай инвестиация фондларини, банк бошқарувидаги умумий фондларни ва ипотека билан таъминланган фондларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Пай инвестиация фондларига хос күйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- пай инвестиация фонди таъсисчилар томонидан ишончли бошқарувга берилган мол-мулк ва бундай мулкий бошқарув натижасида олинган даромадлар капиталлашувидан ташкил топган мулкий жамланма хисобланади;
- мулкий жамланмада турли юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ўзаро бирлаштирилади;
- пай инвестиация фондини ташкил этувчи мулкини маҳсус бошқарувчи компанияга шартнома асосида фондни ишончли бошқаришнинг белгиланган коидалари бўйича бошқарувга берилади;
- пай инвестиация фондини ишончли бошқариш тўғрисидаги шартнома жисмоний ва юридик шахсларни ўзаро бирлаштиради. Инвестиция пайни унинг эгасига инвестиция фондининг мулкига бўлган хукуқини тасдиқлаб, унинг номи ёзилган қимматли котоз шаклида бўлади. Инвестиция пайни эмиссияли қимматли котоз хисобланмайди, шунинг учун инвестиция фондлари тўғрисидаги конунчилликда “эмитент” атамаси пай инвестиация фонди учун тегишли бўлмайди;
- пай инвестиация фондларидаги ишончли бошқарув таъсисчиларининг мулкий жавобгарлиги уларни фонд мулкидаги улушининг қиймати билан чекланади.

Шартномали инвестиация фондларининг бошка бир тури банк бошқарувидаги умумий фонdlар (ББУФ) хисобланади. Бундай фондларнинг кўп хусусиятлари пай инвестиация фондларига ўхшаб, улар ҳам ишончли

бошқарув шартномаси асосида ўз таъсисчиларининг маблағларини жалб утади ва уларни турли обьектларга инвестициялаш учун бирлаштириш хукукига эга.

Пай инвестиция фонди ва ББУФ ўртасида муҳим фарқлар мавжуд. ББУФ мулкини банк бошқарали, унинг учун маҳсус бошқарувчи компанияни тузиш керак эмас. Таъсисчиларининг ББУФ мулкидаги улуши пай инвестиция фондларидан фарқли равишда қимматли көз шаклида бўлмайди, шунингдек, олди-сотди ва бошка битимлар обьекти ҳисобланмайди, ушбу фонддаги улунчлар номи ёзилган сертификатлар оркали тасдикланади. ББУФ фаолияти нафакат инвестиция фондини тартибга солувчи месъерий хужжатлар билан балки банк фаолиятини тартибга солувчи хужжатлар билан ҳам мувофиқлаштирилиб боради.

Ёник пай инвестиция фондлари каби шартномали инвестиция фондларига ипотека билан таъминланган фондларни келтириш мумкин. Бундай фондлар умумий улуси мулклари асосида унинг згаларига тегишия бўлган мол-мулк шаклида, шунингдек, ипотека таъминотини ишончли бошқарув таъсисчилари билан ташкил этилади. Ипотека таъминотини шартномага кўшиш уни бошқарувчиси томонидан берилган ипотека сертификатлари оркали амалга оширилади. Ипотека таъминотини бошқарувчилари одатда нодавлат пенсия фондларини, пай инвестиция фондларини ва бошка инвестиция фондларини бошқариш бўйича лицензияга эга бўлган тижорат ташкилотлари бўлади. Инвестиция пайларига ўхшаб, иштирокчилар ипотека сертификатлари ҳам эмиссия қимматли көгози ҳисобланмайди, номинал кийматга эга бўлмайди ва нақд кўринишда чиқарилмайди. Бундай қимматли көгозлар бозорда, шу жумладан савдо ташкилотчилари оркали эркин муомалада бўлади. Иштирокчиларнинг ипотека сертификатлари ёник пай инвестиция фондларининг пайларига яхин тушуғча бўлиб, уларнинг эгаларига бошқарувчи компания томонидан сертификатларни қайтариб сотиб олишни талашиб килиш хукукини бермайди.

Инвестиция фондининг қимматли көз эгалари ўз қимматли қоғозларини фонд томонидан қайтариб сотиб олинишини талашиб килиш хукукига кўра ёки фондда қимматли қоғозларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятининг мавжудлигига кўра инвестиция фондлари очик, ёник ва оралиқ турларга бўлинади.

Очик пай инвестиция фондларида пай эгалари ўзларига тегишли бўлган барча пайларни ёки унинг бир кисмини ихтиёрий иш кунида қайтариб сотиб олиши бошқарувчи компанияядан талашиб қилиш ва улар ўртасида тузилган ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномани тугатиш хукукига эга бўлишади.

Оралиқ пай инвестиция фондларида пай эгалари очик пай инвестиция фондларидаги пай эгаларидан фарқли равишда пай инвестиция фондининг ишончли бошқарув кондаларига мос равишда ўрнатилган мълум бир муддат мобайнида ўзларига тегишли пайларни ёки унинг бир кисмини қайтариб сотиб олиш ва ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномани тугатиш хукукига эга бўлмайдилар.

Ёник пай инвестиция фондларида инвестиция пай эгалари бошқарувчи компанияядан инвестиция фондини ишончли бошқарув тўғрисидаги

шарғноманинг муддати ўтмагунча уни тугатишти талаб килиш хукукига эга бўлмайди. Инвестиция сиёсатига кўра инвестиция фондлари пул бозори фондлари, облигация фондлари, акция фондлари, аралаш инвестиция фондлари, фондларнинг фонди, кўчмас мулк фондлари, хатарли инвестиция (венчур) фондлари, ипотека ва индекс фондларга ажратилади. Инвестиция фонди сиёсатида инвестициялаш мақсади инвестиция объектларига ва фонд инвестиция декларациясидаги активлар таркибига бўлган талабдан келиб чиқади. Фондни ташкил этаётганда бошқарувчи компания томонидан инвестиция фондини қайси турга мансублиги белгиланади ва эълон килинаади. Лекин пай ёки акциядорлик инвестиция фондларининг активлар таркиби мамлакатларнинг конуний-мсьёрй хужжатларига мос келиши лозим¹³.

Инвестиция фондларини инвестиция стратегиясига кўра фаол бошқариладиган инвестиция фондлари ва нофаол бошқариладиган инвестиция фондлари ажратиш асосида самараали бозор назарияси туради. Ушбу назария бўйича бозорнинг самараали деб тан олинишида кимматли қоғозлар нархи эмитент ва унинг кимматли қоғозлари тўғрисидаги ахборотларни тўлиқ мужассам этици ҳисобланади. Бу эса кимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ўртасидаги ахборотлар симметриясизлигини ўз-ўзидан бартараф этилишига олиб келади.

Молия бозорини эмпирик таҳдили шуни кўрсатадики, бундай бозор назарияси амалиётда тўлиқ ўз исботини топмаган бўлсада, бу тушунчалан тўлиқ воз кечиб бўлмайди. Бундай шаронтда икки хил ёндашув билан инвестиция портфелини бошқариш мумкин.

Биринчи ёндашувда фаол бошқариладиган инвестиция портфелларидан фойдаланиш кўзда тутилди. Бундай стратегияда бошқарилувчи портфель активлари таркибида бир фонд индекси аниқ намунасидаги портфель қайтарилмайди, фонд инвестиция декларациясига мувофиқ фонд бошқарувида индивидуал карорлар қабул килинади.

Иккинчи тур йўналишда инвестиция фонди активлар портфели таркибида бир ёки бир нечта умумий тан олинган фонд индекслари портфелларидан ташкил топади. Бундай фондлар нофаол бошқарилувчи ёки индекс фондлар деб юритилади. Инвесторларнинг имкониятларига кўра тажрибали инвесторлар учун фондлар ва турли тоифадаги барча инвесторлар учун фондлар туркумларга ажратилади. Бошқача айтганда, инвестиция фонларига тажрибасиз ёки институционал инвесторлар иштирокига кўра ҳам тавсифлаш мумкин. Бундай турдаги инвестиция фондларини хеджирлаш фондлари, хусусий акция фондлари ва бошка маҳсус турдаги фондлар тараккиёти билан узкий боғлик ҳисобланади.

Хеджирлаш фондлари ўзинда фаол бошқариладиган инвестиция фондини намоён этиб, маблагларни инвестициялашдан мақсади умум тан олинган фонд индекслари даромадларига боғлик бўлмаган ҳолда ижобий фойда олиш ҳисобланади.

¹³ Кудряшов В. Суверенные фонды – новый тип институциональных инвесторов // Вестн. риэл. и кред. – 2010. – № 6. – С. 22-25

Хусусий акция фондлари асосий бизнеси йирик компаниялар фаолиятини ўзгартириш учун эгаилаш ва кейинчалик янги инвесторларга сотиш хисобланади¹⁴.

Инвестиция фондлари фаолият кўламига кўра маҳаллий доирада фаолият юритувчи, минтақавий инвестиция фондлари ва халкаро инвестиция фондлари фарқланади. Маҳаллий доирада фаолият юритувчи инвестиция фондлари бир мамлакат молия бозорида, миллий қонунчилик асосида ўз операцияларини амалга оширадилар. Мальум бир ҳудуд доирасида, уларда мавжуд қонунчилик асосида фаолият юритадиган инвестиция фондлари минтақавий инвестиция фондлари хисобланади. Халкаро инвестиция фондлари ўз операцияларини турли мамлакатлар молия бозорида амалга ошириш ҳукукига эга бўладилар. Уларнинг фаолияти халкаро ва миллий қонунчилик доирасида тартибга солинади. Ҳозирда халкаро инвестиция фондларининг асосий кўринишларидан бири бўлиб, турли мустақил давлатларининг тараққиёт ва баркарорлаштириш, яъни олтин-валюта захираларини, миллий даромади қадрини ошириш, мустахкамлаш ва ундан мамлакат иктисадиётини ривожлантириш йўлида фойдаланиш вазифасини бажарувчи суверен инвестиция фондлари хисобланади.

Давлатларнинг суверен халкаро инвестиция фондлари – мамлакатнинг халкаро савдо балансидаги актив колдикларни ва кўп микдордаги хорижий валюта захираларини бошқариш учун ҳукumat ташаббуси ва назорати билан ташкил этилади. Суверен халкаро инвестиция фонди ўз маблаглари билан турли хорижий валютада, халкаро акциялар, облигациялар ва молиявий воситалар бўйича олди-сотди операцияларини амалга ошириб, маблаглар қадрини саклаш ва уларнинг ҳажмини кўпайтириш, мамлакат иктисадий ижтимоий баркарорлиги учун уларни сафарбар этиш фаолиятини амалга оширади. Бундай фонд маблаглари давлат бюджети профицити хисобидан хам шаклланиши ва улар турли хорижий валютадаги молиявий ва реал активларни сотиб олишга йўналтирилиши мумкин. Ҳолоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инвестиция фондларини тавсифланиши ва турли туманлиги молия бозорида инвесторларнинг даромадларини ошириш билан бир қаторда бозорнинг профессионал иштирокчиларини кўпайишига, ундаги хатарлардан химояланишини инвесторлар хусусиятларини ва манфаатларини инобатга олган ҳолда ташкил этилишига олиб келади, пировардида молия бозорининг барқарор ривожланишига замин яратади.

7.4. Трансфер агент.

Кимматли қоғозларга бўлган ҳукуқларни ҳисобга олиш тизимида тааллукли ҳужжатларнинг қабул килиниши, уларга ишлов берилиши ва уларнинг ўтказилиши бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс трансфер-агентдир.

¹⁴ Айтитов А. Паяые инвестиционные фонды // Финансы. – 1999. – № 1. – С. 59-60

Эмитент, шунингдек, қимматли қоғозларга доир битимлар тузувчи шахслар трансфер-агентнинг мижозларидир. Трансфер-агент эмитентта акциядорларнинг умумий йигилишини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан хизматлар кўрсатишга ҳақлидир.

Трансфер-агентнинг фаолияти деганда, қимматли қоғозларга бўлган хукукларни хисобга олиш тизимига тааллуқли хужжатларни қабул килиш, кайта ишлаш ва ўтказиш бўйича хизматлар курсатиш тушунилади.

Кимматли қоғозлар бозорининг трансфер агент фаолиятини амалга оширувчи професионал катнашчиси *трансфер-агент* деб номланади.

Трансфер-агент инвестиция воситачисининг ва қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг професионал фаолиятини амалга оширишта ҳақли эмас.

Эмитент билан ўзаро муносабатда трансфер-агент қуйидагиларни амалга оширади:

- эмитент билан тузилган шартномага мувофиқ белгиланган муддатда реестр шакълантириш учун марказий регистраторга сурев юбориш;
- марказий регистратордан конун хужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар эгалари реестрини қабул килиш;
- конун хужжатларида белгиланган тартибда эмитентга қимматли қоғозлар реестрини етказиш ва бериш.

Трансфер-агент эмитентта марказий регистратордан олинган қимматли қоғозлар эгалари реестри ва бошқа маълумотларни ўз вактида етказиб бериш ва уларнинг сакланиши юзасидан жавобгар хисобланади.

Қиммагли қоғозларни бегоналаштирувчи (сотиб оловучи) билан ўзаро муносабатда трансфер-агент қуйидагиларни амалга оширади:

- қимматли қоғозларни бегоналаштирувчидан (сотиб оловчидан) олинган хужжатларни текшириш, рўйхатга олиш ва хисобга олиш;
- мижозлардан олинган хужжатларни рўйхатга олиш ва хисобга олиш;
- қимматли қоғозларни бегоналаштирувчига хизмат кўрсатаётган депозитарийга қимматли қоғозлар бўйича хукукларнинг ўтигинга асос хисобланувчи хужжатларни етказиб бериш ва тақдим этиш;
- имзолар тақдим этилган хужжатларла кўрсатилган шахслар (уларнинг вакиллари) томонидан кўйилганлигини кафолатлаш;
- операциялар конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжатларни қабул килиш;
- бегоналаштирувчининг (сотиб оловчининг) хизмат кўрсатувчи депозитарийдан шартномага мувофиқ олинган қимматли қоғозларни бегоналаштирувчига (сотиб оловчига) етказиб бериш ва тақдим этиш.

Бегоналаштирувчи (сотиб оловучи)нинг қимматли қоғозлар трансфер-агенти билан муносабатлари шартнома асосида тартибга солинади.

7.5. Хисоб-китоб клиринг палатаси.

Клиринг – бу товарлар, қимматли қоғозлар, хизматлар учун ўзаро мажбурият ва талабларни, яъни бир-бирига берадиган пулларни хисобга олиш

билин накд пулсиз хисоб-китоб қилиш тизимиdir. Бошкача қилиб айтганда кимматли қоғозлар юзасидан ўзаро мажбуриятларни белгилаш, аниклаш ва хисобга доир фаолият клиринг деб аталади. Бу фаолият:

- битимга доир ахборотни тўплаш;
- уларни таккослаш;
- кимматли қоғозларга доир фуқаровий-хуқукий битимларни ижро этиш учун бухгалтерия хужжатларини тайёрлаш операцияларини назарда тутади.

Кимматли қоғозларга доир битимлар бўйича иштирокчиларига бу ҳакида ахборот ўзаро таккосланади ва шу асосида харидор сотувчига келишилган суммани ўтказади, сотувчи эса сотилган кимматли қоғозларни харидорга топширади. Ушбу жарабнинг турли ва белгиланган муддатда бажарилиши клиринг палатаси амалга оширади.

Клиринг банклараро ва ҳалқаро валюта клирингларига бўлинади. Банклараро клирингда банклар ўртасида хисоб-китоблар ўзаро пул хисоб-китобларда чек ва всексел клиринглари кўлланилади. Ҳалқаро валюта клиринги алмаштирилалиган товарлар рўйхати, уларнинг нархи ва етказиб бериш муддатлари белгиланган ҳалқаро тўлов шартномалари асосида амалга оширилади.

Кимматли қоғозларга доир битимлар бўйича хисоб-китоб-клиринг операцияларини амалга оширувчи кимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари хисоб-китоб-клиринг палатаси (ташкилоти) деб аталади. Кимматли қоғозларга доир операциялар юзасидан хисоб-китоб олиб борилиши муносабати билан клирингни амалга оширувчи ташкилотлар ўзаро мажбуриятларни аниклаш чогила тайёрлаб кўйилган кимматли қоғозлар, пул маблағлари ва бухгалтерия хужжатларини ижрога қабул қилиб олаётганларида кимматли қоғозлар бозорининг қайси қатнашчиси учун хисоб-китоб ишлари амалга оширилаётган бўлса, шу қатнашчи билан тузган ўз шартномаларига асосланадилар.

Хисоб-клиринг палаталарининг (ташкилотларининг) мижозлари маблағларига хисоб-клиринг палаталарининг (ташкилотларининг) мажбуниятлари юзасидан бўйича ундирув қаратилиши мумкин эмас.

7.6. Кимматли қоғозларни биржадан ташқари савдоларни ташкилотчиси.

Кимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари куйидагилардир:

- фонд биржаси;
- фонд бўлимини ташкил этган валюта биржаси;
- қимматли қоғозларининг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси.

Фонд биржасида савдолар сессиялар билан ўтказилади. Бу дегани, бир вактнинг ўзида биржада ҳар ҳил турдаги кимматли қоғозлар билан савдо ўтказилмайди. Масалан, банклар акциялари учун алоҳида сессия белгиланади, облигациялар бўйича эса бошқа сессия ўтказилади ва ҳ.к.

Савдо бошланишига одатда кимматли қозгалар курслари маълум бўлиб, уларнинг страт курсини котировка комиссияси ёзлон қилади. Кейин эса савдо бошланади. Савдо турли усулларда ўтказилиши мумкин, масалан:

- гурухли, яъни кун давомида сотиш ва сотиб олиш учун талаблар жамланиб, бир кунда бир ёки икки маротаба биржа савдосига кўйилади;
- узлуксиз, яъни сотиш ва сотиб олишга бўлган талаблар узлуксиз солиштириб борилади, агар улар мос келса, унда савдо сессиянинг исталган вақтида содир этилиши мумкин.

Биржа залида савдо одатда аукцион шаклида амалга оширилади. Талаб ва таклифнинг кичик миқдорида оддий аукцион сотувчи (сотувчи аукциони) ёки сотиб оловчи (ҳаридор аукциони) томонидан ташкиллаштирилади. Оддий аукцион инглиз тури бўйича ташкиллаштирилиши мумкин, агар сотувчилар савдо бошланишига кадар кимматли қозгаларини бошлангич нарҳда сотувга кўйса. Аукцион жараёнида ракобат асосида берилган энг юкори нарҳда сотув амалга оширилади.

Голландча аукционда бошлангич нарҳ етарлича юкори миқдорда кўйилиб, аукцион савдоси жараёнида кетма-кет пасайтирилиб борилади токи, ҳарилорлардан бири таклиф қилинган охирги нархга розилик билдирамагунича.

Оддий аукцион турларидан бири бу сиртки аукцион ёки яшириш аукцион хисобланади. Бунда ҳарилорлар бир вақтининг ўзида ўз талабларини таклиф киладилар. Натижада кимматли қозони аукционда ким энг юкори нархини таклиф килса, ўши сотиб олади. Бундай аукционда Молия вазирлиги қиска муддатли облигацияларини жойлаштиради. Оддий аукционда сотувчи ёки ҳаридор рақобати назарда тутилади.

Кўш аукционда сотувчи ва ҳаридор ўртасидаги бир вақтдаги ракобат назарда тутилади. Аукционнинг бу шакли фонд биржаси савдоси табиатига тўлиқ мос келади. Кўш аукционнинг икки тури маълум:

- онколь аукцион, бу тури биржа бозори етарлича ликвид бўлмаганида содир бўлади. Бунда сотувчи ва ҳаридор талаблари дастлабки тарзда маълум ҳажмигача жамланиб борилади, кейин эса бараварнга ижро этиш учун биржанинг савдо залига кўйилади;
- узлуксиз аукцион ликвид биржа бозори шароитларнида қўлланилади.

Аукцион қичкириклар шаклида амалга оширилиши мумкин. Бундай шакл электрон табло ёки грифель тахтача ва компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.

Оддий аукцион бозорлари хар доим ҳам самарали бўлмайди. Масалан, оддий аукцион доирасида асосан савдога биринчи бўлиб товарини кўйган сотувчи кулагай ҳолатда бўлади, чунки биринчи ҳаридорлар бу товарга юкори нарҳ беришга рози бўладилар. Аукциондан катиашчилар чиқиб кегишига қараб, нарҳ пасайиб боради, натижада ҳар бир кейинигги сотувчи (ўзининг товарини сотиши хукуқидаги навбати ила) ундан олдинги сотувчига нисбатан ёмонрок шароитда бўлади. Щунинг учун бир хил товар сотувчилар қанча кўп бўлса, оддий аукцион ўтказишга асос камайиб боради. Натижада ривожланган мамлакатларда оддий аукционлар кенг тарқалмаган. Бунда энг катта ҳажмда

содир этилган савдо нархлари расмий асос килиб олинади. Бу расмий нархни қониктирган талаблар бажарилмасдан қолдирилади. Кейин эса тушган талабларни яна жамлаш бошланиб, савдо жараёни янгидан кайтарилади.

Агар кимматли қоғозларга талаб юкори бўлиб доимий таклиф қилинса, унда узлуксиз аукционлар ташкиллаштирилади. Узлуксиз кўш аукцион юкори ликвид ва катта ҳажмдаги бозорларда қўлланилади. Ҳар доим ҳам кимматли қоғозларга талаб юкори бўлавермаганидан қатнашчилар биржадан ташқари дилер бозорини шакллантирадилар.

Кимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари риоя этилиши шарт бўлган кимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш қоидаларини тасдиклайди. Кимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ўз фаолиятини тегишли лицензия асосида амалга оширади. Кимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари сотувчиidan сотувга қўйилаётган кимматли қоғозларни олдиндан баҳолаш ўтказилишини талаб килишга, агар бундай талаб қонун хужжатларида белгиланмаган бўлса, шунингдек кимматли қоғозларни уларнинг номинал қийматидан паст нархда реализация қилишга такик белгилашга ҳакли эмас. Кимматли қоғозлар бўйича *биржадан ташқари савдолар ташкилотчисини фаолияти* деганда, инвесторларга воситачиларни ёлламасдан туриб савдоларда қатнашиш имкониятини берувчи аризалар қабул қилиш пунктлари, маҳсус компютер савдо тизимларидан фойдаланишининг белгиланган қоидалари бўйича кимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш фаолияти тушунилади.

Биржадан ташқари савдолар ташкил килиш, шунингдек биржадан ташқари листинглар қондалари кимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдosi ташкилотчisi томонидан кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишган холда белгиланади.

Биржадан ташқари листинг - қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдога уларни биржадан ташқари бўллетенига киритган холда, савдога қўйиншидир. Биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси қонун хужжатларида ўрнатилига тартибда ўтказилаётган савдоларнинг ошкоралиги ва оммавийлигини таъминлаши лозим. Хулоса ўрида шуни таъкидлаш лозимки, биржа битимларини тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштиришнинг амалдаги тартиби мамлакатимиз биржаларида савдо-сотик фаолиятини амалга оширишнинг ягона қоидаларини мустаҳкамлайди ҳамда кимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши мамлакатнинг ички бозори ривожланишига, шунингдек, жаҳон бозорига интеграциялашувига юксак хисса кўшади.

Таянч сўз ва иборалар: трансфер-агент, клиринг, фонд биржаси, валюта биржаси, брокер, диллер, депозитарий, инвестиция маслаҳатчisi, фондлар, пай фондулари, инвестиция фондлари

VIII БОБ. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР РЕЙТИНГИ ВА ИНДЕКСЛАР

8.1. Қимматли қоғозлар рейтинги ва рейтинг түшүнчеси.

Қимматли қоғозлар рейтинги (*security rating*) деганда, мустақил ташкилоттар томонидан қимматли қоғозларнинг сифатини тавсифтайтында қиёсий бағолаш даражасини белгшлиши түшүнчеледи. Одатта, энг юкори сифатлы қимматли қоғозлар А ҳарфи (символи) билан, ўртача юкори сифатлары — В, энг паст сифатлары эса — С ва О ҳарфлари билан белгиланади. Қимматли қоғозларнинг дастлабки рейтинги 1909 йили америкалик Джон (Жон) Муди томонидан чөп этилган, у ўша вактда қимматли қоғозларга инвестиция қилишнинг потенциал имкониятларини тадқик этган бўлиб, машхур рейтинг компанияларидан бири унинг номи билан "Moody's Investors Services, Ins." деб аталган. Ҳозирги вактда АҚШ Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари комиссияси тўртта рейтинг компаниясини, хусусан: "Moody's Investors Services, Ins.", "Standard & Poor's Corporation", "Fitch publishing Company" ва "Duff & Phelps" компанияларини тан олади. Тўртпала компания облигациялар рейтингига ихтисослашмоқда, "Standard & Poor's Corporation" компанияси эса, бундан ташкари, акциялар рейтингини ҳам амалга оширади. Қайд этиш лозимки, рейтинглар берилиши, табиийки, кўргина компанияларда, рейтинг юкори бўлмагани туфайли, салбий фикрни юзага келтиради.

Кўпчилик сармоядорлар ўзларининг қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришда рейтинглардан фойдаланади. Ҳатто ўзларининг хусусий таҳлилчиларига эга бўлган йирик консалтинг ташкилотлари ҳам ўзларидан олинган рейтинг баҳолари итижапарни қиёслаш ва шу йўл билан у ёки бу компанияга нисбатан ўз хуносаларининг нечоғли тўғрилигини текшириш учун рейтингларга мурожаат қилишади. Дилер – брокерлар инвестицияларни амалга ошириш, шунингдек ўз мижозларига маслаҳатлар бериш жараёнида рейтинглардан фойдаланади. АҚШ Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари комиссияси дилер – брокерларнинг облигация активларини баҳолаш учун юкорида санаб ўтилган бир неча агентликларнинг рейтингларидан фойдаланади. Рейтинг маълумотлар тўплами (справочниклар) нархи жуда қимматлигига қарамасдан, улар тўғрисидаги маълумотлар кенг жамоатчилик мулки бўлиб колади.

Шу бишан бирга, рейтингларнинг аҳамиятини ўта юкори баҳолаб юбормаслик керак. Рейтинглар қимматли қоғозлар бозори катнашчилари ҳаётига сингиб кириб борган бўлишига қарамасдан, улар субъектив баҳоларга асосланади ва уларнинг аҳамияти мутлақ эмас, балки эҳтимолий, таҳминий катталиклар сифатида каралиши мумкин. Уларни у ёки бу қимматли қоғозларни сотиб олиш вақтида берилаётган тавсиялар сифатида баҳоламаслик керак. Одатда, уларни аниқлашда курслар хисобга олинмайди.

Рейтинг компаниялари қимматли қоғозлар эмитентларининг катта сонига рейтинг бериши туфайли, ушбу катталиктаги массив сифатли ишлаб чиқилган бўлиши мумкин эмас, деган фикрлар ҳам бор. Масалан, "Moody's" компанияси қимматли қоғозларнинг 5000 дан ортиқ, "Standard & Poor's" — 2000 дан ортиқ,

"Duff & Phelps" — 1287 номига рейтинг беради¹⁵. Яна шуни хам қайл этиш керакки, рейтинглар күпроқ эмитентнинг ўтган даврдаги ахволини баҳолайдиган статистик маълумотларга асосланади.

Масалан, маълумки, ўтган даврда анчайин салмокли ва кўп фойда кўрган бир қанча компаниялар бугуниг кунда унчалик баркарор бўлмаган ахволга тушиб қолган. Ва аксинча, ҳозирги вактда энг истиқболли бўлган тармоқларнинг келиб чикиши аниқ эмас.

Кимматли қоғозлар рейтинггини белгилаш юзасидан иш олиб бориш жараёнида рейтинг компаниялари анъанавий материаллар: эмитентларнинг йилинк ва чораклик хисоботлари, қимматли қоғозларни бошкариш органларидан мавжуд маълумотлар, шунингдек, конфиденциал (яшириш, маҳфий) йўллар билан олинниб, факат уларнинг ўзигагина маълум бўлган айrim маинбаалардан фойдаланади. Кўпгина рейтинг фирмаларининг, стандарт (индоза) формулалар бўйича хисобланган рейтинглар — тўгри бўлмаслиги мумкин, деган фикрлари рейтинглар — соф механик усул билан олинадиган баҳо эмас, деб хисоблаш учун асос бўла олади. Уларни аниклаш вактида узоқ муддатли тармок йўналишлари эътиборга олинади, эмитентнинг молиявий амалиёти ва сиёсати, тармок даврий ўзгаришлари оралигидаги тесбанишларда ўрганилади, лицензиялар ва патентлар мавжудлиги, эмитентлар билан сармоядорлар ўртасида тузилган шартномалар мазманин ҳам хисобга олинади.

Кимматли қоғозлар рейтингини аниклаш вактида компаниянинг жорий йилги даромади ва ўтган йиллардаги даромадлари, турли молиявий коэффициентлар, компания реитабеллиги истиқболлари, компания ва у ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг машҳурлиги, тармок хусусиятлари, унинг даромадлари статистикаси, маҳсулот сотилиши соҳасидаги йўналишлар каби кўрсаткичлардан кўпроқ фойдаланилади.

Кимматли қоғозлар рейтинглари ахамияти яна шундан иборатки, улар тажрибасиз сармоядорга дастлабки босқичда пулларни кимматли қоғозларга кўйилма қилишин мўлжаллаб олиш учун имкон беради. Рейтинглар сармоядорларга эмитентнинг молиявий хисоботини жиддий таҳлилий тадқиқотлар ўтказмай туриб, танловни амалга оширишига ёрдам беради. Агар компания рейтинги ёмон бўлмаса, сармояюр, олатда, ўз кўйилмаларини старлича ишончили деб хисоблайди, чунки у мазкур рейтингни белгилаган таникли компанияларга ишонади.

Рейтинг — нафакат эмитентнинг қарзни тўлаш қобилияти белгиси (индикатори)дир, балки тўловга қобилинк рейтинги облигацияларнинг янги курсига киришга таъсир кўрсатади. Облигация рейтинги қанчалик юкори бўлса, дивиденд шунчалик паст бўлади. Юкори рейтингли облигациялар эмитентларига ўта юкори фоизлар таклиф этиш талаб қилинмайди, чунки уларнинг тўловга қобиллиги ўз-ўзидан сармоядорларни жалб этади. Паст рейтингли облигациялар эмитентларига эса, ўртacha даражадан юкорироқ фоизлар тўлашга тўгри келади.

Дунёдаги компанияларнинг аксарият кисми ўз кимматли қоғозларининг рейтингини ниҳоятда катта эътибор билан кузатиб беради.

¹⁵ Ричард Дж. Тьюл и др. Фондовый рынок. - М.: Ницца, 1997. - 618-бет.

8.2. Акциялар ва облигациялар рейтинглари Moodys, Standart & Poors

Облигациялар рейтинги. Фонд бозори ривожланган мамлакатлар тажрибасида облигациялар рейтинги кимматли қоғозларнинг бошқа турлари рейтингларига нисбатан энг кўп тарқалган ва оммавий рейтингдир. Облигацияларнинг рейтингларини аниқлаш вақтида бир канча асосий омиллар хисобга олинниб, улардан рентабеллик, активлар киймати, даромад кафолатлари ва унинг доимийлиги – бош омиллардир. Бунда менежмент сифати ва корхонанинг ривожланиши истиқболлари ҳам катта аҳамиятта эга.

ОБЛИГАЦИЯЛАР РЕЙТИНГИ

8.1-жадвал

| “Moody’s” коди | “Standard & Poor’s” коди | Рейтинг |
|-------------------|-----------------------------|--|
| Aaa | AAA | Инвестицион хатар коэффициенти энг кам бўлган энг сифатли облигациялар. Жуда баркарор ва ишончли эмитент |
| Aa | AA | Барча кўрсаткичлар бўйича олий сифатли облигациялар. Узок муддатли инвестицион хатар коэффициенти AAAнигина нисбатан бир оз юкори |
| A | A | Яхши инвестицион хусусиятли облигациялар, хатар ўртачадан пастроқ |
| Baa | BBB | Хатар коэффициенти ўртача бўлган облигациялар. Бу қоғозлар ҳозирги ваҳтда зарур талабларга жавоб беради, аммо узок муддатга ишончсиз бўлиб қолиши мумкин |
| Ba | BB | Айрим олибетарлик салоҳиятига эга бўлган облигациялар. Тўланиш имконияти ўргача. Кўйилма старлича химояланмаган |
| B | B | Исталган кўйилма сифатида қаралиши мумкин эмас. Узок муддатни режада тўланиши истиқболи кам. |
| Caa | CCC | Анчагина паст котировкаланидиган облигациялар. Эмитент мажбуриятларни ё бажармайди, ёки шу холатга якин бўлади |
| Ca | CC | Юкори савдогарлик салоҳиятли облигациялар, аммо улар бўйича мажбуриятшар кўпинча бажарилмайди |
| C | C | Энг паст рейтингли облигациялар. Амалда тўлов истакболи йўқ |
| | D | Мажбуриятлар умуман бажарилмайди |

Акцияларнинг рейтинглари. Акциялар рейтинги билан кам сонли компаниялар шугулланади. Улардан бири - "Standard & Poor's Corporation" компаниясидир. Айрим иктисолчиларнинг фикрича, акциялар рейтингини аниқлаш мумкин эмас, чунки ушбу қимматли қотозиардан олинадиган даромад баркарор эмас ва у акциядорлар умумий йигилишининг карорига боғлик бўлиб, хеч нарса билан кафолатланмаган. Акциялар рейтинги "Standard & Poor's" компанияси томонидан маҳсус формулага асосан аниқланади, у инвестицион сифатларни икки омил асосида – компания фойдаси ва дивидендлар ҳажмига қараб баҳолаш учун имкон беради. Standard & Poor's акциялар рейтингини аниқлаш вактида облигацияларни баҳолашда кўлланадиган анъанавий мезонлар: эмитентнинг молиявий аҳволи, капитал тузилмаси, захиралар ва х.к.дан фойдаланмайди. Компания акцияларнинг у ёки бу сифатларини белгилайдиган бундай омиллар пировард натижада компаниянинг бир акция хисобига тўғри келадиган соғ фойда кўрсаткичлари ва дивидендлар ҳажмида ўз ифодасини топади, деб хисоблайди.

Компания фойдаси, коида бўйича, сўнгги саккиз йил учун олинади. Бош кўрсаткич унинг баркарорлигидир. Агар компаниянинг бир акциядан олган фойдаси олдинги йилгига нисбатан бу йилда кўпроқ бўлса ёки унга тенг бўлса, компания рейтингни хисобланётган вактда бир балл қўшилади. Борди-ю, компаниянинг бир акциядан олган фойдаси олдинги йилга нисбатан камайган бўлса, бир балл олиб ташланади. Саккиз йил учун ўртача балл фойданинг асосий кўрсаткичи сифатида қабул килинади. Кейин ушбу баркарорлик индекси ўсиш индексига кўпайтирилади. Ўсиш индекси компаниянинг базавий йиллардаги фойдаси билан унинг сўнгги уч йиллик фойдаси ўртасидахи фарқдан квадрат илдиз (фоизлар хисобида) топиб аниқланади. Бундан ташкари, компания ривожи иқтисодиётнинг умумий ривожланиши билан киёсланади, бунинг натижасида компания даврий ўзгариб туришлар (тебранишлар)га қанчалик кучли учраганини аниқлашга муваффақ бўлинади.

Формуланинг иккинчи қўшилувчиси дивиденд бўйича баркарорликдир. У сўнгги 20 йил ичида олинган дивидендерлар ҳажми асосида аниқланади, бунда дивидендерлар кўрсаткичлари салмоғи хозирги вактга якинлашиш даражасига қараб кўпайиб боради. Олинган натижа, фойда баркарорлиги кўрсаткичи каби, ўсиш омилига кўпайтирилади. Пировард натижада ушбу икки омил – фойда ва дивидендерлар акцияларнинг ягона сонли рейтингини хосил қиласди.

8.2 - жадвал

АКЦИЯЛАРНИНГ РЕЙТИНГЛАРИ

| Коди | Сифати |
|------|---------------------------------------|
| A + | — инвестиция даражаси Олий |
| A | — инвестиция даражаси яхши |
| A - | — инвестиция даражаси Ўртачадан юкори |
| B + | — инвестиция даражаси Ўртacha |
| B | — инвестиция даражаси Ўртачадан паст |
| B - | — инвестиция даражаси паст |
| C | — инвестиция даражаси энг паст |

Америка биржаларидаги акциялар норасмий равишда түрт синфга бўлинади. Энг асосийси — *blue chips* (ҳаво ранг фишкалар) — акцияларнинг катта авлоди. Уларга Америка саноати олий зотларининг кимматли қоғозлари киради. Иккинчи синф — "ҳаво ранг фишкалар"га нисбатан бирмунча камрок нуфузга эга бўлган сармоядорларнинг сифатли, яхши ишлайдиган компаниялари акциялари. "Ўсиб борувчи акциялар" (grow shares) ўсиш учун катта салоҳиятга эга бўлган ёш компаниялар томонидан чиқарилади, бирок улар бўйича муваффақиятга эришиш учун сармоядорларда катъий ишонч бўлмайди. Сўнгти синф — "чақа акциялар" — пасайиб кетган компанияларнинг акциялари. Улар, олиб-сотилишидан ташқари, хеч қандай кимматга эга эмас.

8.3. Кимматли қоғозлар индекслари хусусиятлари ва уларнинг мазмани.

Кимматли қоғозлар бозори индустрисининг мухим белгиси индекслар (хосрақамлар) ҳисобланади. Иктиносидий адабиётларда кўпинча "*average*" (ўртача кўрсаткич) тушунчасини учратиш мумкин. Аммо "*average*" ва "*index*" турлича тушунчалар эканлигини унутмаслик лозим. Кимматли қоғозлар индекслари ўртача кўрсаткичларга нисбатан кимматли қоғозлар курслари ўзгаришларини янада батафсилроқ ва аникрок ҳисоблаш усуллари кўлланишини кўзда тутади. Бундан ташқари, одатдаги ўртача кўрсаткичлардан фарқли равишда, ҳар бир индекс ўзининг базавий даврига эга. Турли мамлакатларда у ёки бу индексларни ҳисоблаб чиқаришнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқилган, бироқ уларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада иктиносидёт ахволининг кўрсаткичлари — индикаторларидир. Индексларнинг ҳисоблаб чиқилган мутлақ катталикларининг ўзи, фонд бозори қатнашчиларига хеч нарса бермайди. Индексларнинг айрим кўрсаткичларини базавий ёки олдинги катталикларга қиёсланган вактдагина бозордаги вазиятнинг ўзгариш йўналишларини аниклаб олиш мумкин. Агар индекс эгри чизиги юкорига кўтарилиб борса, бу давлат иктиносидётидаги жонданиш ёки кўғарилиш юз берадиганидан даюлат беради, агар, аксинча индекс эгри чизиги настга караб йўналган бўлса, бу - давлат иктиносидётидаги ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва тантликнинг аниқ белгисидир.

Кимматли қоғозлар индексларини ҳисоблашнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида энг кўп тарқалгани ҳар бир компания чиқарган кимматли қоғозлар (акциялар)нинг сонини уларнинг нархига кўпайтириб, кейин ҳисоблаш учун ажратиб олинган кимматли қоғозлар умумий сонига бўлишдан иборатdir. Ўртача кўрсаткичларга хос бўлган камчиликларни бартараф этиш учун, индексларни ҳисоблаш вақтида аниқ статистик формулалардан фойдаланилади. Индекслар фонд биржалари, инвестиция муассасалари, маҳсус агентликлар ва нашриётлар, шу жумладан, давлат муассасалари томонидан ҳисобланади.

Сўнгти Йилларда Фарб мамлакатларида ва АҚШда бозорнинг тармок, ҳудудий белгилар ва шу каби айрим сегментларида (биржада ёки биржадан ташқарида) муомалада юрадиган кимматли қоғозлар, молия воситаларининг айрим турлари асосида тузиладиган *субиндекслар* деб аталган ўртача

кўрсатқичларнинг катта миқдори юзага келди. Айрим индекслар арбитраж битимларда опционлар ва фьючерслар билан амалга ошириладиган операциялар вактида фойдаланилади. Индекс битимлар технологияси шунга асосланадики, индекс катталигининг ижобий ёки салбий ўзгариши пул коэффициентига кўлайтирилади (АҚШда кўпгина индекслар учун у 500 долларга тенг). Олинган сумма иштирок этувчи томонларнинг бирига тўланади. Индекс фьючерслари ва опционлар кимматли қоғозларнинг қандайдир етказилиб берилишини кўзда тутмайди, битим индексининг юкорига ёки пастга қараб йўналиши харакатидан ҳосил бўлган фаркни тўлаш оркалигина ёпилади. Бунда фьючерсларда бу бозор белгиси ёрдамида юз беради, яъни битим натижаси контракт тугатилаётган вактда томонларнинг маржа мавқелари билан ифодаланади. Индекс опционлари бозордаги умумий вазият бекарор бўлиб қолган вактда диверсификацияланган портфелларга нисбатан химоялаш ва сугурталовчи операцияларни ўтказишга, фьючерсларга караганда, кўпроқ даражада ёрдам беради. Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай портфелга ушбу фьючерслар ва опционларни қўшиш унинг ўртacha даромадлилигини ўзgartирмайди, лекин хатар даражасини талайгина пасайтиради.

8.4. Миллий ва ҳалқаро фонд бозори индекслари.

Доу-Жонс (Dow-Jones) индекси – бу дунёдаги энг таникли ва нуфузли, шунингдек, тарихий жихатдан сиювлардан ўтган индексdir. 1884 йилда америкалик олим Чарлз Доу ва нашриёт эгаси Э.Джонс томонидан 11 та йирик саноат компанияларининг акция курслари индексларини хисоблаб газетада чоп этдилар. 1928 йилга келиб бу кўрсаткич 30 та йирик компанияларни акциялари асосида хисобланадиган бўлди.

У биржа ёпилаётган вактда муайян гурух компаниялар ҳар кунлик котировкаларининг арифметик ўртача чамаланган кўрсаткичига асосланган. Доу-Жонс индексини хисоблаш усули бир неча бор ўзгарган. Ҳозирги вактда Доу - Жонснинг тўртга ҳар хил индекслари тузилади.

Доу —Жонс саноат индекси (*Dow-Jones Industrial average*) — 30 та энг йирик саноат компаниялари акциялари курслари харакатининг ўртача кўрсаткичи. Унинг таржибий қисмларига Нью-Йорк фонд биржасида котировка килинадиган барча акциялар бозор қийматининг 15-20 фоизи тўғри келади. Индекс махсус формула бўйича, биржани ёпиш вактида унга киритилган акциялар нархини қўшиб, олинган сummани деноминатор (акциялар умумий сонини кўрсатадиган сондан анча кам бўлган соғ)га бўлиш йўли билан, акциялар ва дивидендларни чиқарилган акциялар бозор қийматининг 10 фоизидан ортигини ташкил этган акциялар шаклида тақсимлашдан ҳосил бўлган катгаликка, шунингдек, қўшилиш ва ютиш компонентларини коплашга тўғрилаб, хисоблаб чиқарилади. Шу сабабли унинг катталиги акцияларнинг оддий ўртача нархига нисбатан анча юқоридир. Корректировка (тузатиш)лар сўнгги натижани бузуб кўрсатмаслик (хаспўшламаслик) учун махсус равишда килинади.

Индекс бандларда котировка килинади ва фақат ўтган вақтда бўлганига нисбатан маънога эга. Ундан фьючерс ва опцион контрактлар учун асос сифатида фойдаланиши ман этилган. Шубҳасиз, агар кўрсатилган формула суратига компанияларнинг анча юкори бўлган бозор нархидаги акциялари киритилган тақдирда, индекс кўрсаткичи юкори бўлар эди. Бироқ Доу-Жонс индекси АҚШ иқтисодиёти ҳолатини энг тўғри акс эттирадиган индекслардан бирин ҳисобланади. Шусабабли иқтисодиётнинг турли шульбалари (соҳалари) дан ташлаб олинган 30 та компания ушбу мамлакат ҳаётий кучларининг ахволини энг тўлиқ ва аниқ акс эттиради.

Доу-Жонс транспорт индекси (**Dow-Jones Transportation Average**) — 20 та транспорт компанияси - автомобил йўллари, темир йўллар ва авиация компаниялари акциялари курслари ҳаракатининг ўртача кўрсаткичи.

Доу-Жонс коммунал индекси (**Dow-Jones Utility Average**) — газ ва электр энергия ишлаб чикарувчи 15 та компания — автомобил йўллари, темир йўллар ва авиация компаниялари акциялари бозор нархларининг ўртача кўрсаткичи.

Доу-Жонс йигма индекси (**Dow-Jones 30 Composite Average**) ёки бошқа номи "Индекс-65" юкорида санаб ўтилган учта гурӯх индекслари кўрсаткичлари асосида ҳисоблаб чикарилади.

Йигма индексе, шунингдек, Доу-Жонс акциялари тармок индекслари алоҳида олинганида сармоядорлар учун ниҳоятда фойдалидир. Биринчидан, бу индекслар иқтисодиёт ёки йирик шульбаларининг узок вакт кўтарилиши ва пасайишни кузатиб бориш учун имконият яратади, биржадаги вазият тўғрисида маълумот беради, акцияларни сотиб олиш ва сотиш вакти тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам беради. Иккичидан, агар сармоядор бирон-бир алоҳида акциясининг нархи Доу-Жонс индексига мувофик кўтарилимаса, унинг эгаси бундай қимматли қоғознинг ишончлилигига шубҳаланишга ҳақлидир. Биржалар ва биржадан ташқари бозорларда қимматли қоғозларни сотиб олиш-сотиш вактида ставкалар жуда юкори бўлгани сабабли сармоядорлар хамда профессионаллар охирги кун, хафта, ой, йил, ўн йилда индексларнинг барча кўтарилиши ва пасайишни билишга интиладилар. Ушбу ҳисоб-китобларни қилишдан максад акцияларнинг бўлажак фаоллигини, уларнинг келиб чикиши тарихига асосланган ҳолда, олдиндан башорат эта билишdir.

Доу - Жонс индексини ҳисоблаб чикариш учун рўйхатга кирадиган компаниялар акциялари бутун дунёла, турли биржаларда сотилаётгани ва сотиб олинаётгани ҳисобга олиниб, Доу-Жонс индекси турли мамлакатларга татбикан ҳам ҳисобланади. Турли мамлакатларда юкорида кўрсатилган компаниялар акцияларининг нархлари ўзаро бир-биридан фарқланиб, ҳар хил бўлгани учун индекслар катталиги кўрсаткичлари ҳам турлича бўлади (**Dow-Jones World Stock Index**). Шу сабабли "американча" Доу-Жонс индекси баъзан жаҳон Доу-Жонс индексидан, шунингдек, унинг бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичидан анча фарқ қиласди.

Кимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш вактини аниклаш (тайминг) профессионаллар учун фонд биржасида қай тарзда пул қилиш (топиш) тўғрисидаги масалада ҳал этувчи омил ҳисобланади. У биржа

индексларининг ўзгариши, уларни таҳлил қилиш ва тадқикот олиб борилишига асосланади. Доу-Жонс индекси, ўзининг ноёблиги ва машхур бўлишига қарамасдан, у бир неча корпорацияларнинг акцияларига асосланади. Сўнгти вактларда анчагина кенгрок асосларга курилган бошқа индекслар хисобкитобини хам яратишдек катъий зарурат юзага келди. "The Wall Street Journal" газетаси сармоядорларга турли биржа ва ташкилотлар томонидан олдинги, ўтган кун, ой ёки бошқа анча узок давр бўйича хисоблаб чиқарилган кўпгина асосий индексларига оид маълумотларни тақдим этади.

Бу индекс "Стэндард энд Пурз" компанияси томонидан икки вариантда 500 та компания акциялари бўйича ва 100 та компания акциялари бўйича хисоблаб чиқарилади ва чоп этилади.

The Standard and Poor's 500 (S & P 500) индекси биржа жорий йўналишларининг индикатори сифатида кенг қўлланади. У 1957 йили биринчи бўлиб амалга киритилган, 500 та акция курсларига доир кенг маълумотларни ўзида бирлаштирган индекс эди. Доу-Жонс йиғма индекси каби, "Стэндард энд Пурз" хам саноат тармоқлари бўйича майда сегментларга бўлинib, алоҳида алоҳида чоп этилади. Булар 400 та саноат компаниялари, 20 та транспорт, 40 та молия ва 40 та коммунал компаниялардир. Улар асосан Нью-Йорк фонд биржасида рўйхатга олинган (NYSEда котировка қилинадиган барча чиқарилган акциялар бозор кийматининг 80 фоизини ташкил этади). Америка фонд биржасининг кичик кисми ва биржадан ташқари бозордаги компаниялардир. Доу-Жонс индексига нисбатан "Стэндард энд Пурз" 500 янада аникроқ ва айни вақтда мураккаб индекс хисобланади, чунки унда нисбатан кўпроқ компанияларнинг акциялари тақдим этилган бўлиб, бунинг устига компаниянинг ҳар бир акцияси акция згаларида мавжуд бўлган барча акциялар киймати катталигига киёсланиб, чамалаб хисобланган.

The Standard and Poor's 500 (S & P 500) индекси хам "Стэндард энд Пурз" 500 каби хисоблаб чиқарилади, аммо у Чикаго опционлар биржасида опционлари рўйхатта олинган компанияларнинг акцияларидан таркиб топган. Мазкур компанияларнинг кўичилиги ўз акцияларини Нью-Йорк фонд биржасида ҳам котировка килғди. "Стэндард энд Пурз" 100 индекси бўйича опционлар Чикаго савдо биржасида, фьючерслар эса, Чикаго товар биржасида котировка қилинади.

Нью-Йорк фонд биржаси йиғма индекси (The NYSE Composite Index) - бу индекс Нью-Йорк фонд биржасида сотиладиган барча акцияларни ўз ичига олади. Индекс ушбу акцияларнинг курс киймати харакатининг ўртача хисобланган кўрсаткичидир. Яъни моҳияти бўйича бу кўрсаткич Нью-Йорк фонд биржаси барча компаниялари акцияларининг, ҳар бир компания акцияларининг бозор киймати, акцияларнинг бўлниши, кўшилиши ва ютилиш омиллари эътиборга олиниб, хисоблаб чиқарилган ўртача нархини кўрсатади. У, шунингдек, тармоқларнинг саноат, транспорт, коммунал турлари бўйича бўлниади. Бундан ташқари, телефон компаниялари индекси айникса оммалашган бўлиб, кўп қўлланади.

NYSE индекси бўйича опционлар билан операциялар амалга оширилиши мумкин. Улар Нью-Йорк фонд биржасининг ўзида ўtkазилади. Фьючерслар ва

фьючерслар бўйича опционлар билан операциялар Нью-Йорк фонд биржасининг филиали бўлган Нью-Йорк фьючерслар биржасида амалга оширилади.

Америка фонд биржасининг базар қийматия индекси (AMEX Market Value Index) - бу индекс Америка фонд биржасида ўз акцияларини котировка қиладиган 100 дан ортиқ компанияларнинг фаолиятини ўрганади (ўлчайди) ва тавсифлайди.

NASDAQ миллий савдо тизими йишима индекси (The NASDAQ National Market System Composite Index) – ушбу индекс биржадан ташкари бозорда савдо қилувчи компанияларнинг акциялари бўйича ҳисоблаб чиқарилади. NASDAQ индекси Миллий биржа дилерлар уюшмасини автоматик котировкалаш тизими учун ўрнатилган. У 3500 та компания акцияларининг қийматига асосланиб, ҳисоблаб чиқарилади. Бу индекс унинг ўз таркибий кисмлари бозор қиймати бўйича чамалаб ҳисобланган кўрсаткичидир. У дастлаб 1971 йил февралда ҳисоблаб чиқарилган бўлиб, ўша даврда 100га тенг бўлган. 1984 йилдан NASDAQ саноат, транспорт, молия, сугурта компаниялари, банклар ва х.к. ларнинг акциялари бўйича тармок индексларини чоп этади.

"Уилшир-5000" индекси (Willsire 5000) мазкур индекс "Уилшир асошийтс" компанияси томонидан ҳисоблаб чиқарилиб, Америка қимматли қоғозлар бозори тизимида чоп этиладиган энг таникли (нуфузли) индексдир. У ўз таркибидаги кисмларга кирувчи барча акциялар бозор қиймати бўйича чамалаб ҳисоблаб чиқарилган бўлиб, Нью-Йорк, Америка фонд биржаларида котировка килинадиган, шунингдек, биржадан ташкари оборотда бўлган жами 5000 га якин барча компанияларнинг акциялари қийматини акс эттиради. Уилшир—5000 индекси 1980 йил 31 декабрдан бошлаб миллиард долларда ҳисобланади. Бу индекс бўйича опционлар ва фьючерслар билан операциялар амалга оширилмайди.

"Тошкент" Республика фонд биржасининг йиғма фонд индекси – Tashkent Aggregate Stock Exchange-Index ("TASIX" – "Тасикс") 2000 йилнинг бошкда "Тошкент" Республика фонд биржаси (РФБ), "Тошкент" РФБ Йиғма фонд индекси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқлади ҳамда уни Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази билан келинди. Бу индекс листинг, листингдан олдинги, листингдан ташкари секция (бўлим)лар, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини бирламчи жойлаштириш секциясида корпоратив қимматли қоғозлар билан тузилган битимлар нархлари асосида аниқланиб, фонд бозорининг ҳолатини белгилайдиган интеграл индекс ҳисобланади. "Тасикс"ни ҳисоблаб чиқариш савдо сессияси (savdo куни) якуни бўйича амалга оширилади, у таҳлил қилиш мақсадида ҳафта, ой, чорак ва йил учун ҳам ҳисобланиши мумкин. Уни аниқлаш учун индекс ҳисобланётган вақтда биржа савдо тизимида қайд этилган савдо сессияси бўйича расмий ҳисботга кирадиган акциялар билан жорий савдо куни тузилган битимларнинг ўртача чамаланган нархларидан фойдаланилади. "Тасикс" қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқарилади:

$$Iftse = (P_i / P_b) * k, \text{ бунда}$$

Iftse — "Тошкент" РФБ нинг йигма фонд индекси;

P_i - индекс ҳисоблангаётган вактда барча битимлар бўйича ҳамма турдаги акцияларнинг ўртача чамалаб ҳисоблаб чиқарилган нархи;

P_b - индекс ҳисоб-китоб базасига барча битимлар бўйича ҳамма турдаги акцияларнинг ўртача чамалаб ҳисоблаб чиқарилган нархи;

k - индекс ўлчов бандлари сонини кўрсатадиган тузатиш коэффициенти.

Акцияларнинг ўртача чамаланган нархи куйндаги формула бўйича аниқланади:

$$P = \frac{\sum_{i=1}^N p_i q_i}{\sum_{i=1}^N q_i}$$

p_i — мазкур турдаги акция билан сўмларда тузилган 1-битимнинг нархи;

q_i — ушбу турдаги акциялар билан сонларда тузилган 1- битимнинг ҳажми;

N — савдо кунининг бошидан индекс ҳисоблангунига қадар тузилган битимлар сони.

Индекс ҳисоб-китоб базасига барча битимлар бўйича ҳамма турдаги акцияларнинг ўртача чамаланган нархи — Pb 1999 йил 31 декабрда савдо сессиясидаги акциялар маълумотлари бўйича акциялар ҳажми ва сони ҳамда тузилган битимлар нархидан келиб чиқсан холда ҳисоблаб чиқарилди ва 708,5 сўмга teng деб қабул килинади. Ўлчов бандларининг сонини кўрсатадиган тузатиш коэффициенти ҳисоб-китоблар куладай бўлиши учун 100 бандга teng деб қабул килинади. "Тошкент" РФБ Раесий Йигма индекси савдо куни тугаётган вактда белгиланган индекс кўрсаткини ҳисобланади. Индекс ҳисоб-китоб базасини шакллантириш ва ўзгартириш тўғрисидаги карор "Тошкент" РFB Бошқаруви томонидан биржа расмий рўйхатига янги эмитент киритилаётганида қабул килинади. Индекс ҳисоб-китоб базасига факат оддий ва имтиёзли акциялар киритилиши мумкин. Индекс ҳисоб-китоб базасини ўзгартириш индексни ҳисоблаш усули ўзгартирилганда ёки биржа расмий рўйхатига йирик эмитентнинг қимматли қоғозлари киритилган вактда амалга оширилади. "Тасике"нинг барча ўзгаришлари тўғрисидаги маълумот биржа ахборот тизими ахборот терминалларида акс эттирилади ва манбаатдор шахсларга етказилади.

Таянч сўз ва иборалар: рейтинг, қимматли қоғозлар рейтинги, индекс, қимматли қоғозлар индекси, йигма индекс.

IX БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ ИНСТИТУТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ЎРНИ

9.1. Тижорат банкларининг молия бозорида тутган ўрни ва роли.

Банк – бу молиянинг маҳсус фаолият соҳаси бўлиб, молия бозори орқали пул ресурсларини жамлаб, уларни иқтисодиётнинг турли самарали субъектларига мағфаатли таҳсилмайдиган алоҳида молиявий институт ҳисобланади. Бунда банк пул ва молиявий инструментлар ёрдамида ўзи билан боғлик шахслар (кредиторлар, эгалари-инвесторлар, жорий операцион хизматидан фойланувчи мижозлар, кредит олувчилар, шериклари) рискларини маълум (келишилган) ҳақ эвазига қабул қилиб олади ва жамланган рискларни мағфаатли (фойда олиш ва фойда билан таъминлаш мақсадиди) диферсификациялаш асосида профессионал бошқаради. Молия бозорида бундай фаолиятни иҳтисослашган юридик шахс макомига эга бўлган турли мулкчилик шаклида тузилган банклар амалга оширади. Бунда банклар тижорат ташкилотлари сифатида маълум рискларга мойил бўлганликлари сабабли, улар молия бозори орқали ўз рискларини бошқарадилар.

Кўриниб турибдики, банклар сугурта компаниялари ва инвестиция институтлари билан бир каторда молия бозорининг профессионал, ўта зарур, фойдали ва энг салмоқли катнашчиларидан ҳисобланади.

Айтилган операциялар негизида давлат (марказий) банки ва тижорат банклари ўзаро боғлиқликда банк тизимини ҳосил қилиб, марказий банк бошчилигига молия бозори орқали иқтисодиётда кредит-пул (монетар) сиёсатини юритади. Бу эса молия бозорининг рисксизлилик, жалборлилик, баркарорлик, молиявий ҳавфсизлик даражасини кўтаришга, самарали инвестицион ҳажмини ва жараёни сифагини оширишга ҳизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Республика банк тизимиning изчил ривожланишига катта зътибор қаратилаётганлиги ва банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш борасида тизимили чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги инвесторларининг фонд биржасидаги банклар акцияларига бўлган қизиқишларининг тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Банклар акцияларига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши уларнинг ишончлилиги, баркарорлиги, даромадлар миқдорининг доимий ошиб бориши ва акциядорлар учун ахборотлар ошкор қилиш конунчиллик нормаларининг фаол тадбиқ этилаётганлиги каби омиллар билан узвий боғлиқдир.

"Тошкент" Республика фонд биржасининг бирламчи жойлаштириш ва иккиламчи бозор савдо майдонларидаги қимматли қоғозларининг инвестициявий жозибадорлиги бўйича таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, биржа савдо айланмаларининг асосий қисми тижорат банклари акцияларига тўғри келмоқда.

Шундай қилиб, банклар умуман иқтисодиётда, хусусан молия бозорида қуйидаги ролларни бажаради:

- монетар сиёсатни таъминловчи институтлар;

- иктисодиёт субъектларнга кредит, пул воситалари билан бөглиқ операциялар бүйича профессионал хизматтар күрсатувчи институтлар;
- молиявий ресурслар аккумулятори, йирик инвестициялар манбаи;
- институционал инвестор (белгиланган тартибда);
- кимматли қоғозлар чикарувчи (белгиланган тартибда);
- фонд бозорида профессионал хизмат күрсатувчи институт.

Айттылганларни халкаро банк тизими ривожланышын тенденциялари асосида күриш мүмкін¹⁶.

Хозирда ривожланган мамлакатлардаги банклар операциялари ва даромадининг 80 фойзига якни мидори кимматли қоғозлар бозорида шакилланмоқда. Даромадининг колган кисми эса традицион банк операцияларидан қосил бўлмоқда. Бу ҳолатни инвестиция банклари фаолияти мисолида күриш мүмкін.

Инвестиция банки – бу асосан кимматли қоғозлар билан бөглиқ операцияларга иктисоллашған кредит-молия институти. Унинг мақсади: молия бозорлари оркали қўшимча пул маблагларини жалб қилиш, ўз мижозларини (жумладан давлатни) узок муддатли кредитлаш. Замонавий инвестиция банки хозирда на факат фонд бозорларида кимматли қоғозлар билан бөглиқ операцияларни бажаради, балки компанияларни бирлаштирилиши (ютиб борилиши) ва ўзаро бирлашишини ташкиллаштириш, ипотекани ва венчур капиталини бошқариш билан ҳам шугулланади.

Инвестиция банклари турли мамлакатларда маълум хусусиятларга эга. Масалан, Буюк Британияда – турли профишли инвестиция компаниялари, савдо банклари. Бунла савдо банклари оддий банк операцияларидан ташқари, акциядорлик компаниялари, пенсия фондари, сугурта компаниялари кимматли қоғозларини бошқариш билан ҳам шугулланади.

Францияда эса бизнес-банклар, инвестиция уйлари, Германияда – инвестиция жамиятлари, Японияда – трастбанклар ва шахар банклари мисол бўла олади.

Хозирда дунёнинг энг йирик инвестиция банклари куйидагилар хисобланади¹⁷: *HSBC Holdings* (Буюк Британия), *Chase Manhattan Corp.* (АҚШ), *Credit Agricole Group* (Франция), *Citicorp.* (АҚШ), *Bank of Tokyo-Mitsubishi* (Япония), *Deutsche Bank* (Германия), *Bank America Corp.* (АҚШ), *ABN AMRO Bank* (Голландия), *Sumitomo Bank* (Япония), *Dai-Ichi Kongo Bank* (Япония) ва х.к.

Шундай килиб, банкларнинг молия бозоридаги фаолият турларини куйидагича тизимлаштириш мүмкін.

1. Банклар молия бозорининг куйидаги сегментларида фаолият юритадилар: валюта, кимматли қоғозлар, пул-кредит (жумладан ипотека кредитлари), кимматбаҳо металлар ва тошлар (жумладан санъат асарлари).

2. Кўчмас мулк бозорида воситачи, риелтор, ишончли бошқарувчи (траст), ипотекавий инвестор сифати фаолият кўрсатади.

¹⁶ Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Бурханов У.А. Халкаро молия мунисабатлари.-Т.: Шарқ, 2003.-65.347-370; Максимо В.Энг, Фрэйзис А.Лис, Яуурсен Дж.Мауэр. Мировые финансы.-М.: ИКК «Дека», 1998.-736 с.

¹⁷ Top 1000. The Banker.-1998.-July.-p.131.

3. Валюта бозорида: дилер ва брокер (трейдер, жумладан валюта оператори). Бунда спот ва муддатли бозорларда иштирок этади.

4. Пул-кредит бозорида: пул хисоб ракамлари ва пул воситалари (чеклар, карточкалар ва х.к.) бўйича мижозларга операцион хизмат кўрсатиш; кредит берниш ва олиш; бўлак кредиторларнинг кредит траншлари бўйича оператор бўлиш ва х.к.

5. Қимматли қоғозлар бозорида: эмитент (эмиссияланувчи ва эмиссияланмайдиган турлари бўйича); институционал инвестор (Ўзининг инвестицияларини бошкариш бўйича) ва коллектив инвестор (мижозларининг инвестицияларини бошкариш бўйича); професионал институт (брокер, трейдер, дилер, андеррайтер, траст, консалтинг, клиринг, депозитарий, трансфер-агент ва х.к.).

Молия бозорида санаб ўтилган фаолият турларини универсал банклар амалга оширади.

Қимматли қоғозларни очиқ ва ошкора тарзда биржа савдолари орқали жойлаштириш ва уларнинг иккиласми бозорда муомалада бўлнишлиги тижорат банкларига ва бошка фонд бозори катнашчиларига қўйидаги афзалликларни беради:

1) Қимматли қоғозлар билан олди-сотли жараёнлари биржанинг Марказий савдо залинга, унинг худудий филиалари ва брокерлик идораларига ўрнатилган замонавий жихозлар ва таъминот дастурига эга бўлган барча терминал(компьютер)лар орқали ҳакиқий вакт оралингида амалга оширилади;

2) Савдо технологияси ва таъминот дастури мамлакатимизнинг барча худусларида жойлашган инвестиция воситачиларни, яъни биржа аъзоларини (уларнинг сони 100 дан ортик) биржа савдосига кўйилган қимматли қоғозлар тўгрисидаги маълумотлар билан бирлаҳзода таъминлаш имконини беради;

3) Фонд биржасида инвестиция воситачиси (брокер, дилер) ва инвестиция активларини ишончли бошкарувчиси сифатида фаолият юритиш хукукини берувчи лицензияга эга бўлган юкори малакални қимматли қоғозлар бозорининг професионал иштирокчилари фаолият юритишади. Бу биржада амалга ошириладиган барча савдо битимлари қатъий белгиланган коидалар асосида олиб борилади, демакдир;

4) Акция ва облигацияларини биржа савдолари чиқаргани корхоналар биржанинг ахборот каналлари, шунингдек листинга кирган қимматли қоғозлар котировкасини мунтазам эълон килиб борувчи етакчи иктисадий газеталар орқали қўшимча реклама билан таъминланади;

5) Қимматли қоғозларнинг ликвидлик даражасини янада ошириш максадида фонд биржаси томонидан, кунлик савдо сессиялари очилиши пайтида қимматли қоғозларнинг икки томонлама котировкасини амалга оширишни таъминлааб бера оладиган ва натижада банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар котировкасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсата оладиган маркет-мейкерлик институтини ташкил қилиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, маркет-мейкерлик институтларининг фаолият кўрсатиши қимматли

қоғозларнинг ликвидлик даражасини ва инвесторларнинг уларга бўлган ишончини оширади.

6) Талаб ва тақлифдан келиб чиқиб кимматли қоғозларнинг ҳақиқий бозор баҳосини ва компанияларнинг капитализация даражасини аниглаш. Юкоридагиларга асосланиб айтиш мумкини, фонд биржаси ташкиллашган фонд бозорини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш орқали янада ишончли ва сифатли кимматли қоғозларни аниглаш ва уларнинг ликвидлигини оширишга катта эътибор қаратмокда, ҳамда барча манфаатдор эмитентлар, шу жумладан тижорат банклари билан ҳамкорлик қилишга доим тайёр.

Кимматли қоғозлар бозорининг, шу жумладан фонд биржа бозорининг янада ривожланиши акциядорлик тижорат банкларининг бозордаги фаоллиги ва мавқенинг янада ошиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Очиқ бозордаги операциялар муомаладаги пул массасини бошкариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари баркарорлигини таъминловчи асосий инструментлардан бири сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг кўлланилиб келинимокда. Марказий банк томонидан пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрларидан келиб чиқкан ҳолда, тўлов балансининг ижобий сальдоси хисобига шаклланган кўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операциялари ўтказилиб борилди.

Банкларнинг кимматли қоғозлар бозорида тутган алоҳида мавқеи шундан иборатки, улар бошка хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда, ушбу бозор катнашчиси сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча вазифаларда, хусусан: акциялар, депозитлар ва омонат (жамғарма) сертификатлар ҳамда банк векселлари эмитентлари сифатида; бошка хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат кимматли қоғозларини сотиб олувчи сармоядорлар сифатида; ўз мижозларига маслаҳатлар берадиган, депозитар операцияларини бажарувчи, кимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун уларга берилган кимматли қоғозлар ва пул маблагларини бошкариш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция муассасалари ва ҳ.к. сифатида катнашиши мумкин. Амалдаги конунчилликка мувофик банклар банк мижози томонидан вексел ёзилётган вақтда вексел топшириқномаси (аваль)ни бериш йўли билан вексел муомаласини назорат қилиши керак. Марказий банк депозит ва омонат сертификатлари ва банк векселларини чиқариш, уларни муомалага киритиш, муомаладан чиқариш учун жавоб берар экан, фонд бозори иштироқчиси сифатида фонд бозорини тартибга солиш тизимикинг мухим таркибий қисми ҳам хисобланади.

Мижозларнинг кимматли қоғозлари портфелини бошкариш бўйича банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар уларга катта даромад келтиради. Мижозларнинг ҳоҳиши бўйича уларнинг пуллари хавфли ёки нисбатан ишончли кимматли қоғозларга кўйилма килинади. Бунда банклар ўзаро каттиқ рақобатни бошдан кечиришига тўғри келади, чунки мижозлар бир вақтнинг ўзида бир неча банкларга бундай операцияларни бажаришни топшириши, кейинчалик эса, маблаглари энг кўп самара берадиган битта банкни танлаб олишлари мумкин. Кимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш

вактида уларни саклаш ва уларга бўлган хукук хисобини юритиш максалида банклар ўз депозитарийларини яратади. Улар бевосита банкларда (олатда, ерости хоналарда, мижозларнинг бойликлари сақланадиган маҳсус сейфлар турадиган омборларда) жойлашган. Банк депозитарийлари қимматли қоғозларни накд ва накд бўлмаган шаклларда, компьютер тизимларида электрон шаклдаги ёзувлар воситасида саклади. Банклар, шунингдек, қимматли қоғозлар учун хисоб-китоблар бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар вазифасини бажариши ҳам мумкин. Банклар томонидан инвестиция муассасаларининг таъсис этилиши алоҳида ахамият касб этади, улар орқали қимматли қоғозлар бозорида бира тўла бир кечга йўналишлар бўйича иш олиб борилади.

Тижорат банки ўз акцияларини асосан акциядорлик жамияти сифатида чиқаради. Банклар облигациялар, депозит сертификатлар, векселларни муомалага чиқариши билан улар мамлакатнинг пул оборотини тезлаштиради ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган пул маблагларини тўплаб, кейинчалик уларни ҳалк хўжалигининг устувор тармоқларига инвестиция қиладилар, Бундан ташқари, вексел муомаласига хизмат кўрсатиб, ўзаро ҳисоб-китобларни тезлаштириши ва тўлов интизомини мустахкамлаши мумкин. Банклар турли тоифадаги сармоядорлар учун кенг микёсдаги маслаҳат хизматларини кўрсатиши; мижозларнинг инвестицион сиёсатини шакллантириш, лойихавий молиялашни ташкил этишдан бошлаб, қимматли қоғозлар портфелини бошкариш ва дивидендларни олишгacha бўлган ёрдамни бериши мумкин. Банклар қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича кредиторлар ва сугуртачилар, депозитар ва клиринг ҳисоб-китоб марказларининг ташкилотчилари сифатида иштирок этиши мумкин. Хусусан, тижорат банюари қарз олувчиларга киска муддатли кредитлар бериб, уларнинг гарови сифатида қимматли қоғозларни қабул қилиб олиши мумкин. Мижозларга кўрсатиладиган хизматларнинг янада кенгрок тури банкларнинг векселлар билан амалга ошириладиган операцияларини ўз ичига олади. Сўнгги йилларда йирик акциядорлик жамиятларининг акцияларини бошкариш учун хужжатлар олиш, инвестиция ва хусусийлаштириш жамғармалари билан ишлаш каби инвестицион фаолиятнинг устувор йўналишлари банкларнинг диккат марказида турган объектлар бўлиб колди. Масалац, Ўзбекистонда Ҳалиқ банкининг бўлнимлари орқали ХИФлар акцияларини сотиш амалга оширилмоқда.

Банкларнинг фонд бозорида иштирок этишининг бош мақсадлари куйидагилардан иборат:

- фаолиятининг асосий турларини амалга ошириш учун пул маблагларини жалб этиш (ўз пассивларини шакллантириш);
- қимматли қоғозларга ўз маблагларини инвестициялашдан тушадиган даромадни рлиш;
- қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича мижозларга кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган даромадни олиш;
- ўз нуфузини ошириш ва янги мижозларни жалб этиш;

Банклар ўзига хос ноёб муассасалар бўлиб, амалда фонд бозорининг барча воситалари, акциялар, давлат киска муддатли облигациялари, депозит ва депозит (омонат, жамгарма) сертификатлари, векселлар билан ишлашни ўзлаштириб олиб, бугунги кунда улар қимматли қоғозлар бозорида эмитеңлар, сармоядорлар ва инвестиция муассасалари сифатида чикмоқда. Демак, бундан кейин хам республика қимматли қоғозлар бозори ривожланиши билан банкларнинг бу соҳадаги мавқеи тобора кучайиб бораверали.

Қимматли қоғозлар бозорида *банкларнинг фаолиашувига* сабаб бўлган энг муҳим шарт-шароитларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистонда амал килаётган конунчилик бўйича тижорат банклари қимматли қоғозлар билан ҳар қандай турдаги операцияларни амалга оширишда катнашишига йўл қўйилади;

– банкларнинг нисбатан барқарор молиявий ахволи ва банк операцияларининг юкори даромадлилиги уларга банк хизматларининг янги турларини, хусусан қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган кўнгина операцияларни ўзлаштиришга катта молиявий ресурсларни ажратиш учун имкон беради;

– банкларда мавжуд бўлган техник, ахборот ва кадрлар салоҳияти, шульба банкларнинг кең тармоги ва мижозлар базаси уларни қимматли қоғозлар бозорининг энг қобилиятли катнашчиларига айлантиради;

– банклар билан бошқа молиявий иқтисодий муассасалар ўртасидаги кучайиб бораётган ракобат, кўлгина анъанавий банк хизматлари (кредитлаш, валюта - молиявий, агентлик операциялари)ни кўрсатишдан кўриладиган фойданинг пасайиб бориши, банкларнинг ўз фаоллиги дикқат марказини қимматли қоғозлар бозори соҳасига кўчиришта мажбур қилмоқда.

Юқорида қайд этилган шарт-шароитлар ва қулай омилларнинг мавжудлиги банклар олдида қимматли қоғозлар бозоридаги иш фаолияти қўламини кенгайтириш ва яқин келажакда иқтисодиётининг ушбу устувор соҳасидаги фаолиятини янада фаоллаштириш учун катта имкониятлар очиб беради.

9.2. Сугурта ташқилотларининг молия бозорида тутган ўрни ва роли.

Умуман олганда, сугурта – бу молиянинг алоҳида шакли бўлиб, ҳаётда ва бозор иқтисодиётида маълум бўлган рискларни келишилган ҳак эвазига қабул килиб компенсацияларидан иборат молиявий фаолият тури ҳисобланади. Сугурта фукаролар ва корхоналарнинг мулкий ва шахсий номулкий манфаатларини ҳимоя этувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган. Сугурта мустакил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутади. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқдир. Молия ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида вужудга келадиган мақсадли пул фонdlарининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодаласа, кредит ахоли, корхона ва ташқилотлар ихтиёридаги вактинча бўш турган маблагларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари

Йигиндисидир. Сугурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий ва бошқа ходисалар рўй бериши натижасида кўриладиган заарларни коплаш билан боялик максадли пул фоидларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йигиндисидир.

Молия бозорида бундай фаолиятни ихтисослашган юридик шахс макомига эга бўлган турли мулкчилик шаклида тузилган сугурта ташкилотлари (компаниялари) амалга оширади. Бунда сугурта компаниялари тижорат ташкилотлари сифатида маълум рискларга мойил бўлганликлари сабабли, улар ўзларнга қабул қиласиган рискларни бошқа ўхшашиб, лекин йирик ва нуфузли, сугурта компаниялари ёрдамида кайта сугурталайдилар.

Сугурта компаниялари фаолиятининг хосса ва хусусиятлари эвазига молия бозори таркибида алоҳида сегмент - интеграллашган сугурта хизматлари бозори фаолият юритади ва ривожланади. Бунда улар на фақат рисксизликни таъминловчи институтлар, балки молиявий ресурслар аккумулятори ва мос равишда йирик инвестициялар манбаи ва инвестор ҳам сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, сугурта компаниялари молия бозорининг сугурта сегментида сугурта операцияларни, бошқа сегмент-ларида эса молиявий инвестицион операцияларни амалга оширади.

Агар сугурта компаниялари акциядорлик капитали асосида тузилган бўлса, унда улар акциялар эмитенти сифатида ҳам намоён бўлади. Фонд бозоридаги эмиссион фаолияти доирасида улар бошқа турдаги кимматли қоғозларни ҳам белгиланган тартибда чиқаришга хакли.

Кўриниб турибдики, сугурта компаниялари банклар ва инвестиция институтлари билан бир каторда молия бозорининг профессионал, ўта зарур, фойдали ва энг салмоқли катнашчиларидан хисобланади.

Демак, сугурта ташкилотлари молия бозоридаги, умуман иктисадиёт-даги ва ҳайтдаги барча олдиндан ноаник (башорат килинниши кийин бўлган) ҳоллар ва эҳтимолий қалтис ҳатти-ҳаракатларни рисксиз (маълум даражада) тарзда бошдан кечиришнинг ишончлилик даражасини улардаги мавжуд бўлган риск даражаларини келишилган ҳак эвазига пасайтириш орқали таъминлади, натижада молиявий ресурслар аккумуляторига (жамгармасига) айланади, бу эса уларни катта ҳажмдаги инвестициялар манбаига айлантиради ва институционал инвестор сифатида молия бозорида самарали фаолият юритиш учун кенг имкониятлар беради. Бу эса молия бозорининг рисксизлилик, жалборлилик, баркарорлик, молиявий ҳавфсизлик даражасини кўтаришига, самарали инвестицион ҳажмини ва жараёни сифатини оширишга хизмат килади.

Шундай қилиб, сугурта компаниялари умуман ҳайтда ва иктисадиётда, хусусан молия бозорида қўйидаги ролларни бажаради:

- рисксизликни (сугурта турлари классификатори бўйича) таъминловчи молиявий институтлар;
- молиявий ресурслар аккумулятори, йирик инвестициялар манбаи;
- институционал инвестор (белгиланган тартибда);
- кимматли қоғозлар эмитенти (белгиланган тартибда).

Айтталганларни халкаро сугурта бозори ва сугурта операциялари ривожланиши тенденциялари асосида кўриш мумкин¹⁸.

Хозирда ривожланган мамлакатлардаги сугурта компаниялари операциялари ва даромадининг 60-80 фоизига орасидаги микдори кимматли когоzlар бозорида шаклланмоқда. Даромадининг қолган қисми эса традицион сугурта операцияларидан ҳосил бўлмокда. Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш тенденцияни кўриш мумкин.

9.3. Давлат молия институтларининг молия бозорида тутган ўрни ва аҳамияти.

Давлат молия бюджет ташкilotлари – бу молиянинг алоҳида фаолият соҳаси бўлиб, молия бозори орқали давлатнинг молиясини бошқариш негизида иқтисодий сиёсатни (монетар ва фискал) мамлакат иқтисодиёти манфаати йўлида амалга оширувчи молиявий институтлар хисобланади. Бундай институтларга Молия вазирлиги, Давлат Ғазнаси, Марказий банк, махаллий ҳокимиёт органлари, молия (ёки қимматли когоzlар) бозорини тартиблаштирувчи ваколатли давлат органи (баъзи мамлакатларда бу орган молия бозори макрорегулятори (мегарегулятори) макомига эга) киради. Уларнинг ҳар бири ўзига мос сиёсатни амалга ошириш максадида молия бозорида фаолият юритади.

Давлат молия институтлари фаолиятининг максади, вазифалари, функцияси, фаолият механизми, хосса ва хусусиятлари эвазига молия бозори таркибида алоҳида сегмент – давлат капитали ва ҳизматлари бозори фаолият юритади ва ривожланади. Бунда улар кредит-пул, бюджет-солик, инвестиция, эмиссия сиёсатларини юритувчи, демак давлатнинг молиявий инструментлари ва ресурслари билан бўғлик операциялар институтлари ва давлат регулятори, давлатнинг молиявий ресурслари ва инструментлари аккумулятори ва мос равишда йирик инвестициялар манбай, институционал инвестор, професионал эмитент ва воситачи сифатида намоён бўлади. Кўриничиб турибдик, давлатнинг бўндай молия институтлари банклар, сугурта компаниялари ва инвестиция институтлари билан бирга молия бозорининг професионал, ўта зарур, фойдали ва энг салмоқли на факат катнашчиларидан, балки регулятори хисобланади.

Шундай қониб, давлатнинг ваколатли молия институтлари умуман иқтисодиётда, хусусан молия бозорида қуидаги ролларни бажаради:

- монетар (кредит-пул) ва бюджет-солик (фискал) сиёсатларини мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ўсиши йўлида уйғунликда таъминловчи регулятив институтлар;
- давлат эҳтиёжлари ва иқтисодиёт субъектлари учун пул, валюта, кредит, бошқа молиявий инструментлар ва ресурслар билан бўғлик операциялар бўйича професионал тарзда фаолият юритувчи институтлар;
- молиявий ресурслар ва инструментлар аккумулятори, йирик инвестициялар манбай;
- институционал инвестор (белгиланган тартибда);

¹⁸ Вахобов А.В., Жумасев Н.Х, Бурханов У.А. Халкаро молия жунесабатлари.-Т.: Шарқ, 2003 -66.347-370.

- пул (факат Марказий банк) ва давлат қимматли қоғозлари эмитенти (белгиланган тартибда);

- ваколатли давлат компаниялари (масалан, Марказий депозитарийси, бюджетдан ташқари фондлари ва ҳ.к. компаниялари) ва ташкилотлари (Давлат мулки Кўмитаси, Давлат солик ва божхона Кўмиталари, ташки иктисодий фаолият вазирлиги ва ҳ.к.) оркали молия бозорига регулятив таъсир килувчи ва профессионал хизмат кўрсатувчи институт ва ҳ.к. Молия бозорида давлат ўзининг қимматли қоғозлари эмитенти ва зарур объектларни молиялаштирувчи сифатида қўйидаги мақсадларни кўзлайди:

- жорий бюджет дефицитини (камамадини) молиялаштириш;
- аввал чиқарилган қарз мажбуриятларини сўндириш;
- давлат бюджетининг касса ижросини таъминлаш;
- солик тўловларининг нотекис тушумини текислаш;
- тижорат банкларини ликвид резерв активлар билан таъминлаш;
- давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилаётган мақсадли лойиха дастурларини молиялаштириш;
- ижтимоий аҳамиятта эга ташкилот ва муассасаларни қўллаб-куватлаш ва ҳ.к.

Айтиш жоизки, пул эмиссияси ҳам давлат сиёсатининг инструменти (соликка тортиш даражаси ва давлат ҳаридлари сингари) хисобланади. Ушбу функцияни Марказий банк амалга оширади. Бунда у қўйидаги регулятив инструментларда фойдаланади: очик молия бозорларида операциялар, банклар учун мажбурий резерв миқдорини белгилаш, қайта молиялаштириш ставкасини ўрнатиш. Умуман олганда, давлат ўз ҳаражатларини молия бозори оркали қўйидаги уч усул билан молиялаштириши мумкин: солик тушумларини ошириш, аҳолидан қарз маблагларини жалб килиш, кўшимча пул чиқариш (инфляция ҳавфини хисобга олган ҳолда).

9.4. Халкаро молия институтларининг молия бозорида тутган ўрни ва аҳамияти.

Халкаро молия ташкилотлари – бу жаҳон молиясининг интеграллашган фаолият соҳаси бўлиб, жаҳон ва миллий молия бозорлари оркали иктиносий, молиявий, савдо, ижтимоий жабхаларда жаҳон глобаллашуви йўлида амалга оширувчи молиявий институтлар хисобланади. Бундай институтларга Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) хузуридаги Жаҳон банки, Халкаро молия корпорацияси, Умумжаҳон савдо ташкилоти, Халкаро валюта фонди киради. Шулар каторида бошқалари ҳам мавжуд: Европа банки, Осиё банки, Халкаро хисоб-китоблар банки (BIS), Иктисолий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ), IOSCO ва ҳ.к. Халкаро даражадаги трансмиллий корпорациялар, холдинглар, молия-саноат гурӯхлари ҳозирда санаб ўтилган ташкилотлар билан бирга жаҳон молия бозорининг асосий катнашчиларидан хисобланади. Уларнинг ҳар бири ўзига мос фаолиятни амалга ошириш максадида молия бозорларида фаолият юритади.

Халқаро молия институтлари фаолиятининг мақсади, вазифалари, функцияси, фаолият механизми, хосса ва хусусиятлари эвазига молия бозорлари таркибида алоҳида сегмент – халқаро капитали ва хизматлари бозори фаолият юритади ва ривожланади. Бунда улар давлатларнинг кредит-пул, бюджет-солиқ, инвестиция, эмиссия сиёсатларини юритилишида, демак давлат ва ўзларининг ҳамда бошқа субъектларнинг молиявий инструментлари ва ресурслари билан боғлиқ операциялар институтлари ва маълум маънода халқаро регулятор, халқаро молиявий ресурслар ва инструментлар аккумулятори ва мос равишда йирик инвестициялар манбаи, институционал инвестор, професионал эмитент ва воситачи сифатида намоён бўлади.

Шундай килиб, халқаро молия институтлари умуман жаҳон иқтисодиётидаги, хусусан молия бозорларида қўйидаги ролларни бажаради:

- жаҳонда глобаллашув жараёнлари ривожланишини таъминловчи ва давлатларнинг бозорларига ташки омил сифатида таъсир кўрсатувчи институтлар;
- жаҳон молия бозори катнашчилари сифатида валюта, кредит, бошқа молиявий инструментлар ва ресурслар билан боғлиқ операциялар бўйича професионал тарзда фаолият юритувчи институтлар;
- давлатлар томонидан мамлакатда монетар (кредит-пул) ва бюджет-солиқ (фискал) сиёсатларини халқаро глобаллашув конуниятларига мос иқтисодий ва ижтимоий ўсиши йўлида уйғунликда таъминлашга ёрдам берувчи институтлар;
- халқаро миқёсда регулятив нормаларни белгиловчи институтлар;
- халқаро даражадаги молиявий ресурслар ва инструментлар аккумулятори, йирик халқаро инвестициялар манбаи;
- халқаро даражадаги институционал инвестор;
- халқаро қимматли қоғозлар эмитенти.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожжаниш ташкилотининг (ИҲРТ) қимматли бозорлари фаолиятини стандартлаштиришга оид халқаро ўттизлик гурухи тавсияларини (2003 йилдан бошлаб уларнинг сони 1985 йилдаги 9 тадан 20 тага стган) келтириш жоиз. Бу тавсиялар (куйидаги жадвалларга қаралсин) асосан халқаро ҳисоб-китобларни, савдо операциялари ва депозитар ҳисобларни самарадаорлигини оширишга ва кўпроқ стандартлаштиришга, рисклар даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиб хар бир мамлакатда марказий депозитарийни бўлишини кўзда тутади.

| № | | Тўккизга тавсия, 1985 йил |
|----|---|---------------------------|
| 1a | Бозорнинг бевосита қатнашчилари (фонд биржасидаги брокерлар ва дилерлар) ўртасидаги битишувларни солиштириб текшириш T+1 кунига оширилиши зарур | |
| 1d | Битишувларнинг солиштирилиб бажарилган деталлари ҳисоб-китоблар тизими билан боғланган бўлиши лозим | |
| 2 | Бозорнинг бевосита қатнашчилари (институционал инвесторлар ва битишувларнинг бошқа қатнашчилари) битишувлар деталлари бўйича тасдиқка T+1 кунига эришкими лозим | |
| 3a | Хар бир мамлакат ривожлашган ва самаралии фаолият юритувчи ягона Марказий депозитарийсига эга бўлиши шарт, | |

| | |
|----|---|
| 3б | Депозитар инструментлар турининг сони иложи борича кенг бўлиши лозим |
| 3с | Молиявий инструментлар максимал даражада дематериаллаштирилган бўлиши максадга мувофиқ |
| 3д | Агар бир бозорда бир нечта хисоб-китоб-клиринг депозитарийлари бўлса, унда уларниң фаолияти ва месъёрлари ўзаро мослаштирилган бўлиши лозим. Бундан максад – хисоб-китоблардаги рискларни пасайтириш ҳамда маблаглар ва ўзаро кафолатларни самарали ишлатилингига эрининг. |
| 4 | Хар бир мамлакатта хисоб-китоблар бўйича рискин пасайтириши реал вакидаги брутто хисоб-китоблар тизимини ёки Йамфалусси ¹⁹ тавсияларига мос келувчи битишувлар бўйича ўзаро хисоб-китоблар тизимини жорий қилиш йўли тавсия этилади. |
| 5 | “Тўлов бўйича етказиш” тамойили қимматли қоғозлар билан боғлик битишувлар бўйича хисоб-китоблар усули сифатига кўлланилиши лозим. Ушбу тамойил куйидагича белгиланади: бир вактнинг ўзида, охиригача, қайтарилиб олинмайдиган ва тезкор йўл билан қимматли қоғозларни бир кун ичida пулга узуксиз асосида амалга оширилиши лозим. |
| 6 | Кимматли қоғозлар билан боғлик битишувларни бажаришлаган нул тўловлари барча молиявий инструментлар бўйича бир хилда ва бозорлар бўйича “уша кун ичидаБ” маблагларни кўчириш тўғрисидаги келишув асосида амалга оширилиши лозим. |
| 7а | “Кунлик бажарилиш тизими” барча бозорларда кабул қилиниши лозим. |
| 7б | Битишувларни натижавий бажарилиши Т+3 кундан кечикмасдан содир этилиши лозим. |
| 8а | Кимматли қоғозлар бўйича битишувларга онд хисоб-китобларни тезлаштиручи усул сифатида қимматли қоғозларни карзга берининг кўллаб-куватлаш лозим. |
| 8б | Ушбу амалиётни чекловчи консультант ва фискал тўсикларни олиб ташлаш лозим. |
| 9а | Кимматли қоғозлар билан боғлик операциялар бўйича хужжат алмашинуви учун стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот стандартлари (ISO 7775) кабул қилиниши лозим. |
| 9б | Мамлакатлар ISO 6166 стандартинга мос равишда қимматли қоғозларни нумерациялашнинг ISIN тизимини кўллаши лозим. |

Манба: Хоруджий Сергей, <http://www.horuz.narod.ru/frN2R2000.htm>.

| № | 20-та тавсия, 2003 йил. |
|----|---|
| | Ўзаро мос операторлар глобал тармоғини тузиши. |
| 1. | Автоматлаштирилган коммуникацияларни жорий қилиш асосида қоғозли хужокатлар алмашинувилий йўқ қилини. |
| 2. | Маълумотлар стандартлари ва протоколларини гармонизациялаштириш. |
| 3. | Информацияни очиб берининг тавсия этилаётган стандартларни ишлаш чиқиш ва жорий қилиш. |
| 4. | Турли хисоб-китоб депозитар тизимлар ва улар билан боғлик тўлов ва дилинг тизимлари ўртасидаги вакт ораликларини синхроизаштириш. |
| 5. | Институционал инвесторлар битишувлари бўйича солишириб текширишни автоматлаштириш ва стандартлаштириш. |
| 6. | Марказий хисоб-китоблар ташкилотларидан фойдаланишни кенгайтириш. |
| 7. | Хисоб-китобларни тезлаштириш учун қимматли қоғозлар бўйича карз ва гаровга берининг рухсат этинш. |
| 8. | Активлар бўйича хизмат кўрсатиш жараёнларни автоматлаштириш ва стандартлаштириш. Бу ўз ичига куйидагиларни олади: корпоративные характеристики, солик имтиёзларидан фойдаланиш, норезидентлар томонидан қимматли қоғозларга эгаллик қилишни чеклаш. |
| | <i>Рискларни юмиштамиш.</i> |

¹⁹ Ўнта давлат гурухи марказий банкларининг банклараро неттинг скемалари бўйича Кўмита хисоботи (Lamfalussy хисоботи), 1990, (Bank for International Settlements - BIS)

| | |
|-----|--|
| 9. | Клиринг ва хисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотларнинг молиявий баркарорлигини таъминлаш. |
| 10. | Хисоб-китоб ва депозитар ташкилотлар мижозларининг рискларини бошқарнилишини кучайтириш. |
| 11. | Активларин бир вактнинг ўзида ва натижавий кўчиришини ҳамда уларга осон эга бўлишни таъминлаш. |
| 12. | Форс-мажор холатларда фаолиятни самарали режалаштириш ва амалга оширилишини таъминлаш. |
| 13. | Тизимли аҳамиятга эга бўлган ташкилотларда мумкин бўлгаган посозликларни мавжуд сканеригига эътибор бериш лозим. |
| 14. | Контрактларни мажбурий баҳариш ёхтимолини баҳолашни кучайтириш. |
| 15. | Кимматли қоғозларга бевосита (тўғри) ва билвосита эгаллик бўйича конуний аннексияни ошириш. |
| 16. | Натижавий истинг тартибини ва битишуви никосенга етказмаслик чоғида вужудга келувчи зарарни баҳоланинг ривожлашган тизимини тан олиш ва кўллаб-куватлаш. <i>Бошқарниш даражасини ошириш</i> |
| 17. | Клиринг ва депозитар ташкилотлари раҳбарлари томонидан тегишли малака ва тажрибага эга бўлган шахсларни тайинланилишини таъминлаш. |
| 18. | Клиринг ва хисоб-китоб тармоқларига эркин киришини таъминлаш. |
| 19. | Хисоб-китоб ва депозитар ташкилотлар муассислари манбаатларига нисбатан мажбурий ва самарали диккат-эътибори таъминлаш. |
| 20. | Хисоб-китоб ва депозитар операцияларин амалга оширувчи ташкилотларни мунтазам мувоффаштириш ва наъорат килинилишини рагбатлантириш. |

Жадваллардан кўриниб турибдики, бу тавсиялар молия бозорлари сифати ва самарадолигини оширишга қаратилган. Умуман олганда, барча халкаро молия институтларининг фалият матлаби миллий молия тизимларини баркарорлаштириш ва глобаллашув сари ривожлантиришга қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: банк, тижорат банки, марказий банк, фонд бозори, молиявий ресурслар, давлат молияси, бюджет ташкилоти, институционал инвестор, давлат бюджетининг касса ижроси

Х БОБ. ФОНД БИРЖАСИ ВА УНИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

10.1. Фонд биржасининг вужудга келишининг тарихий асослари ва унинг муҳим муассаса сифатида юзага чиқниши.

Биржа (голландчада “beurs”, немисчада “ворс”, – ўзбекчада “ҳамёй”) – бозорни уюштиришнинг ташкилий шаклларидан бири бўлиб, сотувчилар ҳамда товарлар, валюталар, кимматли қозозларни сотиб олувлар йўтасида улгуржи битимлар тузишни таъминловчи савдо воситаси органи ҳисобланади. Даставвал мавжуд товарлар биржаси пайдо бўлди. Унинг ҳозирги биржаларга хам хос алоҳида хусусиятларни шундан иборат эдик, савдо-сотик мунтазам янгиланиб борилар, муайян жойда ўтказилар ва олдиндан белгиланган қондалар асосида амалга ошириларди.

Биржа операцияларининг энг характерли тури нақд товар билан савдо қилиш эди. Бу боскичда биржа савдоси факат экспортчи билан импортчи, савдогар билан ишлаб чиқарувчи ёки истемолчи ўртасидаги алоқаларини белгиларди. Биржаларни таъсис этиш нухоятда суст борар ва асосан ҳалкаро савдо билан банд бўлган етакчи портлар билан чекланарди.

Биринчи маҳсус биржа биноси 1531 йили Бельгиянинг Антверпен шахрида курилди. У ҳашаматли бўлиб, пештокига “Турли тилларда гаплашадиган бутун дунё савдогарлари учун” деган сўзлар битилганди. Шундай килиб, Антверпен биржаси жаҳон ҳалкаро молиявий ишларининг марказига айланди.

XVII аср бошларида савдо ва молиявий ишлар жадал суръатларда ривожланди. Асосий биржа ишлари Антверпендан Голландия пойтахти Амстердамга кўчди. Бу ерда 1628 йили маҳсус биржа учун кўркам ва йирик иморат барпо этилди. Унинг кенг ва баҳаво залида 8 минг нафаргача одам бемалол иш юритиши мумкин эли. Англиянинг шу шаҳарда жойлашган “Ост-Индия” компанияси Нидерландиянин жаҳоннинг кучли молиявий давлатларидан бирига айлантириди.

Бу биржада ҳар куни камида 6000 га яқин одам йигилиб, ўзларини кизиктирган турли-туман саволларга тўлиқ жавоб олишар, савдо-сотик ишларини бемалол бажариб кетишарди. Европанинг барча савдогарлари шу срда учрашиб, жаҳон бозорларининг тез ривожланишига таъсир кўрсатишарди.

Қадимда Мовароуннаҳр худудида биржа бўлмаган. Аммо V-VI асрлардан бошлиб барча қулайликлар ва шароитларга эга янги-янги катта карvonсаройлар курила бошлаган. Араб сайёхлари Истахрий ва ибн Хавқалларнинг маълумотларига қараганда, X асрга келиб уларнинг сони 10 мингдан ошиб кетган ва Мовароуннаҳр том маънода ҳақиқий савдо-сотик маркази сифатида донг таратган. Карvonсаройларда турли мамлакатлардан келган савдогарлар йигилиб, дунё янгиликлари ҳамда бозорлардаги нарх-наволардан боҳбар бўлишган.

XVII асрга келиб, жаҳон миқёсида илк бор фонд биржаси ташкил килинди. Бу хусусда испаниялик савдогар Жозеф де ла Веганинг китобида қайд

етилишича, 1612 йили “Ост-Индия” компанияси ўз акциялари учун 57,5 фоиз дивиденд тұлған. Компания дастлабки 8 йиллик фаолиятида 1282 фоиз дивиденд тұлади. Шундан кейин унинг акциялары нарында күтарилиб кетди. Қарабсизки, компанияга аввалбошда мәдени міндерда пай улуши күшгандай акциядор 8 йилдан кейин 1282 баравар күп дивиденд олган.

XVIII асрдан зерттеуден жақон мөлдөмдөң маркази аста-секин Лондонга күчі бошлади. Сабаби, 1625 йили Амстердам биржасынан Буюк Британия қыролининг жағохирлари ва қимматбаҳо тошлари 30000 фунт стерлинг қарз олиш учун гаровга күйилди. 1695 йилга келиб, Лондонда қырол биржасы давлат қоғозлари ва акциядорлари билан эркін савдо кила бошлади. Пировардіда фонд биржасы пайдо бўлди. У қимматли қоғозларнинг муомалада бўлишига имконият ва шарт-шароит яратиб, керакли мәдениятларни тарқатади. Шунга кўра, бозор иштирокчиларининг юкори даражада иш юритишларига кўмаклашувчи молиявий ташкилот саналади.

Айрим мәдениятларга кўра, АҚШда 13 та фонд биржасы фаолият кўрсатмоқда. Шундан 3 та энг нуфузлиси 1792 йили Нью-Йоркда ташкил этилган. Уларда АҚШ фонд биржаларига таалукли турли битимлар, шартнома ва келишувларнинг, қимматли қоғозлар савдосининг 80 фоизи амалга оширилади. Фонд биржасы хужжатларининг алланма харакати товар-хомашё биржасиникига инсбатан қарийб 30 марта кўпdir.

Нью-Йорк фонд биржасининг кўплаб аъзоси бор. Биржада ҳар бир жой учун 40 минг доллардан, айримларига 500 минг долларгача пул тўлаш керак. Ҳозир АҚШдаги акциядорлар сони 50 миллиондан ошиб кетди. Мамлакат иқтисоднётининг тез суръатлар билан тараққий топишнинг асосий сабаби қимматли қоғозлар хисобидан тушган маблағларнинг керакли йўналишларга сафарбар қилиниши билан изоҳланади.

Агар компаниянинг молиявий ахволи яхшиланиб, унинг акциялари доимо согилса ва унга талаб бўлса, компания ўз акцияларини биржа савдоларига жойлаштиришга харакат киласи. Қайсибир компания акциясининг фонд биржасида пайдо бўлиши ва сотилиши ўша компаниянинг ҳалқаро мікёсда танилишига ва унга кенг йўл очилишига замин яратади. Акциялар Нью-Йорк қимматли қоғозлар бозорида пайдо бўлса, билингки, бир неча хафтадан сўнг улар энг йирик фонд биржалари хисобланмиш Франкфурт-Майн, Лондон, шунингдек, Токио ва бошқа жақон молиявий марказларига эркин сотилади ва сотиб олинади. Бундай акциялар доимо қадрланади ва харидоргир бўлади.

АҚШда фаолият кўрсатаётган 200 мингга якин турли акциядорлик бирлашмалари ва корхоналаридан атиги 300 таси фонд биржаларида ўз молиявий операцияларини эркин, ҳеч қандай тўсиксиз амалга ошириш хуқукига эга. Бундан кўриниб турибдики, чет элларда фонд биржасынан ҳакиқий, доимий аъзо бўлиш жуда ҳам қийин. Авл-идрокни ишлатиб, бамаслаҳат иш олиб борувчи, иқтисодий, хуқукий ва сиёсий билимга эга раҳбарларгина ўз компаниялари акциядорларига кафиллик берадилар.

Саноат инқилоби хомашё ва озиқ-овкатта бўлған эҳтиёжни кучайтириб, савdonинг жамми ва турлари кўпайнишига олиб келди. Товарлар сифатининг ўхшашлигига ва уларни етказиб беришнинг мунтазамлилигига талабни ошириди.

Хусусан, бозор жойини кўрсатиш, биржа олди-сотисини ташкил этиш ва савдо тартиб-қондаларини қайд килиш билан бирга, нисбий стандартларни белгилаш, намунавий контрактларни ишлаб чикиш, нархларни котировка килиш, ихтилофларни бартараф этиш (арбитраж) ва ахборот фаолияти товар биржасининг асосий вазифаларига айланниб борди. Биржалар аста-секин халқаро савдо марказларига айланди.

Дастлабки биржалар валюта ва фонд биржаларининг илк кўринишлари сифатида ташкил топиб, пул-материал идоралари ҳисобланган. Кейинчалик пайдо бўлган товар биржалари эса кенг маънода улгуржи савдо амалга ошириладиган, катта хажмдаги хилма-хил товарлар реализация килинадиган жойдир. Янаям аникроғи, биржа жойи, куни ва вақти кўрсатилган товар операцияларини ўтказадиган доимий баркарор воситачи демакдир. Қондага кўра, у бирорта товар ёки тор доирадаги товарларга мўлжалланади. Бундай товарлар олатда нефть, дон, шакар каби оммабоп, стандарт маҳсулотлардан иборат бўлади. Биржанинг яна бир ўзига хос жихати шундаки, сотиладиган товарлар дўконда ёки бозорда турганидек биржада сақланмайди. Бу маҳсулотлар ўзларига тегишли барча маълумотлар ва уларга мос келувчи кафолатлар асосида сотилади. Нархлари харидорлар билан ўзаро шартлашувлар жараёнида хал қилинади. Замонавий ва ривожланган биржалар ана шу зайл иш юритади. Демак, биржа сотувчи билан истъмолчини рўбарў қиласи ва улгуржи бозор нархини белгилайди.

Савдо обьекти ҳисобланувчи товар турларига боғлиқ ҳолда биржаларининг фаолият йўналишлари ҳам турлича бўлаци. Масалан, товар, фонд, валюта ҳамда меҳнат биржалари каби.

Биржа савдоси ҳар бир мамлакатда муайян конунлар мажмуи асосида тартибга солинади. Улар нархлар билан қаллоблик қилиш ҳамда бошқа салбий таъсиrlар олдини олиш мақсадларини кўзлайди. Ривожланган давлатларда сўнгги йиллар ичida биржа савдосини конунчиллик йўли билан тартибга солиш кучайди. Илгари аксарият мамлакатларда биржа муомаласи, асосан, уларнинг ўзида ишлаб чикилган месъёрлар ҳамда конунлар асосида амалга ошириларди. АКШда 1973 йилдан фьючерс биржалари ишини барча товарлар фьючерс савдоси бўйича комиссия бошкаради. Унинг ходимлари таркибини Президент тайинлайди ва Конгресс тасдиқлайди. Англияда 1986 йилгача товар биржаси фаолиятини Англия банки кузатиб турган, ундан кейин бу вазифани кимматбахо көгозлар ва инвестиция бўйича Кенгаш бажара бошлади. Францияда биржа савдоларини бошкариш фьючерс товар бозори бўйича комиссияга, Японияда эса турли вазирликлар зиммасига юклатилган.

10.2. Фонд биржасининг моҳияти ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

Биржа - олдиндан белгиланган жой ва муайян вактда, белгиланган қондалар асосида биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахс ҳисобланади. Биржалар ўз фаолиятини товар-хом ашё, фонд ва валюта биржаси турида амалга ошириб, улар акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил

этидади²⁰. Биржалар ташкилий уюшган савдонинг энг мукаммал шакларидан бири сифатида намоён бўлади. Биржалар оркали ҳар бир субъект кенг миқёсларда танлаш оркали ўзи хоҳдаган товарни сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Биржа савдосини расмийлаштириш биржа битимлари оркали амалга оширилади. Биржалар ўзининг ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва кисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин. Унинг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлаштан ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Мухрда бир вактнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. Биржа ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларининг, ишларининг ва хизматларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳакли.

Янги қонунда биржанинг фирма номида “биржа” сўзи бўлиши кераклиги аниқ белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим бўладики, қонунда назарда тутилган ҳолларда биржаларниң фирма номида биржа фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Биржалар белгиланган тартибда лицензия олганидан кейин биржа фаолиятини амалга ошириш хукукини қўлга киритади. Биржаларниң лицензия олиш билан боғлиқ фаолияти эса аниқ хукукий механизмлар билан белгиланади.

Жаҳон амалиётида биржада сотилаётган товарларининг турига қараб биржалар куйилаги турларга бўлинади. Биринчиси – товар ҳом-ашё биржалари, иккинчиси – фонд биржалари, учинчиси валюта биржалари. Бундан таниқари меҳнат биржаси (ишли кучи олди-сотди бозори) ҳам мавжуд. Бизнинг асосий назифамиз фонд биржаларини ўрганиш, уларнинг иқтисодиётдаги, айниқса кимматли қоғозлар бозорида ўрнини аниклаб олишдир.

Классик кўринишдаги фонд биржаси – бу профессионал иштирокчилар томонидан уюштирилган, энг яхши кимматли қоғозларининг доимий равишда амал қилиб турувчи улгуржи бозори бўлиб, у савдо-сотиқнинг ҳамда кимматли қоғозлар ва брокерларга савдоларга рухсат беришининг алоҳида тартиб, тамойилларига эгадир. Фонд биржалари тарихан маълум маънода кимматли қоғозлар бозорининг ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучлари хисобланади. Уларнинг иқтисодий муносабатлар ривожланишидаги роли кўп жиҳатдан фонд бозорларининг аҳамияти билан айнаи бир хил. Шу билан бирга, фонд биржалари ўзининг кўп функционаллиги ва иқтисодиётда мустақил аҳамиятга ўга бўлишига қарамай, эндиликда у фонд бозорларининг уларнинг ўзлари оркали ҳосил қилинган тизимларининг таркибий қисмлари хисобланади.

Классик фонд биржасининг асосий ўзига хос хусусияти қўйидагилардан иборат:

- биржага факат муайян талабларга жавоб берадиган энг яхши кимматли қоғозларга рухсат этилади;

²⁰ Ўзбекистон Республикаси “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида” ти Конуни 2014 йил 12 сентябрь.

- биржа савдоларига фонд биржаси аъзоларининг маҳсус муассасасига алоқадор бўлган шахсларга рухсат этилади;
- кимматли қоғозлар билан савдолар қилишининг муваккат тартиби ва андозалаштирилган савдо-сотик тадбирларининг мавжудлиги;
- савдо-сотикни муайян жойда марказлаштириш;
- биржанинг ўзини-ўзи тартибга солиши, яъни биржани бошқаришни биржа савдолари иштирокчиларининг ўзлари амалга оширади;
- тузилган шартномаларни бажаришга кафолат беради;
- савдо этикасини иштирокчилар ҳулқ - авторини ицлаб чиқади.

Фонд биржаси - қимматли қоғозларнинг алоҳида тарзда уюшган бозоридир. У узок ривожланиш тарихига эга. Тўрт юз йилдан ортиқ мобайнида кимматли қоғозлар билан биржа савдосини ташкил этиш шакли хам, биржани ўзининг жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги роли хам ўзгарди. Биржаларининг ўтмишдошлари кўргазма савдолари ярмаркалар эди, улар ўзининг ривожланиши жараёнида доимий равишда савдо механизмларини такомиллаштириб борди. XV асрда Венсия, Генуя, Флоренцияда кўргазма савдолари катта ном чиқарди. Улар билан бирга товар биржалари хам ривожлана бошлади. Феодализмдан капитализмга ўтиш даврида хўжалик муносабатларини бир-бири билан боғловчи хамда қарз маблагларининг таклифи ва уларга бўлган талабини тартибга сола оладиган маҳсус воситага нисбатан кўптий талаб туғилди. Бундай восита – биржа шаклида – XVI асрда Испания ва Голландия ўртасида савдо-сотикнинг ривожланиши билан шаклланади. Биржа воситасида бозорга олиб чиқилмайдиган, хужжатлар билан тасликланадиган аниқ сифат ва микдорий хусусиятларга хамда талаб ва таклиф асосида расман белгиланадиган нархларга эга бўлган муайян товарлар билан савдо килиш бўйича мунтазам равишда амал қилувчи бозор сифатида юзага келди. Биржада оддий товарлар билан эмас, балки фақат алоҳида талабларга жавоб берадиган товарлар билан савдо-сотиклар амалга оширилади, чунончи товарлар сифат жиҳатдан бир хил бўлиши, микдорига кўра сони, ҳажми ёки оғирлиги билан белгиланган бўлиши, Ушбу туркумдан исталган бошка товар билан алмаштирилиши мумкин бўлиши лозим эди.

Товар биржаларининг ўсиши уларнинг сафидан алоҳида биржаларининг ажратиб чиқнишига олиб келди. Уларда факат ўзига хос хусусиятли товар кимматли қоғозлар билан савдо-сотик килинди. Дастреб бундай биржалар товар биржаларининг ёрдамчи бўлимлари шаклида фаолият кўрсатди. Бирок, валюта айнрошилаш операцияларининг кенгайиши, муомалада тижорат векселларининг пайдо бўлиши кимматли қоғозлар билан савдо-сотик килишга ихтисослаштирилган муассаса – фонд биржаларининг ташкил этилишига заминлар яратди. Биринчи фонд биржасининг пайдо бўлишини тарихчи олимлар 1592 йилдан, яъни Антверпенда биржага тақдим этилган кимматли қоғозлар нархларининг рўйхати зълон қилинган вактдан ҳисоблашади. XVI – XVII асрларининг охирида баржаларда Янги товар давлат кимматли қоғозлари, Англияда Ост-Инд ва Голландияда Вест-Инд компанияларининг вужудга келиши билан эса, дастребки акциялар пайдо бўлди.

Биржалар ўз фаолиятини Уставига асосан олиб борадилар. Унинг уставида кўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- биржанинг тўлик ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили;
- биржа устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;
- биржа томонидан чиқариладиган акцияларнинг сони, номинал қиймати, турлари (оддий, имтиёзли);
- биржа бошқарувининг тузилмаси, биржа кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг ва ижроия органининг аъзолари сони, ушбу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари.

Биржа акциядорларининг умумий йигилниши биржанинг кузатув кенгашини сайлайди.

Биржа кенгашининг ваколатларига кўйидагилар киради:

- биржани ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;
- биржа савдоси қондаларини тасдиклаш;
- биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиклаш;
- биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- биржа савдоси қондаларини бузганилик учун жарималарнинг миқдорларини ва уларни ундириш тартибини белгилаш;
- аъзолик бадалларининг ва биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг миқдорини белгилаш;
- тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиклаш.

Биржа кенгаши конун ҳужжатларига ва биржа уставига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Жорий фаолиятга раҳбарлик қилиш ваколатлари биржа уставида белгиланадиган биржанинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

Биржалар фаолият кўрсатар экан, албатта улар иктисадий-ижтимоий шароитда муайян ҳукуқларга эга бўладилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар. Шу нуткази назардан қараганимизда биржаларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланини лозим. Амалдаги конунчилигимизда эса бунга алоҳида аҳамият берилиб, биржаларнинг ҳукуқлари билан бирга уларнинг мажбуриятлари ҳам алоҳида мустахкамлаб кўйилган. Жумладан, биржа ҳукуқлари сирасига кўйидагилар киритилган:

- котировкалаш, арбитраж, листинг, назорат ва бошқа биржа комиссияларини ташкил этишга;
- агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатишга;
- конун ҳужжатларига мувофиқ танлов, кимошди, кўргазма-ярмарка савдоларини, давлат харидлари ва корпоратив харидларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга;

- биржа ахборотномалари, маълумотномалари хамда бошқа ахборот ва реклама материалларини чиқаришга ҳакли.

Биржалар фаолият кўрсатар экан улар фаолияти аниқ белгиланган қонда ва тамойилларга асосланган бўлиши лозим. Шу жихатдан караганимизда биржалар фаолиятиниң асосий принциплари сифатида қонунчиликимизда куйидагилар қатъй белгиланган:

- биржа савдоларини ўтказишнинг ошкоралиги ва оммавийлиги;
- биржа савдоларида нархлар шаклланишининг эркинлиги;
- биржа битимларини тузишнинг ихтиёрийлиги;
- биржанинг барча аъзолари учун биржа савдоларида иштирок этишда шарт-шароитларнинг тенглиги;
- тузилган биржа битимлари бажарилишининг таъминланиши.

Бундан ташқари, мамлакатимизда валюта биржаларининг фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан амалга оширилганлиги боис "Марказий банк тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасида бунинг аниқ хукуқий асослари келтирилган.

Биржа – бу уюшган бозор. Шундай мисолни келтириш мумкин. Инсонга, масалан, сабзавот ва мевалар зарур. Уларни уйининг ёнида харид қилиши хам мумкин, лекин у кўпинча бозорга йўл олади. Биринчидан, у ерда сотувчилар анча кўп, демак, танлаш имконияти кенгроқ. Иккинчидан, бозорларда товар сифатини текширувчи маҳсус хизматлар мавжуд. Кимматли қоғозлар бозорида хам худи шундай, ҳар қандай шахс акцияларни бирждан ташкарида, «кўчада» сотиб олиш хукуқига эга. Лекин уларни яхши кимматли қоғозлар сотилади. Кимматли қоғознинг сифатини баҳолаш учун биржада эксперт комиссияси фаолият кўрсатади, у муайян услубдан фойдаланган хојда мазкур кимматли қоғознинг савдоларга кўйилиши мумкинлигини ҳал килади. Бутун жаҳонда биржага факат баркарор молиявий аҳволга ва ривожланиш истиқболларига эга бўлган тузилмаларнинг қимматли қоғозларига эркин рухсат этилади. Акцияларни фонд биржасига сотувга кўйиш – бу компаниянинг юкори обрўйсидан далолат беради ва бу унинг учун энг яхши reklama xисобланади.

Хуллас, биржа мамлакат иктисадиётини ҳолатининг барометри сифатида мухим рол ўйнайди. Бу ерда қимматли қоғозларнинг ўртача нархидан уларнинг курсе нархи вужудга келади. Харидорлар ва сотувчиларнинг айрим қимматли қоғозларга бўлган муносабатларини кайд этган холда, биржа алоҳида корхоналарининг ва бутун иктисадиётнинг молиявий жихатдан соғломлигини кўрсатди.

Фонд биржаси Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг вужудга келиши ва ривожланишида алоҳида ташкилий ролни ўйнамоги лозим. Юзлаб йиллардан буён бозор иктисадиёти амал қилаётган мамлакатларда фонд биржаси қимматли қоғозларнинг тартибсиз бозоридан юзага чиқди. Бизнинг республикамизда қимматли қоғозлар бозори давлат ташабbusи билан ва унинг кўллаб-куватлаши орқали барпо этилмоқда. Давлат корхоналари негизида очик акциядорлик жамиятлари ташкил этилиб, уларнинг акциялари эркин сотувчига чиқарилиши лозим. Давлатнинг ташабbusи билан Республика фонд

биржаси ва кимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг бошқа мухим таркибий қисмлари таъсис этилди.

10.3. Биржа савдоларини ўтказиш механизмлари (биржа ва биржадан ташкари, электрон савдолар).

Биржа савдоларига битим тузиш хукукига эга бўлаги ва бундай хукуқга эга бўлмаган шахсларга рухсат этилади. Биржа савдоларида битимлар тузиш хукуқига факат биржанинг ходимлари ёки уларнинг ишонч қоғози бўйича фаолият кўрсатувчи вакиллари эга бўлади. Биржа савдоларига битим тузиш хукукисиз биржа ходимларига, нозорат килувчи органнинг вакилларига рухсат этилади. Буларга қўйидағилар киради:

- биржа Бошқарувининг Раиси ва унинг ўринбосарлари;
- биржанинг бош маклери;
- секциялар ва биржанинг минтақавий бўлинмалари бўйича савдоларни ўтказувчи маклерлар;
- брокерларнинг ёрдамчилари (хар бир брокерлик идораисдан кўпи билан бир киши);
- биржа мутахассислари биржанинг Бошқаруви томонидан белгиланган миқдорда;
- Республика фонд бозорини назорат килувчи органнинг биржа нозири;

Биржа Бошқарувининг Раиси, унинг ўринбосралари, шунингдек, биржа нозири савдоларнинг ўтказилиши жараёнига текорлик билан аралашиб, хатта уярни тўхтатиб туриш, тўлиқ тўхтатиб кўйиш ва савдо сессиясни ёпиб кўйиш хукукига эга. Бош маклер савдоларни исталган секциясида ва биржанинг истлаган минтақавий бўлинмаларида ўтказиши мумкин. У маклерлар томонидан ўз мажбуриятларини тўгри бажарилишини назорат килади ва бутун савдо куни мобайнида тузилган битимларни рўйхатга олади. Савдо зали секциясида ва биржанинг минтақавий бўлинмаларида савдоларни олиб борувчи маклерлар брокерлик идоралари томонидан амалга оширилган битимларни хам қайд этиш хукукига эга.

Биржанинг маклерлар такиби кимматли қоғозлар бозорини назорат килувчи органнинг қимматли қоғозлар билан операцияларини амалга ошириш хукукини берувчи шаҳодатномаларига, электрон савдо тизимидағи автоматлаштирилган иш ўринида ишлашга ўқитилганлик ҳакида гувоҳномаларга, шунингдек, фонд биржаси малака комиссиясининг сертификатларига эга бўлиши шарт. Биржа хизматчилари кимматли қоғозлар билан биржа битимларида иштирок эти, ўзининг брокерлик идоралрини ташкил этиш, биржа операцияларини амалга ошириш учун хизмтага доир ахборотдан фойдаланиш ёки Ушбу ахборотни бонқаларга етказиш хукукига эга эмас.

Савдолар вақтида савдо залида иштирок этаётганларнинг барчачи ёиларида тегишли ҳужжатларга эга бўлиши шарт. Мехмонлар ва биржага келиб-кетувчилар биржа раҳбариятининг маҳсус рухсати билан кузатувчининг иштиоқида кузатиш майдончаси бўлиши ва савдоларни кузатиши мумкин. Биржага киритилиш тартиби ҳамда савдолрага рухсат этилган иштирокчилар ва

бошқа шахсларнинг тенглаштирилишини биржанинг тегишли бошқармаси амалга оширади. Савдолар бирданинг операция (савдо) залида, минтақаларда эса, биржанинг Бошқаруви томонидан белгиланган жойларда ўтказилади. Кимматли қоғозларнинг хар хил турлари бўйича савдолар савдо залининг турли жойлари (секциялари, майдончалари)да, ёки бир жойда турли вактларда ўтказилиши мумкин. Бошқарув расмий биржа вактини ва савдолар жадвалини тасдиқтайди. Тасдиқланмаган жадвал бўйича савдоларнинг ўтказилишига йўл кўйилмайди.

Фонд биржасида хусусийлаштирилаётган корхоанларнинг кимматли қоғозлари билан савдолар кимошиби савдоси щаклида электрон усул билан амалга оширлади. Электрон савдо тизимидаи барча операциялар биржанинг савдо залида ва унинг минтақавий бўлинмаларида жойлашган биржа савдоси электрон тизимишиниң барча терминалларидан (компьютерлардан) фойдаланилган холда аник вакт мобайнида амалга оширлади. Брокерлар биржанинг савдо тизимида киришда тенг хукукга эга. Брокерлик идорасининг хар бир вакилинга алоҳида терминал белгиланган бўлиб, унинг ёрдамида кимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича битимлар бажарилади ва тузилган шартномалар расмийлаштирилади. Уларга биржанинг маълумотлар базасида мавжуд бўлган эмитентлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Агарда брокерлик идорасининг вакиллари тизимга кириш учун рухсатномага эга бўлмаса, брокерлик идораси бевосита савдо залида иштирок этабётган биржанинг мутахассиси оркали савдо килиши мумкин.

Савдолар бошланишидан олдин савдо тизимида рухсатсиз кириш ҳолларига йўл қўймаслик максадида, брокерлик идорасини тенглаштириш учун брокер тизимга ўзининг паролини киритади. Брокерлар ўз паролини ошкор килиш, шунингдек, савдо тизимида бегона парол остида кириш хукукига эга эмас. Мазкур қондани бузганлик учун брокерлик идоралари жазо чоралари кўлланилади.

Брокерлик идоралари савдоларда талабномалардан фойдаланган холда ва улардан фойдаланмасдан ҳам иштирок этиши мумкин. Сотиб олиш ёки сотиш учун талабномалар биржага ёзма равишда намунавий шакл бўйича берилади. Унда брокерлик идораси, кимматли қоғоз ва унинг эмитентининг реквизитлари, битимининг кўзда тутилаётган шартлари кўрсатилади. Кўшимча равишда эмитент бўйича батафсишроқ маълумотларни ва эмиссия проспектини ўз ичига олган талабномага илова, шунингдек, брокерлик идорасининг мазкур кимматли қоғозларни бошқарувчиси бўлини хукукини тасдиқловчи «депо» ҳисобрақамининг мақомини ўзгартириш (мухосара килиш) учун тоширикнома тақдим этилади.

Юкорида санаб ўтилган барча хужжатларнинг зарур реквизитлари биржанинг масъул ходими томонидан электрон савдо тизимида киритилади. Бу тизим талабномаларни ҳисобга олиш модулида бўлажак савдо сессиясига кўйиладиган кимматли қоғозлар бўйича талабномалар рўйхатини шакллантиради. Вилоятларда жойлашган брокерлик идоралари тегишли хужжатларни биржанинг шульба хўжалик жамиятларига топшириради, у ердан

уларнинг реквизитлари факс бўйича ёки электрон почта орқали «Тошкент» РФБга жўнатилади.

Бошқарув томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ барча талабномалар қабул қилинганидан сўнг бўлажак савдо сессияси учун талабномалар рўйхати шаклланади. Уни брокерларнинг ўзлари қозода босмалантган ҳолда савдолар бошланишига бир соат колганда ёки электрон шаклда биржаси савдо залининг терминалларидан олиши мумкин.

Савдо сессияси бошланишига бир соат колганда биржанинг ходимлари электрон тизими тайёрлай бошлайди ва унинг ишга лаёқатлиигини текширади. Брокерларга ушбу вактда операция залида бўлишга ва биржанинг маълумотлар базасида мавжуд бўлган эмитентлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишига руҳсат берилади.

Агар брокер Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг номидан иштирок этаётган бўлса, у бош маклерга ёзма аризани берган ҳолда (олиб ташлаш сабабини кўрсатиб) талабномалар рўйхатига киритилган талабномани унга хеч канака жазо чоралари қўлламасдан савдолар бошланишига 30 дакика колгунча олиб ташлаш хукукига зга. Бошқа холатларда у маклер томонидан савдолардаги тегишли мавқе эълон қилунга қадар талабномани олиб ташлаши мумкин. Брокер томонидан олид ташланган мавқелар кейинги савдо сессиясига кўйилмайди. Уларни савдолга такроран кўйиш учун брокер зарур хужоатларни қайтадан биржага топшириши лозим.

Савдо сессиясига берилган талабномалр рўйхатига киритилган мавқега зга бўлган брокерлар сессияда маклер томонидан ушбу мавқелар эълон қилинаётган вактда иштирок этиши шарт. Акс ҳолда уларга нисбатан тегишли жазолар қўлланилади.

Савдолар бошланганилиги ҳақида эълон эшиттирилганидан кейин биржаси маклери электрон савдо тизимини ишга туширади. Бу тизим дастурга мувофиқ мавқеларни бирин-кетин брокерларга кўриб чиқиш учун жўнатади. Ҳар бир мавқе учун 15 сония вакт ажратилади. Бу вакт ичida бокер:

- таклиф нархининг пасайтирилишини сўраши;
- савдолга кўйилган пакетнинг кисмларга ажратилишини сўраши;
- электрон почта тизими орқали қўшимча ахборотни сўраши;
- кимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиш учун талабнома жўнатиши мумкин.

Муайян мавқеи бўйича битим тузниш ҳақида карор қабул қилинган ҳолларда брокер савдо тизимига у бўйича кимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиш учун скровнома юборади. Агар 20 сония давомида бирор-бир бошка брокерлик идорасидан янги талабнома келиб тушмаса, маклер битимни қайд этади. Бу ҳол савдо зали ва биржанинг минтақавий бўлимларидаги барча терминалларда, шунингдек, электрон биржасида акс эттирилади. Агар кўриб чиқилаётган мавқега икки ёки ундан ортиқ брокерлик идорасидан талабномалр тушган бўлса, улар ўртасида ким ошди савдоси ўтказилади. Бу савдо барча терминаллар бўйича олиб кўрсатилади (трансляция қилинади). Ким ошди савдосида энг юкори нархни таклиф қилган брокер галиб бўлади. Унинг ўзи битим тарафдорига айланади. Мавқенини эълон қилиш вактида иштирок

этмаётган мваке бўйича сўровнома тушганда, маклер битимни берилган талабномага мувофиқ кайд этиши мумкин, бироқ агар талабномалар бир вактнинг ўзида бир неча брокерлик идораларидан келиб тушса, ушбу мавкеи савдодан олиб ташланади.

Маркет-мейкерларнинг алоҳида роли. Маркет-мейкерлар, ёки расмий дилерлар биржада листинг корхоналарнинг қимматли қоғозлари билан операцияларни ўз маблағлари хисобидан ҳам, шунингдек жалб этилган (карз) маблағлари хисобидан амалга оширади. ўз маблағлари ва жалб этилган маблағларни тасдиқлаш учун маркет-мейкер пул маблағларини биржага хизмат кўрсатувчи хисоб-китоб клиринг ташкилотида депонентлайди. Савдолар бошлигунга қадар маркет-мейкер қимматли қоғозларни ҳам депозитарийда депонентлайди. Уларнинг депонентланганинги ва шу тарика ишга тайёрлигини тасдиқлаш учун маркет-мейкер биржага қуйидагиларни тақдим этади: шахсий «депо» хисобрақамида қимматли қоғозлар мавжудлиги ҳакида, шунингдек, листинг корхонасининг «депо» хисобрақамида қимматли қоғозлар мавжудлиги ҳакида депотарийдаги «депо» хисобрақамидан кўчирмалар; хисоб-китоб клиринг ташкилотидаги ўзининг хисобрақамида ўз маблағлари ва карз маблағларининг мавжудлиги ҳакида алоҳида кўчирмалар.

Олдиндан ёки савдолар жараёнида ҳар бир маркет-мейкер маълумотларни электрон савдо тизимига киритиш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотишининг қаътий бошлангич нархини расман эълон қиласди. Маркет-мейкерга қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиш истагида мурожаат қилинган шахслар билан битимларни тузиш олдиндан эълон қилинган нархлар ва микдорга мувофиқ амалга оширлади. Маркет-мейкернинг битимларни тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди ва бу тартиб бузаганлик сифатида баҳоланади. Бу ҳол давлат нозирининг ҳисботида кайд этилади. Нархдан ташкари маркет-мейкер харид қилинадиган ёки сотиладиган қимматли қоғозларнинг энг кам ва энг кўп микдорини, шунингдек, эълон қилинган нархларнинг амал қилиш муддатини ҳам эълон қилиши мумкин. Агар ушбу шартлар эълонда кўрсатилмаган бўлса, қимматли қоғозлар олди-сотилиси бўйича шартномалар мижоз томонидан тақлиф этилган шартларда тузилади.

Маркет-мейкер листинг майдончасида ишлаётганда у бир битимнинг ўзида ҳам брокер, ҳам дилер сифатида иштирок эта олмайди, яъни, қимматли қоғозларни ўз номидан харид қилиши ва сотиши ҳамда битимнинг бошқа иштирокчисидан тегишли воситачилик ҳақини олиши мумкин эмас. Листинг корхонасига хизмат кўрсатиш бўйича битимлар билан ўз дилерлик операцияларини уйгунаштирган ҳолда маркет-мейкер ўзидаги ушбу нархлар бўйича мавжуд бўлган буйрукларни бажармаслан туриб, ўз номидан қимматли қоғозларни эълон қилинган нархдан паст ёки унга тенг нархда сотиб олиш (мос равниша юкори ёки тенг нархда сотиш) ҳукукига эга эмас. Буидан ташкари, маркет-мейкер буйрукларни туташтириши, яъни бир хил туркумдаги қимматли қоғозларни бир хил нархда харид қилиш ва сотиш учун берилган топширқномани бирлаштириш ҳукукига эга эмас.

Маркет-мейкерларнинг «Тошкент» РФБдаги фаолияти 1998 йил 8 марта тасдиқланган Расмий дилер (маркет-мейкер)нинг макоми тұғрисидаги маҳсус низом билан тартибға солинади.

Минтақавий бўлинмалардаги савдоларда иштирок этиш. Биржанинг минтақавий бўлимнида фаолият кўрсатадиган брокерлар масъул мутахассисга улар қайси мавке бўйича битимни амалга оширишни исташаётга оғлигини билдиради. Масъул мутахассис бундай талабномани олгандан кейин савдолар вактида бош маклерга савдо залига тегишли мавқеларни кўрсатган ҳолда сўровнома юборади. Сўровномани олган бош маклер савдо залидаги ва биржанинг минтақавий бўлинмалари барча брокерлик идораларига кўрсатилган мавқелар бўйича таклифлар тўғрисида сўровнома юборади. Ижобий жавоб олинганидан сўнг у сўралган мавқеларга ўтади. Минтақавий бўлинмаларда иштирок этаётган брокерлик идоралари ўртасида ким оши савдоси юзага келгани ҳолларда брокерлик идоралардан тушган талбаномаларни савдо тизимиға киритиш масъул мутахассис томонидан уларни келиб тушиш кетма-кетлигидаги амалга оширилади. Ким оши савдосининг тадбири эса, савдо залида иштирок этаётган бош маклер томонидан тайинланади.

Савдо сессияси вактида баённома юритилади. У савдолар тугаганидан кейин биржанинг бош маклери ва биржа нозири томонидан имзоланади. Савдолар тугаганидан кейин бир соат ичидаги минтақавий бўлинмалар масъул мутахассис ва ушбу бўлимда итирок этаётган биржа нозирининг ёрдамчиси томонидан имзоланган ўзларининг баённомаси нусхасини биржага жўнатади. Савдо сессияси тугаганидан кейин савдо залида битим тузган брокерлар битимни рўйхатга олиш ва ракасини ва олди-сотди шартномасини тўлдиришади.

Савдо тизимида техник бузилишлар содир бўлганда, бош маклер савдоларни тўхтатиб туриши ва зарур ҳолларда уларни кейинги кунга кўчириши мумкин. Биржанинг минтақавий бўлимни биржа Бошқарувига содир бўлган техник бузилиш ҳакида расмий баён қилиши мумкин. Бундай вазиятда хизмат текшируви тайинланади. Текширув натижаларига кўра айбдор шахсларга нисбатан жарима солиниши мумкин.

Хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозлари ҳам биржа расмий рўйхатига киритилиши мумкин. Қимматли қоғозларни биржа расмий рўйхатига киритиш ва ундан чиқариш тўғрисидаги қарор Эксперт — котировка комиссияси томонидан экспертиза ўтказиш натижалари асосида кабул қилинади. Қимматли қоғозларни экспертизадан ўтказиш ва уларни биржа расмий рўйхатига киритиш учун эмитент биржага ариза ва биржа томонидан белгиланган қатор хужоатларни топширади. Хужоатлар корхона томонидан, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари эса, мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланishi зарур. Эмитентлар томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида хужжатларда молиявий баркарорлик, ликвидлилік, бозор фаоллиги аникланади, эмитентнинг иш юзасидан обрўси, унинг ишончлилиги ва шу кабилар кўриб чиқилади. Таҳлил эксперт — таҳлилий бошкарма томонидан ўтказилади, шундан кейин таҳлил натижалари қимматли қоғозларни биржа расмий рўйхатига киритиш ёки киритишдан бош

тортиш тұғрисидеги тәгишли тавсияномалар билан бирга Эксперт — котировка комиссиясына топширилады. Мазкур комиссия якуний қарорни кабул қылады.

Эксперт — котировка комиссиясы ижобий қарор қабул килганды эса, әмбенттің қимматли қоғозларига биржа савдоларига күйилишта рухсат этилады. Бирок, әмбенттің корхона биржаса хар өндеулик хисоботтың тақдым этиши шарт, ушбу хисобот биржа томонидан таҳлил қилинады. Бунда зарур холларда биржа әмбенттің күшимчә ахборотты талаб қилиши мүмкін. Биржаса ахбороттың тақдым этмаслик мазкур әмбенттің қимматли қоғозлары бүйіча савдоларнинг тұхтатилишига, унинг бошқа тоифага үтказилишига ёки биржа расмий рўйхатидан бутунлай чиқарилишига олиб келады. Шу таріқа, сармоядорлар хукуқларини химоя қилиш максадыда биржа томонидан әмбентті молиявий ахволининг кейінгі назорати амалга оширилады.

10.4. Акцияларни очық обуна тартибда халқаро фонд биржаларига жойлаштириш (IPO – Initial Public Offering) ва листинг ва делистинг жараёнлари хамда уларға күйилділік талаблар.

Бугунғи кунда мамлакатимизда корпоратив молиявий муносабаттарни самарали ташкил этиште алохидан зытибор қаратылмокда. Чунки корпоратив молиявий муносабаттар натижасыда хам давлат, хам уй хұжалиғи бевосита даромадтарға зәға бўладилар, шунингдек, халқаро меҳнат тақсимотида мамлакаттың эгаллаб турган ўрни мустаҳкамланади. Шундан келиб чиққан холда бу борада қонунчилик хужжатлари мунтазам равишда тақомиллаштирилиб, корпоратив тузилмалар фаолиятини ривожлантириш масаласына жиғдий ёнлашилмокда. Биринчи президенттімиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “корпоратив ёки акциядорлик бирлашмаларимизнинг фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш, уларни хорижий давлатлардагы ана шундай корхоналар билан тақкослаб кўриш зарур. Чунки, бугунғи кунда иктиносидай ривожланған мамлакатларда, айникса, саноат соҳасида мулкчиликнинг бундай шакли мухим ўрин тутади.”

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг халқаро даражада ракобатбардошлигини оширишда хорижий капитал жалб килип масаласи мухим ахамиятта эта. Бу масала акцияларни очық обуна тарзидан халқаро фонд биржаларыда жойлаштириш оркали хам амалга оширилади хамда ишлаб чиқарып ва хизмат кўрсатиш сифатининг ўсишига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Шу боисдан куйида айнаш шу масала хусусида тўхталиб ўтамиз.

Акцияларни очық обуна тартибда жойлаштириш амалиёти кискача IPO (инг. «Initial Public Offering») деб юритилади. IPO әмбенттің томонидан акцияларни бозорда бирламчи очық обуна усулида жойлаштириш бўлиб, бу жараён давомида улар инвесторларнинг кенг доирасынга кириб борадилар ва фонд биржасида эркин савдони амалга оширадилар. Бошқача килиб айтганда, IPO деганда, әмбенттің компанияның акцияларини очық бозорда биринчи марта сотувга чиқариши тушуннелади. Шу йўл билан компания «ёпик»дан «очик»га ўзгаради, яъни мазкур компания акцияларига кизиқиб қолган инвесторлар

уларни фонд биржасида эркин сотиб олишлари мумкин. Компания кимматли қоғозларининг биржада муомалага чиқиши натижасида уларни эркин савдо-сотиқ предмети бўлишига, ликвидлилиги ошишига ва уларнинг бозор баҳосининг максимал ўсишига олиб келади. IPO ёрдамида компанияда жорий харажатларни қоплашга ва йирик лойихаларни амалга ошириш учун узок муддатли ташки молиявий ресурсларни жалб қилиш имкони тугилади. IPO учун талаб қилинадиган жараёнлар ва уларнинг амалга оширилиши компаниянинг шаффоғлигини оширади ва унинг молиявий ҳолатини объектив баҳолаш имконини беради. Умумий ҳолда оддий акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириш IPO операцияларининг афзалликлари ва камчиликлари сифатида куйидагиларни келтиришимиз мумкин (10.2.1-жадвал).

10.2.1-жадвал.

Оддий акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириш ва IPO операциялари афзалликлари ва камчиликлари.

| № | Афзалликлар | Камчиликлар |
|----|--|--|
| 1. | Бу манба ўзида мажбурий тўловни ўзила ажэ этирмайди, яъни дивиденд тўлаш тўғрисидаги карор директорлар кенгаши томонидан қабул қилинади ва акциядорлар умумий йигилишида тасдиқланади. | Корхонани бошкарнишда ва фойданни пакенмлашда иштирокчилар сони ортади. |
| 2. | Акциялар қопланнин бўйича катъний белгиянган муддатга эга эмас, чунки акциялар доимий капитал манбаси бўлиб ҳизмат қиласи. | Қўшимча акциялар эмиссияси инвесторлар томонидан салбий сигнал сифатида қабул қилиниши ва бу киска муддат ичкада акциялар курсининг пасайнишга олиб келиши мумкин. |
| 3. | Акциялар ликвидлигигининг ошиши ва капитал қиймати пасайгандга йирик, узок муддатли молиялаштириш манбасига эга бўлиши. | Молиявий ва юридик маълумотларининг ошкоралиги. |
| 4. | Келажакда позициялари кучлирок компания билан ўзаро бирлашишининг осонлашиши. | IPOни тақсил этиш билан боғлик харажатларининг юқорилиги. |
| 5. | Инвесторлар ва мулкдорлар учун бизнесдан чиқиш йўлининг осонлашиши. | «Рақиб» акциядорларнинг компания фаолиятига кириб келиш экстимоли. |
| 6. | Компания туфузининг оғини, уннинг бозорда танилиши ва инвестицион жозибадорликининг таъминланниши ва бошқалар. | Компаниянинг инвестицион тарихи бўлиши шартлиги. |

IPO жараёни кўп боскичли бўлиб, узок вактни (бир неча йилларни) ва юқори микдордаги молиявий харажатларни талаб қиласи. Компаниянинг ички тайёргарлигидан ва барча зарурӣ жараёнлардан ўтишидан ташқари, IPOнинг амалга ошиш вакти иқтисодиётнинг жорий ҳолати билан боғликлигини хам алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бозордаги нобаркарор ҳолат капитални жойлаштириш бўйича риск даражасини кескин ошириши ва кутилаётган капиталлашув даражасига эришиш имкониятини пасайтириши мумкин.

Компания ўз ички имкониятларини таҳлил қилған ҳолда IPO операцияларини амалга ошириш түгрисида қарор қабул қилғандан кейин, тайёргарлик жараёнини боңгайлади. Бу жараён бир неча йилларни ўз ичига камраб олган түртта боскични ўзида акс эттиради. Ҳар бир боскич ҳақида қуйидә түхталиб ўтамиз.

Биринчи боскичда ташкилотчилар ва IPO иштирокчилари гурухи тузилади ҳамда улар томонидан компания молиявий стратегияси белгиланади ва мөсравиша бизнес режа ишлаб чыклади. Шунингдек, компания тайёргарлик даражаси молиявий томондан баҳоланади. Бу жараёнда халкаро стандартлар асосида молиявий хисоботлар тайёрланади.

Иккинчи боскичда ташки хамкорлар, маслаҳатчилар, йирик потенциал инвесторлар томонидан компания молиявий ҳолатининг ишончлилигини текшириш (ингл. «due diligence») жараённага катта эътибор қаратиласди. Бу жараён ўз ичига оладиган жиҳатлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

10.2.2-жадвал

Компания молиявий ҳолатининг ишончлилигини текшириш жараёнлари.

| Молиявий таҳлил ва баҳолаш | Аудит ва молиявий текширув | Хукукий қамкорлик ва хамрохлик |
|---|--|---|
| 1. Амалтә ошпрадигин мутахасиселар | | |
| Молиявий аналитиклар, корхона бизнесини баҳолаш бўйича эксперталар. | Юкори малакали аудиторлар. | Мажеус ютиссанлариган юристлар. |
| 2. Жамоатини ниг мақсади | | |
| Инвестициялар объектининг ҳақиқий қийматини аниқлаш, ҳаридорга унинг келигуидаги фойдаланини юзасидан турли хил варианталар бўйича корхона қиймати дипазонини белгилаш. | Корпоратив молиявий текширув ўтказиш, корхона фаолиятини экспертизадан ўтказиш, фойда ва солик рискларини белгилаш. | Компания фаолиятини юрилик ва хукукий экспертизадан ўтказниш, уни ҳарид қилини билан боғлик рискларни максимал даражада аниқлаш. |
| 3. Амалга ошириладиган ишлар | | |
| <ul style="list-style-type: none"> - ҳаридорнинг корхона фаолиятининг амалдаги тартибини саклаб қолиш ёки нафбатдаги бизнес бирориги сифатида ҳолдинг таркибига кўшиб олиш нуқтаси назаридан корхонанинг бозор, инвестицион ва тутасин қийматлари баҳоланади; - молиявий аналитиклар буюртмачига қимматин қоғозларни сотиб олиш түгрисида қарор қабул қилиш учун бир неча хил стандартлар оркали аниқланадиган нарх диапазонини тақлиф қиласди. | <ul style="list-style-type: none"> - корхона тушумлари ва ҳаражатлари таркиби таҳлил қилинади; - ички назорат тизими баҳоланади; - асосий воситалар, молиявий кўйилмалар, лебиторлик ва кредиторлик қарзлари, захираплар таҳлил қилинади; - кредит шаржномалари ва мажбуриятлар таҳлили, шартни мажбуриялар таҳлили амалга оширилади; - активлар ва мажбуриятлар хисобининг тўпиклиги ва ишончлилиги текширилади; - юзага келишин мумкин бўлган солик рисклари ва натижани | <ul style="list-style-type: none"> - таъсис хужжатлари, юрилик статус, корпоратив бошқарув түгрисидаги хужжатлар, бошқарув органилари хайъат карорлари, асосий ишончномалар бўйича шарх тайёрланади; - акциялар бўйича асосий битимлар, акциялорлар ва уларнинг мулкий ва яомулкий хукуклари ҳақида маълумотлар таҳлил қилинади; - корхона фаолиятини давлат томонидан |

| | | |
|--|--|---|
| | (фойдани) белгилаш; - шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган солик мажбуриятлари мөндорини ва унинг молиявий ташжага таъсири аниқланади. | тартибга солиш, асосий шартномалар ва корхонанинг мулкни хукуқлари, меҳнат муносабатлари ва никоят-даъво фаолияти ўрганилади. |
| 4. Иш натижалари | | |
| Корхона бизнесини ёки акциялар пакетини баҳолаш тўғрисида хисобот. | Молиявий экспертиза тўғрисида хисобот. | Компания юридик экспертизаси тўғрисида хисобот. |

Шунингдек, қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича PR-агентлар, инвесторлар билан ишлашга жиддий ёндашилиб, потенциал инвесторлар олдида тақдимотлар ўтказилади. Тақдимотлар ўтказиш учун потенциал инвесторларни танлашда инвестор фаолияти ташкил этилган давлатда солиқса тортиш даражасини хам хисобга олиш талаб этилади. Чунки дивидендларга нисбатан солиқ юки юкори бўлган давлатларда акциялар сотиб олиш оркали даромад кўришга интилиш даражаси ниҳоятда паст бўлади.

Бундан ташқари, мазкур босқичда савдо майдонини танлаш, яъни қимматли қоғозлар бўйича олди-сотди битимлари рўйхатта олинадиган фонд биржаси ва очик бозорга чиқиш вакти аниқлаб олинади.

IPO ўтказиш босқичларидан энг асосийси хисобланган учунчи босқичда қимматли қоғозларни давлат органларида ва биржада рўйхатдан ўтказиш, жойлаштирилини кутиластган қимматли қоғозлар нарх диапазонини белгилаш, бирламчи эмиссия проспектини чоп этиш амалга оширилади.

Якуний тўртинчи босқичда эса компания акцияларининг биржада муомаласи бошланиб, унда акциядорлар ва менежерлардан ташқари андеррайтерлар, молиявий, юридик ва солиқ маслаҳатчилари, потенциал инвесторлар ва молия бозорининг бошқа иштирокчилари катнашади. Шунингдек, стратегик аҳамиятга эга компаниялар акцияларини жойлаштиришда давлат органлари хам иштирок этиши мумкин. Бунда андеррайтерлар бирламчи бозорда акцияларни кафолатли жойлаштириш билан шугулланса, солиқ маслаҳатчилари акцияларни жойлаштиришда солиқса оид масалалар юзага келганда бевосита иштирок этади.

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, IPO операцияларини ўтказиш маълум даражада харажатларни талаб килади. Бунда акцияларни жойлаштиришга кетадиган харажатларни шартли равнинда бошланғич ва асосий харажатларга бўлиш мумкин. IPO ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашга кетган харажатлар бошланғич харажатлар сифатида баҳоланади. Асосий харажатларни эса бевосита тайёргарликка кетадиган харажатлар ташкил этади ва бунда энг кўл харажат талаб киладиган жараёни бу компания молиявий холатининг ишончлилигини текшириш жараёнидир.

IPO ўтказиш бўйича асосий харажатлардан бири Халкаро фонд биржаларига листинг учун дастлабки тўловлар ва ҳар йиллик бадаллар

хисобланади. Күйнде халқаро фонд биржаларида амал қылувчи листинг учун дастлабки ва ҳар йиллик бадалларни көлтириб үтамиз (10.2.3-жадвал).

10.2.3-жадвал

Халқаро фонд биржаларида листинг учун дастлабки ва ҳар йиллик түловлар.

| № | Фонд биржасы номи. | Листинг учун дастлабки түловлар. | Ҳар йиллик бадаллар: |
|---|--------------------------|--|---|
| 1 | NASDAQ Dubai. | 70000-250000 АҚШ доллары. | 20000-50000 АҚШ доллары. |
| 2 | “Гонгконг” фонд биржасы. | 150000-650000 Гонгконг доллары. | 145000-1188000 Гонгконг доллары. |
| 3 | “Лондон” фонд биржасы. | 6,4 млн фунт стерлингдан 369,7 млн. фунт стерлингтacha. | Бозор капитализациясига болған равища 4200 фунт стерлингдан 41400 фунт стерлингтacha. |
| 4 | “Нью Йорк” фонд биржасы. | <75 млн. АҚШ доллары бўлса 0.0048; 75-300 млн. АҚШ доллары бўлса 0.00375; >300 млн. АҚШ доллары бўлса 0.0019 коэффициент. | Бозор капитализациясигин 0.00093 коэффициенти, минимум 3800 АҚШ доллари. |
| 5 | “Москва” фонд биржасы. | 105000 рубльдан 265000 рублигача. | 15000 рубль. |

Юкоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, халқаро фонд биржаларида акцияларни жойлаштириш бўйича харажатлар нисбатан юкори. Лекин шунни ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозимки, IPO ни ташкил этиш ва ўтказиш юкори миқдордаги харажатларни талаб қиласа-да, шунга юкори миқдордаги капитални ҳам жалб қилиш имконини беради. Буни фонд бозори тарихидаги энг юкори ўнталика кирган акцияларни бирламчи очик жойлаштириш операциялари хакидаги кўйидаги жадвалдан ҳам кўрсак бўлади (10.2.4-жадвал).

10.2.4-жадвал.

Фонд бозори тарихидаги энг юкори ўнталика кирган акцияларни бирламчи очик жойлаштириш операциялари

| № | Компания номи. | Жалб қилинган капитал миқдори. | Фаолият содаси. |
|----|------------------------------|--------------------------------|-------------------------|
| 1 | Alibaba (Хитой). | 25 млрд. АҚШ доллари. | Интернет савдо. |
| 2 | Visa (АҚШ). | 17,9 млрд. АҚШ доллари | Тўлов тизими. |
| 3 | Enel S.p.A (Италия). | 16,5 млрд. АҚШ доллари. | Электроенергетика. |
| 4 | Facebook (АҚШ). | 16 млрд. АҚШ доллари. | Ахборот технологиялари. |
| 5 | General motors (АҚШ). | 15,8 млрд АҚШ доллари. | Автосаноат. |
| 6 | Deutsche Telekom (Германия). | 13 млрд АҚШ доллари. | Телекоммуникация. |
| 7 | AT&T Wireless (АҚШ). | 10,6 млрд АҚШ доллари. | Телекоммуникация. |
| 8 | Kraft Foods (АҚШ). | 8,7 млрд АҚШ доллари. | Озиқ-овқаг саноати. |
| 9 | France Telecom (Франция). | 7,3 млрд АҚШ доллари. | Телекоммуникация. |
| 10 | Telstra (Австралия). | 5,6 млрд АҚШ доллари. | Телекоммуникация. |

Компанияларнинг акцияларини жойлаштириши бўйича листинг учун тўловлардан ташкир фонд биржалари томонидан белгилаб кўйилган алоҳида талаблар ҳам мавжудлигини қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, “Нью-Йорк” фонд биржасида компания акцияларини листингдан ўтказиш учун охирги молия йили бўйича соликлар тўлангунга кадар даромад 2,7 миллион АҚШ долларидан, охирги икки йил давомидаги фойда 3 миллион АҚШ долларидан, моддий активларнинг соф киймати 18,0 миллион АҚШ долларидан, акциялар курс киймати 19 миллион АҚШ долларидан, охирги олти ой давомида эмитент акциялари савдоларининг ўртача ойлик хажми 100 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги, шунингдек, 100 та ва ундан ортиқ акцияларга эгалик килувчи акциядорлар сони камида икки мингтани ташкил этиши шарт. Лондон фонд биржаси томонидан эса компаниялар тижорат, молиявий ва бошқарувга онд ахборотларининг очиклиги билан бирга бозор капитализацияси 700 минг фунт стерлингдан кам бўлмаслиги, муомалага чиқарилган акциялар эркин муомалада бўлиши, камида 25 фоиз акциялар компания директорлари хисобланмаган акциядорларга тегитшли бўлиши, бирорта ҳам акциядор 30 фоиздан ортиқ овозга эга бўлмаслиги талаб этилади.

Умуман, юкоридагилардан келиб чиккан ҳолда акцияларни очик обуна тарзида ҳалқаро фонд биржаларида жойлаштириш, яъни IPO операцияларининг ташкилий хусусиятларига доир куйидаги холосаларни алоҳида келтириб ўтиш мумкин:

Биринчидан, акцияларни очик обуна тартибида жойлаштириш нисбатан юкори микдордаги харажатларни, кўп вактни талаб килсада, катта микдордаги капитални ҳам жалб килиш имконини беради. Бу ўз наебатида, янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини яратади.

Иккинчидан, ривожланётган давлатлардаги стратегик ахамиятга эга корпоратив тузилмалар томонидан IPO операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида мазкур амалиётнинг камчиликларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Чунки нохолис кайфиятдаги инвесторларнинг корпоратив тузилмалар фаолиятнiga кириб келиши компания молиявий хавфсизлигига путур етказилиши билан бир вактда мамлакат иктисадиётига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Учинчидан, потенциал инвесторларни жалб килиш максадида тақдимотлар ўтказиш жараёнида инвестор фаолияти ташкил этилган давлатда соликка тортиш даражасини ҳам хисобга олиш лозим. Чунки дивидендларга нисбатан солик юкори бўлган давлатларда акциялар сотиб олиш оркали даромад кўришга интилиш даражаси ниҳоятда паст бўлади.

Тўртинчидан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари акцияларини ҳалқаро фонд биржаларига очик жойлаштириш амалиётини ташкил этишда листинг талабларидан бири хисобланган дастлабки тўловлар ва ҳар йиллик тўловлар даражасини хисобга олиш лозим. Чунки бундай тўловларнинг амалга оширилиши акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатмаслиги талаб этилади.

Бешинчидан, ҳалқаро стакчи фонд биржаларининг IPO бўйича талабларига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча акциядорлик

компанияларининг ҳам жавоб бера олмаслигидан келиб чиқсан ҳолда минтақавий фонд биржаларини ривожлантириш ёки талаблари нисбатан қулайрок бўлган фонд биржаларига акцияларни жойлаштириш бўйича стратегик молиявий режалар мамлакат миқёсида қабул қилиниши ва амалга оширилиши мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз.

Биржа корхонанинг биржа расмий рўйхатига киритилиш учун тақдим этган хужжатларини ёниқ равишда кўриб чиқилишини таъминлайди. Агар хужжатлар рўйхатга киритилса, у ҳолда биржа топширинган хужжатлардаги мавжуд ахборотни ошкор этиш ҳакидаги конунчилик талабларида қўзда тутилган ҳажмда, шунингдек, эмитент билан келишган ҳолда у тўғрисидаги бошқа ахборотни тарқатиш хукуқига эга. Фонд биржаси фонд бойликларининг биржа расмий рўйхатини оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда зылон килади ва уни манфаатдор шахслар ўртасида тарқатади.

Қимматли қоғозлар листинги тадбирини ўтказиши учун Тошкент" РФБга тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати

1. Листинг тадбирини ўтказиш ҳакида ариза.
2. Таъсис хужжатлари (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Корхонанинг давлат рўйхатига олинганлиги ҳакидаги гувоҳноманинг тасдиқланган нусхаси.
4. Давлат мулки кўмитасининг буйруги (агар АЖ давлат корхонасининг негизида ташкил этилган бўлса).
5. Лицензияни талаб этадиган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун лицензия.
6. Қимматли қоғозларнинг кўшимча нашри тўғрисида карор қабул қилинганилиги ҳакида акциядорлар умумий йигилиши баённомасидан кўчирма.
7. Депозитар хизматлар кўрсатилиши ҳакидаги шартноманинг нусхаси.
8. Қимматли қоғозларнинг рўйхатта олинган эмиссия проспекти ва аввалги нашрлар қимматли қоғозларининг эмиссия проспектлари.
9. АЖ қимматли қоғозларининг аввалги эмиссиялари тўғрисида маълумотнома.
10. Сўнгги учта тугалланган молия Йили учун ёки ташкил этилган вақтдан бошлаб хар бир тугалланган молия Йили учун изоҳли ёзувлар билан бухгалтерлик баланслари (1-шакл).
11. Сўнгти учта тугалланган молия Йили учун ёки ташкил этилган вақтдан бошлаб хар бир тугалланган молия Йили учун маолиявий натижалар тўғрисида хисобот (2-шакл).
12. Сўнгги молия Йили учун асосий воситалар харакати тўғрисида хисобот (3-шакл).
13. Сўнгги молия Йили учун пул окимлари тўғрисида хисобот (4-шакл).
14. Сўнгги молия Йили учун ўз сармояси тўғрисида хисобот (5-шакл).
15. Дебиторлик ва кредиторлик карзлари тўғрисида маълумотнома - сўнгги молия Йили учун ва ариза берилган варт (олатига кўра баланс (2-шакл)га илова.

16. Биржа расмий рўйхатига киритиш ҳакида аризани бериш олдида сўнгги чоракнинг якуни холатига бухгалтерлик баланси (1-шакл).
17. Биржа расмий рўйхатига киритиш ҳакида аризани бериш олдида сўнгти чоракнинг якуний холатига кўра молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).
18. Сўнгти тугалланган молия йили ва жорий йилнинг ҳисобот даври учун аудиторлик хulosалари.
19. Кимматли қоғозларни жойлаштириш йўли билан сафарбар этиладиган маблаглардан фойдаланишининг йўналишлари ҳакидаги маълумотларни ўз ичига олган бизнес-режа ёки техник-иктисодий асос лойихаси (кўшимча эмиссия ҳолларида).
20. Реестр сакловчи ҳакида маълумотлар.
21. Акциядорлар реестри ҳаҳида умумий маълумотлар.
22. Акциядорлик жамияти бошқаруви органларига кирувчи шахсларнинг устав сармоясидаги иштирокининг улуши кўрсатилган рўйхати.
23. Энг йирик акциядорлар рўйхати (устав фондининг 5 фоизидан ортиқ улушига эгалик қилувчи)
24. Давлат идораси томонидан тасдиҳланган кимматли қоғозларни чихариш якунлари ҳаҳида ҳисобот.
25. Давлат идораси томонидан тасдикланган сўнгти молия йили учун кимматли ҳоғозлар бўйича йиллик ҳисобот.
26. Такдим этилган хужжатларни экспертизадаи ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматларнинг ҳаки тўланганилиги тўғрисида тўлов томиррихномасининг нусхаси.
27. Эмитентнинг хоҳишига кўра бошқа хужжатлар ва маълумотлар.
28. Биржанинг эксперт-тахлил бошқармасига кўриб чиқиш учун амалда тақдим этилган хужжатлар рўйхати.

Кимматли қоғозларни ликвидацияни, бозор фаоллиги, эмитентнинг барқарор молиявий-хўяслик аҳволи билан тавсифлануочи ҳимматли ҳоғозлар тоифасига киришини ҳимматли ҳоғозлар листинги, дебномланади. Ўз навбатида листинг корхонаси деб кимматли қоғозлари листинг тадбиридан ўтган, листинг талабларини қондирадиган ва биржа расмий рўйхатига листинг тоифаси бўйича киритилган корхоналарга айтилади. Кимматли қоғозлар листинги тадбири кимматли қоғозларни биржа савдоларига киритилиши тадбирлари ичida муҳим ўрин тутади. Кимматли қоғозлар биржа расмий рўйхатига листинг корхоналари тоифаси бўйича киритиш учун эмитент ёки у ваколат берган воситачи Листинг комиссиясига листинг тўғрисида белгиланган шакл бўйича ариза беради. Доимий фаолият кўрсатувачи Листинг комиссияси листинг корхоналарининг кимматли қотозларини танлаб олиш ва листингта киритиш учун маҳсус ташкил этилган.

Ариза бирламчи листингга ҳам, шунингдек, кўшимча эмиссия листингига ҳам берилиши мумкин. Бирламчи листинг ҳакидаги аризага эмитент биржа томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофик хужжатлар ва ахборотларни илова қилиши зарур.

Биржа расмий рўйхатига киритилган листинг корхоналарининг кимматли қоғозлари А, В, С ва D гурухларига бўлинади жатлар биржанинг Листинг комиссияси томонидан 30 таквим кунида кўриб чиқилади. Комиссия биржанинг ходимларидан таркиб топган бўлиб, унга Бошқарув аъзолари сафидан сайланган раис етакчиллик қилади. Листинг комиссияси эмитентнинг молиявий аҳволини экспертиза қилади ва кимматли қоғозларни у ёки бу тоифа бўйича биржа расмий рўйхатига киритиш мумкинлиги хақида холоса чиқаради.

Облигациялар ва векселлар, корпоратив кимматли қоғозлар, шунингдек, хосила кимматли қоғозлар листинги ҳақидаги ариза факат биржа расмий рўйхатида мазкур акциядорлик жамиятининг акциялари мавжуд бўлган холларда кўриб чиқилади. Биржа расмий рўйхатига листинг корхоналари тоифаси бўйича эмиссияни тўлиқ жойлаштирган эмитентларнинг кимматли қоғозлари киритилади. Факатгина барча чиқарилган кимматли қоғозларнинг қиймати тўлиқ тўланганидан кейин қимматли қоғозларнинг эмиссияси жойлаштирилган хисобланади. Қимматли қоғозларни биржа расмий рўйхатига киритиш тўғрисидаги карор Листинг комиссиясининг холосасидан сўнг биржанинг бошқаруви томонидан қабул қилинади.

Листинг комиссияси унга келиб тушган хужжатларни биринчи марта текшириб чиқкандан сўнг, уларни экспертизадан ўтказиш учун эксперт—тахлил бошкармасига толширали. Ушбу бошқарма эмитентнинг молиявий—хўжалик фаолиятини тахлил қилади. Экспертиза биржанинг эксперталари томонидан ўтказилади, аммо зарур холларда ташки эксперталар, шунингдек, мустақил аудиторлик ташкилотлари ҳам жалб этилиши мумкин. Ўтказилган экспертизалар асосида эмитентнинг молиявий аҳволи тўғрисида расмий холоса тайёрланади ва у кўриб чиқкин учун Листинг комиссиясига топширилади.

Листинг комиссияси расмий холосани кўриб чиқади ва биржанинг Бошқарувига мазкур эмитентнинг кимматли қоғозларини биржа расмий рўйхатига киритилиши мумкинлиги ҳақида тавсиялар беради. Эмитентни биржа расмий рўйхатига листинг тоифаси бўйича киритиш тўғрисидаги карор қабул қилинганидан кейин биржа ва эмитент ўртасида маҳсус шартнома тузилади. Унбу шартнома имзоланганидан сўнг эмитент листинг корхонаси мақомига эга бўлади. Қимматли қоғозларни биржа расмий рўйхатига киритиш бўйича барча харажатлар эмитентни ўзининг зиммасида бўлади. Корхона листинг тоифасига киритилиши биланоқ, биржа бу ҳақидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида зълон қилади. Листинг корхоналарининг акциялари бўйича савдолар маҳсус секцияда ўтказилади.

Қимматли қоғозлари листинг тоифаси бўйича киритилган эмитент ҳар чоракда биржага молиявий хисоботни тақдим этиши зарур. Листинг корхонаси тегишли натижаларга эришган ҳолатда листинг комиссияси унинг қимматли қоғозларини бир гурухдан (A, B, C, D) бошқасига ўтказиши мумкин.

Расмий биржа рўйхатининг тегишли секциясида бўлган қимматли қоғозларга нисбатан қўйидаги чоралар кўрилиши мумкин:

- қимматли қоғозларнинг биржа расмий рўйхатида бўлишини тўхтатиш;

- делистинг эмитентнинг қимматли қоғозларини биржа расмий рўйхатининг тегишли тоифасидан чикариш ёки бутунлай рўйхатдан чихариш.

Делистингниг уч хил тури мавжуд: муваққат делистинг, доимий делистинг ва мутлак делистинг.

Биржа кўйидаги сабабларга кўра эмитентнинг қимматли қоғозларини биржа расмий рўйхатида бўлишини вактичалик тўхтиб кўйиши мумкин;

— давлат органининг корхонани ёпиш тўғрисидаги қарори;

— Б турухи кўрсаткичларидан бирининг пасайиши;

— молиявий аҳволнинг ёмонлашуви ва зарар кўриб ишлаш аломатларининг пайдо бўлиши;

— биржа билан тузилган шартнома шартларининг листинг корхонаси томонидан бузилиши;

— листинг арафасида турган корхона томонидан биржа билан келишувларнинг бузилиши;

— листингга киритилмаган корхона томонидан биржа савдолари қондадарининг бузилиши;

— расмий биржа рўйхатидаги корхона томонидан реестри юритиш қондадарининг бузилиши.

Листинг корхоналари қимматли қоғозларининг делистингни мувакқат, доимий ва мутлак бўлиши мумкин. Мувакқат делистинг ҳолатида эмитентнинг қимматли қоғозлари листинг арафаси тоифасига ўтказилади. Доимий делистинг чоғида эмитентнинг қимматли қоғозлари листингдан ташкари тоифага ўтказилади. Мутлак делистинг ҳолатида эса, эмитентнинг қимматли қоғозлари биржа расмий рўйхатидан ўчирилиши лозим.

Листинг корхонасининг мувакқат делистинги шуни англатадики, эмитентда қиска муддат ичida бартараф этилиши мумкин бўлган муаммоларнинг пайдо бўлганлиги сабабли унинг қимматли қоғозлари расмий биржа рўйхатидан листинг корхоналари тоифаси бўйича вактинча чиқарилади. Листинг арафасида турган корхоналар қимматли қоғозларининг делистингни доимий ёки мутлак бўлиши мумкин. Доимий делистинг чоғида эмитентнинг қимматли қоғозлари листингдан ташкари корхоналар тоифасига ўтказилади. Листинг арафасида турган корхонанинг мутлақ делистинги ҳолатида эса, унинг қимматли қоғозлари биржа расмий рўйхатидан ўчирилиши лозим.

Листингга киритilmagan корхона қимmatli қoғozlarinинг delistingni фақат мутлақ бўлиши мумкин ва ушбу ҳолатда эмитентнинг қимматли қоғозлари биржа расмий рўйхатидан ўчирилиши керак.

10.5. Жаҳон амалиётида фонд биржаларининг фаолияти ва ҳалқаро глобаллапиган йирик фонд биржалари.

Нью-Йорк фонд биржаси (New York Stock Exchange, NYSE). АҚШнинг бош биржаси ва жаҳоннинг энг катта биржасидир. У 1792 йилда ташкил топган. Ўша вақтда 24 нафар тадбиркор дастлабки брокерлик келишувини имзолади ва 6 уйлан Нью-Йоркда қимматли қоғозларнинг биринчи ўшган бозорини ташкил этди.

Нью-Йорк фонд биржаси корпорация бўлиб, унинг ишига Ушбу корпорациясининг аъзолари томонидан сайланадиган директорлар кенгаши раҳбарлик килади. Директорлар кенгаши биржа механизмининг фаолият кўрсатилишига жавоб беради, биржа сиёсатини белгилайди, янги аъзоларни кабул килиш, қимматли қоғозларни котировкага киритиш масалаларини аҳл қилади. Биржадаги операцияларни фақаттина уларнинг аъзолари амалга ошириши мумкин. NYSE аъзоларининг сони 1500 тага якин. Факат жисмоний шахслар бошқа бирор-бир шахс билан биргаликда эгалик қилса, у ҳолда бутун бошли фирма NYSE аъзоси хисобланади.

Биржадаги жойлар юқори қасб маҳорати таъбларига жавоб берадиган шахсларга сотилади. Брокерлик жойининг нархи биржа коньюктурасига караб якка тартибда белгиланади. У бир канча омилларга боғлик. Биржа савдолари жонланган даврда улар кескин суръатда кўтарилиши, савдолар пасайтан даврда эса, жойининг нархи ҳам пасайиши мумкин. Куйида келтирилган жадвалда NYSEдаги брокерлик жойларининг турли йиллардаги ўртача нархи акс эттирилган.

10.2.5-жадвал

| Йил | Брокерлик жойининг нархи | Йил | Брокерлик жойининг нархи | Йил | Брокерлик жойининг нархи |
|------|--------------------------|------|--------------------------|------|--------------------------|
| | | 1987 | \$ 1,1миллион | 1994 | \$ 795,000 |
| 1876 | \$ 4,000 | 1988 | \$ 665,000 | 1995 | \$ 918,000 |
| 1929 | \$ 625,000 | 1989 | \$ 420,000 | 1996 | \$ 1338,000 |
| 1930 | \$ 205,000 | 1990 | \$ 295,000 | 1997 | \$ 1463,000 |
| 1942 | \$ 17,000 | 1991 | \$ 431,000 | 1998 | \$ 1612,000 |
| | | 1993 | \$ 575,000 | 1999 | \$ 2325,000 |

Биржа аъзоларининг контрагенти жуда ҳам барқарор. NYSE аъзолари куйидаги тоифаларга бўлинади:

а) мутахассислар (*specialist*). Бу биржанинг операциялар залидаги энг фаол кишилардир. Уларнинг ҳар бирига биржада котировка қилинадиган бир ёки бир неча қимматли қоғозлар биринтирилган. Мутахассисларнинг сони 150 тага якин. Улар брокерлар ва дилерлар сифатида фаолият кўрсатади.

Биринчи ҳолатда улар брокерлар учун дилерлар саналади, яъни маълум микдордаги мукофот хақи эвазига брокерларнинг буюртмаларни бажаради. Биржага аъзо бўлган фирмалар уларга келиб тушалиган буюртмаларни биржанинг операциялар залидаги брокерларни четлаб ўтилган ҳолда, буюртмаларни автоматлаштирилган узатиш тизими оракли тегинсли биржа савдо жойига, мутахассисларга тўғридан-тўғри узатиш имкониятига эга бўлади. Ушбу буюртмаларни мутахассислар брокерларга тақдим этишади. Бунда улар мазкур қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишга интилаётган бошка брокерларга нисбатан ракобатчи сифатида катнашади. Агар мутахассис битимни амалга ошираса, у шу жойининг ўзида бу ҳақда автоматлаштирилган

тизим орқали тегишли буюртмани берган фирма олдида ҳисобот беради. Бунинг учун у брокерлик мукофотини (воситачилик хақини) олади.

Иккинчи ҳолатда мутахассислар кимматли көгозларни уларнинг нархлари ошганда сотиш йўли билан ёки нархлар паса йганда уларни харид қилиш йўли билан ўзларига биринчирилган кимматли қоғоз ёхуд бир неча кимматли көгозлар бўйича савдо-сотикнинг ликвидлиги ва баркарорлигини таъминлайди. Мутахассислар бозор тамойилларига қарама-карши томонга ҳаракат қилиши ва бу билан бозорни бекарорлаштирувчи омилиарга қарши курашиши лозим. Бирок уларнинг имкониятлари, албатта, чегараланган. Мутахассислар шахсий маблагларини етарли даражада йирик суммаси мавжуд бўлишининг маъбурийлигига қарамасдан, бу маблаглар баъзан уларга биринчирилган кимматли көгозлар курсларининг кескин пасайиб ва кўтарилиб кетишига қарши туриш учун етарли бўлмай қолади. Айни лайтда б уларнинг маиғаатларига тўғридан-тўғри зид келади (биржа тарихида шундай ҳоллар юз берганки, унда мутахассислар бозорининг мавзуд тамойилларига қарама-карши эмас, балки улар билан бир хил ҳаракат қилишган).

Мутахассислар ўз акцияларининг нархи кескин пасая бошлаганда, уларни ўз ҳисобидан харид қилишади ва акциялар нархи зудлик билан кўтарила бошлаганла эса, уларни сотишади. Мутахассислар учун нархларнинг пасайиши ёки кўтарилишига «оҳиригача» қарама-карши туриш шарт эмас. Уларнинг энг асосий вазифаси – нархларнинг кескин ўзгаришига йўл қўймаслик. Бирок, буни амалга оширшининг иложи бўлмай қолганда, савдолар жараённига биржанинг ўзи арадашади ва вазият баркарорлашгунга қадар мазкур кимматли көгозлар бўйича савдоларни тўхтатиб қўяди. 2000 йилнинг бошига келиб Нью-Йорк фонд биржасида 1400 га яқин аъзо рўйхатга олинган. Улар бир неча ўнлаб бирлашмаларга уюшган (specialist units). Бирлашма алоҳида шахслардан, шерикчилик, «кўшма ҳисобракамлар» (кўшма корхоналар, уларга бир неча шахс кириши мумкин) ёки «бирлашма дафтарчалар» (иштирокчилар ўз ҳисоб рақамларига эга бўлиши мумкин, лекин улрада бита умумий дафтарча мавжуд) корпорацияларидан таркиб топиши мумкин;

б) биржа брокерлари (*exchange brokers*) – ўз мижозларининг топширкларини бажарувчи биржа аъзолари. Улар дилерлик операцияларини амалга ошириш хукуқига эга эмас, лекин бошқа брокерларнинг топширкларини бажариши мумкин;

в) биржа маклерлари (*competitive traders*) – операцияларни ўз ҳисобидан амалга оширувчи ёки уларнинг иштирок улуши мавжуд бўлган топширкларни бажарувчи биржа аъзолари;

г) асоцация аъзолар (*allied members*) – савдо залига битимларни тузиш хукукларисиз киришга рухсат этилган шахслар (директорлар, биржага аъзо бўлган ташкилотларнинг ходимлари). Таяқидалаганидек Америка фонд бозорининг ўзига хос хусусияти шундан ибортки, XX асрнинг 30-йилларида бошлаб, у тижорат банкларининг иштироксиз равожланди. Банклар ушбу жараёнга анча кеч қўшилишди. Анъанавий тарзда биржа савдоларини бевосита иштирокчилари эмас.

Биржага камида 18 млн. доллар микдоридаги активларга эга бўлган АҚШ компаниялари, 100 млн. долларга эга бўлган чет зл компаниялари муомалага чиқарилган акцияларини сони камида 1 млн та бўлиб, 100 ва ундан ортик акцияларга эгалик қилувчи акциядорларининг сони камида 2000 кишидан иборат бўлган компанияларнинг қимматли қоғозларига рухсат этилади. Компанияларнинг даромадлари (солисклар тўлангунга қадар) сўнги у 5 йилда камида 6,5 млн. долларни ташкил этиши лозим.

Франкфурт фонд биржаси. Германия биржаларининг бошқа мамлакатлар биржаларида асосий фарқи бу банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида хукмронлиги. Немис биржаси бу очик турдаги акциядорлик жамияти бўлиб, унда 81 фоиз акциялар банклар кўлида 10% акциялар региондаги биржалар кўлида ва 9% маклерлар ихтиёрида. Немис фонд биржалари федерациясига 8 та биржа киради, лекин улар орасида энг каттаси бу Франкфурт-на-Майнедаги биржадир. Бунда Германия компаниялари 3/4 кисми олди-сотди қилинади.

Франкфурт-на-Майнедаги биржа XVI асрда вужудга келди. Ҳозирги вақтда Франкфурт фонд биржаси нафакат Германиянинг, балки бутун Европа минтақасида молиявий маркази ҳисобланади. Франкфурт фонд биржаси катталиги жиҳатдан жаҳонда 4 ўринда турди, унинг йиллик айланмаси 6,9 млрд. немис маркасига тенг (1996 йил) савдоларга кўйилиш учун 1112 компанияларнинг ва 7827 корхонанинг акцияларига рухсат этилган. Савдоларга рухсат этилган биржа иштирокчиларнинг сони 247 та банкларни сони 149 тани, курс маклерлари 39 тани, эркин маклерлари эса 59 нафарини ташкил этади.

Биржа акциядорлик жамияти кўрининида ташкил этилган. Германиянинг барча акциядорлик жамиятлари сингари у ҳам «Акциялар тўгрисдаги» Қонуннинг қондаларига бўйсунади. Биржанинг бошқармаси органи бўлиб Акциядорлар жамиятининг ўз маблаглари 84 млн. маркани ташкил этади. Биржанинг акциядорлари, биржанинг аъзолари ҳисобланишади. Акцияларнинг 79 % немис банкларига, 10% чет Эл банкларига, 5% курс маклерларига ва 6% эркин маклерларга тегишли. Чиқарилган акциялар эгасининг номи ёзилган акциялар бўлиб, улар учинчи шахсларга факат биржа акциядорлари умумий йигилишлари розилиги билан ўтказилиши мумкин. Бир акциядор сармоянинг 15% дан кўпига эгалик қилиши мумкин эмас. Биржада 110 нафар ходим ишлайди. Кўпчилик бошқа мамлакатларда фарқли ўлароқ немис биржаларига аъзоларнинг сони чегараланмайди. Биржага аъзо бўлиш учун биржа тўгрисидаги қонуннинг талабларини бажариш ва таърифлар ҳақидаги низомда белгиланган аъзолик бадаллари тўлаш лозим.

Акцияларнинг биржа савдоларига кўйилиши учун уларнинг эмитентлари йигимларни тўлаши зурур. Тўловнинг энг кам микдори 2 минг маркани ташкил этади, бунда эмиссиясининг ҳажми ўсиши билан тўлов нисбатан қискаради. Қимматли қоғозларнинг савдоларга кўйилиши учун тўлов факат уларга биринчи марта рухсат этилаётган вақтда ундирилади. Бошқа мамлакатларда тез-тез учраб турдиган ҳар йилда такрорланадиган тўловлар (Annual Listing Fee) Германияда мавжуд эмас. Савдоларга рухсат этиш хакидаги аризани эмитент ва унинг қимматли қоғозлари хакида тасаввурга эга бўлишлари учун

сармоялорларга зарур бўлган тўлиқ ахборотни ўз ичига олган проспект илова килинши керак. Проспект биржа бюллетенида эълон қилинишин лозим. Кимматли қоғозларни котировкага рухсат этиш тўгрисидаги карорни биржанинг маҳсус комиссияси чикаради.

Кимматли қоғозларни котировкага рухсат этиш бўйича комиссиялар биржада бир-бири билан ва Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган бошқа давлатларининг тегишли биржа ташкилотлари билан ўз вазифалри ҳамда ваколатлари доирасида ўзаро ҳамкорлик қиласди. Улар ушбу максадлар учун зарур бўлган ахборотни бир-бирига берадилар. Европа ҳамжамиятидаги тегишли орган томонидан бир марта рухсат олган. Проспект, агар унинг бошқа биржага киритилиши тўгрисидаги ариза уч ой ичидаги берилса, такрор текширилиши шарт эмас.

Тартибга солинадиган бозор акциядорлик жамиятларига расмий бозорининг бошлангич нуқтаси бўлиб хизмат қиласди. Расмий савдо билан тиккослагандан у анча ёнгиллаштирилган қоидалари ва унгага киришнинг пасайтирилган йигимлари билан фарқ қиласди. Масалан, тартибга солинадиган бозорда бор йўги бир йилдан буён фаолият кўрсатаётган фирма ўз акцияларини тақдим этиши мумкин (расмий бозорда бу муддат 3 йилни ташкил этади). Дастилабки эмиссия вақтида тартибга солинадиган бозор учун 0,5 млн. Немис маркаси микдорида кутилаётган курс нархи етарли бўлали. Расмий бозор учун эса кўрсаткич 2,5 млн. немис маркасини ташкил этади. Савдоларга киритиладиган акцияларининг сони бу бозорда 10000 тани, расмий бозорда эса, 50000 тани ташкил этади. Ўз навбатида чол қилиш учун талаб этиладиган материалларнинг ҳажми ҳам расмий савдолардагига караганда кам бўлали.

Курсларни расмий белгилаш биржа маклерлари томонидан амалга оширилади, улар савдоларда ва нархларни белгилашда бетараф органлар хисобланишади. Маклерлар биржа ихтиёрига ликвидии маблағларни тақдим этишади.

Англия фонд биржалари. Англияда фонд биржаларининг ўзига хос хусусияти-бу уларнинг юкори даражада концентрациялашувидир. Буюк Британияда 22 та биржа фаол кўрсатиб келмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзининг уставига, рўйхатдан ўтган компанияларга эга. Энг йирик биржа бу Лондон фонд биржасидир унинг тарихи XVII асрларга бориб тақалади. 1973 йилнинг 26 марта афти регионал биргина Лондон фонд биржаси билан бирлашди, лекин улар ўз савдо залларини саклаб колишиди. Бу биржалар икки категорияга бўлинадилар, брокерлар ва джобберларга уларнинг ҳар қайси факат ўзига хос операцияларни олиб бориш хукукига эга.

Брокерлар – агентлар бўлиб, улар биргина аъзоси бўлмаганлар номидан шундай олиб бориб уларни топшириги билан қимматли қоғозларни дилер ва тегиншли комиссацион хизмат ҳақи оладилар.

Джобберлар – ўзи ҳисобидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланиб факат брокерлар ёки бошқа джобберлар билан шартнома тувиш хукукига эгалар.

Бундай ҳолат 1977 йилдан бери ўзгармас келар эди. Лекин 1986 йилда Британия биргина хукуки ва бир мунча ўзгартирилда ва у «Big Bang» (йирик

портлаш) номи билан тарихга кирди. Энди биргина аъзолари брокер ва джобберларга кимматли қоғозлар билан барча операцияларни бажаришга рухсат этилдс. Агар олдин биржа ассоциация шаклида фаол кўрсатиб келаётган бўлса, 1986 йил ноябрдан бошлаб Лондон фонд бирдаси Хусусий компания шаклида фаол кўрсатаётган бўлди. Шу йилнинг ўзида кабул қилинган «Молиявий хизматлар ҳакида»ги Конунга асосан Лондон фонд биржаси. Лондон Халкаро фонд биржасига айлантирилди ва унинг аъзолари тўрт гурухга бўлинди.

Биринчиси: брокерлик ва диллерлик фирмалар булар ўз ҳисобидан қимматли қоғозлар сотиб олиш ва сотиш ҳукуқини саклаб қолган ҳолда, асосан қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар топшириқларини бажарадиган бўлдилар.

Иккинчиси: Маркет-мейкерлар – биржа аъзолари кун давомида қимматли қоғозлар котировкаси билан шугулланадиган бўлди.

Учинчиси: диллерлик брокери-маркет-мейкерлар ўртасида ишлар бўйича воситачилик билан шугулланадиган бўлди.

Тўртингиси: фонд биржасининг пулдор брокерлари биржа ахзоларига карзга пул ва қимматли қоғозлар бориш билан шугулланадилар.

Лондон Халкаро фонд биржасида мамлакат ичкарисида чиқарилган акциялар, чет эл компаниялари, акциялари, ҳукумат томонидан чиқарилган облигациялар ва опцион савдолари амалга оширилади.

Франция фонд биржалари. Франциянинг энг йирик фонд биржаси бу Париж биржасидир. Унинг тарихи XVIII аср бошларидан бошланади. Ҳозирги кунда Францияда қимматли қоғозлар билан олиб борилаётган операцияларнинг 97% Париж фонд биржасига тўғри келади. 1988 йилгача амал қилган биржа тўғрисидаги қонунларда маклерлар монополияси (улар давлат агентлари ҳисобланарди) 148ата роль ўйнарди. Барча маклерлар САС деган ташкилотга аъзо бўлиб, ўз мижозлари олдига биргаликда жавоб берардилар 1988 йил январ ойида амалга оширлган биржа реформалари, САСни таркатиб юборди ва қимматли қоғозлар муомаласи борасида бир қатор демократик шароитларни яратди.

Биржада кўйилган қимматли қоғозлар уч турли бозорда сотилиши мумкин.

- расмий бозор;
- биржадан ташкари эркин бозор;
- иккиласми бозор.

Расмий бозорда йирик корхоналар қимматли қоғозлари савдога кўйилади. Унинг асосий шартларидан бири корхона энг камидан уч йил фойда билан якунлаши керак. Чунки б уходдагина у двиденд тўлай олади. Яна қимматли қоғозлар бўйича биргина Кенгашининг барча тавсияларини бажариши шарт.

Токио фонд биржаси. Европа ва АҚШ биржаларидан фаркли ўларок. Япония биржалари чет эл инвесторларига унга иштиёки йўқ. Шунинг учун Япония биржаларини Олигополия типидаги биржа бозори дейишади.

Япониянинг энг йирик фонд биржаси бу Токио фонд биржаси ҳисобланади. Унинг тарихи 1878 йил май ойидан бошланади. Бу биржа

Япониянинг 8 та фонд биржасидан йириги хисобланади. Ушбу мамлакатни барча фонд биржалари умумий айлагмасининг 80% унинг улушига тўғри келади. Биржа ташкил ташкил топганига 100 йилдан ошган. Унинг листингига 1700 дан ортиқ компанияларнинг қимматли қоғозлари киритилган, шулардан 100 таси хорижий компаниялардир.

Токио фонд биржасининг аъзолари бўлиб биржа битимларини амалга ошириш хукукига эла бўлган 124 та компания хисобланади. Акциялардан ташкири биржада давлат ва муниципиал облигациялар хамда давлат корхоналарининг облигациялари котировка қилинади. Асосий сармоядорлари: молиявий муассасалар (40%), ишбилармон корпорациялар (23%), хусусий шахслар (7 фоиз), фонdlар, хукеумат агентликлари ва пенсия трастлари (3%). Ўргача бир кунлик сотув ҳажми, масалан, 1996 йилда 370 млн. та акцияни ташкил этди.

Биржа брокери – дилерлари воситачилик ҳаки эвазига мижозларнинг қимматли қоғозларини харид килиш ва сотиш учун буюртмларни бажаради.

Бевосита биржада қимматли қоғозлар билан савдолар икки томонлама узлуксиз кимошли савдоси шаклида амалга оширилади. Барча талабномалар брокерлик ёки дилерлик компаниялари томонидан берилади ва Сайтори ("Saitori") махсус ташкилотининг аъзосига тақдим этилади. Бу ташкилот брокер-дилерлар ўртасида воситачилик ролида иштирок этади. Сайторига листинг рўйхатига киритилган ҳар кандай акциялар билан ўз хисобидан савдо килиш ва сармоядорлардан бевосита талабномаларни қабул килиш манн тикиш. Шундай қилиб, ТФБ – бу маркет-мейкерларсиз, факат талабномалар характеристда бўладиган бозорdir.

10.2.6-жадвал

| Битим суммаси, ненада | Битим суммасидан воситачилик фоизи | Битим суммаси, исгада | Битим суммасидан воситачилик фоити |
|--------------------------|---------------------------------------|---------------------------|---|
| 1 млн. гача | 1,150% | 50 дан 100 млн.гача | 0,225%+160000 иена |
| 1 дан 5 млн. гача | 0,900% + 2500 иена | 100 дан 300 млн. гача | 0,200%+185000 иена |
| 5 дан 10 млн. гача | 0,700% + 12500 иена | 300дан 500 млн. гача | 0,125%+410000 иена |
| 10 дан 30 млн. гача | 0,575%+25000 иена | 500 дан 1000 млн. гача | 0,100%+535000 иена |
| 30 дан 50 млн. гача | 0,375%+85000 иена | 1000 млн.дан ортиқ | Акциялар-тўл. 153500 иена бошка 0,075%+785000 иена |

Қимматли қоғозлар нархларининг исталган қиска муддатли ўзгариб туринини олдини олиш ТФБда махсус «бид» ёки сўраладиган котировкалар ва нархларнинг ҳар кунлик лимитлари шаклида махсус механизмлар мавжуд. Ташаб ва тақлифнинг нархларида сезиларли фарқлар кузатилганда, ТФБ Сайторидан «махсус бид котировкасини» ёки «махсус сўралган котировкани» кўреатишни талаб қиласи. Бу билан савдо иштирокчиларига харид килиш ва сотиш учун берилган талабномалар ўртасида катта ҳажмдаги номутаносиблик мавжудлиги ҳакида хабар қиласи. Махсус котировка ТФБнинг Бозор ахборот тегими (БАТ) орқали очикчасига таркатилади ва шу тарика бозор шигирокчиларига ушбу мутаносибликка муносабат билдириш (талабномаларда

талаб ва таклиф нархларини хакиқатга якин томонга ўзгартириш) имконини беради. Агар брокер-дилерлар нархларни ўзгартирса ва маҳсус котировка бўйича мувозанат ўрнатилса, Сайтори нархларни кайд этади ва битимлар рўйхатга олинади. Агар номутаносиблик барibir сақланиб колса, Сайтори биржанинг розилиги билан маҳсус котировкани янгилайди. Бу уни то талб ва таклиф нархларининг тенглиги ўрнатилгунта қадар ҳар 5 дақиқа орасида юқорига ёки пастга суриш амалга оширилади. Нархларнинг кутилмаган тушиб кетишини олдини олиш учун маҳсус котировкага қўшимча равишда ТФБ сармоядорларга «нафасни ростлаб олиш» ва уларнинг бозордаги вазиятни баҳолашни таъминлаш учун нархларнинг куқлик лимитларидан фойдаланади. Нархларнинг лимити нархларнинг белгиланган тўсикларидан ўтишни тақиқлайди, шу жумладан, маҳсус котировка доирасида ҳам.

Илғарироқ, 1982 йилнинг январ ойида ТФБда 440 та кам фаол акцияларга хизмат кўрсатиш учун «CORES» компьютер тизими ўрнатилган эди. Ҳозирги кунда Ушбу тизим орқали 1600 та япон ва хорижий компанияларнинг акциялари билан савдо қилинади, 150 та энг фаол компаниянинг акциялари бундан мустасно. «CORES» ни жорий этишдан мақсад савдонинг анъанавий юзма-юз усулини биржа компьютер терминалларидан фойдаланган ҳолда янада тақомиллашган тизимига алмаштиришдан иборат. Бунда биржа ахзолари томонидан бажариладиган вазифаларда ҳеч қанака ўзгариш юз бермайди.

Биржа аъзоси талабномани талабномаларни киритиш тизимида жойлаштиради. Бу унинг бош оғисида жойлашган талабнома қабул килинганидан кейин биржа аъзосига талабнома қабул килингандиги тўғрисида маълумотнома юборилади. Сайтори аъзоси компьютер экранидаги талабномалар китобид қузатади ва савдолар қондаларига мувоғиқ ҳарид килиш ва сотиш учун тушган барча талабномаларни тақкослайди (киборд). Талабномалар нархлар устуворлиги ва келиб тушиш вақтига караб автоматик тарзда бажарилади. Бигим тузилгандан кейин у хакидаги маълумотлар зудлик билан савдолар иштироқчилари, Сайтори аъзолари ва биржанинг бош оғисларига жўнатилади. Биржа котировкалар ва акциялар нархларининг маҳсус дисплейи ёрдамида (у савдоларнинг ривожланишини ва уларнинг аниқ вақт мобайнида ўтишини кўрсатади) ҳар бир мавке бўйича транзакцияларни назорат килади. «Маълумотнома курилмаси» ёрдамида у ҳар бир битим бўйича янада батафсил ахборотни олиши мумкин. Битимлар тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда ахборот биржа тизимида жўнатилади, шундан кейин, Ушбу маълумотлар ахборот сотувчиларига тақдим этилади, улар эса, ўз навбатида, буларни обуначиларга энг батафсил кўринишида сотишли. «CORES» га қўшимча раванида 1988 йилда биржа фьючерслар ва опционлар билан савдолар килиш учун «CORES-F» тизимини ишлаб чиқди ва жорий этди. Унда Япония давлат бони, TOPIX (Токиони парх-наво Индекси) фьючерслари билан савдолар амалга оширилди. 1989 йилнинг октябр ойида эса, TOPIX опционлари билан савдолар килини учун «CORES - O» тизими барпо этилди.

Истанбул фонд биржаси (ИФБ) (Istanbul Stock Exchange, ISE). Ўзбекистон капитали бозорининг тарихи Оттомон империяси мавжуд бўлган

— 10 —
— 10 —

берди. Иктисодиёенти согломлаштириш учун хукумат томонидан қатор мөйөрүй хужжатлар, хусусан кимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчилари фаолиятининг қаътий регламентлашига асос солган «Капитал бозори түғрисида қонун» (1981 й.) ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. 1983 йилда Капитал бозори түғрисидаги қонунга Истанбул фонд биржасининг фаолият кўрсатишини ташкил этиш бўйича илова қабул қилинди. ИФБда датслабки савдолар 1986 йилда ўтказиуди. ўша вақтда листинга 41 та компаниянинг акциялари киритилган бўлиб, савдоларда 36 та биржа аъзоси иштирок этди. Кунлик айланма 500 минг долларни ташкил этган. Ҳозирги вақтда Истанбул фонд биржаси савдоларида 163 та биржа аъзоси иштирок этиб, кунлик айланма корпоратив бўйича 1 млрд. га яқинни ташкил қиласди.

Истанбул фонд биржаси – ярим давалт професионал ташниклот бўлиб, унинг даромадлари битимларни амалга оширганлик ва листингдан ўтганилик учун ундирилган йигимлар ҳисобидан шаклланади. ИФБнинг раиси ва бош ижрони амалдори хукумат томонидан беш йил муддатга тайинланади.

ИФБда лотнинг андоза миқдори – 100 та акция. Бироқ биржада тўлиқ бўймаган лотлар билан ҳам битимлар амалга оширилиши мумкин. Ҳисоб-китоб операциялари ва фонд бозорида акцияларни сақлаш Клиринг ва ҳисоб-китоблар банки томонидан амалга оширилади. Бу банк Истанбул фонд биржасига тегишилдир.

ИФБда котировка қилинадиган фонд бойликларининг катта қисми

- кўрсатувчи эгалик қиладиган акциялардир. Асосан бу:

-имтиёзли, таъсис, тилла акциялар, иштирокчининг акциялари, лвидентлар сертификатлари, хукуклар купонлари;

- карз воситалари: давлат облигациялари, Хазина векселлари, банк кафолатига эга бўлагн векселлар, тижорат қоғозлари, корпоратив акциялар, даромадлар бўлимининг сертификатлари;

- кўшма фондларининг бошқа кимматли қоғозлари.

Истанбул фонд биржасининг аъзолари учта гурухга бўлинади:

А) инвестиция банклари ва ривожланиш банклари;

Б) тижорат банклари;

В) воситачилик ташкилотлари.

1997 йил бошида ИФБда 11 та инвестиция банклари ва ривожланиш банклари, 51 та тижорат банклари ҳамда 103 та воситачилик ташиклотлари фаолият кўрсатди.

Воситачилик ташкилотлари ва банкларининг капитал бозордаги фаолияти бирламчи ва иккиламчи бозорлардаги операциялар, кимматли қоғозлар портфелини бошкариш, инвестиция маслаҳатлари, кимматли қоғозларни қайта сотиб олиш түғрисидаги бевосита ҳамда реверсив келишувлар, маржа битимлари, кимматли қоғозларни муддатга қопланмаган ҳолда сотиш ва уларнинг ижарага беришни ўз ичига олади.

Истанбул фонд биржасида 1995 йилнинг бошидан бошлаб бозорнинг куйидаги асосий сегментлари амал қилмоқда: миллий, минтакавий, улгуржи, Янги компаниялар бозори, облигациялар, векселлар ва қимматли қоғозларни

кайтариб сотиб олиш хақида тұғридан-тұгри резерсив келишувлар бозори, халқаро бозор, фьючерслар ҳамда опциоnlар бозори.

Миллий бозор. Миллий бозор ИФБнинг мураккаб индексига киритилган 104 та компанияни ва 100 та рўйхатта олинган бошқа компанияларни қамраб олган. ИФБнинг ижроия кенгаши томонидан белгиланган талабларга мувофин у ёки бу компанияларни рўйхатта киритиш ёхуд ундан чиқариш мақсадида ИФБнинг мураккаб индексини ташкил этувчи компаниялар рўйхати хар чоракда кўринб чикилади.

Минтақавий бозор. Бу бозор периферия, ишончлилик ва «шаффофлик» шароитида турган кичик ва ўрта компанияларни кўллаб-кувватлаш мақсадида ташкил этилган эди. Минтақавий бозор миллий бозордан вактинча ёки доимий равишда четлатилган компанияларни, шунингдек, листинг талабларига мос келмайдиган компанияларни бирлаштиради. 1997 йилнинг бошига келиб ИФБнинг минтақавий бозори савдоларида 13 та компания иштирок этди.

Ултуржи савдо. Мазкур бозор акцияларининг йирик пакетлари билан савдолар қилиш имкониятини таъминлайди. Ушбу бозор миллий ва минтақавий бозорларда тақдим этилган акцияларни, шунингдек, сармояни ошириш ёки мавжду акциядорларнинг акцияларни муайян ёхуд аноним харидорларга сотиш йўли билан сотилимайдиган акцияларни сотиш имконини беради. Бу бозор хусусийлаштириш дастурлари доирасида акцияларнинг пакетли сотилишини амалга оширишта имконият яратади.

Янги компаниялар бозори. Мазкур бозор янги барпо этилган компанияларни ўсиш имкониятлари билан таъминлаш мақсадида ташкил килинган. У янги компанияларнинг ривожланишини рағбатлантириш ҳамда ўз даромадларини нисбатан кичик хатарлар шароитида оширишни истовчи сармоядорларга мукобил шарт-шароитларни таклиф этади.

Облигациялар, векселлар ва қимматли қоғозларни қайтариб сотиб олиш хақида тұғридан-тұгри реверсив келишувлар бозори. Белгиланган даромадни көлтирувчи қимматлы қоғозлар (масалан, ҳазина векселлари, давлат облигациялари) билан савдо – сотик қилишни ёки қимматли қоғозларни қайтариб сотиб олиш хақида тұғридан-тұгри реверсив келишувлар билан шугулланишини ҳоҳловчи биржа аъзолари ИФБнинг савдо майдончаларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу молиявий воситалар билан савдолар соат 10 дан 17 гача олиб борилиши мумкин. Биржа аъзолари буюртмаларни савдолар ўтказилган санадан кейин 90 иш күнінча бўлган давр ичидаги бажариши мумкин, Биржа аъзолари ўз буюртмаларини ИФБнинг эксперталари топшириши мумкин. Эксперталар олинган буюртмаларни компьютер тизимиға киритган холда «кўр брокерлар» сифатида фаолият юритади. Буюртма компьютерга киритилгандан сўнг мазкур аъзо учун биржа томонидан рухсат этилган савдо лимити автоматик тарзда камаяди, тизим эса битим тузиш учун унга мос ҳамкорни ташлаб олишга интилади.

Таяни сўз ва иборалар: биржа брокери, биржа маклери, ассоциар аъзолар, савдо майдончаси, биржа, фонд биржаси, товар, хом-ашё биржаси, меҳнат биржаси, листинг, маркет-мейкер, делистинг, мувакқат делистинг.

ХІ БОБ. БИРЖАДАГИ БИТИМ ВА ОПЕРАЦИЯЛАР

11.1. Биржа битими түшүнчеси, тасифи ва тавсифи.

Биржа битими биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада кайд этилган иатижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномасидир. Умумий қоидага кўра биржа битими тўғрисидаги ахборот учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас. Биржа битими тўғрисидаги ахборот судларга тақдим этилади, сурештирув ва тергов организаторига эса, кўзгатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади. Биржа битимикинг мазмуни ҳақидаги жиноий фаолиятдан олинган яромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Биржа битимларининг хукукий жиҳатлари уларни тузиш ва бажаришнинг алоҳида тартибидан намобиб бўлади. Улар биржала операцияларни амалга оғзириш ишлабати берилган шахс томонидан тузилади ва кейинчалик мазкур биржа томонидан белгилаган қоидаларга асосан рўйхатга олинниши шарт. Ўридинк мөхиятига кўра, **биржа** битимлари айланавий икки томонлама битим, ялини олди-сотди шартномаси хисобланади.

Конун биржа битимикинг обьекти— биржа товарига мавхум таъриф бермоюла, чунки ҳар кандай товар бошка муносабат доирасила маълум бир турдиги товарга айланниши мумкин. Агар ўна товарининг айлан ўхшаши биржа бозорида мавжуд бўлса, хатто бир нусхада савдога кўйилган товар кам биржа товари хисобланади.

Биржа товари деганда, белгиланган тартибда **биржа** савдоларига чикдрилган муйян тур ва сифатдаги товар, шу жумладан, товарга доир стандарт контракт түшүнилади. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, бошқа табиий ресурслар, маданий меррос ва интеллектуал мулк обьектлари, шунингдек, конун хужжатларига мунофик фукаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк биржа товари бўлиши мумкин эмас.

Биржа битимларининг обьектларига, шунингдек, товарни стказиб беринш шартномадари — фьючерслар, опционлар ва бошқалар киритилиши мумкин.

Бундай битимлар олди-сотди шартномасини унда кўрсатилган парҳ бўйича сотишни мақсад қилиб олади. Битим келажакда бажарилтан тақдирла сўнгги хисоб-китоблар амалга оширилади.

Экспорт ва импорт битимларни тузиш тартиби Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги "**Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширинганда доир чора-тадбирлар тўғрисида**"ги Қарори ва 1999 йил 6 майдаги "**Ўзбекистон Республикасида биржа ва ярмарка савдосини янада тақомиллантириш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги Қарорига асосан Адлия вазирлигига 2007 йил 3 июля рўйхатга олинган "**Ўзбекистон Республикаси хўжийик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган экспорт ва импорт контрактларини (шартномаларини), келишувларини Ўзбекистон Республикаси Ташкин иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига рўйхатга олиш тартиби тўғрисида**"ги Низом билан тартибга солинади.

Реал товар хусусида тузилган битимларда сотовучи шартномада келишилган шартлар асосида харидорга товарни топширади ва харидор товар унинг эгалигига ўтганидан сўнг тўловни амалга оширади.

Бугунги кунда фьючерс бозорлари энг самарали ва ликвидли савдо механизmlари ҳисобланади. Биринчи марта фьючерс савдоси 1865 йилда Чикаго савдо биржасида ташкил этилган эди.

Фьючерс битими биржадаги битимларниң асосий турларидан бири бўлиб, **биржа** товарини етказиб бериш учун стандарт шартномалар бўйича хукук ва мажбуриятларни ўзаро ўтказишни билдиради.

Форвард битимидан фарқи ўнарек, фьючерс битими реал товарни етказиб берин ёки кабул килиш мажбуриятларини назарда тутмайди, балки фьючерс шартномасида расмийлаштирилган товарга нисбатан хукукларниң оли-сотисини таклиф этади.

Фьючерь шартномаси кслажакда шартнома тарафлари томонидан битимни тузиш пайтила белгиланган нархла **биржа** активининг олди-сотиси бўйича тузиладиган стандарт **биржашартномаси**dir.

Реал бўлмаган **биржа** кимматбаҳо буюмлари хусусида тузиладиган битимларниң бошқа тури опцион битимлар ҳисобланади. Биринчи марта опционлар билан савдо килиш 1982 йили Чикаго савдо биржасида фьючерь шартномаларига киритилган эди.

Опцион тушунчасини маълум бир муддатда мукофотни тўлаш эвазига опционда қайд этилган объектни (масалан, қимматли қоғозлар) харид этиш (харид опционида) ёки сотиш учун (сотиш опционида) мажбурият эмас, хукуқ сифатида таърифлаш мумкин.

Опцион харид қилувчи бундай хукукни олиш эвазига сотовчига маълум бир сумма (мукофот)ни тўлайди. Олдин опционлар мукофотли, имтиёзли битимлар, зиёидан кафолатлар, нархнинг кўтарилиши ва пасайинида кафолатлар деб аталган. Товар биржаларида опционлар товарлар ва фьючерь шартномалар билан тузилиши мумкин.

Опционнинг учта асосий турлари мавжуд: нархнинг кўтарилиши учун фойдаланиладиган харид этиш хукуки билан ёки харид опциони, савдо гарлар томонидан нархнинг пасайиниши учун фойдаланиладиган сотиш учун ёки сотиш опциони ва ҳам сотиш, ҳам харид бирюкмасини ташкил этувчи опцион.

Ўзбекистон конунчилигига асосан опционлар олдин чиқарилган қимматли қоғозлар эмитент опционини, учичи шахснинг қимматли қоғозлари олди-сотиси учун хукукни тасдиқлаши мумкин.

Академик X. Раҳмонкулов **биржа** битимлари турларини мажбуриятлар мазмуни бўйича куйидаги турларга бўлади:

- реал (кассали) битимлар;
- форвард битимлар;
- фьючерь битимлар;
- опцион битимлар.

Ушбу туркумлаш хукукни қўллаш амалиёти учун қулайлигини талькидлаш ўринлидир.

Юкорида қайд этилганларга асоссан ҳулоса килиш мумкини, **биржа** битимлари ўз обьектлари ва моҳияти бўйича бир-биридан фарқ киласи. Ўз моҳиятига кўра, биржа битими олди-сотди шартномалари турларидан бири

хисобланади. Бу "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Конунинг 22-моддасида ҳам яққол ўз ифодасини топган. Демак, биржа битимини биржа шартномаси, контракт деб аташ мантикан ҳам, конун бўйича ҳам тўғри бўлар эди.

Биржа битимлари ва уни кўллаш итижасида юзага келадиган мунисабатлар, битимлар табиатини таҳлил этиб қўйидаги таърифи таклиф этамиз: "Биржа битими — биржа савдолари жараёнида савдо иштирокчилари томонидан эришиладиган, тегишли тартибда биржала рўйхатга олиналиган ва биржа шартномасида акс этириладиган товарларга нисбатан хукук ва мажбуриятлар бўйича ўзаро келишувдир". Мазкур тушунча биржа битимларининг мазмун-моҳиягини, ўзига хос хусусиятларини аниглашга имкон беради.

Биржа битимининг яна бир ўзинг хос муҳим жихати унинг нотариал тасдиқлаш талабини инкор қилишидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга биноан, биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва савдоларда голиб чиқсан етказиб берувчи ёки унинг агенти савдолар голиби аникланган вактдан бошлаб беш иш куни мобайнида контрактни имзолаши, айни бир вактда уни биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) томонидан рўйхатдан ўтказиши шарт. Буюртмачи ва етказиб берувчининг контракт бўйича хукук ва мажбуриятлари контракт биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва стказиб берувчи (ёки унинг агенти) томонидан имзоланган вактдан бошлаб юзага келади.

11.2. Биржадаги операцияларнинг моҳияти ва турлари.

Юридик шахслар хисобланадиган бюджетдан маблаг оловчилар-буюртмачилар ўзларига электрон тарзда биржа томонидан персонал кабинет орқали юборилган контрактлар нусхаларини мустақил равишда кўчириб оладилар, уларни ташкилотнинг раҳбари имзои ва муҳри билан тасдиқлайдилар ва ўзларига хизмат кўрсатадиган газначилик органларига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этадилар.

Бюджетдан маблаг оловчилар хисобланмайдиган буюртмачилар ўзларига персонал кабинет орқали злекстрон тарзда биржа томонидан юборилган контрактлар нусхаларини мустақил равишда кўчириб оладилар ва зарурат бўлганда, ўзи жойлашган худуддаги биржада (биржанинг минтақавий бўлинмасида) тасдиқлайдилар.

Савдоларда голиб чиқсан етказиб берувчи контракт тувишни рад этганда ёки уни тувишдан бошқача тарзда бош тортганда унинг молиявий закалати, савдолар голиби аникланган санадан бошлаб бир хафта муддатда, етказилган зарар учун компенсация сифатида, буюртмачининг тегишли хисоб ракамига (агар буюртмачи газначилик ижроси билан қамраб олинган бўлса - бюджет маблаглари ёки бюджетдан ташкири маблаглар бўйича тегишли шахсий газна хисоб ракамини кўрсатган холда ягона газна хисоб ракамига, агар буюртмачи газначилик ижроси билан қамраб олинмаган бўлса - унинг банқдаги таъаб килиб олингунгача депозит хисоб ракамига) ўтказилади. Етказиб берувчи контракт тувишни рад этган ёки уни тувишдан бошқача тарзда бош тортган

тақдирда буюртмачи контракт түзишдан бош тортиш туфайли етказилған заарларни коплаш талабы билан судга мурожаат килишга қақлидир.

Савдоларда ғолиб чиқкан, бирок контракт түзишни рад эттан ёки уни түзишдан бошқача тарзда бош торған етказиб берувчи биржа томонидан ноҳалој етказиб берувчилар реестрига киритилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно: енгіб бұлмайдиган күчлар юзага келгендеги муносабати билан рад этиш; Битимни электрон тизимде етказиб берувчининг агенти томонидан буюртманомани етказиб берувчининг күрсатмаларига мувофиқ бўлмаган параметрлар билан киритиш асосида амалга ошириш; Битимни электрон тизимде етказиб берувчининг агенти томонидан буюртманомани етказиб берувчининг күрсатмаларига мувофиқ бўлмаган параметрлар билан киритиш асосида амалга ошириш натижалари бўйича тузилган контрактни етказиб берувчи имзолашни рад эттан тақдирда етказиб берувчи ўз агентидан буюртмачи фойдасига неустойкани тўлаш билан бөглиқ харажатларни коплашини талаб килишга қақлидир.

Ноҳалол етказиб берувчилар реестрига, давлат ёки корпоратив буюртмани жойлаштириш шаклидан катъи назар, ўз мажбуриятларини бажармаганликда ёки зарур даражада бажармаганликда суд тартибида айбор деб эътироф этилган етказиб берувчилар ҳам киритилади. Етказиб берувчиларни ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритиш тўғрисидаги карор Maxsus комиссия томонидан, буюртмачининг ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг аризаси асосида кабул қилинади. Етказиб берувчи томонидан тузилган контракт бўйинча ўз шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда буюртмачилар товарлар (ишлар, хизматлар)ни, охирги буюртманомада эълон килинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш шартларини ўзгартирасдан, товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш юзасидан тақлифларни камида уч нафар хўжалик юритувчи субъектга юбориш йўли билан энг яхши тақлифларни танлаб олиш асосида сотиб олишлари мумкин. Бунда буюртмачилар электрон тизимда янги буюртманомани жойлаштириш хукукига эгадирлар.

Савдоларда ғолиб чиқкан етказиб берувчи контрактни имзолашни рад этгандан ёки бошқача тарзда ундан бош торғанда, буюртмачи учун навбатдаги энг яхши нархни тақлиф этган бошқа етказиб берувчи савдолар ғолиби бўлади, бунда ушбу етказиб берувчи уни савдолар ғолиби деб эътироф этишга ва контрактни имзолашга рози бўлиши шарт. Иккинчи етказиб берувчи билан тузиладиган намунавий контракт биржа томонидан, савдоларда иккинчи етказиб берувчи тақлиф этган нархни ҳисобга олган холда шаклантирилади.

Брокер томонидан (мизознинг топшириғи кўра) битимнинг амалга оширилишида сотувчи брокер биринчи бўлиб контрагентга тузилаган битим қуйидагиларни тақдим этади:

- қимматли қогоzlарнинг мавжудлиги ҳақидаги кафолатномани;
- битимни тузган брокер томонидан имзоланган битимни рўйхатга олиш ва рақасини, бир нусхада;

- битимни тузган брокер томонидан имзоланган олди-сотди шартномасини, уч нусхада (згар бўйича контрагентга кўйидагиларни тақдим этади;

Харидор брокер тузилган битим бўйича контрагентга кўйидагиларни тақдим этади;

- тузилган битим нархини тўлаш ҳакида кафолатномани;

- сотувчи брокер томонидан имзоланган олди-сотди шартномасига имзо чекади, уч нусхада.

Агарда томонлардан бирортаси битимни расмийлаштиришдан бош тортса, унинг ҳаракати биржа савдолари қондаларини бузганлик сифатида баҳоланади. Биржа битими тузилганидан ва олди-сотди шартномаси имзоланганидан кейин брокер мижозга белгиланган шаклдаги ҳисоботни тақдим этади. Савдо сессияси якунланганидан сўнг рўйхатга олиш ва битимларни расмийлаштириш хизмати (минтақавий бўлинмаларда масъул мутахассис) томонидан икки соат ичидаги савдо сессияси асосида савдолар якунлари тўғрисида тезкор маълумотлар тайёрланади ва булар биржа Бошқарувининг Раиси ҳамда бош маклер томонидан имзоланади. Бундан ташқари, бир соат мобайнида битимларни тузган брокерлар имзоси ва биржанинг масъул мутахассисларнинг визалари кўйилган битимларни рўйхатга олиш варакалари ҳамда олди-сотди шартномалари расмийлаштирилади. Шартномага тўртбурчакли муҳр (штамп) ва рақам, бош маклернинг имзоси кўйилади. шундан сўнг шартнома рўйхатга олинган ҳисобланади. Бунда биржанинг ҳисобга олиш рўйхатига тегишли ёзувлар киритилади. Шартнома уч нусхада расмийлаштирилади; брокер-контрагентларга биттадан берилади, бир нусхаси эса, биржада қолади.

Биржада битим тузган томонлар унга воситачилик йигимини тўлайди. Йигим брокерлик идораси ва мижоз ўртасидаги келишувларга кўра улардан бири томонидан 5 кун ичидаги тўланади. Бирок тўлов муддати бузилган ҳолларда барча эътиrozлар биржа томонидан брокерлик идорасига билдиради. Брокерлик идораси «Тошкент» РФБнинг қимматли көзозлари билан битимларни амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ тўловнинг таъминланишига жавобгар ҳисобланади.

Битимни тузиш технологиясини танлаш брокерлар томонидан талабномаларнинг берилиши усулига боғлик ва уларнинг хоҳишлирага кўра амалга оширилади. Талабномалар брокерлар томонидан савдолар тизимиға савдо сессияси бошланган вактдан бошлаб киритилади ва савдолар жараёнида то уларнинг якунланишига кадар давом этади. Тизимга талабномаларнинг киритилиши шундан далолат берадики, уни берган савдолар иштирокчиси талабномада кўрсатилган нарх ва ундан юкори нарх бўйича битим тузишга рози. Худи шундай харид килиш учун талабномаларнинг тизимга киритилиши уни берган савдолар иштирокчиси талабномада кўрсатилган нарх ва ундан юкори нарх бўйича харид килиш учун битимларни тузишга розилигидан даюлат беради. Барча киритилган талабномалар «Талабномалар китоби»га келиб тушади, бунда ижро этилмаган талабномалар брокерларнинг терминалларида акс эттирилади.

Талабномаларни «Талабномалар китоби»га киритиш учун уларнинг брокерлар томонидан расмийлаштирилиши «қаътий котировкалар» кўринишида амалга ошиди. Улар бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин. Уларнинг хар қайсиси савдолар тизими иштирокчисиснинг номидан эълон қилинади, бунда брокер худи брокерлик идорасининг ўзи каби котировкаларнинг савдолар тизимида белгиланган қоидаларга мос келиши учун жавобгардир. Бир томонлама «қаътий котировкалар» кўринишидаги талабномалар савдо сессияси давомида савдоларда бевосита иштирок этувчи барча брокерлар томонидан ўз номидан ва ўз хисобидан, шунингдек, мижознинг толширигига кўра ва унинг хисобидан берилиши мумкин. Икки томонлама «қаътий котировкалар» кўринишидаги талабномалар турли мижозлардан бир эмитентнинг муайян қимматли қоғозларини харид килиш ва сотиши учун талабномага эга бўлган брокерлар томонидан берилиши мумкин.

Савдолар тизимида «акцептли битимлар»ни ўтказиш мумкин. Унда, масалан, харидор брокер айнан бир хил кўрсаткичли қарши талабномани бериш йўли билан талабномаларни сотувга кўйган исталган сотувчи брокер билан битим тузиши мумкин.

Хар бир талабномани қабул килишда савдолар тизими унинг киритилиши вактини автоматик тарзда қайд этади ва унга идентификация ракамини беради. Савдолар тизимида талабномаларни бериш брокернинг битимни талабномада кўрсатилган шартларда баҳаришга сўзсиз розилигини (оферт) англатади. Савдолар тизимида талабномаларни узлуксиз таккослаш («автоматик котировка») усули бўйича битимларни автоматик тарзда тузиш билан киритилган сотиши (харид килиши) учун талабнома ҳам барча брокерларга юборилган оферт хисобланади. Савдолар тизимида харидор брокер томонидан бинимларнинг акцептли тузилиши («акцептли битимлар») билан киритилган харид килиш учун талабнома харидор брокерни намоён килувчи ташлаб олинган контрагент учун оферт хисобланади. Барча талабномалр уларга савдолар тизимида идентификация раками берилиган вактдан бошлаб брокерларни савдоларнинг бошка иштирокчилари олдилидаги мажбуриятлари билан боғлаб туради.

Битимни тузиш учун талабномада кўйидагилар кўрсатилиши лозим:

- битимнинг йўналиши (харид килиш учун ёки сотиш учун);
- қимматли қоғознинг коди;
- лотларда ифодаланган қимматли қоғозлар миқдори;
- бир қимматли қоғознинг нархи (сумда).

Бундан ташқари, брокерлик идорасининг коди ҳам кўрсатилиши мумкин. Талабномалар брокерлар томонидан савдо залидаги иш жойларидан ёки узоқда жойлашган иш жойларидан берилади. Савдолар тизимида навбатда турган талабномалар брокер томонидан савдолар тизимида тегишли фармойишни киритиш йўли билан олиб ташланиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Брокер томонидан талабнома кўрсаткичларнинг ўзгартирилиши дастлабки талабномани олиб ташлаш ва янгисини бериш сифатнда кўриб чиқилади ҳамда унинг берилиш вакти бўйича навбатнинг охирига сурилишига олиб келади.

11.3. Биржадаги битим ва операцияларни амалга ошириш тартибининг жаҳон тажрибаси.

Биржа брокерларининг харидор мижозлар ёки кимматли қоғозлар сотувчилари билан ўзаро муносабатлари ҳам узоқ вактли, ҳам киска муддатли хусусиятга эга. Дастлабки ҳолатда бу муносабатлар брокерлик хизматлари кўрсатиш учун шартномлар билан, иккинчи вазиятда эса, топширик шартномаси билан расмийлаштирилади. Савдоларни ўtkазиш, битимларни ижро этиш, шунингдек, брокерлар ва мижозлар, брокерлар ҳамда биржа ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараённида юзага келадиган баҳсли масалаларни бартараф қилиш максадида фонд биржаларида Низолар бўйича комиссия тузилади. Комиссияга умумий ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш биржа Бошқарувининг раиси томонидан амалга оширилади. Комиссия уч кишидан иборат бўлиб, улар биржа бошқаруви томонидан унинг ходилари ичидан тайинланади. Биржанинг олий юридик маълумотга эга ва қамида беш йил юридик иш стажига эга бўлган ходим комиссияга раис этиб тайинланиши мумкин. Комиссия ҳимоя учун ёки мулкий хукукларининг тикланиши учун мурожаат қилган манфаатдор шахсларнинг аризалари бўйича тортишувларни кўриб чикади, биржа савдолари иштирокчиларининг ҳимояланиши ва қонуний хукукларнинг таъминланишига, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши чоғида улар томонидан қонунчиликка риоя этишга кўмаклашади. Комиссия биржа савдоларини тайёрлаш ва ўtkазиш жараённида шунингдек, биржа шартномаларишинг тузилиши ҳамда бажарилиши давомида содир бўладиган баҳсларни ҳал қиласди.

Комиссиянинг асосий вазифалари низомда кўрсатилган ва у қўйидагилардан иборат:

- савдоларни тайёрлаш ва ўtkазиш жараённида брокерлар ўртасида, шунингдек, брокерлар ва биржа хизматлари ўртасида юзага келадиган баҳсларни кўриб чиқиши;
- брокерлаф томонидан биржа шартномаларининг имзоланишидаги низоли вазиятларни ҳал этиши:

 - биржада тузилиган биржа шартномалари бўйича юзага келадиган баҳсларни биржада амал қиласиган қондаларга асосан кўриб чиқиши;
 - биржа аъзолари томонидан таъсис хужжатлари, биржа аъзолари тўғрисидаги низом, биржанинг бошқа ички низом ва қондаларига риоя этилиши масалалари бўйича низоли вазиятларни криб чиқиши;
 - биржа аъзоларининг уларнинг хукуқлари камситилмаганилиги ва биржа савдоларини барча иштирокчиларининг тенг хукуклиги;
 - тамойилнинг бузилиши тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиши;
 - шартнома мажбуриятларининг бузилганлиги билан боғлик масалаларни кўриб чиқиши;
 - биржанинг ички келишувларини тузиш ва бажариш билан боғлик бўлган масалаларни ўз ваколати даражасида кўриб чиқиши.

Комиссия биржа баҳсларини ҳал қилишда биржа савдолари қондалари ва шартнома мажбуриятлари бузувчиларига нисбатан айбдорлик даражасини

ҳамда қонунчилик ва биржа қоидаларида кўзда тутилган жазо турларини белгилайди.

Ўз ҳукукларини бузилган деб ҳисобловчи шахс комиссияга ариза беради ва асосланган ҳужжатлар илова қиласди. Комиссия холисона бундай аризаларни кўриб чикади. Комиссия мижознинг тижорат манфаатлари, биржа бошқарув органининг карорини бузганлик, биржа томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида ҳак тўламаганлиги аъзолик бадаларини тўлашни кечиктирсанлик, брокерлик жойидан бир йил давомида савдо операцияларни амалга оширишда фойдаланмаганлик учун брокерларга нисбатан ва брокерлик идораларига нисбатан жазолар кўллаб, уларни савдолардан вактинча четлаштиш, жарималар солиш, қайта аттестацияга жўнатиш, биржа аъзолари сафидан ўчириш мумкин. Биржа аъзоларининг сафидан чиқариш Бошқарувнинг тавсиясига кўра кузатувчи кенташ томонидан амалга оширилади.

Бахеларини ҳал этиш. Низолар бўйича комиссия. Савдоларни ўтказниш, битимларни ижро этиш, шунингдек, брокерлар ва мижозлар, брокерлар ҳамда биржа ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган баҳсли масалаларни бартараф этиш максадида «Тошкент» РФБда Низолар бўйича комиссия тузилган. Шуни назарда тутиш лозимки, биржа брокерлари нафакат мижозларнинг талабномалари бўйича битимларни автоматик тарзда тузишади, балки, айрим маънода, улар учун маслаҳатчи, қимматли когоzlар номинал этаси, шунингдек, уларнинг ишончли бошқарувчиси ҳам ҳисобланади.

Биржа савдоларида қимматли когоzlарни харид қилиш ёки сотини учун топширк шартномасини тузишда биржа савдоларининг қоидаларида назарда тутилган бўлиб, андозалаштирилган хусусиятга эга бўлган буйруклар ёки топширклар мухим ўрин тутади.

Мижоз ва брокер ўртасида техник шарт-шароитлар келишувнинг баённомаси имзоланиши билан бошланади. Унда томонлар бир-бiriшининг телефон, факс, электрон почта ва шу каби маълумотлар билан алмашибадилар. ўзаро ҳамкорлик учун масъул бўлган ишончли шахсларни таъминлади, маслаҳатлар ва ҳисботларининг даврийлигини белгилайди. Биржа савдоларини амалга оширишда тасдиқланаган буйруклар ва топшириклар мухим ўрин тутади. Булар куйндагилар:

Бозор бўйруғи – бу муайян қимматли когоzlарни энг фойдали жорий нарх бўйича харид қилиш ёки сотиш учун буйрук, яъни қимматли когоzlарни энг паст нархда харид қилиш учун ёки уларни убу буйрукни олиш вақтидаги энг юкори нархда сотиш учун буйрук.

Лимитни бўйруқ - бу қимматли когоzlарни махсус келишилган нархда ёки энг фойдали шартларда харид қилиш ёки сотини учун буйрук, яъни Ушбу буйрукда сотишнинг энг кам нархи ёки харид қилишнинг энг юкори нархи келишилди. Агар лимитга эришилмаса, брокер томонидан буйрук бажарилмаслиги керак. Сотиш учун берилган лимитли буйрукда келишилган нарх доимо жорий сотиш нархидан юкори бўлдан (аксинча, харид қилиш учун берилган лимитли буйрукда бу нарх доимо жорий сотиш нархидан паст бўлади). Масалан, мижоз брокерга «Тошкент гўшт» акциядорлик жамияти акцияларининг хар бири 100,5 сум нархда сотилаётган вақтда уларни 100

сумдан сотиб олиш учун буйрук берали. Агар нархлар 100 сумгача ва ундан настга тушса, брокер буйруқни амалга оширади. Агар нархлар ушбу даражагача етмаса (масалан, факат 100,1 сумгача тушса), брокер хеч қанака ҳаракатни амалга ошириши мүмкін эмас. Лимитли буйруқнинг кисман бажарилишига ҳам йўл кўйилади, яъни агар мижоз томонидан 500 та акцияни уларнинг ҳар бирини 100 сумдан сотиш учун буйрук берилса, бирор ҳаридор фактат 200 та акцияга тошилса, брокер 200 та акцияни сотади.

Стоп-буйрук (буферли буйрук) – брокерга кимматли қоғозларни нархлар буйруқда айтилган даражага етган вақтда ҳарид қилиш ёки сотиш учун буйрук. Бу шуни англатадики, «буфер нархи»га эришиш биланоқ буйрук автоматик тарзда бозор буйруғига айланади. Масалан, мижоз ўз брокернга муайян акциядорлик жамиятининг 200 та акциясини сотиб олиш учун буфер нархини 800 сум қилиб бслгилантган ҳолда буйрук беради. Нархлар 800 сумга етгнадан кейин, сотув учун кейниги таклиф бўйича битим амалга оширилади, ушбу таклиф бўйича нарх 800 сумдан юкори ёки паст бўлиши мүмкін.

Буфер лимитни буйрук - брокерга кимматли қоғозларни нархлар буйруқла айтилган даражага етган вақтда ҳарид қилиш ёки сотиш учун буйрук. Яъни, «буфер нархи»га эришиш биланоқ буйрук автоматик тарзда (бозор буйруғига эмас) лимитли буйруқка айланади. Масалан, «100 та 500 дан «Тошкент гўшт», 480,5 дан паст бўлмаган лимитда сотилсин», деган буйрук шуни англатадики, ҳар бир акция учун 500 сумдан буфер нархига эришилганда «Тошкент гўшт» нинг 100 та акцияси сотилдан, лекин бир акциянинг раҳи 480,5 сумдан кам бўлмаслиги керак. Акс ҳолда буйрук бажарилиши мүмкін эмас.

Буйрукларга қўйидаги қўшимчалар берилиши мүмкін:

«Бутунлай ёки ҳеч қачон» - бу буйрук зудлик билан тўлигича бажарилишини ёки бекор қилинишини англатади.

«Ижро этилсан ёки бекор қилинсан» - буш уни англатадики, бундай гап киритилганда буйрук бажарилиши, ижро этилмаган қисми эса, бекор қилиниши мүмкін.

«Очилини вақтида» (ёки «ёнилини вақтида») – бу буйрук биржа очилганидан кейин (ёки ёнилиши олдидан) биринчилар каторида ижро этилиши лозимлигини билдиради.

«Нарх пасийтирилмасин» (ёки «нарх кўтаришмасин») – бу кимматли қоғозлар майдаланган ҳолларда ёки бошка кутилмаган вазиятлар содир бўлганда буйруқда кўрсатилган нарх ҳеч қачон тузатилиши мүмкін эмаслигини англатади.

Буйруклар, шунингдек, яна қўйидагиларга бўлинниши мүмкін:

Кунлик буйрук - фактат мижоз томонидан кўрсатилган савдо кунида амал қиласади. Барча буйруклар бир кунлик буйрук сифатида эътироф этилади, агар бу алоҳида айтилмаган бўлса.

Очиқ буйрук - мижоз уни бекор қилимаганга қадар ёки бажарилмагунча амал қиласади.

«Ўз зиммамга алмайман» буйруғи шуни англатадики, брокер мижознинг кимматли қоғозлари билан битим тузиш имконияти бой берганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Бу буйрук брокерга мижоз томонидан

белгиланадиган лимит доираисда нархни ва буйрукни бажаришнинг вактини белгилаш бўйича ўз фикрларидан фойдаланиш имконини беради.

Кўламили буйруқ - мижознинг брокерга бир вактнинг ўзида турли шартлардаги бир неча лимитланган буйрукларни қаторисига бажариш буйруғини англатади. Буйрукнинг мақсади кимматли қоғозларни харид килиш ёки сотишнинг энг қулай «ўртача» нархига эришишдан иборат.

Муқобил буйруқ - мижознинг у ёки бу кимматли қоғозларни харид килиш ёхуд сотиш топширигини билдиради. Буйруқ мижоз томонидан кўрсатиган номларнинг бири бўйича бажарилиши биланоқ, бошқа буюртмалар автоматик тарзда олиб ташланади.

Ўтказма буйруқ - бир турдаги қимматли қоғозларни сотишдан тушган тушумлардан бошқа қимматли қоғозларни харид килишда фойдаланишини назарда тутади.

«Ҳаммаси ёки ҳеч нарса» буйруғи – мижознинг қимматли қоғозлар туркумини бутуилай сотиш ёки харид килиш топширигини англатади. Агар брокер мазкур шартни бажара олмаса буйруқ бекор килинади.

Бўлиб ўтган савдоларнинг натижаларига кўра брокер томонидан мижознинг буйруги бажарилмаган ҳолларда брокер унга бажарилмаганлик сабаблари ҳақида хабар киласди. Бунда у талабномаларни савдоларга кўйиш, қимматли қоғозлар ва пул маблағларини олдиндан мухосара килиш операциялари бўйича бажарган ишлари учун мижоздан ушбу операцияларга килинган харажатларнинг қопланишини сўраш хукуқига эга. Амалиётда аксарият кўп ҳолларда брокернинг мижозлар билан битим тузмасдан кўрсатган хизматларига хақ тўланимайди.

Агар брокер битимни амалга оширеа, у мижозга хисобот бериши керак. Унда аввал тузилган топширик шартномасининг бажарилганилигини билдирган ҳолда, брокер мижозга қатор ҳаракатлар ва тўловларни, шу жумладан, биржага ҳамда брокернинг воситачилик ҳакини, депозитарийга хизмат ҳақини ва шу каби тўловларнинг амалга оширилишини таълиф этади. Топширик шартномасининг бажарилиши жарабнида брокерлар ва уларнинг мижозлари ўртасида юзага келган баҳслар, буйрукларга аниқ риоя этиш масалалари умумий белгиланган тартибда биржанинг Низолар бўйича комиссияси томонидан ёки хўжалик суди органлирда кўриб чикилиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: биржа битими, биржа операциялари, биржа савдолари, реал битимлар.

XII БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ РИСКЛАРИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШ

12.1. Молия бозори рисклари, уларни баҳолаш ва бошқариш.

Молия бозоридаги рисклар манбаси ҳар турдаги омиллар ҳисобланиб, уларнинг эҳтимолий тарзда маълум ва номаълум даражадаги таъсири молия бозорида мос равишда рискли жараён, ҳодиса ва ҳаракатларни келтириб чиқаради. Бошқача килиб айтилса, рисклар ҳар доим омиллар таркибида мавжуд бўлиб, табиатан эҳтимолий характерга эга конуниятлар асосида таржалади, уларнинг таъсири остида молия бозори мухитида ривожланиши шаклланувчи воказеликларга бевосита ёки билвосита ўтади (кўчади). Бундай ҳолат ўз-ўзидан молия бозоридаги рисклар муаммосини ўта долзарблигини тасдиқлайди.

Демак, рисклар молия бозори мухитида доимо мавжуд бўлиб, унинг ҳолати ва риволаниши сифатини пасайтириб ва занфлаштириб туради (умуман олганда бозор мухитини “ифлослаштиради”), бальзан эса ёмонлаштиради. Бу эса молия бозори катнашчилари учун катта аҳамиятта эга. Ҳозирга келиб рискларни баҳолашда турли усуллардан фойдаланилмоқда, масалан: органолептик (дастлабки тарзда таъсир сифатини баҳолашда), статистик-эмпирик (баҳолашда кўп вақт ва маблагни талаб қиласди), умумлаштирилган эҳтимолий-математик усуллар (уларни кўллаш арzon ва қулай).

Бундай таърифда куйидагилар муаммоларни ҳисобга олиш лозим:

1) рискларни фавқулодда пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олинса, у ҳолда ҳар қандай ҳаракtlар рисксизлигити эҳтимолий характерга эга, демак бу ҳосса шартлидир;

2) қоникарли фаолият юритиш тамойилини қабул қилиниши молия бозори ва ундаги ҳар қандай катнашчининг фаолияти параметрлари маълум вақт давомида рискларга мойиллигидан далолат беради, демак бундай ҳосса ҳам шартлидир;

3) катнашчи ҳаракатини олдиндан таҳминан маълум деб олинган молия бозори мухитининг рискли шароитларга мослигини баҳолаш лозим. Баҳолашдаги бундай таҳмин одатла ҳаракатнинг қиска вақт даврида мазмунига эга бўлиши мумкин, демак бу ҳосса ҳам шартлидир.

Молия бозорининг ҳар бир қатнашчиси фаолиятини (ҳаракатларини) ва молия бозори механизмини ўзаро боғликларда ва уйғунликда мос келиши даражасини (бу параметрни қўйида қисқача МКД деб белгилаб оламиз) ҳозирда ўрганиш бозор ва унинг қатнашчиларини турли омилларга, улар таркибида ҳамиша мавжуд эҳтимолий рискларга ўта сезгир бўланлиги, буларнинг таъсири остида тўсатдан вужудга келувчи турли нохуш воказеликлар (ҳодиса ва жараёнлар, ҳаракатлар) ривожи шаклланиши эҳтимоли ҳар доим мавжуд бўлганлиги сабаби мухим аҳамиятга эга.

Рисклар молия бозори мухитини “ифлослаштириши” ва МКД микдорига салбий таъсир кўрсатиши сабабли улардан тозалаш зарурлиги табиийдир, демак, лекин бу зарурат ханузгача муаммо сифатида долзарб бўлиб келмоқда.

Бу муаммони ечишда қуйидагиларга ахамият бериш лозим:

- МКД міндерінде таъсир этувчи рискларни вужудға келиши сабабларында турлы тарзда хосил бўлувчи рискларни пасайтириш усувларига;
- молия бозори ва унинг қатнашчиси фаолиятинг исталган даврида (фазасида) уларнинг рискларга таъсирчанлиги даражасига;
- рисклар шаронтида МКД міндерини прогноз қилинганини ёки килинши мүмкінлиги ҳолатига;
- молия бозори ва унинг қатнашчилари фаолиятидаги рискларни бошқариш бўйича самарали чора-тадбирларни мавжудлигига ёки ишлаб чиқилиши мүмкінлигига.

Санаб ўтилган масалаларни ечиш молия бозори ва МКД міндерини ноҳуш рисклардан тозалашта қаратилган.

Қатнашчиларнинг МКД міндері – қатнашчиларнинг олдиндан маълум риссли шаронтиларда ўзларн ва молия бозорининг сифат кўрсаткичларини ёмонлаштирган тарзда ташкиллашган, бир-бири билан ўзаро мос келадиган харакатларни бажариш сифати даражасини кўрсатади. Бунда хар иккала тараф ҳам бир-бирига (жумладан, шерик бўлган қатнашчилар ҳам) ноҳуш таъсир кўрсатмаслиги ва бир-бирига рисқ тўғдирмаслиги керак.

Рискларни баҳолашда уч асосий элементни (унсурни) инобатга олиш лозим: рисқ манбай (РМ); тарқибидан рисклар тарқаладиган операциялар тўплами; рисқ рецептори (РР).

РМни РРга таъсири бевосита (тўғридан тўғри) ва билвосита (тўғри бўлмаган) бўлиши мүмкин.

Қатнашчилар жуфтлигидаги МКД доирасида ички рисклар (ИР), хар қандай жуфтликлар орасида эса жуфтликлар рисклари (ЖР) вужудға келиши мүмкин.

Таъкиллаш жоизки, ИР ва ЖР беҳоста (ташки омиллар сабабли олдиндан билмаган ҳолда) ва/ёки қдрокли (субъектив сабабли омиллар асосида) равишда вужудға келиши мүмкин. Бунда қдроклилари ривожланган бозор шаронтида яккол прогнозланиши мүмкин ва профессионаллар учун унчалик ҳавф тутдирмайди, яъни уларни бошқариши мүмкин.

12.2. Инвестицион жарайнда юзага келадиган рисклар.

Молия бозори ва кимматли қоғозлар бозорига инвестиция олиб кириш хар қандай рисклар билан боғлиқ. (Рискини ўзбек тилига хатар, ҳавф-хатар, таваккалчилик хатари ёки эҳтимолдаги зиён) деб таржима килса бўлади. Биз маъруза матнида рисқ сўзи ўрнига хатар сўзини ишлатишни лозим кўрдик.

Хатарлар инфляция жарайни, процент даражаси, мамлакатдаги сиёсий тузумни ўзгариши, солиқ сиёсати ва бошқалар билан боғлиқ бўлиши мүмкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда маърузада хатарнинг келиб чиқиши, уларнинг турлари, хатарни баҳолаш, уларни таъсирини камайтириш механизмини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Бу мавзу биринчи бор ўқув программасига киритилганини ва адабиётларда жуда кам ёритилганини

хисобга олиб, муаллиф ўз нуқтаи назаридаи келиб чиккан ҳолда хатарларни турхлаш, уларни таъсирини камайтириш масалаларини ёритган.

Кимматли көгөzlар бозорини сармоялаш ҳар доим риск (хатар) билан боғлидир.

Риск (хатар) кимматли көгөzlар (шу жумладан, инвестициялар билан) операциялари билан боғлиқ йўқотишлар ва мукаррар равишда уларга хос эҳтимоллардир.

KKС операцияларига оид хатарлар қандайдир бир операцияни бажаришда кўпгина тасодифий омилларнинг унга таъсири туфайли исталган натижага эга бўлмаслик эҳтимоли билан боғлиқ.

МБ ва KKБдаги деярли ҳар қандай операциялар унинг иштироклари:

- эмитентлар;

- сармоядорлар ёки воситачилар у ёки бу хатар даражасини ўз бўйнига олишини англатади.

Эндиғина ўзининг МБ ва KKБини шакллантираётган мамлакатларда бозор иштирокчилари учун хатарлари бозор муносабатларнинг кўп йиллик тарихига эга бўлган мамлакатлардагига Караганда бир неча юкори бўлиши мумкин.

МБ ва KKБига инвестициялаш ёки молиявий активларни жойлаштириш турли хил нокулай ҳоллардан ҳолис эмас ва у:

Биринчидан, олинган даромад кўзланган даромаддан кам бўлиши;

Иккинчидан, даромад умуман олинмаслиги;

Учинчидан, KKС кўйилган капитални бир кисмини;

Тўртинчидан, KKГа кўйилган барча капитални;

Бешинчидан, KKГа кўйилган барча капитал билан бирга даромадини йўқотиши ёки олмаслиги мумкин.

Фонд бозорида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчилар олдида ҳар доим турли хил хатарлар пайдо бўлиши мумкин. МБ ва KKБини яхши ўрганиб, бўлажак хатарларни олдини олиш ёки уларнинг таъсирини камайтириш мумкин. Шунинг учун, ҳар бир инвестор бунга тайёр бўлиб ўзи учун пайдо бўладиган хавф-хатарни таъсирини камайтириш йўлларини ўйлаб кўйинши керак.

МБ ва KKБининг профессионал иштирокчилари ўз фаолиятида хатарларининг турли хилларини инобаттга олишга тўгри келади.

Хатарларни ноаниқлик билан қўшмаслик керак.

Ноаниқлик – бу олдиндан келажакда бўладиган ишларни аниқ айта олмаслик.

Хатар эса – бу ноаниқлик эмас, уни олдиндан туриб хисобга олиши керак, чунки унинг оқибатида кишиларнинг моддий фаровонлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Буни исботлаш учун қуйидаги мисолни келтириш кифоя.

Сиз кечки зиёфат уюштиrmокчисиз ва унга ўзингизга яқин бўлган 10-12 кишини чакирмоқчисиз. Шунга яраша тараддуд кўрасиз. Лекин меҳмонларни қалчаси келади сиз учун ноаниқ, лекин бу хатар эмас. Сиз 10 кишига яраша дастурхон тузатасиз, лекин меҳмонларнинг 12 киши бўлиб келишди. Натижада 10 кишига барча нарса етишади, 2 кишига эса нознеъматлар етишмай қолади.

Сиз норзи бўлиб коласиз. Фараз қилайлик 8 киши келди. Бу ҳолда 2 киши учун тайёрланган маҳсулотлар ортиб қолади. Сиз яна норози бўлиб қоласиз. Бу ҳолат хатар билан боғлик. Яъни бу сизнинг зарар кўришингиз билан боғликдир.

Худди шундай ҳолат КҚБда ҳам бўлиши мумкин. Сиз кк портфелини сотиб оласиз. Агар қимматли қоғозлар баҳоси савдоларда тушиб кетса сиз зарар кўрасиз. Кўзлаган фойдани ола олмайсиз, агар кк баҳоси юқорига кўтарилса сиз оладиган фойданиз ҳам ошади. Шундан ҳулоса, хатар (риск) – бу йўқотиш ҳавфи, фойда олиши эмас. Шунинг учун ҳам сармояни КҚ сотиб олишга сарфласангиз, ҳамиша кўзланган даромаддан камроқ олишини хисобга олсангиз хатарни камайтирган бўласиз. Юқоридаги мисолимизга кайтайлик. Сиз меҳмонларингиз учун рестарандан 12 кишига мўлжалланган маҳсулотлар буюртма қиласиз ва рестаран ходимлари билан келишасиз, агар меҳмон кам келса, қолган маҳсулотни рестаранга кайтариб берасиз, ёки 8 кишига маҳсулот оласизда, рестаран билан келишиб кўясиз, агар меҳмоnlар кўп бўлса яна кўшимча маҳсулот келиб оласиз. Бу хатарни олдини олиши йўлларидан биридир. Бунга компремисс ҳолат дейилади ва хатарларни бошкаришнинг бир йўли хисобланади.

МБ ва КҚБдаги барча хатарларни шартли равишда икки гурӯхга бўлсак бўлади.

Биринчи гурӯхга фонд бозорининг умумий ҳолати билан боғлик бўлган хатарлар. Бу хатар ккбда бўлган барча қимматли қоғозлар турини ўз ичига олиши мумкин, яъни бу хатар диверсификация бўлмайди, қимматли қоғозларга инвестиция килингандаги даврдан бошланиши мумкин. Буни куйидаги схемада кўришимиз мумкин.

| Фонд бозорининг умумий ҳолати билан боғлик бўлган диверсификация бўлмайдиган хатарлар |
|---|
| Инфляция жараёни билан боғлик бўлган хатар |
| конунчиликни ўзгариши билан боғлик бўлган хатар |
| Фоиз (процент) даражасини ўзгариши билан боғлик бўлган хатар |
| “Айиклар”, “Букалар” бозоридаги хатар |
| Харбий конфликтлар билан боғлик бўлган хатар |

Бу хатарларнинг келиб чиқишига сабаб ҳали қимматли қоғозларнинг миллий бозори жаҳон андозаси режимида ишлай олмаслигидир. Энди шу хатарларни бирма-бир кўриб чиқайлик:

1. Инфляция жараёни билан боғлик хатар. Сармоядор (инвестор) қимматли қоғозларни сотиб олган вактда ҳар доим инфляция ҳавфи бўлиши мумкин. Инфляциянинг юқори бўлиши кўзланган даромадни олишга йўл бермайди ва инвестор маълум даражада зиён кўриши мумкин.

2. Конунчиликни ўзгариши билан боғлик бўлган хатарлар. Мамлакатда Президентнинг ўзгариши билан ёки бошқа сабабларга кўра амалдаги коунунлар ўзгариши мумкин ёки уларга ўзгартришлар киритилиши мумкин. Натижада хукумат ўз зинмасига олган мажбуриятларни бажармайди. Бу ҳол қимматли қоғозлар бозорига салбий таъсир кўрсатади. (Масалан,

Ўзбекистон Республикасида 1992 йил чиқарилган 12% ичкі заём ютуқларини номаълум мулдатга музлатганилиги, солик тизимидағи ўзгаришлар, савдо коидаларининг ўзгариши ва х.к.).

3. Фоиз (процент) даражасининг ўзгариши.

Бу ҳол кимматли қоғозлар бозорида бозор баҳосининг ўзгариши натижасида олинадиган процентта таъсир кўрсатади. Кредит тизимиши, валюта курсини ўзгариши натижасида молия бозоридаги ўзгаришларга олиб келади ва кўзланган фойдани олишни камайиш хатари юзага келади.

4. Ҳарбий конфликтлар (можаролар) билан боғлик бўлган хавф-хатарлар. Ҳарбий ҳолат натижасида мамлакатда биржалар иши ёплади, кимматли қоғозлар бозоридаги савдолар тўхтатилади ва бу ҳол бир бутун молия бозорига таъсир кўрсатади.

Иккинчи турух хавф-хатарлар фонд бозорининг айрим ҳоллари билан боғлик бўлган (диверсификация ҳолатидаги) хатар. Улар куйидаги икки турга бўлинади:

1. Инвестиция обьектлари билан боғлик бўлган хатарлар

- Бизнес хатар
- Молиявий хатар
- Хусусий инвесторлар билан боғлик бўлган дивидендерни тўламаслик хатари
- Корхона фаолияти билан боғлик бўлган хатарлар
- Бошқарув билан боғлик бўлган хатарлар
- қимматли қоғозларнинг ликвидлиги билан боғлик бўлган хатарлар
- Конвертация билан боғлик бўлган хатарлар
- Валюта билан боғлик бўлган хатарлар
- Кредит билан боғлик бўлган хатарлар
- Тармоқ хатари
- Катострафик хатар

2. Инвестиция йўналишлари билан боғлик бўлган хатарлар

- Чет эл мамлакатларида жойлаштирилган қимматли қоғозлар хатари
- Регионал хатар
- Махсулотларни сотиб олиш ва етказиб бериш билан боғлик бўлган хатарлар
- Тўлов қобилияти билан бўлган хатарлар ва х.к.

Бу хатарларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқайлик.

1. Инвестиция обьектлари билан боғлик бўлган хатарлар – эмитентнинг тўлов қобилияти ва оладиган даромадлари билан боғлик. Турили хил фавкулодда хатарлар бўлиб, эмитентни қимматли қоғозлар сотиб олиши учун қобилияти камайинши ёки умуман сотиб олиш мумкин бўлмай қолади.

2. Бизнес хатар – корхона фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлик яъни, унинг рейтингини тушиб кетиши, бир акцияга олинадиган дивиденди, иш ҳақини, баҳонинг ойдага нисбати, фойданинг корхона активларига нисбатан пастлиги натижасида блиши мумкин.

3. Молиявий хатар – корхонанинг пассив балансининг самарадорлиги билан боғлик.

4. Дивидендларни тўламаслиқ хатари – умумий кўринишдаги хусусий бир хатардир.

5. Корхона фаолияти билан боғлик бўлган хатар – корхонани бозордаги мавкеи билан боғлик. Баззи корхоналар консерватив турга хос бўлиб корхонани кенгайтириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш стратегиясини ишлаб чиқмайди. Бора-бориб улар олдида банкротлик хавфи пайдо бўлади.

6. Бошқарув билан боғлик бўлган хатарлар – бу корхона менеджерларнинг малакаси билан боғлик бўлади. Агар бизнес-мнеджерлар хатоларга йўл кўйса корхона зарар кўриб КҚБда фаолияти пасаяди.

7. ҚКни ликвидиллиги билан боғлик хатарлар – ҚҚ сифатини ўзгариши, ққни сотиш баҳосининг ўзгириши ёки комиссион ҳақнинг ўзгариши билан боғликлар. Ноликвидли активлар юқори фойда келтирмайди ва ққни сотишда уларнинг баҳосининг пасайишига олиб келади.

8. Кредит билан боғлик бўлган хатарлар – ққни чиқарган юридик шахсни тўлов кобилиятынинг пасайиши билан боғлиқдир.

9. Валюта билан боғлик бўлган хатарлар – бу ҚҚни сотиб олишда валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқдир.

10. Конвертация билан боғлик бўлган хатарлар – бу имтиёзли акцияларни, облигацияларни оддий акцияларга айлантириш жараённада юзага келади.

11. Тармоқ хатари – бир тармоқдаги корхоналар ўзаро конкуренцияда яхши натижаларга эришиш учун кўшимча молиявий маблагларни сарфлайдилар натижада инвестициянинг даромадлиги пасаяди.

12. Катострафик хатар - тадбиркорларнинг кўпол хатолари натижасида корхонанинг банкротлик холати билан боғлиқдир.

13. Чет зл мамлакатларнинг жойлаштирилган кўлар хатар – бу ққни молиявий жиҳатдан ўзига мустаҳкам бўлмаган мамлакатларда жойлаштириш билан боғлик. Бу мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иктисадий вазияти билан, ундаги солик сиёсати билан боғлиқдир.

14. Регионал хатар – бу турли регионларни иктисадий холати, фонд бозорининг ривожланиш даражаси, ҚҚБни уюштиришдаги савдо-сотик технологияси солик сиёсати, экологик вазият, маҳаллий ҳокимиятларнинг иш услуби билан боғлик.

ҚҚБда техник хатар ҳам мавжуд, бу КҚБ билан олиб бориладиган савдо-сотикдаги сервис даражаси билан боғлик, яъни бу тўловда, клирингда қўйилган техник хатолар натижасида вужудга келиши мумкин. Буларни олдини олиш учун бу соҳада фақат профессионал ҳодимлардан фойдаланиш керак..

Хатарларни баҳолаш даражасига караб қўйидаги хуносага келиш мумкин, яъни:

- умумдавлат миқиёсидаги хатарлар;
- тармоқ миқиёсидаги хатарлар;
- корпоратив (корхона, фирма) миқиёсидаги хатарлар;
- айрим инвесторлар холати билан боғлик хатарлар.

Буларнинг келиб чикиш сабаби, хукукий-ижтимоий, молия, инфляция, ликвидлик бозорининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

Фонд биржасида «Айклар», «Буқалар» ва нобиржавий бозорда «Қуёнлар» ўйинлари мавжуд. Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатаётган профессионал иштирокчилар ўз даромадларини ошириш мақсадида турли хил ўйинларни кўллайдилар. Фонд биржасидаги бу ўйинлар маҳсус терминлар билан аталади.

Биринчиси “Айклар ўйини” - даромад олиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларни нархини пасайтиишга қаратилган жараёндир. Профессионал иштирокчилар қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар нархини пасайишини олдиндан сезган ҳолда уни маълум муддатга карзга олиб турадилар. карзга олинган қимматли қоғозлар ҳам уни нархи пасаймасдан пайт пойлаб дарров сотиб юборилади. карз муддати етиб келгач ққининг нархи пасайиб кетади ва шу пасайган нарх бўйича “Айклар” карзга олган қимматли қоғозлар учун ўз карзини тўлайди. Бунда “Айклар”ниң даромади қарзга олинган қимматли қоғозларни сотиш нархи ва карзни тўлаш вактида унинг баҳоси тафовути кўринилишида ифодаланади. Кредиторлар эса ўзларининг қимматли қоғозларни нақл пулга айланишидан манфаатдор бўладилар.

Иккинчиси “Буқалар ўйини”. Бунда “буқалар” қимматли қоғозларни нақл шулга сотиб олади ва уларнинг бозор нархини кўтарилишини пойлаб турадилар. Бозор нархи кўтарилидими “Буқалар” қимматли қоғозларни сотади. Натижада даромад олади. Бошқача килиб айтганда, биржа коньюктурасидан фойдаланиб “Айклар” ва “Буқалар” ҳаводан пул ясайдилар.

Учинчиси “Қуёнлар ўйини”. У нобиржавий бозор бўлиб, кенг оммага маълум бўлмаган ёки ишончсиз эмитентларнинг расмий рўйхатга олинимаган ва муайян нархга эга бўлмаган молиявий воситаларининг ояди-сотдиси натижжасида амалга оширлади. Бунда “қуёнлар” нобиржавий бозорда нархлар тафовутидан даромад олиш мақсадида ққининг таваккалчилик асосида сотиб олади ва қайта сотади.

12.3. Портфели инвестициялашда қимматли қоғозларнинг роли. Қимматли қоғозлар портфели тушунчаси ва асосий хусусиятлари.

Инвестициялар портфели – маълум бир мақсадли инвестицион сиёсат асосида шакллантирилган молиявий инструментлар тўплами. Портфеллар жамгарма ва капитални жамлаш воситаси сифатида намоён бўлади. Инвестициялар портфелининг асосий мақсади – инвесторлар маблагини молиявий инструментларга (қимматли қоғозларга) йўналтириш асосида режалаштирилган даромадни паст (юқори) рискларда олиш.

Портфелинг мазмuni – бир тўпламга жамланган қимматли қоғозлар бўйича инвестор учун кулай ва зарурӣ инвестицион шароитларни яхшилаш бўлиб, унда бу тўпламдаги қоғозларда инвесторнинг инвестицион сиёсати мақсад-вазифаси доирасида яратилган ушбу шароитлар талабларига жавоб берувчи инвестицион ҳоссалар шакллантирилади. Бундай ҳоссаларни алоҳида

олингац бир турдаги қимматли көз дөирасида таъминлаб бўлмайди, факат уларнинг комбинациясидагина шакллантирилиши мумкин.

Умуман олганда, портфелни шакллантириш, тахлил ва мониторинг килиш ҳамда оптималлаштириш асосида таркибини қайта кўриб чиқиш жараёнида унинг талаб қилинган параметрларига мос келадиган янги инвестицион сифати ҳоссасига эришилади. Бунда бу жараённи умуман олганда портфелни бошқариш деб тушуниш мумкин. Инвестициялар портфели шундай инструментки, унинг самарали бошқарилиши асосида инвесторни талаби дөирасида коникарли даромаднинг баркарор микдори минимал рисклар даражасида таъминланиши мумкин. Инвестициялар портфели бўйича олинадига даромадни портфел таркибига кирган маълум даражада рискли молиявий инструментлар тўпламидан шаклланувчи ялпи даромад дейилади.

Портфели инвестиция қимматли көзлар бозорининг турли тармоқларида тижорат банкларини инвестиция фаолиятининг якуний натижаларини режалаштириш, баҳолаш, назорат килиш учун ёрдам беради. Одатда, портфел акциялар, турли даражада таъминланган ва рискли облигациялар, шунингдек, давлат томонидан кафолатланган, қатъий даромадли, яъни асосий сумма ва жорий тушумлар бўйича минимал рискли қимматли көзлар тўпламидан иборат бўлади. Назарий жиҳатдан портфел бир турдаги қимматли көзлардан иборат бўлиши, шунингдек, бир турдаги қимматли көзларни бошқаларига алмаштириш йўли билан ўз таркибини ўзгартириши мумкин. Инвестиция портфелини шакллантириш вактида куйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- кўйилмаларнинг хавфсизлиги (инвестицияларни жамгарма бозоридаги тебранишларга мустаҳкамлиги);
- даромад олинишининг баркарорлиги;
- кўйилмаларнинг ликвидлилиги, яъни уларни товарни (бажарилган ишлар, хизматлар) тезкор сотиб олишда қатнашишга қобиллиги ёки тезкор ва йўқотишларсиз накд пулга айланиши.

Портфелни юритиш вактида асосий масала, бу турли хусусиятларга эга бўлган қимматли көзлар ўртасидаги мутаносибликни аниклашдир. Бунда, намунали мутаассиб (кам рискли) портфелни куришнинг асосий тамойилларига: мутаассиблик тамойили, диверсификация тамойили ва етарли даражада ликвидлилик тамойили киради.

- мутаассиблик тамойили - юкори ишончли ва рискли улушларнинг ўзаро ишбати шундай ушлаб туриладики, рискли улушдан эҳтимолли йўқотишлар ишончли активлардан олинган даромадлар билан қопланиш эҳтимоллиги юкори бўлади. Шундай қилиб, инвестиция риски асосий суммани бир кисмини йўқотишдан эмас, балки етарли даражада юкори бўлмаган даромад олишдан иборат. Табиийки, риск қиласдан, ўта юкори даромад олиш мумкин эмас. Бироқ амалиётда, мижозларнинг кўпчилиги ишончлилик категорияси олий бўлган банкларнинг биттадан иккита гача депозит ставкаси дөирасидаги даромадлар билан қаноатланиб, риск даражасини ошириш хисобига даромадни оширишни хоҳламайдилар.

- **кўйилмаларни диверсификациялаш тамойили** - бу портфели инвестициянинг асосий тамойилидир. Бу тамойилни тоғаси «ҳамма тухумни битта саватга солманг» эски инглиз маколига тўғри келади. Бизнинг тилимизда бу ҳамма пулни бир хил қимматли қоғозларга кўйманг, бу омонат қанчалик фойдали бўлмасин дегани. Факат бундай эҳтиёткорлик хато килиш натижасида жула катта зиён кўришдан холос этиши мумкин. Бир турдаги қимматли қоғозлардан олинган эҳтимоли юкори бўлмаган даромадлар бошқа қимматли қоғозлардан олинган юкори даромадлар билан қопланиши хисобига диверсификация рискини камайтиради. Чунки инқироз бутун соҳани камраб олиши мумкин. Масалан, жаҳон бозорида нефтнинг нархини пасайиши барча нефтни кайта ишлайдиган корхоналар акцияларининг нархлари бир вақтнинг ўзида пасайишига олиб келиши мумкин. Бунда сизнинг омонатларингиз мазкур соҳани хар хил корхоналари ўртасида таксимланган бўлса ҳам, сизга ёрдам бермайди. Янада жиддийроқ математик таҳлил учун жиддий математик аппарат кўлланади.

Статистик маълумотларга кўра, кўп акциялар нархида ўсиш ёки пасайиш, одитда, бир вақтда содир бўлади, улар битта соҳа ёки минтақага мансублигидан катти назар. Бошқа қимматли қоғозлар жуфтликларида нархни ўзгариши, аксинча, бир-бирига қарама-карши бўлади. Табиийки, иккинчи мисолдаги диверсификация афзалроқдир. Мазкур тоғни кўллаган ҳолда, корреляцион таҳлил усуслари портфелда турили хилдаги қимматли қоғозлар ўргасида мақбул нисбатга эришиш учун хизмат килади.

- **етарли даражада ликвидилик тамойили** - портфелдаги тез сотиладиган активлар улушини тасодифан учрайдиган юкори даромадли битимларни амалга ошириш ҳамда мижозларнинг пул маблагларига эҳтиёжларини қондириш учун етарли даражада саклаб туришдан иборат. Амалиётда маблагларнинг маълум қисмини нисбатан ликвидли (хатто нисбатан кам даромадли бўлса ҳам) қимматли қоғозларда саклаб, лекин бозор конъюнктурасининг ўзгаришларига ҳамда алоҳида фойдали таклифларга тезкорлик билан жавоб бериш имконига эга бўлмок фойдалидир. Қимматли қоғозлар бозорида субъектларининг инвестиция фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари Бундан ташқари, кўп сонли мижозлар билан шартномалар уларни маблагларининг бир қисмини ликвидилик шаклда ушлаб туришни такозо этади.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестициялари категориялари ўзига хос кўринишга эга. Мулкни назорат килиш портфелида башк стратегик инвестор сифатида фаолият олиб боради. Маблагларни жойлаштиришда банкнинг бу соҳадаги фаолияти портфели инвесторлик, қимматли қоғозлар курси ўзгаришидан фойда олишмаксадидаги фаолият спекулянтлик билан бевосита боғлик. Бундан ташқари қимматли қоғозларни кредитори сифатидаги фаолият ҳам банкларга хослир. Асосий мақсадларига кўра банкларнинг инвестиция фаолияти активлар гурухлари ўртасида инвестицияларни самарали таксимланишидан иборатдир. Бунда табиийки инвестиция портфелларидан фойдаланилади. Ушбу портфелни шаклланишида асосан хавфсизлик, даромадлилик каби жиҳатларга эътибор қартиш лозим.

Инвестиция фаолиятини ташкия этишининг юкорида айтиб ўтилган тамойиллари барчаси мухим аҳамиятга эга. Булардан энг асосийси қўйилмаларни диверсификациялаш тамойили бўлиб, бунинг оддий маъноси вактинчалик фойда олиш максадида инвестицияларни бир хил қимматли қоғозларга жойлаштиришдан сакланиш, яъни турли қимматли қоғозлар маблагларига жойлаштиришдан иборат.

Портфелли инвестицияларни сифатлари. Инвестиция қўйилмаларини жойлаштиришда қимматли қоғозлар портфелларини тўлик тахлил этиш лозим. Инвестиция назорати портфелини 2 турини алоҳида таъкидлаш мумкин, яъни даромад ва ўсиш портфели. Бу портфеллар асосида даромадни ўсиши кўзда тутилган портфел шаклланади. Хар бир портфел ҳам кам рисқлилик, юкори ликвидлилик ва даромадлилик тамойилларига асосан шаклланади. Банкларнинг инвестиция фаолиятини ўрганишда 2 хил ёндашув мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Бу анъанавий ва замонавий портфел пазарияси ёндашувлариdir. Ҳозирда асосан иккинчи ёндашув кенг кўлланилмокда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фаолиятини шакллантиришда банклар катор омиллар оркали манфаатдорликка кизикиш хосил килмоқда. Аввало, мюқозларни молиявийхолати ҳакида тўлик хабардорлиги ва банк капиталини етарлилиги, шунингдек, қимматли қоғозлар бозоридаги корхоналар фаолияти мониторингини олиб бориш ҳамда бошқа тижорат корхоналар қимматли қоғозлар портфелини бошқариш имкониятлари шу жумладандир. Инвестиция фаолияти сифати бу фаолият манфаатдорлик гарови хисобланади. Ушбу фаолиятни сифатли амалга оширилиши учун банклар қимматли қоғозларига оид ахборотларни ошкор этиш тизимини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозори портфели иштирокчилари фаолиятини стандартлаш, иккиласмчи бозорни электрон тизимни яратиш, ушбу бозордаги хисоб-китобларни такомиллаштириш, иккиласмчи бозордан маркет-майкерлар фаолиятини кучайтириш лозим.

Молиявий инструментларнинг инвестицион сифатига қараб, турли таркибдаги портфелларни шакллантириш мумкин. Портфел бўйича инвесторни қизиктирган даромад ва инвестор учун қабул қилиниши мумкин бўлган риск ўртасидаги баланс даражасига қараб, портфел турини аниглаш мумкин. Демак, *портфел түри* – даромад ва риск нисбатига асосланган портфел характеристикаси. Портфелни турларга таснифлашда мухим белги қилиб ундан қайси усул ва қандай маиба бўйича даромад олинганлиги олинади, яъни курс баҳосини ўсиши ёки дивидендлар, фоиз даромадларнинг жорий тўловларими (чизмага қаралсин).

12.4. Қимматли қоғозларга инвестицияларни киритиш билан боғлиқ рискларни бошқариш.

Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозорида хатарларни олдини олиш ёки таъсирини камайтириш учун хатарнинг ҳар бир турига карши турувчи сугурталаш шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш керак. Ҳозирги қимматли қоғозлар бозорида энди тўлаконли амал қилинаётган мамлакатларда шу

жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам кө операциялари билан хатарларни сугурталаш етарили даражада ривожланмаган. Бундай хатарларни сугурталаш кимматли қоғозлар бозори ва сугурта ишининг бирлашишидаги энг муҳим фаолият соҳаларидан бири хисобланади, уни мамлакат амалиётида жуда якин вакт ичида ўзлаштириш муҳим вазифадир. Бу борада талабалар тўлиқ мальумотларни “Сугурта” фанини ўрганиш жараёнида оладилар.

Рискларнинг олдини олишнинг иккинчи йўли бу кимматли қоғозлар бозорида хеджирлашдир. Хеджирлаш – бу фьючерс, опцион, варрант келишувларида (асосий ёкнинг олди-сотдиси билан бир вактда бўлганлиги сабабли) нарх ва фойда хавф-хатарини сугурта килиш шакларидан биридир. Хеджирлаш сотувчи (харидор) шартномани тузиш билан бир вактда, ўз савдосига тенг келадиган, айтайлик, фьючерс шартномаларини харид килади (ёки сотади).

Хеджирлаш томонлар кўрадиган эҳтимолдаги зиённи камайтириш имконини беради, товар нархи ўзгариши билан кўриладиган зарар фючерс бўйича олинадиган ютуқ билан белгиланади. Банк, биржа, тижорат амалиётида ишчота хатарини сугурта килишнинг турли усуллари ҳам хеджирлаш деб юритилади. Хеджирлаш механизмининг ҳаракати шундан иборатки, ёкнинг опцион, фьючере савдосини амалга оширувчи кимматли қоғозлар бозорида бир гомондан сотувчи шаклида иштирок этса, иккинчи томондан харидор сифатида ютишади ва натижада сотувчи сифатида ютказса, сотиб оловучи сифатида ютиб чиқади, шу билан ўз даромадини коплайди, масалан шу жараёни иккى хил ҳолда кузатайлик:

Биринчи ҳол – тадбиркор бир ойдан кейин доллар сотиб олмокчи, қайсанким ҳозирги кунда 1000 сум туради. У таваккал қиладики, бир ой ичида долларнинг баҳоси ошади. Шунинг учун хатардан ўзини саклаш учун 3 ой муддатга фьючерс шартномаси тузади. Шартномага кўра, 1 долларнинг баҳоси 1100 сумга тенг килиб белгиланади. Бир ой муддат ўтади ва тадбиркор жисмоний шахсдан долларни 1100 сумдан сотиб олади. Шу давр ичида фьючерс бозорида долларнинг нархи 1200 сумни ташкил этади. Яна 2 ой ичида фьючерс бозорида долларнинг нархи яна кўтарилиши мумкин. Энди тадбиркор жисмоний шахсдан долларни 1100 сумдан сотиб олади ва фьючерс шартномасини 1200 сумдан сотади. Якуний хулоса шуки, сотиб оловучи сифатида тадбиркор 100 сум йўкотади, сотувчи сифатида эса 100 сум ютиб чиқади. Натижада хатар хавфи 0 га тенг бўлади. Агарда шу давр ичида фьючерс шартномаси 1200 сум эмас, 1300 сумни ташкил қилганда эди тадбиркор ҳар бир 僚ишардан 100 сум кўшимча фойда олар эди.

Иккинчи ҳол – Хеджир ўзини акция баҳосини пасайиш хатаридан сугурта қиласди. Буни акция индексига бўлган фьючерс шартномаси асосида эришиш мумкин. Тадбиркорнинг акцияси бор. Гар бирининг баҳоси ҳозирги кунда 1000 сум туради. Тадбиркор уй курмокчи, бунинг учун унга бир ойдан кейин пул керак бўлади. Агар бир ой ичида акциянинг курси пасайса (масалан 900 сумга тушса) тадбиркорнинг пули уй куришга стишмайди. Шунинг учун тадбиркор ўз акцияларига фьючерс шартномасини уч ойга тузади. Унда акция курси 1100 сум килиб белгиланади. ҳақиқатда акциянинг курси юкорида айтилганда 900 сум

түшади, бу шароитда тадбиркор фючерс шартномани 1100 сумга сотади. Натижада тадбиркор акция сотувчи 100 сум йўқотади (1000 сум акцияни 900 сумга сотади). Фючерс шартномани сотиш натижасида фойда олади.

Худди шу ҳол опцион бозоридаги хеджирлашда ҳам такрорланади, факат бу бозорда мукофот хақи кўпайиши мумкин. Биржа стратегияси фючерс шартномаларининг турли вақтларига қараб опционларни сотиш вақтига қараб ишлаб чикилади.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори энди шаклланиб келмоқда. Шунинг учун ҳам таваккалчиллик хатарининг олдини олишда авваламбор бу борада қабул килинган қонунлар катта ўрин эгаллайди. Масалан, “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси” қонуни инвесторларининг нотўғри маълумотлар олинганилиги туфайли кўрилган заарларидан қимматли қоғозлар бозоридаги олди-сотдида ноҳак келишувлар натижасида кўрилган зийнни олдини олишда химоя қиласи. қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари қонун хужжатларини бузганлиги учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Биржадаги хавф-хатарни камайтириш учун фонд биржасидаги ишларни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш кк листингини ва котеровкасининг тартибини жорий этиш, фонд бозорининг асосий тузилмалари бўлмиш биржаларни, депозитарийлар ва хисоб-китоб клиринг ташкилотларининг автоматлаштирилган алоқа тизимларини яратиш ҳам катта аҳамият қасб этади. Булардан ташқари, қимматли қоғозлар бозорининг илмий статистик анализ килиш, экспертизалар ўтказиш, тадбиркорлар ва менеджерлар фикрини ўрганиш ҳам қимматли қоғозлар бозори хавф-хатарини камайишига ёки олдини олишига хизмат килиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: риск, иоаниклик, катострофик хатар, букалар ўйини, кубенлар ўйини, инвестиция портфели, хеджирлаш, риск, катострофик хатар.

XIII БОВ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ АСОСЛАРИ

13.1. Акциядорлик жамияти түшүнчеси ва унинг хукукий асослари.

Устав фонди жамияттинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини төсликлювчи муайян міндердеги акцияларга тәксимланған хұжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб ҳисобланади.

Жамият конун хужжатларыда тақиқланмаган фаолияттинг ҳар қандай түрларының амалға ошириш чөгіда хукуқларға зәға бўлади ва мажбуриятларни ўз иммасига олади.

Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустакил балансида ҳисобига олинадиган алоҳида мол-мулкига зәға бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалға ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият қоният рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс хукуқларини қўлта киритади. Жамият, агар унинг уставида бошқача коида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқарида банкда ҳисобвараклар очишга ҳақлидир.

Акциядорлик жамиятлари маълум майданда масъудияти чекланган жамият бўллиб, у билан кўлгина умумийликка зәға бўлишига карамай (Фуқаролик кодексине кўра уларнинг иккаласи ҳам хўжалик жамиятларидир), улар ўртасида қатор фарқлар мавжуд. Биринчи фарқ-акциядорлик жамияттинг ташкил этишини, фаолияти ва уни бошқаришнинг муфассал регламентланишидан иборат. 1996-йилла қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги Конун акциядорлик жамиятларини тиққият этиш, уларнинг жорий фаолияти ва бошқариш соҳасида аник меъёрий четараларни белгилаб бердики, унга акциядорлик компанияларининг эгалари ҳам, бошқариш хукуки берилган акциядорлар ҳам риоя этишлари зарур. Мис туудияти чекланган жамиятлар ва хусусий корхоналарнинг фаолиятига доир қонидалар муфассал ишлаб чиқилмаган.

2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция июлми ва инновациялар мухитини янада таомиллаштиришига доир қўшимча чоратибнирлар тўғрисида"ги Фармонида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумиладан миноритар акциядорларнинг хукуқларини ҳимоялаш ва корпоратив бошқарув тизимини янада яхшилашга қаратилган вазифалар белгиланган. Тиққиятга кўра, ҳозир республикамизда мингдан зиёд акциядорлик жамияти фикринг юритмоқда. Йирик акциядорлари мавжуд жамиятларда қўлида акцияси ҳам бўлгани туфайли миноритар акциядорларнинг бошқарув ва қарор қабул этишини жараёнидаги иштироки сезилмаяпти.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя килиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшилмашар киритиш ҳақида"ги конун лойиҳаси шу ва бошқа бир қатор миссионарни хукукий жихатдан ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга

мувофиқ, амалдаги қонуннинг дивидендларни тўлаш тартиби тўғрисидаги моддаси тўлдирилмоқда. Яъни, таклиф этилаётган коидага бикоан жамиятнинг одий акциялари бўйича 25 фойздан ортиқ акция эгаси ҳисобланган йирик акциядорларга дивиденд тўлаш мазкур жамиятнинг миноритар акциядорлари олдида дивиденд бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йигилиши ҳақидаги мавжуд модданинг бундай йигилишда кўриб чиқиладиган хужжатлар каторига жамиятини ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича амалга ошириладиган чоралар тўғрисида кузатув кенгаши ва ижроия органларининг ҳисботларини ҳам киритиш таклифи билдирилмоқда. Шундан келиб чиқиб, амалдаги қонуннинг яна бир нечта моддасида умумий йигилиш ваколати донрасига жамиятнинг ўрта ва узоқ мудлатли аник стратегиясини тасдиклаш ва ушбу стратегияга эришиш учун бажариладиган ишлар ҳақидаги ҳисботни эшлиши амалиётини кўшиш коидаси акс эттирилмоқда.

Қонун лойихасини ишлаб чиқиша хорижий тажрибани ўрганишга катта эътибор берилди. Маълум бўлишича, Буюк Британия, Германия, Япония ва Россия Федерацияси қонунчилигида корпоратив бошкарув тизимида акцияларнинг миноритар эгалари ҳукуқларининг ҳимояси алоҳида ўринга эга.

Акциядорлик жамиятларининг юкорида кайд этилган корхоналардан иккинчи муҳим фарки шундан иборатки, акциядорлик жамиятлари иштирокчиларнинг алоҳида макомини тасдиковчи кимматли қоғозлар (акциялар) чиқаради, бу қоғозларнинг муомалада бўлиши туфайли акциядорлик жамиятларига биргаликда эгалик қилувчилар таркибининг ўзгариб туриши анча тез ва осол кечиши мумкин. Масалан, акциядорлик жамияти мол-мулкининг бир кисмига эгалик қилиш учун акцияни харид қилишининг ўзи етарли. Масъулияти чекланган жамиятга биргалиқда эгалик қилиш учун эса, хужжатларни расмийлаштиришнинг нисбатан узоқ тадбирларига дуч келинади (аризалар, баённомалар, уставга ўзгартиришлар киритиш ва уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш).

Агар, масалан, хусусий корхонанинг эгаси бизнес бўйича контрагентлар олдида ўзларининг бор мол-мулки, шу жумладан, шахсий мулки билан жавобгарликка эга бўлса, акциядорлик компаниясининг баҳамжихат эгалари бўлган акциядорларнинг жавобгарлиги акциялар киймати миқдори билан чегараланган. Акциядорлик жамияти тутатилган холларда у акциядорлар олдида улар томонидан жойлаштирилган кимматли қоғозларнинг номинал кийматидан паст бўлмаган миқдордаги маблагларининг бут сақланишига масъул ҳисобланади. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб беришмайди ва ўзларига тегишли акциялар киймати чегарасида жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган заарларни кўриш хатарига эга.

Акциядорлик жамиятлаштириш-фаолияти одатдаги назорат органларидан ташқари, кимматли қоғозлар бозорининг ахволи учун масъул бўлган идоралар томонидан ҳам тартибга солинадиган ва назорат қилинадиган ташкилотлардир. Шу муносабат билан уларга нисбатан мутлак қимматли қоғозлар эмитентлари учун кўзда тутилган жазоларнинг алоҳида турлари кўлланиши мумкин.

Акциядорлик жамиятлари олдий корхоналар учун белгиланган хисоботлардан ташқари, маҳсус белгиланган шакллар (1-ЦБ, 2-ЦБ) бўйича хисоботларни топшириши, кимматли қозозларни чиқариш ҳақидаги маълумотни тақдим этиши, эмиссия проспектини ўзлон килиши, шунингдек, аудиторлар томонидан тасдиқланган хар бир молия йили натижалари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

13.2. Акциядорлик жамияти фаолиятини тартибга солиш ва бошкарув органларини тузилиши.

Акциядорлик жамиятини бошқариш бошқа ташкилий шаклдаги корхоналарни бошкаришдан ўзининг мураккаблиги ва кўп бўғинлилиги (акциядорлар йигилиши, кузатувчи кенгаш, бошкарув) билан фарқ қиласди, бу унга ўзини-ўзи назорат қилиш учун катта имкониятлар яратади. Бошқа ташкилий шаклдаги корхоналардан фарқли ўлароқ, акциядорлик жамиятлари бошқарувнинг аинча самарали тизимиға эга, чунки факат акциядорлик жамиятигина назоратнинг бир неча даражасига эга. Биринчи даражада бу жамиятнинг ижроия органи фаолиятини назорат қилувчи кузатувчи кенгашдир. Иккинчи даражада бу жамиятнинг ижроия органи ва кузатувчи кенгashi фаолиятини назорат қилувчи акциядорлар йигилиши. Бундан ташқари, жамият акциядорлари сафилан тузилган тафтиш комиссияси фаолият кўрсатади. Бошқа ташкилий шаклдаги корхоналардан фарқли равишда, акциядорлик компанияси мажбурий тарзда (Конун бўйича) мустакил аудиторни ёллаши шарт, у акциядорлик жамиятнинг хисобот давридаги ишини баҳолайди.

Жамиятнинг бошкаруви йирик битимлар, шунингдек, аффиляцияланган шахслар манбаатлор бўлган битимларни кузатувчи кенгаш ёки акциядорлар умумий йигилиши билан мажбурий равишда келишиши лозим. Шундай қилиб, бошқа ташкилий-хукукий шаклдаги корхоналарга қараганда, акциядорлик жамиятлари турли хил (ишлаб чиқариш, молиявий, ташкилий ва х.к.) хатарлардан кўпроқ химояланган. Акциядорлик ојаклиният устуниши шундан иборатки, у глобал миқсадаги масалаларда корхонанинг фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш соҳасида бир томонлама қарорларнинг кабул қилиниши охтимолини энг кам (минимал) холатга келтиради. Барча энг мухим масалалар акциядорлар умумий йигилинида қабул қилинади. Ҳар бир акциядор у ёки бу қарор учун ўз овозини берини ва аксарият ҳолларда у ёхуд бу масала бўйича ўзининг фикрини билдириш имкониятига эга. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоялаш тўғрисида"ги Конунда кенг доирадаги хукуклар ҳамда акциядорлар манбаатларини химояловчи муассасалар назарда тутилган (Конунинг 114-116-моддалари, 27, 28, 29 бетларга каранг).

Бошқа ташкилий-хукукий шаклдаги корхоналарга қараганда, акциядорлик жамиятлари акцияларни чиқариш йўли билан катта пул ва бошқа маблагларни сафарбар қилиш, шунингдек, корхона сармоясини шакллантиришга хар хил сармоядорларни (энг катта сармоядорлардан тортиб, то майда сармоядорларгача) жалб этиш имкониятига эга. Акцияларнинг қўшимча эмиссиясини амалга ошириш йўли билан сармояни доимий равишда

кўпайтириб бориш имконияти хам акциядорлик жамиятларининг ўзига хос мухим хусусиятларидан саналади. Улар банкка мурожаат этмасдан туриб, облигациялар чиқариш йўли билан устав сармоясиининг 20 фоизи миқдорида кредит олиши мумкин. Акциядорлик компанияларининг муассислари ва акциялар Йирик пакетларининг эгалари уларниң коркокаси ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишидан манфаатдордир. Шу сабабли улар ўз корхонасини турли йўллар билан кўллаб-куватлашади.

Акциядорлик шакрининг энг мухим ижобий фарки шуки, меҳнат жамоасининг хар бир аъзоси-корхона акциядори иш хаки билан бир қаторда дивиденд кўринишида кўшимча даромад олиши мумкин. Ушбу холат акциядорни ўзининг меҳнати натижасидан янада манфаатдор бўлишига олиб келади.

Акционерлик жамиятларининг устав фонди. Акциядорлик жамиятининг устав фонди бир хил номинал қийматдаги акцияларининг маълум миқдорига бўлинган бўлиши лозим. Устав фонди унинг кредиторлари манфаатларини кафолатловчи мол-мулкнинг энг кам миқдорини белгилаб беради. Очик акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори энг кам иш хакининг беш юз баробарига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги, ёпик акциядорлик жамиятиники эса-энг кам иш хакининг икки юз баробарига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак. Энг кам иш хакининг суммаси Конунчилик билан белгилантган тартибда ўзгарган холларда акциядорлик жамиятининг устав фонди бир йил мобайнида Конунчилик билан белгиланганд миқдорга мувофикалаштирилиши зарур. Акциядорлик компаниясининг фаолияти жараёнида унинг устав фонди кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Акциядорлик жамияти устав фондини кўпайтириш ёхуд камайтириш хакидаги карор акциядорларининг умумий йигилиши томонидан ёки, агар бу уставда кўрсатилган бўлса, кузатувчи кенгаш томонидан қабул килинади.

Акциядорлик жамиятининг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳисобидан кўпайтирилади. Кўшимча акциялар жамият томонидан факат унинг уставидан белгиланган эълон килинган акциялар миқдори чегарасида жойлаштирилиши мумкин. Акциядорлик жамиятининг устав фонди акциялар номинал қийматини пасайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш ҳисобидан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи томонидан кейинчалик сўндирилиши билан харид килиниши ҳисобидан камайтирилиши мумкин. Бироқ, агар устав фондининг камайтирилиши унинг хажмини Конунчиликда белгиланган энг кам миқдор билан номутаносибликка олиб келса, жамият устав фондини камайтириш хукукига эга эмас. Акциядорлик жамияти устав фондини камайтириш тўғрисида карор қабул қиласиб, бу хакда 30 кун муддат ичida ўзларининг кредиторларига хабар килиши зарур. Кредиторлар эса, ўз навбатида, уларга хабар килинган санадан бошлаб 30 кун ичida жамиятдан ўз мажбуриятларининг муддатидан олдин бажарилишини ва бу билан боғлиқ зарарларнинг копланишини талаб қилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятида устав фонди хажмининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Захира фонди жамиятнинг

соф фойдасидан хар йиллик мажбурий ажратмалар хисобидан уставда белгиланган микдорга етгууга қадар шакллантирилади. Ҳар йиллик ажратмаларнинг микдори жамият соф фойдасининг 5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Захира фонди акциядорлик жамиятининг зарарларини қоллаш, облигацияларни сўндириш, имтиёзли акциялар бўйича фоизларни тўлаш ва талаб қилиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига кўра акцияларни согиб олиш учун, шунингдек, уставда кўзда тутилган бошқа мақсадлар учун мўлжалланган.

Акционерлик жамиятини бошқарувчи органларнинг тузилиши ва бажарадиган вазифалари Акциядорлик жамиятини бошқариш мулчиликнинг бошқа шакларидаги корхоналарни бошқаришдан анча фарқ қиласди. Акциядорлик жамиятини бошқариш органлари қўйидагилар: акциядорларнинг умумий йигилиши, кузатувчи кенгаш ва ижроия орган-бошқарув ёки дирекция.

Акциядорларнинг умумий йигилиши. Акциядорларнинг умумий йигилиши акциядорлик жамиятини бошқарнишнинг олий органи хисобланади. Акциядорлик жамияти бир йилда камидан бир марта акциядорларнинг умумий ҳисбот йигилишини ўтказиши шарт. Ушбу йигилиш ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1 нюлига қадар ўтказилиши лозим. Бундан ташқари, жамият наебатдан ташқари умумий йигилишни ҳам ўтказиши мумкин.

Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, унинг ўтказилиши ҳакида акциядорларга хабар қилиш усули, умумий йиглишини ўтказишга тайёргарлик чогида акциядорларга тақдим этиладиган материаллар (ахборот)нинг рўйхати акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши томонидан белгиланади.

Акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш ҳақидаги хабар белгиланган шаклда матбуотда эълон қилинади ҳамда хар бир акциядорга жўнатилади. Акциядорлар умумий йигилишига тайёргарлик кўриш жараёнида акциядорлар йиллик ҳисбот, тафтиш комиссиясининг холосаси, уставга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойихаси билан танишиб чикиши мумкин. Акциядорлик жамияти акциядорларга ушбу хужжатлардан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериши шарт.

Акциядорлик жамиятини овоз берувчи акцияларнинг камидан бир фоизига эга бўлган акциядор ёки акциядорлар грухи молия йили якунланганидан сўнг 30 кундан кечиктирилмаган муддатда бўлажак йиллик умумий йигилишининг кун тартибига масалалар киритиши, шунингдек, кузатувчи кенгаш ва тафтиш комиссияси таркибига номзодлар кўрсатиши мумкин.

Акциядорлар умумий йигилишининг маҳсус ваколатини ташкил этувчи масалалар: акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш, уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш, жамиятни қайта ташкил қилиш, тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш, жамият кузатувчи кенгаши таркиби ва сонини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ҳамда ваколатини муддатидан олдин тугатиш, эълон

КИЛИНГАН АКЦИЯЛАРНИНГ ЧЕГАРА микдорини белгилаш, устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш, ўз акцияларини сотиб олиш, акциядорлик жамиятининг ижроия органини ташкил этиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш), унинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш, агар бу жамият уставида кузатувчи кенгашининг ваколатига киритилмаган бўлса, жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчини) ва уларнинг сайлаш ваколатини муддатидаъ олдин тугатиш, жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш, йиллик хисоботлари, бухгалтерлик баланслари, фойда ва заарарларини тақсимлаш, акцияга айирбошланадиган қимматли қоғозларни харид қилиш учун акциядорнинг устунлик хукуки қўлланилмаслиги хакида қарор қабул қилиш, акцияларни майдалаш ва бирлаштириш, жамият активлари баланс қийматининг 50 фоизидан кўпини ташкил қилувчи мол-мулк билан йирик битимларни, шунингдек, битим бўйича тўлов суммаси ва битимнинг предмети бўлган мол-мулкнинг қиймати жамият активларининг 5 фоизидан ортиқ бўлган маифаатли битимларни тузиш.

Акциядорлар умумий йигилишида акциядорларнинг шахсан ўзи еки уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин. Акциядорлар умумий йигилиши факат унда хаммаси бўлиб тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг 60 фоизидан ортигига эгалик қилувчи акциядорлар, шу жумладан, 25 ва ундан ортиқ фоизли акциялар пакетига эга бўлган акциядорлар иштирок этса, кворумга эга бўлади Умумий йигилишда овоз бериш, одатда, "битта овоз берувчи акция-бир овоз" тамоили бўйича ўтказилади Агар жамият акциядорларининг сони юзтадан кўп бўлса, овоз бериш факат бюллетенлар билан амалга оширилади Бундай холатда маҳсус хисоблаш комиссияси тузилади, унинг микдори ва ходимлари таркиби кузатувчи кенгашининг тақлифига кўра акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

Кузатувчи кенгаш. Акциядорлик жамиятининг (акциядорлар, умумий йигилишининг маҳсус ваколатига кирувчи масалалардан ташкири) фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш кузатувчи кенгаш томонидан амалга оширилади Агар жамияти овоз берувчи акцияларининг эталари бўлган акциядорлар сони 30 нафардан кам бўлса, кузатувчи кенгашининг вазифалари жамият акциядорлари умумий йигилишининг зинмасига юқлатилади. Кузатувчи кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан сайланади, бунда улар ижроия органнинг аъзолари бўла олишмайди. Овоз берувчи акциялар эталарининг сони 500 дан ортиқ бўлган ёник акциядорлик жамиятлари учун кузатувчи кенгаш аъзоларининг сони етти кишидан кам бўлмаслиги, акциядорларининг сони минг кишидан кўп бўлган жамиятлар учун эса, тўккиз кишидан кам бўлмаслиги керак. Кузатувчи кенгашининг раиси кенгаш таркибидан унинг аъзоларининг кўпчилик овози билан сайланади. Жамиятнинг кузатувчи кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган микдорда қайта сайланиши мумкин. Устав фондида давлатнинг улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятидаги давлатнинг вакили, шунингдек акциядорлик жамияти акцияларининг давлатга тегашили пакетини бошкаришга ишонч билдирилган шахс (унинг вакили) ўз лавозимига кўра кузатувчи кенгашининг

аъзолари ҳисобланади ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан сайланиши шарт эмас.

Акциядорлик жамияти кузатувчи кенгашининг ваколатлари:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва наебатдан ташкари умумий йирилишларини чакириш;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиши хукукига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санасини белгилаш;
- акциядорлар умумий йирилишига хал этиш учун Конунчиликда белгиланган акциядорлар умумий йигилишининг маҳсус ваколатига доир масалаларни киритиш,
- жамиятнинг устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан эълон қилинган акциялар миқдори ва турлари чегарасида ошириш, агар жамият уставига ёки акциядорлар умумий йигилишининг карорига мувофиқ унга бундай хукук берилган бўлса;
- облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш, агар жамият уставида бўлса нарса кўзда тутилмаган бўлса;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилаш;
- жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни харид қилиш, агар жамият уставида унга бундай хукук берилган бўлса;
- ижроия органга тўланадиган мукофотлар ва товон пуллари миқдорини белгилаш, агар жамият уставида бу хол унинг ваколатига киритилган бўлса,
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва товон пулларининг миқдори бўйича тавсиялар бериш, аудиторнинг хизматига хақ тўлаш миқдорини белгилаш,
- акциялар бўйича дивидендинг миқдори ва уни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш; жамиятнинг захира ва бошқа фондларини ишга солиш;
- жамиятни бошқариш органларининг фаолият кўрсатиш тартибини белгилаб берувчи хужжатларни тасдиқлаш;
- филиаллар барпо этиш ва жамиятнинг ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- мол-мулкни харид қилиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ йирик битимларни, шунингдек, монфаатли битимларни тузиш.

Кузатувчи кенгашининг мажлиси унинг раиси томонидан ўз ташабуси билан, кузатувчи кенгаш аъзоси, тафтиш комиссияси ёки аудитор, ижроия органинг, шунингдек, жамият Уставида белгиланган шахсларнинг талабига кўра чакирилади. Кузатувчи кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Устав билан белгиланади, лекин кенгаш аъзоларининг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кузатувчи кенгашининг карорлари унда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Вазифалар кузатувчи кенгашининг раиси томонидан кенгаш аъзоларининг ўртасида унинг хар бир аъзоси учун аниқ қилиб тақсимланади. Бунда

акциядорлар умумий йигилиши томонидан кенгашнинг хар бир аъзоси учун алохида мукофот микдори ҳам белгиланиши мумкин.

Қўйидаги холларда кузатувчи кенгалининг аъзолари шахсий молиявий манфаатдорликка эга ҳисобланади, агар кузатувчи кенгаш аъзоларининг умр йўлдошлари, ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек, барча аффилияланган шахслари:

- битимнинг томони бўлиб ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида иштирок этса;
- битимнинг томони бўлиб ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида иштирок этаётган юридик шахс акцияларининг (улушининг) йигирма ёки ундан ортиқ фоизига эга бўлса;
- битимнинг томони бўлиб ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида иштирок этаётган юридик шахснинг бошкарув идораларида лавозимга эга бўлса.

Бошқаришининг ижроия органи. Акциядорлик жамиятининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш ижроия орган томонидан амалга оширилади, ушбу орган якка (директор) ёки коллегиал (бошқарув, дирекция) бўлиши мумкин. Агар бошқариш бир вақтнинг ўзида ҳам якка, ҳам коллегиал орган томонидан амалга оширилса, жамият уставида улардан ҳар бирининг ваколатлари назарла тутилиши лозим. Акциядорлар умумий йигилишининг қарори билан ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (бошқарувчи компанияга) ёки якка тадбиркорга (бошқарувчига) топширилиши мумкин,

Ижроия органининг микдорий таркиби кузатувчи кенгаш томонидан акциядорлар умумий йигилишида белгиланадиган тартибда кабул қилинган маъмурий-хўжалик харажатлари сметаси асосида ва унинг чегарасида белгиланади. Ижроия органга ижроия орган раҳбарининг ўринбосари, бош бухгалтер, бош мухандис, асосийишлаб чиқариш бўлинмаларининг раҳбарлари кириши мумкин. Ижроия органининг раҳбари ва ходимлари таркиби кузатувчи кенгаш томонидан тайинланади, бунда қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ижроия орган ва кузатувчи кенгаш раиси ўртасида томонларининг хукук ва мажбуриятлари белгиланган шартнома имзоланади.

Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишининг барча масалалари киради, умумий йигилиш ва кузатувчи кенгашнинг маҳсус ваколатини ташкил этиувчи масалалар бундан мустасно.

Акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарининг асосий мажбуриятлари:

- ўз ваколати доирасида жамиятининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, унинг самарали ва баркарор ишлашини таъминлаш;
- умумий йигилиши ва кузатувчи кенгаш қарорларининг ижросини ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш бирликларининг самарали ўзаро хамкорлигини таъминлаш;
- жамиятининг шартномавий мажбуриятларини таъминлаш;
- ишлаб чиқариши ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур

бўлган микдорда фойда олинишини таъминлаш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишига раҳбарлик килиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат килиш;
- жамият фаолиятида Қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш;
- жамиятда бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилишини, унинг зарур ҳолатини ва ишончлилигини, ҳар йиллик ҳисботнинг ва бошқа молиявий ҳисботларнинг, шунингдек, акциядорларга, кредиторларга йўналтириладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг коллегиал ижроня органи мажлисининг ўтказилишини ташкиллаштириш, жамият номидан хужжатларга имзо чекиш;
- кадрларни таниш ва жой-жойнга кўйинш, меҳнат ва технологик интизомни саклаш;
- ижтимоий кафолатларга риоя этилишини ва жамият ишчилари меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- акциядорларнинг улар томонидан амалдаги Қонун хужжатларида кўзда тутилган ахборотнинг олиниши, акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиши, дивидендернинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўланишига доир барча хуқукларини саклаш.

Ижроня органининг раҳбари жамият фаолиятининг барча масалаларини мустакил равишда ҳал қиласди, умумий йигилиш ва кузатувчи кенгашнинг маҳсус ваколатига киртилган масалалар бундан мустасно. У кўйидаги хуқукларга эга:

- акциядорлик жамияти номидан ишонч қоғозисиз ҳаракат килиш, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;
- шартномалар, битимлар, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузиш;
- ишонч қоғозларини бериш;
- банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобрақамларни очишунга бўйсунадиган барча ходимлар учун мажбурий бўлган бўйруклар ва кўрсатмаларни чиқариш;
- ходимлар штагини тасдиқлаш, бўш ўринларни ходимлар билан тўлдириш.

Ижроня органининг мажлиси зарур ҳолларда, лекин камида бир ойда бир марта ўтказилади. Ижроня орган ўзининг ички мажлисида кузатувчи кенгаш мухокамасига киритиладиган масалаларни олдиндан кўриб чиқади.

Акциядорлик жамиятининг фаолиятини бошқариш йирик битимларни, шунингдек, манфаатли битимларни тузишнинг кузатувчи кенгаш ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан маҳсус назорат қилиниши билан боғлиқ.

Йирик битимлар кўйидагилар ҳисобланади:

- қиймати активлар баланс қийматининг 25 фоизидан ортиши ташкил қилувчи мол-мулкни ҳарид қилиш ёки бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган битим ёхуд бир неча ўзаро боғланган битимлар (одатий хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида тузиладиган битимлар бундан мустасно);

- жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий акцияларнинг 25 фоизидан ортигини ташкил қилувчи оддий акциялар ёки оддий акцияларга айирбошланадиган имтиёзли акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битим ёхуд бир нечта ўзаро болангандан битимлар.

Йирик битимининг мавзуи бўлган мол—мулкнинг қиймати акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши томонидан белгиланади. қиймати жамият активлари баланс қийматининг 25 дан 50 фоизигача бўлган қисмини ташкил қилувчи мол—мулк унинг мавзуи бўлган йирик битимни тузиш ҳақидаги қарор кузатувчи кенгаши томонидан бир овозда қабул қилинади. Агарда кенгаш аъзолари ўртасида хамфирлик бўлмаса, мазкур масала акциядорларнинг умумий йигилишига олиб чиқилиши мумкин. қиймати жамият активлари баланс қийматининг 50 фоизидан ортигини ташкил қилувчи мол—мулк унинг мавзуи бўлган йирик битимни тузиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан йигилишда иштирок этажтган овоз берувчи акциялар эгалари бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик, тўртдан уч қисмининг овози билан қабул қилинади.

Кузатувчи кенгаш аъзолари, якка ижроия органи ва коллегиал ижроия органининг аъзолари, шунингдек, бошқарувчи ташкилот акциядорлик жамияти олдида ўз вазифасини бажармаганлик ёки номуносиб бажарганлик натижасида унга келтирилган зиёнлар учун, акциядорлик жамиятига келтирилган заарарларни тўлиқ ҳажмда қопланиши бўйича жавобгарликка эга. Кузатувчи кенгаш ва ижроия органининг жамиятга заарлар келтирган қарорга овоз берниша иштирок этмаган ёки унга қарши овоз берган аъзолари жавобгарликдан халос этилади.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг аксарият қисми давлат корхоналарининг негизида ташкил этилган. Мазкур корхоналарда акцияларнинг маълум қисми (одатда, 25 фоизи) давлатга тегишли.

13.3. Кимматли қоғозлар эмиссияси бўйича қарор қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш.

Эмиссиявий кимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан эмитентнинг аризаси асосида амалга оширилади. Эмитентнинг аризасига қўйидагилар илова қилинади:

эмиссиявий кимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор;

кимматли қоғозлар эмиссия рисоласи (кимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда);

бланка намунаси (хужжатли шаҳлдаги эмиссиявий кимматли қоғозлар чиқарилган тақдирда);

рўйхати қонун хужжатларида белгилападиган бошқа хужжатлар.

Кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи эмиссиявий кимматли қоғозларнинг чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатлар олинган санадан эътиборан ўттиз кун ичida

давлат рўйхатидан ўтказиши ёки эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўгрисида асослантирилган карор қабул килиши шарт.

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилаётганида эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўгрисидаги карорнинг ҳар бир нусхасида эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўгрисида белги қўйилади ва эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишига берилган рўйхатдан ўтказилганлик раками кўрсатилади.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган хужжатларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик эмитент зиммасида бўлади.

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ҳамда улардаги маълумотларнинг қимматли қоғозлар бозори тўгрисидаги қонун хужжатлари талабларига номувофиқлиги;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўгрисида карор қабул килиш тартибига эмитент томонидан риоя этилмаганлиги;

қимматли қоғозлар бозори тўгрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган йигимларнинг тўланмаганлиги;

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришни амалга оширастган юридик шахсада уларни чиқариш хукукининг йўклиги.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг карорида кўрсатилган муддат ичда кайта мурожаат этилган тақдирда, янгитдан тақдим этилган хужжатларда аникланган номувофиқлардан ташкири янги асосларга кўра эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўгрисидаги карор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишда эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдорида республика бюджетига йигим тўлади.

Илгари рўйхатдан ўтказилган чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозларнинг номинал қиймати оширилган тақдирда, эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қиймати ошган суммасининг 0,01 фоизи миқдорида республика бюджетига йигим тўлади.

Эмиссиявий қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун йигим қўйидаги холларда ундирилмайди;

акциялар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан тасдикланган эмиссия рисоласи асосида чиқарилган тақдирда; инфратузилма облигациялари ва опцион чиқарилган тақдирда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорларида назарда тутилган ҳолларда.

13.4. Акциядорлар ҳуқуқлари.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя килиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига асосан акциядорлар:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига таалукли кўчирма олиш;
- жамият фойдаласининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ молмулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш оркали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини химоя килиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрини копланишини белгиланган тартибда талаб килиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошка нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эктимоли билан боғлик таваккалчилкларни сугурта килиш ҳукуқига эга.

Акциядорлар конун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошка ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошка акциядорларнинг ҳуқуқлари ва конун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни болика шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини ушбу Конунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳукуқидан маҳрум қилмайди.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлгани акциядорлар ушбу Конунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йигилишида мазкур йигилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳукуки билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият молмулкнинг бир қисмини олиш ҳукуқига эга.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар ушбу Конунда ва жамият уставида бошқача коида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш хукуқига эга эмас.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда хукуклар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал кийматта эга бўлади.

Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг микдори ва (ёки) киймат (тугатилиш киймати) жамият уставида белгилаб кўйилиши лозим. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденднинг микдори ва тугатилиш қиймати қатъй пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал кийматига нисбатан фоизларда белгиланади. Агар имтиёзли акциялар бўйича дивиденд микдори ва тугатилиш қийматини белгилаш тартиби жамият уставида кўрсатилган бўлса ҳам имтиёзли акциялар бўйича дивиденднинг микдори ва тугатилиш қиймати белгиланган деб хисобланади.

Жамият уставида имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган ёки тўлик тўланмаган, микдори уставда аниқланган дивиденднинг жамғарib борилиши ва кейинчалик тўланиши белгилаб кўйилиши мумкин.

Жамият уставида имтиёзли акцияларнинг оддий акцияларга айирбошланиши имконияти ва шартлари белгиланиши мумкин.

Агар жамият уставида имтиёзли акцияларни оддий акцияларга айирбошлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса, жамият устави имтиёзли акциялар бўйича овоз бериш хукукини назарда тутиши мумкин. Бунда ушбу имтиёзли акциянинг этаси ўзига тегишли имтиёзли акция айирбошланиши мумкин бўлган оддий акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган микдордаги овозларга эга бўлади.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра ёки, агар жамият уставига ёки акциядорлар умумий йигилишининг қарорига мувофик жамият кузатув кенгашига бундай карор қабул килиш ҳукуки тегишли бўлса, жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур карор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

13.5. Акциядорлик жамиятини кимматли когозларга тўловлар

Жамиятнинг акцияларини ва бошқа кимматли когозларни жойлаштириш чогида уларга ҳак тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулқ, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуклар (шу жумладан мулкий хукуклар) оркали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чогида унинг акцияларига ҳак тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида (ўзгартиш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида, кўшимча

акциялар ва бошка қимматли қоғозларга ҳақ тұлаш эса, уларни чиқариш түгристидеги карорда белгилаб қўйилади.

Жамиятнинг кўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш түгристидеги карорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичидә ҳақ тұланиши лозим. Жамият уставида акциялар ҳақини тұлаш мажбуриятини бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ундириш назарда тутилиши мумкин.

Жамиятни таъсис этишда акцияларга тұланадиган ҳақ сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланадиган баҳоси муассислар ўртасидеги шартномага мувофиқ чиқарилади.

Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тұланаётган акциялари ва бошка қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун хужжатларида белгиланған энг кам иш ҳақининг иккى юз бараваридан күлни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошка қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланған баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

Қонун хужжатларида ва жамиятнинг уставида жамият акциялари ҳамда бошка қимматли қоғозлари ҳақи сифатида тұланиши мумкин бўлған мол-мулк турларига чекловлар белгиланиши мумкин.

Дивидендлар миқдори Компаниянинг ўтган даврдаги молиявий хўжалик фаолияти натижаларига боялинилди. Бир дона оддий акцияга дивидендлар тўловлари миқдори куйидаги формулага асосан хисобланади:

$$\text{ДТМОА} = \text{ДТФ}/\text{СОА},$$

Бунда:

ДТМОА — бир дона оддий акцияга дивидендлар тўловлари миқдори;

ДТФ — дивидендлар тўловлари фонди;

СОА — Компания томонидан жойлаштирилган оддий акциялар сони.

Компаниянинг бир дона оддий акциясига дивиденд миқдори бир тийинчала аниқлик билан хисобланади. Бунда, дивидендлар тўловлари фондининг миқдори (ДТФ) куйидаги тартибда ҳисобланади:

- Соф файланинг 5 фоизи Компаниянинг захира фондини шакллантиришга йўналтирилади (захира фонди Компаниянинг уставида белгиланған миқдорга сттунинга қадар);
- Бошқарувчилар кенгашининг тавсияси асосида соф файланинг бир кисми уй-жой куриш ва сотиб олиш фондини шакллантиришга йўналтирилади;
- Бошқарувчилар кенгашининг тавсияси асосида соф файланинг бир кисми Компанияни ривожлантиришга, шу жумладан Компаниянинг инвестицион мақсадларига ва ихтиёжларини қаноатлартиришга, кредитларни тұлашга ва бошка мақсадларга йўналтирилади;
- Компания дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатта олмаган ҳолда эълон қиласылади.
- Дивидендлар тўловлари миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тавсия қилинган даражадан кам бўлмаслиги лозим.

- Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жойлаштирилган оддий акцияларга дивиденд тўлаш (хисоблаш) тўғрисида карор қабул қилиш Компаниянинг мажбурияти эмас балки хукуқидир. Аммо Компания акцияларнинг ҳар бир тури бўйича зълон қилинган дивидендерни тўлаши шарт.

Дивидендер тўлаш хақида карор қабул қилиниши учун Компаниянинг Бошқарувчилар кенгashi дивидендер микдори бўйича тавсиясини акциядорлар умумий йигилишига тақдим қиласди. Тавсия тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари қоидалари:

- дивидендернинг микдори Компания Бошқарувчилар кенгashi томонидан тавсия этилган микдордан кўп бўлиши мумкин эмаслигини;
- акциядорларнинг умумий йигилиши дивидендер тўламаслик тўғрисида карор қабул қилишга ҳақтилиги инобатга олинади.
- Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўккиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендер тўлаш тўғрисида карор қабул қилишга ҳақли.
- Компаниянинг акциялари бўйича дивидендер тўлаш, дивидендинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги карор акциядорларнинг умумий йигилишини томонидан қабул қилинади.
- Компаниянинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўккиз ойи натижаларига кўра дивидендер тўлаш тўғрисидаги карори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичидаги қабул қилиниши мумкин.

Дивидендер Компаниянинг Компания тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилишини карорига кўра пул маблағларни ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхул Компаниянинг кимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивидендер куйидагича тўланади:

- юридик шахсларга накдсиз шаклда уларнинг банк хисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан;
- жисмоний шахсларга накдсиз шаклда уларнинг пластик карталарига ёхуд талаб қилиб олингунча омонат хисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.
- Компания Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга хисобланган дивидендерни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк хисобварагига ўтказиб бериши шарт.
- Акциядорнинг ёзма аризасига асосан хисобланган, лекин акциядорга тўланмаган дивидендер белгиланган тартибда Компаниянинг акцияларини олишга йўналтирилиши мумкин.
- Дивидендерни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши карорида белгиланади. Дивидендерни тўлаш муддати шундай карор қабул қилинган кундан зътиборан олтминш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

- Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида карор қабул килинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукукига эга.

- Эгаси ёки этасининг конуний хукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичизда талаб килиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши карорига кўра Компания ихтиёрида қолади.

- Дивидендлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланган муддатларда Компаниянинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган кайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиқсан холда пеня хисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича хисобланадиган пенялар микдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар микдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

- Акциядор Компания томонидан хисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб килишга ҳакли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан каноатлантирилганда дивидендлар Компания томонидан тўланмаган тақдирда, Компанияга нисбатан конун хужжатларида белгиланган тартибида тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон килиш тартибаомили кўлланилади.

Акциядор унга тегишли дивидендлар ўтказилиши лозим бўлган банк хисоб ракамлари ҳакидаги ахборотни ўз вактида Компанияни хабардор килиши лозим. Акциядор хисобланган дивидендлар ўтказилиши лозим бўлган банк хисоб ракамлари ҳакидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, буниң оқибатида акциядорга етказилган зарар учун Компания жавобгар бўлмайди.

Таянч сўз ва иборалар: акция, акциядорлик жамияти, устав фонди, кузатувчи кенгashi, эмиссия, эмитент, акциядор, депо хисобвараги, оддий акция, имтиёзли акция, дивиденд.

XIV БОБ. ҚИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР БОЗОРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ

14.1. Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солининининг асосий йўналишлари.

Ўзбекистонда молия бозорларини ривожлантириш бўйича жадал ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда, унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари мухим йўналиш сифатида юзага чикмоқда. Шу сабабли ҳам, ушбу ўрганилган тарихий маълумотлар молия бозорларини тартибга солининг миллый тизимини шакллантиришда ва уни ривожланишини таъминлашда мақсадларни аниклаб олиш учун мухим саналади. Якқол кўринадики, бугунги кунда амал қиласидаган замонавий тартибга солиш назариялари, асосан, ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотлар томонидан асос солинган ва ҳалқаро даражада эмитентлар ҳамда инвесторларни жалб этиш учун ракобат натижасида шаклланган²¹. Молия бозорларининг шаклтанишини дастлабки даврларидан бошлаб, ушбу мақсадлар деярли ўзгармаган ва ҳалқаро ташкилотларнинг хужжатлари (энг аввало «молия бозорларни тартибга солининг мақсад ва тамойиллари» Ҳалқаро қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ташкилот – IOSCO)да расмий тарзда ўз ифодасини топган²². Шундай килиб, молия бозорларини тартибга солининг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат: инвесторларни химоялаш ва молия бозорларини шаффофлигини, хаққонийлиги ва самарадорлигини таъминлаш. Молия бозорларининг ривожланиши билан, бозорнинг профессионал катнашувчилари ва бозор воситачиларининг сонининг ортици ҳамда улар ўртасидаги муносабатларнинг яқинлашуви билан, юкоридаги икки мақсадга янги мақсад – тизимили рискларни пасайтириш ҳам кўшилди²³. Глобаллашувнинг кучайиши ва ҳалқаро бозорларда рискларни самарали бошқариш ҳамда иштирокчиларни манфаатларини химоялаш мақсадида, тартибга солиш масалаларини янада такомиллаштиришга бўлган талаблар кучаймокда.

Кимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш:

кимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни ҳамда биржа фаолиятини лицензиялаш ва (ёки) бундай фаолиятга нисбатан мажбурий талаблар белгилаш;

кимматли қоғозлар чиқарилишларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда чиқариш тўғрисидаги карорларда назарда тутилган шартлар ва мажбурнятларга эмитентларнинг риоя этиши устидан назорат қилиш;

кимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборот қонун хужжатларига мувофик ошкор қилинишини таъминлаш;

кимматли қоғозлар бозори мутахассисларини аттестациядан ўтказиш;

²¹ Carson J. W. Selfregulation in Securities Markets. World bank policy research working paper series, Vol. #5542. 2011.P 75

²² IOSCO. Model for effective self-regulation. The International organization of securities commissions. UN conference on trade and development. 2007.P 16

²³ Persaud A. Macro-Prudential regulation in financial markets, ECMI Commentaries. August. 2009. P. 9

қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг фаолияти устидан конун күжжатларида белгиланган тартибда назорат килиш оркали амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи:

- қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат килиш ва тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;
- қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни лицензиялайди;
- инвесторларнинг ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг хукуқлари ва конуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;
- қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва тартибга солиш ҳамда унинг иштирокчилари фаолияти соҳасида норматив-хукукий ҳужжатлар ишлаб чиқади;
- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир талабларни, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мутахассисларига қўйиладиган малака талабларини белгилайди, уларни аттестациядан ўтказади ва малака гувоҳномалари беради;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) чиқариш қоидаларини, қимматли қоғозларга доир битимларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини, қимматли қоғозларга доир операциялар ўтказилишини хисобга олиш ва улар юзасидан хисбот бериш стандартларини, қимматли қоғозлар эгаларининг реєстрларини ва қимматли қоғозларга доир битимларни хисобга олиш регистрини юритиш тартибини тасдиқлайди.

14.2. Ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотлари.

Россия қонунчилигига асосан қимматли қоғозлар бозорида ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилотлар қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият олиб бораётган, камида 10 кишини бирлаштирувчи ташкилот сифатида фаолият олиб бориши мумкин. Улар ўз фаолиятини Россия қимматли қоғозлар бозорини бошқарувчи федерал комиссия томонидан бериладиган лецензия олгандан кейин бошлиши мумкин (ФКЦБ России).

Ўзини – ўзи бошқарувчи ташкилотларнинг фаолияти:

биринчидан, ўз ихтиёрлари бўйича нодавлат, нотижорат ташкилотлари асосида бирлашиши мумкин;

иккинчидан, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларини аъзолиги асосида;

учинчидан, ўз фаолиятларини маълум конун ва қоидалар асосида олиб боришлари;

тўртинчидан, давлат органлари билан, яъни давлат органлари ўзларининг баъзи функцияларини бу ташкилотларга беради.

Россияда ўзини – ўзи бошқарувчи ташкилотлар:

- асоціация шаклида;
- профессионал бирлашмалар шаклида;

- профессионал жамоат ташкилотлари шаклида фаолият юритишлари мумкин.

Уларнинг асосий функциялари куйидагилардан иборат:

1. кимматли қоғозлар бозорининг профессионал фаолиятини ўзини – ўзи бошқариши ташкил этиш;
2. кимматли қоғозлар бозорида уларни юкори малакали кадрларни стапикартлари асосида тайсргаряини таъминлаш;
3. ўз мажбуриятларини давлат олдида химоя қила билиш.

Хозирги кунда Россия кимматли қоғозлар бозорида ўзини – ўзи бошқарувчи ташкилотлар қуйидагилардан иборат: 1994 йилда ташкил этилган фонд бозори иштирокчилариning миллий ассоциацияси (НАУФОР), 1966 йиля ташкил топган давлат кимматли қоғозлар бозорининг миллий ассоциацияси (НАУР), 1997 йилда тузилган кимматли қоғозлар бозоридаги регистраторлар, трансфер – агентлар ва депозитарийларнинг профессионал миллий ассоциацияси (ПАРТАД), 1993 йилда ташкил топган Россия фонд биржаси союзи (уюмаси) 1995 йилда ташкил тонган Валюта биржалари ассоциацияси, 1992 йилда ташкил толган Россия товар биржаларининг бирлашмаси, Россия биржа союзи, Миллий фонд ассоциацияси ва вексел бозори иштирокчилариning ассоциацияси ва бошқалардир. Буларнинг барчаси нодавлат ва нотижорат ташкилотлари бўлиб Россия конунчилиги асосида фаолиятини олиб боради.

Тарихий жиҳатдан ўрганилса, молия бозорларини ўз-ўзини тартибга солиш бўйича энг мувоффақиятли тажриба - бу, АҚШ молия бозори бўлиб, мазкур бозорда ўз-ўзини бошқариш дастлабки ихтисослаштирилган бозорлар ташкил этилгунча давом этган²⁴. Фонд биржаси кўринишилдаги ўз-ўзини тартибга солиш ташкилотлари бу ерда эркин тарзда юзага келган. Дунёдаги энг йирик ҳисобланадиган Нью-Йорк фонд биржаси 2006 йилда тижоратлашгуннингача (яъни, ўз мақомини нотижоратдан тижоратга ўтказгунча) ўз-ўзини тартибга солиш асосида фаолият юритган²⁵. 1997 йилда молия бозорларида ўз-ўзини тартибга солишни бутунлай тутатиб, унинг ўрнига мегарегулятор ташкил этган Буюк Британиядан фарқли равишда, АҚШда ўз-ўзини тартибга солиш тамойилидан воз кечилгани йўқ, балки биржадан мустакил бўлган бошқа шаклдаги ўз-ўзини тартибга солиш умумиллий FINRA ташкил этилди²⁶. Ўз-ўзини тартибга солувчи Нью-Йорк биржаси, брокерлар жамоасини тўғридан- тўғри ўзаро келишуви натижасида юзага келган. Ушбу келишувларнинг асосини аниқ қоидалар тўплами ташкил этган²⁷. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қоидалар иштирокчиларнинг ўзлари томонидан шакллантирилган бўлиб²⁸, улар ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган ва барча иштирокчиларга жамоавий қоидаларга амал

²⁴ Barber S. The origin of the New York stock exchange. Journal of legal studies. 1998. P.1791-1860.

²⁵ Aggarwal R. Demutualization and Public Offerings of Financial Exchanges. <http://ssm.com/abstract=859305>.

²⁶ NASD restructuring wins in landslide vote of the members. <http://www.finra.org / Newsroom // News Releases / 2000 / P011378>.

²⁷ Рубцов Б.Б. Современные фондовыры рынки. М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. Ст. 928

²⁸ Siems M. The Foundations of Securities Law. Journal of Financial Economics #75.2008.P. 319—359. <http://ssm.com / abstract=1089747>.

қилиш мажбуриятни кўйган. Албатта, бундан тижорат мақсадлари хам кўзланган, чунки нафакат брокерлар, балки инвесторлар билан бўладиган молиявий муносабатларни тартибга солиниши бозор ликвидигини ошириши билан бир вактда, савдолар ҳажми ҳамда ўртакашлик комиссияларидан олинадиган даромадларни ўсишини таъминлаган²⁹. Бундай ҳолатни идеал тартибга солиш сифатида қараш мумкин, яъни бозор иштирокчиларининг тижорат мағфаатлари инвесторларни ҳимоя қилиш ва бозорлар самарадорлигини ошириш билан мос келади. Молиявий муносабатларнинг барча иштирокчилари (эмитентлар, молиявий ўртакашлар ва инвесторлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, сотилаётган активлар ликвидигини ҳамда савдолар ҳажмини сезиларли даражада ошириб, иштирокчиларнинг даромадларини максималлаштириш бўйича мақсадларига мос келади³⁰. Бундай рагбат, биржаларни тартибга солишнинг энг илгор амалиётларни ўзларида кўллашга унданган³¹. Иштирокчиларни тартибга солишни татбиқ этишга бўлган бундай қизиқишилари барча соҳаларда, қимматли қоғозларни бирламчи эмиссияси, корпоратив бошқарув ва иштирокчиларнинг биржадаги фаолиятларини қамраб олган³². Тадқикотлар шуни кўрсатадики, биржалар куйидагича тартибга солинган ва назорат қилинган:

- биржа иштирокчилари (брокерлар ва молиявий ўртакашлар) томонидан биржа майдонларида савдода иштирок этувчиларни бир-қанча жихатларини текшириб, сўнгра савдоларни амалга оширишига рухсат берниш орқали, иштирокчиларни инвесторлар олдидағи ишончлилигини таъминланган;
- жорий амалиётларни амалга ошириш тартибини белгилаш орқали кўрсатиладиган хизматлар сифати таъминланган;
- брокерлик фирмалари ва уларнинг хизматчиларининг ўз капиталига бўлган талаблар ўрнатилган;
- инвесторларни корпоратив коидабузарликлар ҳамда ноконуний ҳолатлар (бозорни монипуляция қилиш, ёки инсайдер маълумотлари орқали савдоларни амалга ошириш)дан ҳимоя қилиш мақсадида эмитентлар учун корпоратив бошқарув стандартларни татбиқ этилган;
- эмитентларнинг жорий фаолияти тўғрисида куйидаги маълумотларни ошкор этиш бўйича талаблар қўйилган: жорий инвестицияларнинг ҳажмлари, қарздорлик мажбуриятлари ҳажмлари ва бизнесни ривожлантириш бўйича режалари;
- инвестицияларни амалга ошириш учун зарур бўлган қимматли қоғозларни муомаласи ва жойлаштирилиши тўғрисида тўлик маълумотларни ошкор этиш мажбурияти. Ўрганишлар шунингдек, биржалар ҳам савдо шартномаларини стандартлаш орқали унинг барча иштирокчиларини савдо

²⁹ Cumming D. J. Exchange Trading Rules and Stock Market Liquidity. Journal of Financial Economics. 2010. P.33.

³⁰ Mahoney P. The political economy of the securities act of 1933. UVA Law School, Legal studies working paper #11. 2000. <http://ssrn.com/abstract=224729>.

³¹ International council of securities associations. Best practices for selfregulatory organizations. 2006. www.icsa.bz/html/statements_and_letters.html.

³² CFA. Institute Centre for Financial Market Integrity. Self-regulation in today's securities markets. Outdated System or work in progress? CFA Institute. 2007.

котилариға қанчалик амал килишини назорат килишга ҳаракат көлишгандарларларини күрсатди³³. Бозорларни ҳар томонлама тартибга солишта бўлган масъулиятли муносабат инвесторларга биржада жойлаштирилган қимматли көгозлар ва уларнинг эмитентлари, шунингдек, молиявий ўртакашлар ишончга лойиқлиги тўғрисида хабар берган. Биржа интироқчилари томонидан бозорларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган харажатлар, бозорлар ликвидлигини ошиб бориши билан ўзини оғолашингини кузатиш мумкин. Шундай килиб, АҚШда бозорларнинг ташкил бўлишининг дастлабки йилларида, тартибга солиш, иштирокчиларнинг ўзлари томонидан амалга оширилган бўлиб, у бозор тусига эди.

Шу нуқтаи назардан, ушбу бозорларни тартибга солиши тескари бўлган, яъни давлат монополияси шаклида ташкил этилган, тартибга солишининг Франция тажрибасини ўрганиш ҳам мухим. Чунки, савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлик тартибга солиш карорлари ҳукумат томонидан, ёки унинг қаттиқ назорати остида амалга оширилган ва ушбу тажриба бозорни келгуси ривожланишига қаттиқ тўскинилик килганлигини кузатиш мумкин. Ўринтилган тартибларга амал қилиш учун, ўз-ўзини тартибга солиш биржалар ҳам турли қўшимча механизмаларни кабул қиласидар. Аммо, ушбу механизмлар икки томонлама шартномаларга асосланганлигидан, имкониятлари чегараланган эди. Мазкур тарздаги ўз-ўзини тартибга солиши чегараси бозорлар фаолиятининг дастлабки йилларида юзага келиб, ҳозиргача амал қиласиди. Буюк депрессия даврига келиб, бозорларни ўз-ўзини тартибга солиши ўз олдига қўйган вазифаларни уddyлай олмади³⁴. Институционал ўзаришлар таъсирида бозор ҳажми ва ликвидлигини ўсиш даражасининг секинлашуви билан, капиталии жамлашнинг дастлабки йилларида иш берган рагбатлантириш, энди ўз кучини юкотди. Шундай килиб, ўтган асрнинг 30-йилларига келиб, ўз-ўзини тартибга солишининг миллий тизими қайта ташкил этилиб, у молиявий бозорларни тартибга солиш бўйича маҳсус давлат ишорасига айлантирилди (SEC2)³⁵.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ислохотларни амалга оширишда, янги тузилиш нюхора Нью-Йорк биржасининг барча мавжуд станлартлари ва қоидаларини ўзи фаолиятига асос сифатида олди ва шу йўл билан ўз-ўзини тартибга солиши орқали ташкил этилган қоидаларни мухимлигини яна бир бор исботлади. Ўтган асрнинг 30-йилларидан сўнг, АҚШда ўз-ўзини тартибга солиши деярли ислохотларга учрамади. Аммо, сўнги 20 йилда юз берган воқеалар молия бозорларининг ўз-ўзини тартибга солиши фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Масалан, биржаларнинг тижоратлашуви, ўз-ўзини тартибга солиши ташкилотларининг ташкилий тузилиши ва рагбатлантириш тизимига сезиларли

³³ Carson J. W. Selfregulation in Securities Markets. World Bank policy research working paper series. Vol. #5542. 2011. P.75

³⁴ Рот А. Основы государственного регулирования финансового рынка. Юридический дом «Юстициинформ». 2002. Ст. 411

³⁵ Langevoort D. The SEC, retail investors, and the institutionalization of the securities markets. Georgetown Law and Economics Research Paper Series. 2009. September. P.1025-1083.

тъсир этди. Даастлабки, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар иотижорат шаклда, бозор иштирокчиларидан иборат бўлган³⁶.

Бундай ҳолатда иштирокчилар томонидан тартибга солиш бўйича вазифларини бажаришда тижорат манфаатлари унчалик хам тъсир этмаган. Биржалар таркибий кайта қурилгандан сунг, улар акциядорлик жамиятлари шаклида фаолият юрита бошладилар ва уларнинг асосий максади компания даромадларини максималлаштиришдан иборат бўлиб қолди. Ташкилий жиҳатдан, тижоратлашувдан сўнг биржалар биржада ўз акцияларини жойлаштириш³⁷, бирлашув ва қўшиб олишларда иштирок этиш каби корпоратив муносабатлар учун кенгроқ имкониятларга эга бўлдилар. Бу вактга келиб, савдоларни ташкил этувчи компаниялар, биржалар ва муқобил савдо майдонлари ўртасида ракобат кучайди. Тартибга солиш фаолияти қўшимча даромад келтирмай қўйғанилигидан, ўз бозорларини тартибга солиш мажбурияти иккинчи даражали бўлиб қолди.

Мазкур ҳолат аъзолар-иштирокчилар томонидан ўз-ўзини тартибга солишга бўлган рағбат мувозанатини бузди³⁸. Биржалар эмитент сифатида корпоратив қонунчиликнинг субъектига айланиб қолдилар. Улар ракобат курашига фаол тарзда киришиб кетдилар, натижада тартибга солиш ваколати орқали коидаларни бузишга рағбат юзага келиб, шу орқали максадларга эришиш мумкин бўлиб қолди. Шу сабабли, бир пайтлар бозорни бошқаришнинг оптимал шакли сифатида юзага келган ўз-ўзини бошқариш иккинчи даражага тушиб қолди. Манфаатлар тўқнашуви биржалар фаолиятининг олдинги тузилмаларида ҳам мавжуд эди.

Олдинги тизимда биржалар унинг иштирокчилари билан инвесторлар манфаатлари мувозанатини саклашга ҳаракат қилган бўлсалар, энди улар биржа акциядорлари хамда унинг менежерлари билан инвесторлар ўртасидаги манфаатларни мувозанатлашлари керак бўлиб қолди ва бу тартибга солиш нуқтаи назаридан ўз устиворлигини юқотди. Биржаларнинг тижоратлашуви ва у билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ривожланган мамлакатлар молия бозорларини тартибга солиш тизимига жиддий тъсир этди.

Барча ривожланган мамлакатларда биржаларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи бўлинмалари амалиёт бўлимларидан мустақил ажратилиб, уларнинг ваколатлари камайтирилган. Масалан, АҚШда ўтказилган ислохотлар натижасида биржаларнинг ўз-ўзини тартига солувчи бўлинмалари бирлаштирилиб, ягона миллий тартибга солувчи орган тузилди³⁹, Лондон биржаси листинг бўйича миллий ваколатидан айрилди, Австралияда фонд биржасининг тартибга солувчи бўлинмаси алоҳида компания сифатида ажратилди, континенталь Европа ҳукуматлари илгари биржаларга тегишли бўлган айрим функцияларни ўзларига олдилар. Шундай қилиб хулоса қилиш

³⁶ Pirtong C. A theory of financial exchange organization. Journal of Law and Economics. Vol. 43, # 2. 2000. P. 437-472.

³⁷ Karmel R. Turning seats into shares: implications of demutualization for the regulation of stock and futures exchanges. AALS Meeting. 2001. P.66

³⁸ Mahoney P. Public and Private Rule Making in Securities Markets. Policy Analysis. # 498. 2003. P. 1-16.

³⁹ . Karmel R. Is the Financial industry regulatory authority a government agency? Brooklyn Law School. Legal studies paper. # 86. 2007. P.65

мумкини, ўз-ўзини тартибга солиш бозорларнинг пайдо бўлиши боскичида кам харажатли ва мувоффакиятли институтциональ ечим сифатида фаолият юритди.

Иштирокчилар ўз ваколатларини максимал даржада тартибга солишникларини қатор манбалардан кузатиш мумкин. Аммо, молия бозорларининг эволюцияси ва институтционал тизимнинг ривожланиши билан, ўз-ўзини бошкариш ўз вазифаларини бажара олмай колди. Энди, бозорлар ривожланишини тартибга солиш учун институтциональ табиатга эга бўлган хукumat тузилмаларига эхтиёж сезилди. Илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, тартибга солишнинг мақсадлари ўзаро боғлик: бир мақсадга орниши учун амалга оширилган тардбирларнинг ижобий натижаси, бошка мақсалтарни ҳам ижобий натижасини келтириб чикаради⁴⁰. Масалан, бозорда қондабузарликларни пасайтиришта йўналтирилган тадбирлар, унинг самардорлигини оширади ва яна бир пайтнинг ўзида, инвесторларни ҳимоясини ошириб, тизимли рискларни пасайтиради. Ёки, худди шундай, инвесторларни ҳимоя қилишга каратилган тартибга солиш, инвесторларни ҳимоясини таъминлаш билан бирга тизимли рискларни пасайтиради ҳамда ёнзор самардорлигини оширади.

Тадқикотлардан шундай хулоса қилиш мумкини, дунёдаги энг йирик молия бозори саналган АҚШда бозорларнинг тавқил бўлишининг даствлабки йорширида, тартибга солиш, иштирокчиларнинг ўзлари томонидан мувоффакиятли тарзда амалга оширилган. Континенталь европа, хусусан, Бўлса, Францияда молия бозорларини тартибга солиш давлат монополияси шаклида ташкил этилган ва кўлланилган қаттиқ чора-тадбирлар бозорни кенгуси ривожланишига жиiddий тўскиилик килганлигини кузатиш мумкин. Ўрганингам мамлекатларнинг барчасида, Буюк депрессия даврига келиб, бозорларни ўз-ўзини тартибга солиш ўз олдига қўйган вазифаларни уddyалай олмаган. Шу сабабли ҳам ўз-ўзини тартибга солишнинг миллий тизими қайта ташкил этилиб, у молиявий бозорларни тартибга солиш бўйича маҳсус давлат идорасига айлантирилган.

Биржаларнинг тижоратлашуви ва у билан боғлик манфаатлар тўкнашувни ривожланган мамлакатлар молия бозорларини тартибга солиш тизимига жиiddий таъсир этди. Барча ривожланган мамлакатларда биржаларнинг ўз-ўзини тартибга соловчи бўлинмалари амалиёт бўлимларида мустакил ажратилиб, уларнинг ваколатлари камайтирилган ёки ушбу ваколатлар давлат органлари ихтиёрига берилган. Шундай қилиб хулоса қилиш мумкини, ўз-ўзини тартибга солиш бозорларнинг пайдо бўлиши боскичида кам харажатли ва мувоффакиятли институтционал ечим сифатида фаолият юритган бўлсада, юнага чикқан манфаатлар тўкнашуви ва глобаллашув каби омиллар ушбу соҳага давлатнинг аралашувини талаб этган.

Тажиҷ сўз ва иборалар: ассоциация, профессионал бирлашма, брокерлик фирмаси.

⁴⁰ Ganson J. W. Conflicts of interest in self-regulation: can de-mutualized exchanges successfully manage them? World Bank policy research working paper. #3183. 2003. December. P.29.

ХV БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

15.1. Жаҳон молия бозорининг ривожланиши тенденциялари ва муаммолари.

Жаҳон молия бозорининг шаклланиши миллий сусда капиталининг халқаро операциялар орқали байналминаллашуви туфайли юз беради. Бу жараён XX-асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Бунгача деярли 40 йил давомила 1929-1933 йиллардаги жаҳон иктиносидий инкирози, иккинчи жаҳон уруши, валюта чекловлари, бозор депозитлар бўйича ставкалар ва бошқалар қаттиқ назорат остида бўлганлиги сабабли молиявий бозор деярли фаолият юритмас эди. Буюк депрессия давридан бошлаб, пул бозорлари қатъий назорат қилина бошланди. Масалан, АҚШда банклар депозитлар бўйича, фоиз тўловлари 1% дан 2,5 % гача чегаралаб қўйилгани эди.

Бунда кредитлар бўйича бозор ставкалари анча юкори бўлиб, капиталларни хорижий банкларга қўйилишига ундарди. Жаҳон молия бозори ривожланишининг объктив сабаби хўжалик алоқаларининг халқаро даражага кўтарилиши ва миллий молия бозорларининг халқаро операцияларини амалга ошириш имкониятларининг чекланганлиги ҳисобланади. Жаҳон валюта кредит, кимматли когозлар ва олтин бозорлари ривожланишига асосий турткি ракобат мухити сабаб бўлган. Айнан ракобат мухити молиявий ресурсларнинг халқаро оқими ҳажми, валюта, молия ва тўлов шартларини назорат қилиб, кайта таксимлаб беради.

Лекин, алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ракобат мухити ҳар доим хам кутилган натижани беравермайди. Шунинг учун бозор назорати ҳукумат ва ҳукуматлараро назорат тизимлари билан беллашади. Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар жаҳон молия бозорини назорат қилишидан кўзланган максад бу соҳада инкиroz ҳолатлари юзага келишининг олдини олишдан иборат. Халқаро иктиносидий муносабатларнинг ривожланиши, хомашё манбалари, фойдали инвестициялар, янғи бозорларга бўлган ракобат курашининг ривожланиши жадал суръатлари билан молиявий ресурсларнинг бир мамлакатдан бошқасига оқиб ўтишига, буидай ресурслар миллий характерининг тобора йўқолишига олиб келади.

Миллий молия бозорлари ўз ниобий мустақилигини сақлаб колган бўлса-да, лекин жаҳон молия бозорлари билан чамбарчас боғланиб бормоқда. Жаҳон молия бозорларининг баркарор суръатларда ўсиши туфайли кенг имкониятларнинг мавжудлиги ва тобора мобиллашиб бориши халқаро иктиносидий муносабатлар тизимидағи мухим соҳалардан бирига айланди.

Шундан келиб чиқсан ҳолда жаҳон молия бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятлари бўйича назарий-услубий асосларини хориж иктиносидчи олимлардан Е.В. Михайлова, Л.Л. Игонина, У.Ф. Шарп, Л.Дж. Гитман, М.Л. Джон, Н.С. Гуськов, С.С. Гуцериев, Н.В. Игошин, А.М. Марголин. Мамлакатимиз олимлари А.В.Вахабов, Н.Х. Жумаев, У.А. Бурханов Э.Ш.Шодмонов, А. Боймуратов, Д.Ф.Фозибеков, Т.М. Коралиев, С.Р. Умаров,

А.А. Авлияқұлов, С. Тухтаева, Б.З. Шахриёрөв, А.Б. Намозов ва Г.Н. Махмудовалар томонидан ўрганилған. Аммо ҳозирги шароитда республикамызда молия бозорларининг таркиби бүйічә назарий-услубий асосларын түлік ўрганилмаған.

Маңлумки, бугунғи кунда жаҳон иқтисодиети чукур тизимли инқироз шароитта бўлиб, фонд ва банк тизимишинг инқирозига учраши туфайли иқтисодиёттинг барча тармокларига таъсир кўрсатди.

Жаҳон хўжалигининг моливий секторига кўрсатаётган таъсири инқирознинг мыслий иқтисодиётта таъсирини минималлаштириш максадида Марказий банклар томонидан молиявий бозорни доимий равишда кузатиб, таҳтил қилиб бориши талаб этмоқда.

Глобал молия бозори халқаро масштабда капиталларнинг ҳаракатини таъминлаб бериш билан жаҳон иқтисодиётгина мухим элементи бўлиб хизмат килади. XX асрнинг 60-йилларида жаҳон молия бозорининг вужудга келиши сеуда капиталлар бозори халқаро операцияларининг байналминаллашуви асосида рўй беради. Бу даврга қадар бир катор сабаблар 1929-1933-йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози, иккичи жаҳон уруши, мавжуд валюта чекловлари ва бозорининг қатъий назорат этилиши туфайли халқаро савдо фаол бўлмай, тўғридан-тўғри инвестициялар ва молиявий операциялар деярли йўқ эди.

Шу вактда Бреттон – Вудсда шакллантирилган институтларга (ХВФ ва Жаҳон банки) капитал оқимини халқаро микёсила кенгайтириш ва жадаллаштириш орқали жаҳон савдоси ривожланишига туртки бериш максадида асос солинган эди. Жаҳон банки тўғридан-тўғри инвестициялар ташқислигини тўлдириб туриш, халқаро валюта фонди эса савдодаги номутаносибликни бартараф этиш учун молиявий кредитларга талабни қондириш керак эди.

Иккичи жаҳон урушидан кейинги даврда аста-секин ташки савдо ва валюта чекловларини бекор қилиш сиёсати олиб борилди. Жаҳон молия бозоридаги операцияларга давлатнинг аралашуви шакли ҳамда даражаси ҳар бир мамлакатнинг валюта кредит тизими ва иқтисодиётнинг холатидан келиб чиқкан ҳолда ўзгариб турар эди. Интеграция жараёнлари ягона фоиз ставклари тизимишинг шаклланиши ва муомаладаги валюталар доирасининг қисқаришига олиб келди. Йирик миллй компаниялар ва банкларнинг трансмиллилашуви содир бўлди. Айнан шулар қўшимча даромад олиш максадида бўш турган активларни хориждаги ишлаб чиқариш ва молиявий структуralарни инвестициялашга туртки бериб, зарурат тугилганда жаҳон молия бозоридан қўшимча капитал карзга олинар эди.

Юқори ахборот технологияларининг ривожланиши турли молия бозорларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг барчасининг АҚШ иқтисодиёти ва молиясига боғлиқлигини кучайтириб юборди. Ўзига ҳос ривожланиш ракобатларига эга интеграциялашган глобал молия бозори шаклланди. Унинг ичида капиталларнинг доимий ҳаракати рўй бериб, қисқа мудатли қўйилмалар ўрта ва ўзок мудатли кредитларга айланди. Қимматли қоғозлар эмиссияси ўрнини оддий банк заёмлари эгаллади. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ривожланаётган мамлакатлардаги арzon ишчи кучи ва ресурслар

хисобига товарларнинг ташархига минимал даражада таъсир кўрсата бошлади. Молиявий бозорлар тобора иқтисодий реалликдан фарқланиб бориб, валюталар ва кимматли қоғозларнинг нахлари рамзий равишда сунъий яратиласкан нархлар асосида шаклланди.

Деривативлар валюталар, акциялар ва бошка кимматли активларнинг курслари ўзгариши хисобига ўйнаш имкониятини очиб берди. Учбу бозорнинг хусусияти шундан иборатки, молиявий операциялар олиб борадиган айrim иштириок чиларни кайта таксимлаш ва пасайтириш орқали унинг фаолияти умумий рискли тизимишинг ошиб кетишига олиб келади. Деривативлар билан олиб бориладиган транзакциялар, амалда, хукуқий бошқарув тизимиша бўйсинмас экан, бу холат кенг миёсдаги спекулятив операцияларга йўл очиб, молия, валюта молия, соҳасининг реал иқтисодиётдан ажраб чиқиши жараёнини жадаллаштиради.

Бу ажралиш улар ўртасидаги алоқанинг сусайганилигини билдирамайди. Аксинча, боғлиқлик даражаси кенгайди, лекин олдиндан айтиб бўлмайдиган характерга эга бўлиб борди. Молиявий операциялар соҳасида капитални аккумулатция килиш даражаси тобора ўсиб борди, натижада бундай аккумулатция оқибатида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг спекулятив активларга айланиши юз берди. Шундай қилиб, жаҳон молия ва иқтисодиёт дунёсида “Совун пуфаги” деб номланган феномен юзага келди.

Катта ҳажмдаги капиталшарнинг назоратсиз харакати, асосан, қиска мудатли портефель инвестициялар шаклида юз биради ва уларнинг молиявий спекуляциялар соҳасида концентрациялариши бутун молия бозори тизимишини бекарорлашувига олиб келди. Бунинг оқибатларини биз даврий равишда юзага келадиган валюта молия инкиrozларида кўришмиз мумкин.

XXI аср бошларида содир бўлаёттан воқалар глобал тенденциялар билан боғлиқ инкиrozларнинг тизимли характерга эга эканлигини тасдиқлади. 2008 йилнинг иккинчи яримидан бошлаб, бутун ҳалқаро молия бозор тизимиши ларзага келтирган жараёнлар муоммаладаги кимматли қоғозлар ва пул массаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жуда бекарор эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзаро ўзвий боғлиқ бўлган ва бу инкиrozнинг келгусида кайтарилишининг олдини олиб бўлмайдиган кўйидаги муоммаларни санаб ўтиш мумкин.

- ҳосилавий кимматли қоғозлар бозори билан боғлиқ муаммолар;
- миллий валюта тизимлари билан боғлиқ муаммолар;
- жаҳон қарздорлик инкиrozи билан боғлиқ муаммолар;
- товар ва хизматлар бозорининг очиқлик даражаси билан боғлиқ муаммолар.

Кўриб чиқилган муаммолардан ташкири, фикримизча, жаҳон молия бозорининг бошқарувчи маҳсус дастаклар старли эмас ва амалда инкиrozдан чиқишига ёрдам берадиган ёки келгусида руй бериши мумкин бўлган инкиrozларнинг олдиндан айтиб бера оладиган аниқ рецепт мавжуд эмас. Муоммани ҳал қилиш учун бутун жаҳон бўйича иқтисодий ва сиёсий жихатдан юкори даражадаги интеграция бўлиши керак. Лекин амалда жаҳон бозорида

ракобетлаптувчи Шимолий Америка, Форбий Европа, Жанубий – Шаркий Осиё худуулари бўйича халкаро худудий иктисодий блоклар вужудга келмоқда⁴¹.

Блокларни шакллантириш жаҳонда иктисодий ҳолатнинг бекарорлашувига қарши ўзига хос химоя реакцияси хисобланади. Шу билан бирга Хитой ва Ҳиндистон сингари мамлакатларнинг жаҳон иктисодистидаги аҳамияти ортиб, уларнинг яқин келажакда худудий блоклар билан тенгизлантириладиган иктисодий тизимларга айланишини кўришмиз мумкун.

ХХ-аср охири ва XXI-аср бошларига келиб, жаҳон молия бозори миқёси жуда катта хажмга эга бўлди. Халкаро хисоб-китоблар банки ХВФ маълумотларига кўра, муомалага киритилган халкаро облигацияларнинг киймати 2,3 трлн. АҚШ долларини, бутун мамлакатларнинг ташки қарз мажбуриятлари эса 3,2 трлн. АҚШ долларни ташкил этган.

70-йилларнинг охирда юзага келган ҳосилавий молиявий дастаклар бозори жадал суръатлар билан ривожланиб келмоқда. Улардан энг муҳимлари хисобланган фонз своплари ва опционлар ҳамда зайдлар бўйича валюта сноупларининг умумий киймати 40 трлн. доллардан ошиб кетган. Бу эса бизнеснинг нақд пулдаги операцияларнинг муддатли операциялар ва реал соҳадаги операцияларнинг молиявий соҳадаги операцияларга кўчиб ўтишини кўрсатади.

Жаҳон молия бозорининг замонавий таркиби кредит ресурслари операцияларнинг охирги иштирокчилари кредитор ва қарздор турли мамлакатларнинг резидентлари бўйича қайта тақсимлашни тақозо этар эди. Институционал нуктаси назардан бозор иштирокчилари – халкаро иктисодий муносабатлар соҳасида ссуда капиталлари харакатининг таъминлаб берувчи кредит-молия ташкилотларида XXI аср бошларида капиталларнинг истеъмолчилар (асосий қарз оловчилар) хисобланган корпорация ва банкларнинг капитал таркибида қарз дастакларининг улуши ошиб кетди.

Ҳосилавий молиявий дастаклар билан савдо динамик равишда ўсиб боради. Бу эса тез ўзгарувчи халкаро иктисодий муносабатлар шаронтида молия бозорларининг ривожланишини таъминлашга қаратилган янги турдаги дастакларнинг жадал суръатларда пайдо бўлишига олиб келди⁴². Глобал молиявий тизимнинг ҳосилавий молиявий дастаклар бозори жаҳон молиявий-иктисодий тизимини издан чиқарувчи манба бўлиб колди.

Жаҳон молия бозорининг ривожланишида жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига кадар кўйидаги тенденцияларни ажратиш мумкин.

Биринчидан, 1995-2005 йилларда акция ва облигациялар бозорлари жадал суръатларда ривожланди, банк депозитлари ўсиши эса қискариб борди. Ушбу тенденция 2006 йилга кадар давом этди, аммо банк депозитлари олдинги уч йилга нисбатан мутлак киймати бўйича ўртача икки бароборга ошган, ва депозитлар ҳажмининг ўсиши, асосан АҚШга тўғри келган, АҚШда ахоли ўйжой курилишининг жадал суръатларда ривожланиши сабабли акциялардан тушиган тушумларни курилишга сарфлашиди. Инқироз эса вазиятни сезиларли

⁴¹ Манба: Фролова Е. В. Мировой финансовый рынок: до и после кризиса. // ЭКО, № 6, 2015. С. 136-164

⁴² Молиявий активлар – жаҳон молия бозори активларининг бир қисми бўлиб, ўзида банк депозитлар ва кимматли когозлар каби молиявий ресурсларни ифода этади.

даражада ўзгартради ва банк депозитларининг истиқболдаги ўсиши, Хитой иқтисодиётининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб қолди. Чунки бу мамлакатда депозитлар жамғаришининг асосий манбаи ҳисобланади.

Иккинчидан. Жаҳон молия бозорининг “молиявий чукурлиги” ортди. “Молиявий чукурлик” макроиктисодиётда 1980 йилларда жаҳон банки томонидан иқтисодий ўсиш суръатлари ва иқтисодиётнинг пул ресурслари билан тўйинганлиги, молия, пул-кредит тизимларининг мураккаблиги ва кенг тармоклиги ўртасидаги боғлиқликни ифодалаш учун жорий этилган. Макродаражада бу кўрсаткич молиявий бозорларнинг капиталлашув даражаси (карз юкининг монетизация даражаси) нинг ялпи ички маҳсулотдаги нисбати оркали топилади. Макро даражада эса компаниянинг бозордаги капиталлашув даражасининг компания капиталига нисбати сифатида баҳоланади.

Жаҳон молия бозорининг “молиявий чукурлиги” кўрсаткичи 2006 йилда 345% га тенг бўлган холда, 2007 йилда 359% га етди ва асосан акция облигациялар бозори, баъзи ҳолларда давлат карзининг ортиши ёки активлар бозорининг хотўгри баҳолаш ҳисобидан юз берди. Молия бозорининг “чукурлиги” уларнинг ликвидлигини оширди, карз олувлар учун кредит олиш имкониятларини яхшилади, молиявий активларни самарали баҳолаштига ёрдам берди ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириди.

Давлат карзларидан ташкири барча турдаги активлар ҳажми ортиб борди. 1990 йилларда молиявий активлар ҳажми 33 та мамлакатда ЯИМ ҳажмидан ошиб кетган бўлса 2006 йилга келиб, уларнинг сони 72 тага етди.

Учинчидан, хорижий инвестициялар ҳажми ортди ва бу холат молия бозорларининг ўзаро боғликлигини янада кучайтириди. Ахборот олиш тезлиги, янги технология ва коммуникациялар глобал банклар хамда молиявий воситачиларни вужудга келтирди, кўплаб мамлакатлар хорижий инвестициялар учун ички бозорлари очиш, ўз фуқоралари ва компонияларга хорижга капитал чиқариш учун рухсат берилди.

Туртминчидан, инвесторлар ўз мамлакатларининг ички бозорларига нисбатан ташкири бозорларга кўпроқ капитал сарфлай бошладилар. Таҳлилларнинг натижасида, хорижий инвесторлар 1990 йилда корпоратив облигацияларнинг 7%ига эгалик қилган бўлсалар, 2007 йилда бў курсаткич 21%га етди.


Бешинчидан, хорижий карзлар ва кредитлар ҳажми жадал суръатларда кўпайди. 2002-2006 йилларда хорижий карз ва кредитлар ҳажми 4 баробарга ошиди, жаҳон молия бозорининг йирик сегментига айланди. 2006 йилда хорижий облигацияларга капитал кўйиш ҳажми 2,5 трлн. АҚШ долларни ташкил этди, ушбу бозорининг иккинчи сегментига айланди. Инвесторлар давлат облигацияларига эмас, балки корпорацияларнинг облигацияларига маблаг сарфлай бошладилар.

Натижада давлат облигациялари улуси облигациялар бозорининг учдан бир кисмигача қисқариб, корпоратив облигациялар улуси икки баробарга ортди. Хорижий активларга инвестициялар 2006 йилда 926 трлн. АҚШ долларни ташкил этиб, молия бозорининг 11%ни ташкил этди. Жаҳон молия бозорининг географик таркибида ривожланган мамлакатлар етакчи мавқега эга.

АҚШ кимматли қоғозлар бозори жаҳондаги энг йирик бозор хисобланди. Бунга кўйидаги ривожланган мамлакатлар молия бозордаги улуш миқдорлари расмда акс этирилган. Еврозона, Буюк Британия ва Япония бозорлари кейинги ўринларни егаллади ва уларнинг бу бозордаги улуси ортиб бормокда (15.1-диаграмма).


15.1-диаграмма

Дунё мамлакатларининг молия бозоридаги улуси



15.2-диаграмма

Облигацион ва акционер капиталнинг дунё мамлакатлари бўйича таъсимианиши (2016 йил)



Тахлиллар натижасида, 2006 йилда АҚШ да молиявий активлар миқдори 56,1 трлн. АҚШ долларини, Буюк Британия ва Гарбий Европа мамлакатларида эса 53,2 трлн, АҚШ долларини ташкил этди. Бунда Европа мамлакатлари активлари ўсишининг 75%и акция ва облигациялар бозорига тўғри келади. (Буюк Британияда, асосан, акциялар, Гарбий Европа мамлакатлари облигациялар

хисобига). Европа бозорларидаги молиявий чукурлик күрсаткичи АҚШ га нисбатан икки баробар тезлиқда ортиб бориб, 2007 йилда еврода хисобланадиган облигациялар хажми доллардаги облигациялар хажмидан ошиб кетганини күришимиз мумкин (840 млрд. Евро-814 млрд. АҚШ доллары).

Жаҳон молия бозорининг инқирозгача бўлган давридаги ривожланишда ривожланаётган мамлакатларининг ўрни салмоқли бўлиб ушбу мамлакатларда молиявий активлар биргина 2006 йилнинг ўзида 5,3 трлн. АҚШ долларига ўсган ва ҳажми 23,6 трлн АҚШ долларига тенг бўлди. 2007 йилда ривожланаётган мамлакатлар молия бозори 35% га ўси, бунда асосий инвестициялар Хитой ва Россия иқтисодиётига жалб этилди. Бунинг натижасида Хитой молия бозори ҳажми жиҳатдан жаҳондаги АҚШ ва Япониядан кейин учунчи ўринни эгаллади.

Хулоса килиб айтганда, ҳозирги кунда жаҳон молия бозорларининг ривожланиш даражалари кенгайиб бормоқда. Бу соҳада мамлакатимизда хам чукур иқтисодий ислоҳотлар олиб борилиб, банкларнинг капиталлашув даражаси билан бирга, қимматли қоғозлар бозорида иштироки ва уларнинг қимматли қоғозларининг хорижий инвесторларга сотилиш даражаси йўлга қўйилаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу маънода мамлакатда фаолият курсатаётган акциядорлик компанияларни хам халқаро молия бозорларига кириб бориши билан бирга, уларнинг якни ўн йилликда ривожланишига қаратилган чора-тадбирлари ишлаб чиқиш лозим бўлиб, бу ўз навбатида мамлакатимизда қимматли қоғозлар ва молия бозорларини янада ривожлантириш учун хизмат қиласи.

Жаҳон молия бозорини халқаро миқёсда глобаллашган бозор деб тавсифлаш мумкин. Жаҳон молия бозори молиявий глобаллашув жараёни маҳсулни бўлиб, индустрiali мамлакатларни умумжаҳон миқёсда иқтисодий самарадорлигини кескин оширди. Лекин бу жараён ривожланаётган мамлакатлар ривожига ижобий таъсиридан кўра кўпроқ салбий таъсири кўрсатиши ҳозирда барчага аён бўлиб колди. Бунинг сабаби ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти индустрiali давлатлар иқтисодиётига кўпдан боғликлигига деб билиш мумкин.

Аммо бунга қарамасдан ривожланаётган мамлакатлар иложи борича молиявий глобаллашувнинг ижобий тарафларини ўзларида жорий қилишни тинмай давом этиримоқдалар (куйидаги жадвалга қаралсин). Бунга мисол: Марказий ва Шаркий Европа (МШЕ) мамлакатлари, Россия, Қозогистон, Украина, Латвия, Литва, Эстония, Хитой, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Корея, ЖАР, Бразлия, Чили, Аргентина ва х.к. давлатлари. Бу мамлакатларнинг борган сари жаҳон молия бозоридаги салмоги ошиб бормоқда, молиявий глобаллашув жараёнларига қўшилиши тезлашмоқда, натижада иқтисодий самарадорлиги сезиларли ортмоқда.

Молиявий глобаллашув шароитида молия бозорларини ривожланиши узоқ келажакда дунёнинг исталган жойидан ва вактда иштирок этиш имконини берувчи халқаро электрон биржани вужудга келишини (хисоб-китоб маркази ва марказий депозитарий билан комплексда) таҳмин килиш мумкин. Лекин якни келажакда бундай электрон биржа билан бирга фонд биржалари хам параллел

фаолият юритиб ривожланиши аник. Бунга халқаро ўттизлик гурухининг 20та тавсияси асос бўла олади.

Глобаллашув эфектлари (МШЕ мамлакатлари мисолида)

| Салбий ҳолатлар | Ижобий эфектлар |
|---|---|
| <p>1. Молия бозорини тартиблаштиришга онд конункларни мослаштириш билан боғлиқ киска муддатли ҳаражатлар.</p> <p>2. Махаллий инвесторларнинг ишончини қозониш билан боғлиқ қийинчиликлар.</p> <p>3. Молия бозори қатнаоччиларини мослашуви билан боғлиқ қийинчиликлар.</p> <p>4. Эмитентларнинг ўз акциялари курси ва инквидилигини фонд бозорида таъминлати бўйича кўшиимча ҳаракатлар ва ҳаражатлар.</p> <p>5. Махаллий профессионал институтларнинг ракобатбардошлиликни ушлаб туришлари бўйича кўшиимча ҳаракат ва ҳаражатлар.</p> <p>6. Тартиблаштирувчи институтларнинг беторни барқарорлаштириш бўйича кўшиимча назорат ҳаракатлари ва ҳаражатлари.</p> <p>7. Молиявий глобаллашувининг салбий тарафларини таъсири:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ривожланган ва МШЕ мамлакатлари ўртасида асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича номутаносибликлар; - МШЕ мамлакатлари ичига ахолининг турли капиталлари орасида ларомадлар дифференциациясини кучайиши; - молия бозорини эндувчан мослашувини ортиши ва капиталини ташқарига чиқиб кетишни рискини ортиши; - ташки омилларга таъсирини бўлиши. | <p>1. Молия бозори бўйича такомиллашган глобаллашув талабларига жавоб берувчи конунлар.</p> <p>2. Инвесторларнинг умумевропа молия бозори миқёсида химояланганиги.</p> <p>3. Хорижий инвесторларга нисбатан регулятив тўсикларни камайиши.</p> <p>4. Компанияларда менежментни, молиявий ҳолатни ва корпоратив бошқарувни яхшиланиши.</p> <p>5. Молия институтларининг малакаси даражасини ошиши.</p> <p>6. Молия бозорини барқарорлашуви.</p> <p>7. Молиявий глобаллашувининг ижобий тарафларига эга бўлиш, хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - молия ва башка соҳаларда инновацияларин ривожланиши; - халқаро бозорларга осон чиқиши ва улар орқали таъки инвестицияларни жалб килиш; - МШЕ мамлакатлари интеграциялашуви, умумевропа молия, информацион ва х.к. тизимишарга кириш. - молиявий ресурслар ҳажмили ортиши, компаниялар бизнеси салмоғини кескин кўтирилиши. |

Хозирда жаҳон молия бозорларидаги қимматли қоғозларнинг обороти халқаро товар айланмаси (обороти) ҳажмидан 60-70 баробар кўп, бу кўрсаткичининг борган сари ортиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин. Бунда халқаро (хорижий) портфел инвестицияларининг салмоғи бевосита (тўғридан тўғри) инвестициялар ва халқаро кредитлар ҳажмидан сезиларли

катта бўлиб, бунга молия бозорларининг иқтисодиётдаги ролини ошиб бориши, секьюритизация жараёнлари ва молия инжинирингини тез суръатлар билан ривожланиши сабаб бўлмоқда.

Статистик маълумотларни таҳлили қўйидагиларни кўрсатади:

- молия бозорларини ўта нотекис ривожланиши, ракобатни кучлилиги, алоҳида мамлакатлар улушларини барқарормаслиги. Индустрисал ва ривожланётган давлатлар ва уларнинг молия бозорларини йиллик капитализация даражасини кескин фарқланиши;

- 10-15 йиллик ўлчамга эга узоқ муддатли тенденциялар. Масалан, шу давр давомида Франция, Испания, Гонконг, Индонезия, Хитой, Туркия, Мексика, Хиндистон, Россия каби давлатлар ўз салмогини тез оширган. Бир катор ривожланған давлатларда (Швейцария, Германия, АҚШ) ва бальзи ривожланётган мамлакатларда (Бразилия, Хиндистон) акциялар бозори ривожи суръатлари баркарор ошиб борган. Аксинча 1990 йилларнинг ўртасида бир катор мамлакатлар (Япония, Канада, Тайвань, Корея, Малайзия) инвестицион ресурсларни жалб килиш борасида ўз ўринларини бериб қўйганлар;

- унчалик катта бўлмаган бозорларнинг (1990, 1996, 1999, 2005 йилларда – осиё бозорлари) тез ривожланиши (масалан, Хитой, Индонезия), агарда бундай ривожланиш миллӣ иқтисодиётни ўсиши билан таъминланган бўлса;

- қиска муддатли эффектлар – масалан, Испания ва Гонконгда (1993 й.), Туркияда (1999 й.) капитализация ҳажмини ўта тез ўсиши, Малайзияда (1993-1997 йй.) бозорни тебранишлари, АҚШда (1996 - 1999 йй., 2002-2006 йй.), Тайванда ва Кореяда (1990 йиллар бошида ва 2000-чи йилларда) бозор ҳажмини тез ортиши;

- бозорлар ва уларнинг гуруҳлари бир-бирлари билан ракобатлашиб крама-кариши динамикага эга бўлиши мумкин (инвесторларни 1997-1998 йй. охирида ривожланётган бозорлардан борган сари ривожланған бозорларга кетиши). Бунда ракобатнинг регионал аспекти ҳам мухим аҳамиятга эга, масалан, 1997-1998 йй. МШЕ мамлакатлари бозорларига Осиё ва Лотин Америка бозорларига караганда инкиroz камрок таъсир кўрсатган. Ривожланған бозорларнинг рисклари ва волатиллиги ривожланётган бозорларникуга караганда анча камлигини кузатиш мумкин (буни 1997-1998 йй. бозор риски амалиётида кўриш мумкин).

15.2. Халқаро молия бозорларидағи операциялар.

Молия бозорларида уларнинг катнашчилари томонидан турли операциялар тегишли битишувлар асосида амалга оширилади. Операцияларнинг турлари хар бир катнашчининг молия бозоридаги функциясига мос равншда тартибли тарзда бажарилади. Операциялар молия бозорининг у ёки бу сегментида бажарилишига караб турланиши мумкин. Масалан, валюта сегментида – валюта операциялари, фонд бозорида – кимматли көгозлар билан боғлик операциялар, кредит-пул сегментида – пул,

пул воситалари ва кредит операциялари, сугурта бозорида – сугурта операциялари ва х.к.

Молия бозори сегментларидаги операцияларни умуман олганда икки катта түрүхга ажратиш мумкин: тижорат (бизнес) операциялари, регулятив операциялар. Тижорат операциялари битишув предмети бўйича эмиссион, инвестицион, савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш операцияларига бўлинади. Регулятив операциялар савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш операцияларини микро ва макродаражала тартиблаштиришга (лицензион битишувга асосан регулятив мъёrlарга мос равнишда) қаратилган бўлиши мумкин.

Келтирилган операциялар турлари ички (миллий) бозорда ва халкаро (ташки) молия бозорларида бажарилиши мумкин.

Молия бозорларида ҳар қандай операцияларни бажариш регулятив тарзда мъёrlанган бўлади. Операцияларнинг хажми молия бозоридаги талаб ва таклифга боғлик бўлиб, амалга оширилиши сифати эса молия бозори талабларидан келиб чиқади.

Регулятив операциялар молия бозорини тартиблаштирувчи институтлар томонидан амалга оширилади.

Эмиссион, инвестицион ва хизмат кўрсатиш (сервис) операциялари молия бозорларининг тегишли катнашчилари (институтлари) томонидан амалга оширилади.

Савдо операциялари савдо тизимлари ёрдамида амалга оширилади. Эмиссион, инвестицион, сервис ва савдо операцияларидаги молия бозорининг барча катнашчилари мъёrlий тарзда белгиланганд тартибда бевосита ва билвосита иштирок этадилар.

Жаҳон молиявий глобаллашуви ва молия бозорларининг интеграциялашуви натижасида алоҳида миллий бозор яхлитлигига фаолият юритган жаҳон валюта ва капитал бозорлари таркиби ва тузилмаси сифат жиҳатидан ўзгариши содир бўлди.

Евробозор – бу халкаро молия бозорининг сегменти бўлиб, ундаги операциялар евровалюталарда амалга оширилади.

Евровалюта – бу депозитлардаги валюта бўлиб, у эмитент-мамлакат ташқарисида фаолият юритаётган банкда жойлаштирилади.

Евровалютани вужудга келтирадиган операция натижаси бўлиб, банк депозити хисобланади

1. Евробозорларнинг пайдо булиш сабаблари:

- АҚШ тўлов балансининг дефицитини ортиб бориши;

- Америка худудида «Q коидаси»нинг жорий этилиши;

- АҚШдан капитал экспортини чекланиши;

- Урушдан кейинги ислохотларнинг якунланиши натижасида 1958 йил декабрида норезидентлар учун жорий операциялар бўйича қисман конвертациянинг тикланиши;

- Норезидентлар ҳисоб ракамларини солиқقا тортиш ва марказий банкларда мажбурий заҳиралашдан озод этилиши;

- Операцияларнинг эркинлаштирилганлиги ва давлат томонидан тартибга солинмаслиги.

Евровалюта марказлари:

- Гарбий Европа (Лондон, Цюрих, Париж, ЛаМанш ороллари)
- Кариб ва Марказий Америка (Кайман ва Багам ороллари)
- Яқин Шарқ (Бахрейн)
- Осиё (Сингапур, Гонгконг, Токио)
- АҚШ

Еврололарнинг асосий манбаи бўлиб куйидагилар хисобланади:

- 1) АҚШ дан ташкарида долларни саклаш истагида бўлган хорижий давлатлар ёки уларнинг фукаролар;
- 2) жорий эҳтиёжларидан кўп микдорда валюта маблагларига эга бўлган халқаро корпорация ва европалик банклар;
- 3) ижобий ташки савдо балансига эга бўлган мамлакатлар, масалан Япония, Тайвань, Германия.

Еврололар бозорининг ривожланиши 60-йиллардаёқ депозитлар хажми, бир неча мурд. долларга етди, жумладан:

- 1970-йилларда 80 млрд. долл.,
- 1979 йилда 600 млрд. доллардан ошди,
- 1989 йилда 3500 млрд. доллар,
- 1997 йилда 9000 млрд. долларга етди ва хозирда
- 2010 йилга келиб, жами ташки депозитлар хажми **22 880,6** млрд. долларни ташкил этади.

Евровалюталар бозоридаги иштирокчилар:

- *Милий ҳукумат* ушбу бозорларнинг миллий бозорларга салбий таъсирини хис килмаганлар ва халқаро қарз маблагларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар;
- *Банклар* учун, халқаро фаолият билан шуғулланишда кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш имконини берган;
- *Саноат компаниялари* учун, шу жумладан америкалик компаниялар учун, ташки иктиносий фаолиятни молиялаштириш имконини берган;
- *Евровалюта депозит эгалари* учун — вактинчалик бўш маблагларини фойдали ҳамда ишончли жойлаштириш учун шароит яратган.

Евровалюталар бозорининг ҳусусиятлари:

1. *бозор ҳажмининг ишоятда капиталиги:* маълумотларга қўра евровалюталар бўйича жалб этилган депозитлар хажми 22,9 трлн. АҚШ долларига етган, евровалюта берилган кредитлар эса 21,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этган;

2. *аниқ чегараларнига мажсуд эмаслиги:* евровалюталар бозори 500га яқин банкларни ўз ичига олган бўлиб, улар турли қитъалардаги молия марказларида фаолият юритадиган;

3. *вакт оралигида чекланимаганилиги:* евровалюталар бозори сутка давомида ишлаши бозор ликвидлилиги ва мижозлар учун қулайлигини таъминлайди;

4. *бозорининг универсаллиги:* унда турли хил валюта операциялари (депозит ва кредит) турли хил валюталарда амалга оширилади;

5. евровалюталар бозорининг жойлашуви асосан оффшор худулларда тўғри келиб, норезидентлар билан операцияларга нисбатан имтиёзларга эга концепцияни остида амал қиласди;

6. бозорининг институционал ҳусусияти — евробанклар ва халқаро банк консорциумларининг ажратилиши;

7. ўзига хос фоиз ставкаларининг амал қилиши, миллий ставкаларга нисбатан мустакил бўлибгина қолмай уларга таъсир ҳам этади

Евровалюталар бозорининг ҳусусиятлари:

1. евровалюталар бозоридаги фоиз ставка доимий элементдан иборат бўлиб, базавий ставкага «спред» ва ЛИБОР ставкасини ўз ичига олади;

2. бозорда фаолият юритишнинг чекланганлиги — фақат йирик кредитор ва карз олувчларнинг фаолият юритиши;

3. бозорни давлат томонидан паст даражада тартибга солиниши: марказий банклар томонидан евровалюталар бозоридаги битимларни назорат отмасликлари;

4. евровалютадаги операцияларнинг юқори даромадли бўлиши, (миллий валютадаги операцияларга нисбатан); евродепозитлар бўйича мажбурий захиралаш қўлланилмаганлиги сабабли фоизлар юқори, еврокредитлар бўйича эса фоиз даромадлари соликка тортилмаганлиги учун паст;

5. кенг кўламдаги молиявий инструментларнинг мавжудлиги, нисбатан арzon, ликвидли ва аралаш бўлганлиги;

6. юқори даражадағи ликвидлilikи иккиласмчи бозорининг фаол мавжудлиги билан бўғлиқ;

7. арzonлиги эса улар бўйича норезидент ҳисо вараклар имтиёзларга эгалиги билан;

8. аралаш бўлиши бир вақтнинг ўзида бир исчта мақсадларни амалга олириш: кредитлаш, рисклардан суворталаш, спекуляция ва бошқалар.

15.3. Ўзбекистон молия бозорининг жаҳон молия бозорига интеграциялашуви масалалари.

Амалда Ўзбекистонда хозирги пайтда расман барча анъанавий моделларнинг тарқок холдаги таркибий қисмлари мавжуд: нисбатан майдалаб юборилган мулк (бироқ ноликвид бозор ва кучсиз институционал инвесторлар), назорат ва мулкни бир ерга тўълашнинг яқкол ва барқарор тенденцияси (бироқ тўғри келадиган молиялаштириши ва самарали мониторингсиз), ҳар хил турдаги мураккаб корпоратив таркиблар шақланиши (бироқ бирон-бир турга мойниллик йўқ). Куйидаги тенденцияларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин:

➤ молия-саноат гурӯхларининг гуркираб ривожланиши билан Ўзбекистонда япон молсли – банк назорати ва молиялаштиришга асосланган, нисбатан ёпик модель томон бурилиш рўй берди;

➤ инглиз-америка модели билан ўхшашиликлар кайд этилди: моделда ҳам биринчи навбатда компания қийматини, унинг қисқа муддатли истиқболдаги фойдасини оширишга йўналтиришган фаолият рағбатлантирилади;

➤ бошқарув тизими юкори мослашувчанигини қўллаб-кувватлаш, компанияларнинг ташки мухит, янгиликлар ва рискка мослашувига йўналганикни ҳам қайд этиш мумкин.

Шу тариқа, Ўзбекистонда шундай вазият юзага келдики, бу ерда корпоратив бошқарув тизимларининг биронта тури етакчилик қилмайди, корпоратив бошқарув милий модели эса энди шакланиш боскичида турибди.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигига интеграциялашвида унинг худудий ва глобал даражадаги ракобатбардошлиги бўйича киёсий устунлиги, ташки иккисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш билан кўл жиҳатдан боғлиқ. Амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар бўйича кизгин мунозараларнинг маъжудолигига карамасдан, ташки иккисодий сиёсатни ишлаб чиқишида, хукумат мамлакатнинг географик, ишлаб чиқариш ва технологик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарасини инобатта олмокда. Халқаро меҳнат таҳсилотининг кучайиши халқаро молиявий муносабатлар иштирокчиларидан юкори даражадаги ракобатбардошлини талаб этади.

Шу жиҳатдан жаҳон хўжалигига Ўзбекистон кўшни МДҲ мамлакатларидан ўзининг кўйидаги халқаро устуворликлари билан ажратиб туради:

- қадимий бой маданият тарихий ва диний ёдгорликлар халқаро туризм соноатини ривожлантириш учун куладай имкониятларни юзага келтиради;

- куладай табиий иқлим ва табиий бойликлар ишлаб чиқариш, курилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ракобатбардоши мухитни шакллантиради;

- "Буюк ипак йўли"да жойлашганиги халқаро интеграцияда Евropa билан Осиёни боғловчи "кўприк" вазифасини бажаршпга етарлича имкониятни вужудга келтиради;

- Ўзбекистон Республикаси етарли даражада малакали мутахассислар билан таъминланган. Замонавий технология ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо қилиш бу соҳадаги имкониятларни кенгайтиради;

- мамлакат хукумати томонидан ички ишлаб чиқарувчиларни химоя қилиш ва экспортни рагбатлантириш сиёсатининг юритилиши.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия муносабатларидағи иштирокида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик мухим ахамият касб этади.

Шунн инобатта солиб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 633-XII сонли "Ўзбекистон Республикасини Халқаро Валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараккиёт банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйнча кўп томонлама агентликка аъзо бўлиши тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

ХВФ ва Жаҳон банки каби ташкилотлар билан ҳамкорликнинг йўлга кўйилиши нафакат республиканинг жаҳон бозорига интеграциясини тезлаштириди, балки амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ва мақроиқтисодий барқарорликни таъминлаш самарасини ошириди.

Халқаро молия институтлари билан алоқаларнинг салмоқли қисми халқаро кредитлар ва қарзлар масаласи билан боғлиқ. Унбу муносабатларни амалга оширишининг хукукий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг

"Бюджет тизими тўғрисида"ги, "Ташкин карздорлик тўғрисида"ги конунлари ва бўйка меъёрий акслар ишлаб чиқилди.

Мустакилликнинг дастлабки йилларида олинган кредитлар ва карзлар асосан киска муддатли бўлиб, ички бозорни истемол товарлар билан тўлдиришга қаратилган бўлса, кейинги йилларда хукумат мазкур қарзларни жалб килип соҳасини таркибий жиҳатдан кайта ўзгаришиш бўйича маълум ишларни олиб бормоқда.

Хорижий капитал оқимини рагбатлантириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга хизмат кўрсатувчи молия-валюта инфратузилмасини ташкил этишга боғлик.

Молия-валюта инфратузилмаси хўжалик субъектлари билан жаҳон пул-капитал бозори ўртасидаги алоқаларни таъминлашга хизмат қиласи. Ушбу инфратузилмаларни ташкил этиш, куйидаги йўналишларни камраб одзи:

- банк тизимини тақомиллаштириш;
- ички сугурта хизматлари соҳасини ривожлантириш;
- ички валюта бозори фаолиятини яхшилаш;
- лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш;
- аудит ва маслаҳат хизматлари бозорини ривожлантириш;
- миллий товарларни халкаро бозорлар томони ҳаракатини ташкил этиш

ва х.к.

Ўзбекистон Республикасининг халкаро ҳамкорлиги ва иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди, у мамлакатни халкаро бозорга киритилишинини асосини ташкил этади.

Шу билан бирга халкаро молия соҳасидаги сиёсат миллий валютани мустаҳкамлаш ва уни бошқа валюталарга эркин алмашувини таъминлашни, ички нарҳларни жаҳон бозори нарҳларига якнинлаштириш максадида баҳолар ислоҳотини тугаллашни, ташкин иқтисодий фаолиятнинг меъёрий-хукукий асосларини халиқаро талаблар даражасига етказиши назарда тутади.

Ўзбекистон учун бу соҳадаги асосий стратегик мақсадлар куйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизими интеграциясига кўшилиб боришини таъминлаш;
- экспорт потенциалини ривожлантириш;
- импорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- инвестиция сиёсатини тақомиллаштириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш зоналари ва эркин иқтисодий худудларни ривожлантириш;
- ташкин иқтисодий фаолият инфратузилмасини ривожлантириш.

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим таркибий кисми давлатларнинг турли халкаро минтақавий бирлашмалари, халкаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халкаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО,

ЭКО, ОИК ва бошқалар билан хам самарали ҳамкорлик күлмөкда. Булар орасыда Европа Иттифоки алохидада ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгандан сўнг ўзининг мустакил ташки иқтисодий сиёсатини олиб бориш имконияти юзага чиқди. Республикасининг ташки иқтисодий сиёсати ҳалқаро молиявий муносабатларда мамлакат миллӣ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳолда амалга оширилади ва у қуидаги тамойилларга асосланади:

- мафкуравий қараашлардан катъий назар ташки муносабатларда ошкоралик;
- тенг ҳукуқли ва ўзаро манбаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- ўзининг миллий давлат манбаатлари устуворлигида ўзаро манбаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- республика бирон-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги тамойилига тўла амал килиш;
- тўла ишонч, ҳалқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чукурлаштириш асосида иккى томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташки алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;
- умумэътироф этилган ҳалқаро ҳукук меъёрларига риоя этиш.

Ташки савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуидаги йўналишлар устувор ҳисобланади:

биринчидан, республиканинг экспорт кудратини ривожлантириш ва янада мустахкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш;

иккинчидан, экспорт имкониятини кентайтириш, жаҳон бозорига кириб бориш учун, аввало, кимматбаҳо хом-ашёни кайта ишлаш негизида тайёрмаҳсолот ишлаб чиқарувчи қўшмакорхоналарни ривожлантириш;

учинчидан, ташки иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, ҳўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишида, ўз маҳсолотларини чет элларда сотишда кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий килиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш;

тўртинчидан, хорижий сармояларни республика иқтисодиётiga кенг кўламда жалб этиш учун зарур ҳукукий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шароитларни яратиш;

бешинчидан, ҳалқаро молиявий муносабатларнинг таркиби мажмунини вужудга келтириш;

олтинчидан, ҳалқаро ҳукук ва ҳалқаро молиявий муносабатлар соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш.

Интеграция муносабатлари, манбаатлар биркувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланади.

Таяниш сўз ва иборалар: глобал молия бозори, евроблигация, евробозор, молиявий ресурслар.

Адабиётлар рўйхати

1. Александров Е. С., Вайнштейн Д. Е., Учет финансовых инструментов в соответствии с МСФО учебное пособие Издательство: Альпина Паблишер, 2013 г. 919с.
2. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Маркетинг, 2003.
3. Бажанов С.В. Интеграция российского и международного финансового рынка. Автореферат диссертации на соискание степени доктора экономических наук. СПб.: СПБГУЭФ, 2006.
4. Жахон глобаллашуви ва молиявий хавфсизлик Ўкув қўлланма // С.Нурутдинов, Ф.Хамидова, Ф.Адилов – Т.: “Иқтисодмолия”, 2010 йил. 140 б.
5. Злата Почежерцева: Правовое регулирование рынка ценных бумаг России Издательство: Проспект, 2015 г. 176с.
6. Лялин, Воробьев, Дарушин: Рынок ценных бумаг в вопросах и ответах. Учебное пособие Издательство: Проспект, 2015 г. 336с.
7. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. /Под ред. Красавиной Л.Н. – М.: Финансы и статистика, 2007. – С.289.
8. Михайлов Д.М. Мировой финансовый рынок: тенденции и инструменты. – М.: Издательство «Экзамен», 2000. – С.150.
9. Международный финансовый рынок. / Под ред. В.А.Слепова, Е.А.Звоновой. – М.: Магистр, 2009. – С.34
10. Мухамедов Г.Т. Молия бозори ва биржа иши. “Ўзбекистон Файласуфлар миллий жамияти” нашриёти. Тошкент-2009 й. - 180 б.
11. Норман Питер Расчеты по сделкам с ценными бумагами и европейский финансовый рынок Издательство: Мани, Иванов и Фербер, 2012 г. 528с.
12. Sh.Shoxa'zamiy va boshqalar. Birja operastiyalari va brokerlik ishlari. О'кув қо'llанма.Т.: “Iqtisodmoliya”, 2010.190 б.
13. Sh.Shoxa'zamiy “Moliya bozori va qimmatli qog'ozlar”. Darslik.T.: “Fan va texnologiya”, 2012.444 б.
14. Sh.Shoxa'zamiy “Korporativ siyosat”. Darslik.T.: “Fan va texnologiya”, 2012.204 б.
15. Sh.Shoxa'zamiy Bozor asoslari. Darslik.T.: Fan va texnologiya, 2012. 212 б.
16. Уильям Нил: Как делать деньги на фондовом рынке. Стратегия торговли на росте и падении Издательство: Альпина Паблишер, 2015 г. 329с.
17. Хомитов К.З., Хамидова Ф.А. Биржа иши. Ўкув қўлланма. – Т.: “НОШИР”, 2014 йил. 216 б.
18. **Интернет сайты:**
www.mirkin.ru
www.tfi.uz
www.gov.uz
www.uzsecurities.com

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----------|
| КИРИЧ | 3 |
| I БОБ. "МОЛИЯ БОЗОРИ" ФАННИНГ МАЗМУНИ, ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ | |
| 1.1. Фаннинг мазмунни, обьекти ва предмети | 4 |
| 1.2. Молия бозорининг пайдо бўлиши ва ривожланиши | 4 |
| 1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғликлиги | 7 |
| 1.4. Молия бозори институтларининг ўрни ва ахамияти | 7 |
| 1.5. Молия бозорида биржаларининг ахамияти | 9 |
| II БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ АСОСЛАРИ | |
| 2.1. Молия бозорининг таснифи ва тавсифи | 15 |
| 2.2. Замонавий иктисаднётда молия бозорининг ўрни ва вазнфалари | 20 |
| 2.3. Бирлямчи ва иккиласми бозорлар тушунчаси, ахамияти ва тавсифи | 24 |
| 2.4. Уюшган ва уюшмаган бозорлар тушунчаси ва ахамияти | 30 |
| III БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ ИНДИКАТОРЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ | |
| 3.1. Молия бозори индикаторлари, уларнинг турлари | 35 |
| 3.2. Молия бозори индикаторларини хисоблаш механизми ва такомиллаштириш йўлларин | 36 |
| 3.3. Жаҳон молия бозори моделлари уларнинг тавсифи ва таснифи | 42 |
| 3.4. Ўзбекистонда молия бозорининг модели | 47 |
| IV БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ ЭМИТЕНТЛАРИ ВА ИНВЕСТОРЛАРИ, УЛАРНИНГ СИЁСАТЛАРИ ВА РОЛИ | |
| 4.1. Эмитентлар, уларнинг сиёсатлари ва молия бозоридаги роли | 50 |
| 4.2. Инвесторлар, уларнинг сиёсатлари ва молия бозоридаги роли | 53 |
| V БОБ. МОЛИЯ БОЗОРИ ИНСТРУМЕНТЛАРИ ВА КИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР ТУРЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ | |
| 5.1. Молия бозори инструментлари таснифи ва тавсифи | 57 |
| 5.2. Улуси муносабатини ифодаловчи кимматли қоғозлар | 59 |
| 5.3. Қарз муносабатини ифодаловчи кимматли қоғозлар | 64 |
| 5.4. Ҳосилавий кимматли қоғолар турлари | 72 |
| VI БОБ. МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР ТАХЛИЛИ | |
| 6.1. Молия бозорида инвестиция даромадлилигини баҳолаш | 79 |
| 6.2. Кимматли қоғозларниң кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш | 84 |
| VII БОБ. КИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ | |
| 7.1. Профессионал иштирокчиларниң умумий хусусиятлари. Инвестиция воситачиши (брокер ва дилшерлар) | 88 |
| 7.2. Инвестиция маслаҳатчиси | 90 |
| 7.3. Инвестицион фонdlар | 91 |
| 7.4. Трансфер агент | 93 |
| 7.5. Ҳисоб-китоб клиринг палатаси | 96 |
| 7.6. Кимматли қоғозларни биржадан ташқари савдолари ташкилотчиси | 97 |
| VIII БОБ. КИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР РЕЙТИНГИ ВА ИНДЕКСЛАР | |
| 8.1. Кимматли қоғозлар рейтинглари ва рейтинг тушунчаси | 100 |
| 8.2. Акциялар ва облигациялар рейтинглари Moodys, Standart & Poors | 102 |
| 8.3. Кимматли қоғозлар индекслари хусусиятлари ва уларнинг мазмунни | 104 |
| 8.4. Минлий ва халкаро фонд бозори индекслари | 105 |

| | |
|---|-----|
| IX БОБ. МОЛНЯ БОЗОРИ ИНСТИТУТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ЎРНИ | |
| 9.1. Тижорат башларнинг молия бозорида тутган ўрни ва роли | 110 |
| 9.2. Сугурта ташкилотларининг молия бозорида тутган ўрни ва роли | 115 |
| 9.3. Давлат молия институтларининг молия бозорида тутган ўрни ва аҳамияти | 117 |
| 9.4. Халқаро молия институтларининг молия бозорида тутган ўрни ва аҳамияти | 118 |
| Х БОБ. ФОНД БИРЖАСИ ВА УНИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ | |
| 10.1. Фонд биржасининг вужудга келишкунг тарихий асослари ва унинг муҳим муассаса сифатига юзага чиқиш | 122 |
| 10.2. Фонд биржасининг моҳияти ва фаолиятининг ўзиға хос ҳусусиятлари | 124 |
| 10.3. Биржа саводларини ўтказиш механизмлари (биржа ва биржалан ташкари, электрон савдолар) | 129 |
| 10.4. Акцияларни очик обуна тартибида халқаро фонд биржаларнга жойлаштириш (IPO – Initial Public Offering) ва листинг ва делистинг жараёнлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар | 134 |
| 10.5. Жаҳон амалиётида фонд биржаларининг фаолияти ва халқаро глобаллаган йирик фонд биржалари | 143 |
| XI БОБ. БИРЖАДАГИ БИТИМ ВА ОПЕРАЦИЯЛАР | |
| 11.1. Биржа битими тушунчаси, таснифи ва тавсифи | 153 |
| 11.2. Биржадаги операцияларининг моҳияти ва турлари | 155 |
| 11.3. Биржадаги битим ва операцияларни амалга ошириш тартибининг жаҳон тажрибаси | 159 |
| XII БОБ. МОЛНЯ БОЗОРН РИСКЛАРИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ПОРТФЕЛИНИ БОШКАРИШ | |
| 12.1. Молия бозори рисклари, уларни баҳолаш ва бошкариш | 163 |
| 12.2. Инвестицион жараёнда юзага келадиган рисклар | 164 |
| 12.3. Портфели инвестициялашда қимматли қоғозларнинг роли. Қимматли қоғозлар портфели тушунчаси ва асосий ҳусусиятлари | 169 |
| 12.4. Қимматли қоғозларга инвестицияларни киритиш билан бөглиқ рискларни бошкариш | 172 |
| XIII БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ АСОСЛАРИ | |
| 13.1. Акциядорлик жамияти тушунчаси ва унинг ҳукукий асослари | 175 |
| 13.2. Акциядорлик жамияти фаолиятини тартибга солиш ва бошкарув органларини тузилиши | 177 |
| 13.3. Қимматли қоғозлар эмиссияси бўйича қарор кабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш | 184 |
| 13.4. Акциядорлар ҳукуклари | 186 |
| 13.5. Акциядорлик жамиятини қимматли қоғозларга тўловлар | 187 |
| XIV БОБ. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ | |
| 14.1. Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солинишнинг асосий йўналитлари | 190 |
| 14.2. Ўз-ўзини бошкарувчи ташкилотлари | 192 |
| XV БОБ. ЖАҲОН МОЛНЯ БОЗОРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ | |
| 5.1. Жаҳон молия бозорининг ривожланишинги тенденциялари ва муаммолари | 198 |
| 5.2. Халқаро молия бозорларидаги операциялар | 206 |
| 5.3. Ўзбекистон молия бозорининг жаҳон молия бозорига интеграциялашуви масалалари | 209 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР | 221 |

МОЛИЯ БОЗОРИ

(Ўқув кўлланма)

Самарканд – “Зарафшон” – 2018

Босимга руҳсат этидан 30.08.2018. Лолингяло в нечта 30.10.2018. Формат 60x84 ¼₁₆
«Times New Roman» гарнитураси. Оғсан босма усулиди босилди. Шартсан босма табоби 13,5.
Тиражи 100 нусха. Буюртма №447.

“Зарафшон” изишвиёти
140100, Самарканд шаҳри, У.Турсумов кўчаси, 80 - ўй

